

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАҚСАД ИСАБАЕВ

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА
СИЁСИЙ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

Монография

ТОШКЕНТ - 2018

УЎК: 342(575.1)
КБК: 67.4(5Ў)

Исабаев М.Б. Давлат бошқарувида сиёсий қарорлар қабул қилиш: назария ва амалиёт. Монография. – Т.: Иқтисодиёт дунёси, 2018. – 212 б.

Мазкур монографияда сиёсий қарор тушунчаси, давлат бошқаруви соҳасида қарорлар қабул қилиш жараёнлари, босқич ва усуллари тадқиқ этилган. Олий давлат ҳокимияти органларидан тортиб то маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қарорлар қабул қилиш, унда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки ва жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий механизмлари ёритилган.

Ушбу монографияда келтирилган маълумотлардан давлат бошқарувида доир тадқиқотларни тайёрлашда, олий ўқув юртлири талабаларини ўқитишда, таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар тайёрлашда, шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолиятида, турли семинар-тренинглр, давра суҳбатларини ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Масъул муҳаррир: Файзуллаев Турсунбой
сиёсий фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: Дехканов Наримон Бурхонжонович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ғофуров Низомжон Октябрович
тарих фанлари номзоди

Наманган давлат университети Кенгашининг 2017 йил 30 ноябрдаги 5-сонли мажлис қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN: 978-9943-5223-1-2

УЎК: 342(575.1)
КБК: 67.4(5Ў)

© “Иқтисодиёт дунёси” нашриёти, 2018.
© М.Б. Исабаев, 2018.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	4
I боб. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СОҲАСИДА СИЁСИЙ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	12
1.1. Сиёсий қарор тушунчаси, турлари, вазифалари ва уни қабул қилиш жараёнига оид ёндашувлар.....	12
1.2. Давлат бошқаруви соҳасида қарорлар қабул қилинишига доир ижтимоий-сиёсий қарашлар.....	37
1.3. Давлат бошқарувида қарорлар қабул қилиш жараёни: моделлар, усуллар ва асосий босқичлар.....	46
1.4. Давлат бошқарувида сиёсий қарорларнинг қонун шаклида намоён бўлиши.....	69
II боб. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ	94
2.1. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимининг сиёсий ва ҳуқуқий асослари.....	94
2.2. Маҳаллий ижроия органлари фаолиятини ташкил этишда бошқарув қарорларининг ўрни.....	103
2.3. Маҳаллий вакиллик органи томонидан қарорлар тайёрлаш ва уни қабул қилишда партия гуруҳларининг иштироқи.....	110
2.4. Халқ депутатлари Кенгаши фаолиятида қарорнинг ижросини ташкил этиш ва назорат қилишнинг сиёсий-ҳуқуқий механизмлари.....	126
III боб. ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ	140
3.1. Давлат қарорларини қабул қилишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироқи.....	140
3.2. Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий муҳим қарорлар қабул қилиш тизимидаги роли.....	151
3.3. Сиёсий қарорлар қабул қилишда сиёсий партияларнинг жамоат ташкилоти сифатидаги иштироқи.....	154
3.4. Давлат бошқарув соҳасида қарорлар қабул қилиш жараёнига манфаат гуруҳлари ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг таъсири.....	161
3.5. Жамоатчилик назорати орқали давлат бошқарув қарорлари ижросини таъминлаш.....	172
3.6. Самарали қарор қабул қилиш жараёни ва унинг ижросини такомиллаштириш истиқболлари.....	178
ХУЛОСА	189
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	200

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришганидан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқарувини модернизация қилиш, демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Энг асосийси, жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнлари изчил давом эттирилмоқда. Қайси соҳа ёки тармоқда бўлмасин, долзарб муаммолар аҳолимиз билан очиқ муҳокама қилиниб, уларнинг ечими топилмоқда. Барча қарорларимиз халқимизнинг фикр-мулоҳазалари ва мурожаатлари асосида қабул қилинмоқда¹. Фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлашда бугунги кунда сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ролини янада кучайтириш ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Яъни, тараққиётнинг бугунги ҳолати ижтимоий-сиёсий жараёнларда самарали қарорлар қабул қилишни талаб этмоқда. Зеро, сиёсий қарорлар ижтимоий-сиёсий вазиятларни ҳал қилиш, жамиятдаги тангликни йўқотиш, самарали ва барқарор бошқарувни ташкил этишга хизмат қилади. Уларни ўрганиб амалиётда қўллаш сиёсий ўзгаришларни тадқиқ этиш, уларга фаол таъсир кўрсатиш ва ижтимоий фойдали натижага эришиш имконини беради. Бу эса шиддатли янгиланишлар оқимидан иборат бугунги даврда самарадор сиёсий қарорларга эришиш учун ушбу сиёсий қарорларнинг бевосита қабул қилиниш жараёнини ўрганиш, таҳлил қилиш лозимлигини кўрсатмоқда. Чунки, қабул қилинган сиёсий қарорларни ҳаётда изчиллик, қатъиятлилиқ билан амалга ошириш, жамиятни турли-туман иллатлардан, хасталиклардан тозалаш борасида юритилаётган сиёсатнинг асосий функциясидир. Бу вазифа ижтимоий ҳаётда амалга оширилмасдан қолар экан, унда жамиятнинг мустаҳкам хавфсизлигига, барқарорлигига, тинч-тотувлигига, фаровонлигига, бахт-саодатига эришиб бўлмайди. Президент Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек: “... дастурлар, қонунлар, қарорлар ҳаётда амалда ижро этилганда ва жамият турли-туман иллатлардан тозалангандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Ҳозирда

¹Мирзиёев Ш. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маъруза. 2017 й. 12 июль // www.uz.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017

тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишда юзаки ёндашувга йўл қўйилмоқда”¹.

Дарҳақиқат, бугунги кунда республиканинг барча ҳудудларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича камчилик ва муаммолар мавжудлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу боис ҳам ушбу мавзунини татқиқотимиз объекти қилиб олишимиз қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

биринчидан, Ўзбекистонда сиёсий институт ва жараёнлар тарихида сиёсий қарорлар қабул қилиш назарияси ва унинг самарадорлигига эришиш билан боғлиқ амалий тажриба ҳозирга қадар махсус ўрганилмаган;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва Ҳукумат қарорларида белгиланган аниқ топшириқлар ва вазифаларни бажаришда сусткашлик ва интизомсизлик ҳолатлари мавжуд;

учинчидан, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг зиммасига ҳужжатлар билан ишлашни ва уларнинг ижросини назорат қилишни ташкил этишнинг таъсирчан, самарали тизимини яратиш бўйича функционал вазифалар юкланган айрим таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва мутахассисларида тажриба ва зарур иш маҳорати етишмайди;

тўртинчидан, айрим вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг раҳбарлари тушган ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш юзасидан ўз вақтида, чуқур ишлаб чиқилган ва пухта асосланган қарорлар қабул қилиш ўрнига ушбу ҳужжатларга умумий тусдаги резолюциялар қўйиш ва топшириқлар бериш билан чекланмоқда. Шунингдек, кўпчилик раҳбарларнинг мураккаб муаммоларни кабинетдан чиқмасдан, “... жойлардаги ишлар қандай аҳволда эканини чуқур ўрганмасдан ҳал этишга одатланиб қолган”²;

бешинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ўз қарорларини шаҳар, туман ҳокимликларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга тезкорлик билан етказиб беришда сусткашликлар мавжуд;

олтинчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг амалдаги тизими қабул

¹ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, катъий тартиб ва интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 10-б.

² Ўша жойда. 10-б.

қилинаётган қарорларнинг ижросига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни таъминламаяпти¹.

Ишимизни тўғри ташкил этиш, унинг самарадорлигини таъминлаш, бутун бошқарув тизими фаолиятини сифат жиҳатидан замон талаблари даражасига кўтаришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Бироқ, йўлимизда қандай тўсиқ ва қийинчиликлар, кескин ва долзарб муаммоларга дуч келсак ҳам, шошма-шошарлик билан, пала-партиш қарорлар қабул қилишга, яхши ўйлаб кўрилмаган хатти-ҳаракатларга йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ². Шу сабабли мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида қарорлар қабул қилиниши ва ижро этилишини янада яхшилаш лозим. Демакки, вакиллик ва ижро органларида қарорлар қабул қилиш жараёни таҳлили ва унинг самарадорлигини ошириш мамлакатимиздаги айни бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон сиёсий фанида қарор қабул қилиш назарияси ва амалиётининг у ёки бу жиҳатларини ўрганишга бағишланган бир қатор ишлар мавжуд. Хусусан, Ғарб олимлари Р. Акофф, В. Н. Спицнадель, М. Эддоус ва Р. Стендфилдларнинг асарларида³ қарорлар қабул қилиш жараёнига оид назарий фикрлар ва амалий кўрсатмалар салмоқли ўрин эгаллаган. Бироқ, ушбу асарлар асосан бошқарувчи-менежерлар учун мўлжалланган бўлиб, бу манбаларда қарорлар қабул қилиш жараёни сиёсий фан нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган. МДҲ доирасида С. Г. Турунок, А. А. Дегтяров, Т. Клементевич, А. И. Соловьев, Л. Г. Евланов, О. И. Ларичев, Ю. Козелецкий каби олимлар⁴ маҳаллий давлат ҳокимияти органларида сиёсий қарорлар қабул қилишнинг структураси ва жараён таҳлилларини; А.И. Соловьёвнинг “Политология, сиёсий

¹“Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. –№37. 979-модда.

²Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016.

³Акофф Р. Искусство принятия решений. – М., 1982; Спицнадель В. Теория и практика принятия оптимальных решений. – Санкт-Петербург, 2002.

⁴Турунок С.Г. Политический анализ: Курс лекций: Учеб. пособие. – М.: Дело, 2005. – 360 с; Дегтярев А.А. Теория принятия политических решений в структуре социальных и управленческих дисциплин //полис. 2002. № 2; Клементевич Т. Процесс принятия политических решений //Элементы теории политики. Р-Д., 1991. С. 385-389; Соловьев А.И. Политология: Политическая теория и политические технологии: учебник для студентов вузов. – М.: Аспект Пресс. 2000.; Евланов Л.Г. Теория и практика принятия решений. –М., 1984; Ларичев О.И. Теория и методы принятия решений. – М., 2000.

назария, сиёсий технологиялар” китоби, В. Кноррингнинг “Бошқарув назарияси, амалиёти ва санъати” номли асари, Д.П. Зеркин ва В.Г. Игнатовларнинг “Давлат бошқаруви назарияси асослари” деб номланган китоби, Г.В. Пушкареванинг “Сиёсий менежмент” номли асарларида¹ эса бошқарув соҳасида сиёсий қарор қабул қилиш жараёнининг моҳияти ва хусусиятлари очиб берилган.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органларида сиёсий қарорлар тайёрлаш ва қабул қилиниш масалаларига оид биринчи Президент И.А. Каримов²нинг нутқ ва маърузаларида муҳим фикрлар билдирилган. Бу борада кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг қаторига Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати регламенти тўғрисида”ги, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият органларини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори, “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари тўғрисида”ги муваққат Низом, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари “Иш тартиби” ҳамда доимий комиссиялари тўғрисидаги Низомларни киритишимиз мумкин. Маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларини ёритиб берувчи қатор асарлар муаллифларини, жумладан, Ш.Х. Файзиев, Н. Умарова, У. Ислombeков ва А. Тулагановларни³ кўрсатишимиз мумкин.

Давлат ҳокимияти органларининг жамият ҳаётида тутган ўрни масаласини илмий тадқиқ қилишга бағишланган номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Масалан,

¹Соловёв А.И. Политология, политическая теория, политические технологии. – М.: Аспект Пресс, 2001.; Игнатов В. Основы теории государственного управления. – М.: Тесса, 2000.

²Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997; Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1992; Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000; Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон, 1995.

³Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий асослари (амалий қўлланма) /Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Ш.Х. Файзиев. – Т., 2008; Умарова Н., Ислombeков У. Сиёсий технологиялар (ўқув қўлланма). – Т.: Академия, 2007; Тулаганов А. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. – Т.: ТДЮИ, 2006.

Ш.И. Жалиловнинг илмий ишида¹ маҳаллий ҳокимият органлари ислоҳотига оид жараёнлар, И. Жўраевнинг номзодлик диссертациясида² маҳаллий ҳокимият органларининг аҳолини ҳуқуқий тарбия қилиш борасидаги фаолияти, Г.А. Алимовнинг илмий ишида³ Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти, жумладан, маҳаллий ҳокимият органларининг мақоми ва улар фаолиятини такомиллаштириш масалалари, Я. Олламовнинг номзодлик диссертациясида⁴ маҳаллий ҳокимият органларининг асосий функциялари тадқиқ этилган. О.Т. Хусановнинг илмий ишларида⁵ эса маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, уларнинг бошқа сиёсий институтлар билан муносабатлари атрофлича ёритилган.

Айни чоғда мамлакатимизда олий ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг у ёки бу жиҳатларини тадқиқ этувчи қатор илмий ишлар қилинганлигини эътироф этиш билан бирга мазкур давлат ҳокимияти органлари томонидан сиёсий қарорларни қабул қилишнинг самарадорлигини ошириш ҳамда қарорлар қабул қилишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки ва жамоатчилик назоратини амалга оширилиши масалаларини атрофлича таҳлил этган адабиётлар етарли эмас.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органларида қарор қабул қилишнинг самарадорлигини ошириш йўллари, уларда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш ҳамда уларни амалга оширишда жамоатчилик назоратини олиб бориш бўйича илмий изланишлар олиб бориш, тадқиқотлар ўтказиш ва уларни таҳлил қилиш ҳам эҳтиёж, ҳам заруратдир.

Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёни моҳиятини ўрганиш ҳамда самарали қарорлар қабул қилиш модел ва алгоритмларини кўриб чиққан ҳолда давлат бошқарувида оптимал сиёсий қарор қабул қилиш механизмларини

¹Жалилов Ш. И. Реформа местных органов государственной власти в Узбекистане (1990-1994 гг) Дисс. на соис. уч. степ. док. юрид. наук. – Т., 1994; Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар. – Т.: Ўзбекистон, 1994.

²Жўраев И. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий давлат органларининг аҳолини ҳуқуқий тарбия қилиш бўйича фаолияти. Юрид.ф.н.илмий дар. олиш учун ёзилган дисс. – Т., 1993.

³Алимов Г.А. Теоретические проблемы совершенствования статуса и деятельности органов государственной власти в Республике Узбекистан. Автореф. на соис.уч. степ. канд. юрид. наук. – Т.,1997.

⁴Олламов Я.Й. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият тизими (назарий-ҳуқуқий муаммолар). Юрид. ф.н. илмий дар. олиш учун ёзилган дисс. Автореф. – Т., 2001.

⁵Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти асослари: ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар. Юридик. ф. д. илмий дар. олиш учун ёзилган дисс., – Тошкент, 1995; Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимияти. – Т., 1996; Ўзбекистон Республикаси давлат органлари. – Т.: Шарқ, 1996.

кўрсатиш, ушбу жараёнда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг юқоридаги мақсадларидан келиб чиқиб, қуйидагилар асосий вазифалар этиб белгиланди:

Сиёсий қарор тушунчаси, турлари ва уни қабул қилиш жараёнига оид ёндашувлар, сиёсий ва бошқарув қарорлари ҳамда уларнинг ўзаро фарқли хусусиятларини тадқиқ этиш, бошқарув қарорлари қабул қилишда психологик омиллар ҳамда ахборот қарор қабул қилиш жараёнининг асосий фактори сифатида кўриб чиқилади;

Давлат бошқаруви соҳасида сиёсий қарор қабул қилиш жараёни, унинг босқич ва услублари, унга доир ижтимоий-сиёсий қарашлар, қабул қилиш жараёнларига манфаат гуруҳлари ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг таъсирини тадқиқ қилиш;

Давлат ҳокимияти органлари: олий ва маҳаллий органларни қарор қабул қилувчи институт сифатида таҳлил этиш, маҳаллий ҳокимият органларида сиёсий қарор қабул қилишнинг босқичи ва моделлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар томонидан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир қарорлар қабул қилиши, унинг ижросини ташкил этиш ва назорат қилишнинг сиёсий-ҳуқуқий механизмларини тадқиқ этиш;

Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий муҳим қарорлар қабул қилиш тизимидаги ролини ошириш, давлат қарорларини қабул қилишда уларнинг иштирокини янада кенгайтириш, кучли жамоатчилик назоратини давлат бошқарув қарорлари ижросининг асосий омили сифатида тадқиқ этиш;

Ўзбекистон Республикасида самарали қарор қабул қилиш жараёнини такомиллаштиришдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечими билан боғлиқ таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, маърузалари ва чиқишлари, фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ҳамда сессия материаллари, Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви идораларининг расмий ҳужжатларидан назарий ва услубий манба сифатида фойдаланилди. Тадқиқотда келтирилган назарий хулосаларни чуқурлаштириш мақсадида шарқ мутафаккирлари мероси асарларига, Ўзбекистон Республикасининг, МДХ давлатларининг ҳамда ғарб давлатларининг

кўзга кўринган сиёсатшунос олимлари асарларига, ушбу йўналишда тўпланган жаҳон илмий салоҳиятига таянилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, Ўзбекистонда қарор қабул қилувчи институтлар сифатида нафақат парламент, давлат ҳокимияти ижро ва вакиллик органлари, балки нодавлат ноижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳам алоҳида субъект сифатида тадқиқ этилди. Бундан ташқари тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

сиёсий қарор қабул қилишнинг асосий моделлари, концептуал асослари ҳамда уларни давлат ҳокимият органлари томонидан қабул қилинишида самарали механизмлардан фойдаланиш ва истиқболни белгилаш тўғрисида амалий таклиф ва тавсиялар берилди;

Давлат аҳамиятига доир самарали қарорлар қабул қилиш тажрибасини тадқиқ қилиш нафақат илмий, балки мустақиллик йилларида сиёсий жараёнлар орқали амалга оширилган туб ислохотлар моҳиятини очиқ бериш, жумладан, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ҳамда унинг фаолият юритиш тамойилларида тўпланган тажрибанинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беришда муҳим аҳамият касб этади;

Давлат бошқаруви соҳасида қабул қилинадиган қарорларни қабул қилувчи субъектларига кўра иккига ажратиб, яъни вакиллик ва ижро органларда қабул қилинадиган қарорларининг бошқа-бошқа тушунчалар эканлиги кўрсатиб ўтилди;

қарорлар қабул қилувчи идора фақатгина давлат олий бошқарув органлари эмас, балки яна бир бошқа маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳам қабул қилиниши таъкидлаб, маҳаллий ҳокимиятларни қарорлар қабул қилувчи алоҳида қуйи бўғин сифатида кўриб чиқилди;

қарор қабул қилишда нодавлат ноижорат ташкилотларининг иштироки ҳамда улар жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги энг муҳим институтлардан бири эканлиги кенг ёритилди.

Республикада амалга оширилган сиёсий ислохотлар, давлатнинг бошқарув соҳасидаги ваколатларининг қисқариши, уларнинг фуқаролик жамияти институтларининг қўл остига ўтиб бориши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қарорлар қабул қилиш жараёнида сиёсий партиялар ҳамда жамоатчилик, яъни фуқаролик жамияти институтларининг кенг иштирок этиш каби жараёнлар манбалар асосида очиқ берилди.

Давлат ҳокимияти ва ноҳукумат ташкилотларнинг қарор қабул қилиш жараёнидаги фаолиятини самарали амалга оширишга доир мавжуд муаммолар бўйича хулосалар берилди, ўрганилаётган муаммонинг ижобий ечимига хизмат қиладиган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтларида қарорлар қабул қилиш жараёнидаги фаолиятини ривожлантириш, фуқароларни кенгроқ иштирок этишини таъминлаш ҳамда бу борадаги фаолиятларини янада такомиллаштиришга бағишланган мазкур иш натижаларидан тадқиқотчилар, олий ўқув юрти талабалари, кенг илмий жамоа ўзларининг илмий тадқиқот ишларида, “Сиёсий менежмент” ва “Маъмурий давлат бошқаруви асослари”, “Фуқаролик жамияти асослари”, “Тизимли қарорлар қабул қилиш” ҳамда “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанларидан амалий машғулот ва маърузалар ўтказиш жараёнларида, шунингдек, давлат ва жамият қурилиши соҳаси бўйича махсус курслар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

I боб. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СОҲАСИДА СИЁСИЙ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Сиёсий қарор тушунчаси, турлари, вазифалари ва уни қабул қилиш жараёнига оид ёндашувлар

Ҳозирги кунда қарор тушунчаси, моҳияти тўғрисида турли қарашлар ва унга нисбатан кўплаб ёндашувлар мавжуд бўлиб уларни турлича талқин қилиш мумкин. Қарор – бу бирламчи инсоний хоҳишни марказлашган ҳолда ифодалаш. Қарор – бу доимий танлов акти. Шахс ёки гуруҳ аъзоларининг ҳаракатидан олдин қабул қилинади¹. Қарор – бу альтернатив (мақбулини) танлаш. Қарор қабул қилиш бошқарув функциясининг асосий қисми бўлиб, ҳар хил турдаги ташкилотларни бошқаришнинг интеграл қисми ҳисобланади². Шунга яқин яна бир қараш мавжуд бўлиб, унда қарор бу қулай маъқул йўлни танлашдир³, – деб таърифланади.

Сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёни сиёсат субъектларининг давлат ҳокимияти билан боғлиқ мақсадга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари йиғиндисидан иборат. “Қарорлар қабул қилиш” атамаси илк бор XX асрнинг 30-йилларида амеркалик олимлар Ч. Бернارد, Э. Стин ва бошқалар томонидан қўлланилган. Ўша пайтда улар ижтимоий ва ташкилий жараёнларни номарказлаштиришни таърифлашда бу атамадан фойдаланишган. XX асрнинг 60-йилларида эса бу назария Г. Саймон ва Д. Марч томонидан янада ривожлантирилди⁴.

Муаммони аниқлашда қарорлар қабул қилиш усули Л. Канторович, Г. Данциг, Х. Кун, А. Такер⁵лар томонидан дастлаб ўрганилган. Жумладан, Л.Канторович анъанавий энг қулай режа ишлаб чиқариш бўйича вазифалар ва классик муаммоли баъзи қарорлар учун чизикли метод дастурини ишлаб чиқди. Кейинроқ унинг қарор учун чизикли дастур вазифаларини Г. Данциг⁶ умумлаштириб, уни қайта ишлади. Х. Кун ва А. Такерлар⁷ кам

¹Bondar A. Decyzje polityczne. Elementy teorii. Warszawa, 1995. – P. 5.

²Мескон М., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. – М.: Дело, 1992. – С. 38.

³Лобанов В.В. Государственное управление и общественная политика: Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2004. – С. 144-145.

⁴Умарова Н., Ислombeков У. Сиёсий технологиялар: ўқув қўлланма. – Т.: Akademiya, 2007.

⁵Kantorovich L.V. A new method of solving some classes of extremal problems // Доклады Академии Наук СССР. Vol. 28. 1940. – pp. 211-214.

⁶Dantzig G. Application of the simplex method to a transportation problem, in: T. Koopmans. (Ed.). Activity Analysis of Production and Allocation. – New York: John Wiley and Sons, 1951. – pp. 359-373.

⁷Kuhn H. W. & Tucker A. W. Nonlinear programming // Proceedings of 2nd Berkeley Symposium. – Berkeley: University of California Press, 1951. – pp. 481-492.

харажатли ва юқори даромадларини ишлаб чиқиш вазифасини яқунлаб, қарорлар учун чизиқли метод дастурини аниқлаштирди. Кўп қиррали муаммоларни асосли тадқиқ этиш жараёни XX асрнинг 50-йилларида бошланиб, токи 60-70 йилларгача давом этди. Р. Кини, Х. Раиффи, Р. Штойера, К. Карлсон, Р. Фуллер ва Т. Саатиларнинг¹ илмий ишларида муаммоли вазифаларни аниқлашда қарорлар қабул қилишнинг кенг усуллари тадқиқ этилди.

XX асрнинг 40-йилларида бошлаб Д. Нейман ва О. Моргенштернлар² томонидан икки ва ундан кўп қатнашчи иштирок этадиган вазиятли конфликтларда қарорлар қабул қилиш усуллари ўрганилди. Улар ўйинлар назарияси деб аталган оммабоп назарияни яратди. Кейинчалик ушбу назария Д. Нэш³ томонидан ривожлантирилди. Мазкур назария бугунги кунда иқтисодий, сиёсий, психологик ва бошқа қарорлар учун тадбиқ этилмоқда. Р. Зельтен⁴ иерархияли ўйиннинг баъзи усули учун Д. Нешнинг назариясини қўллаган бўлса, Д. Харсани⁵ тўлиқсиз ахборотли (байесовски) ўйин назариясини ишлаб чиқди. Р. Ауман ва М. Машлер⁶ тўлиқсиз ахборотли ўйин ўзгариши назарияси устида ишлашди.

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб А. Вальдва Л. Гурвичлар⁷ барча муаммоли вазиятларда қарорлар қабул қилишга оид тадқиқотларни ташкил этиш бўйича дастлабки ишларни амалга ошира бошлашди. Айниқса, қарорлар қабул қилиш моделлари ва назарияси доирасидаги кўплаб мулоҳазаларни П. Кин, М. Скотт - Мортон, Г. Хубер, Т. Дас ва Б. Тенгларнинг⁸ илмий ишларида

¹Keeney R. & Raiffa H. Decisions with multiple objectives: preferences and value tradeoffs. – New York John: Wiley & Sons, 1976; Steuer R. Multiple Criteria Optimization: Theory, Computation and Application. - New York John: Wiley & Sons, 1985; Carlsson C. & Fuller R. Interdependence in fuzzy multiple objective programming // Fuzzy Sets and Systems. 1994. Vol. 65. – pp. 19-29; Multiple criteria decision making: the case for interdependence // Computers Operations Research. 1995. Vol. 22. – pp. 251-260; Saaty T. Decision Making with Dependence and Feedback: The Analytic Network Process. – Pittsburgh: RWS Publications, 1996.

²Neumann J. & Morgenstern O. Theory of games and economic behavior. – Princeton: Princeton university press, 1944.

³Nash J. Equilibrium points in n-person games // Proceedings of the National Academy of Sciences. Vol. 36. 1950. – P. 48-49; Non-Cooperative Games // The Annals of Mathematics. Vol. 54. 1951. – pp. 286-295.

⁴Selten R. Spieltheoretische Behandlung eines Oligopolmodells mit Nachfragergleichheit. // Zeitschrift für die gesamte Staatseissenschaft. Vol. 12. 1965. S. 301-324; Reexamination of the Perfectness Concept for Equilibrium Points in Extensive Games. // International Journal of Game Theory. Vol. 4. 1975. – pp. 25-55.

⁵Harsanyi J. Games with Incomplete Information Played by “Bayesian” Players. Part I. The Basic Model // Management Science. 1967. Vol. 14.

⁶Aumann R. & Maschler M. Repeated Games with Incomplete Information. – Cambridge London: MIT Press, 1995.

⁷Wald A. Asymptotic minimax solutions of sequential estimation problems // Proc. Second Berkeley Symp. On Math. Stat. and Probability. – Berkeley and Los Angeles: University of California Press, 1950. – pp. 1-11; Hurwicz L. Optimality Criteria for decision-making under ignorance // Cowles Commission Paper. 1951. No. 370.

⁸Keen P. & Scott Morton M. Decision support systems: An organizational perspective. – Addison – Wesley: Reading (MA), 1978; Huber G. The nature of organizational decision making and the design of decision support systems // Management Information Systems. June 1981; Das T. & Teng B. Cognitive biases and strategic decision processes: An integrative perspective // Journal of Management Studies. 1999. Vol. 36. – pp. 757-778.

учратамиз. Уларнинг ишларида қарорлар қабул қилиш назарияси доирасида охириги кўплаб муваффақиятларга эришилди.

Сўнги вақтларда амалий характерга эга бўлган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Уларда қарорлар қабул қилиш методлари ҳамда уни амалий фаолиятда қўллашнинг усуллари назарий тартибга солиб тадқиқ этилди. Жумладан, Д. Андерсон, Д. Свини, Т. Уильямс, К. Мартин ва Б. Рендер, Р. Стэйр, М. Хенналар¹ томонидан бизнесни бошқариш учун қулай методлар ўрганилди.

Ҳозирги кунда иқтисод, социология, сиёсий фанларга оид ижтимоий жараёнларни турли йўналишлари илмий ишлаб чиқилмоқда. Сиёсий қарор сўзи моҳияти тўғрисида турлича фикрлар билдириб келинмоқда. Бу борадаги қарашларни қуйида келтириб ўтамиз.

Сиёсий қарор бу сиёсатчилар оламида айнан сиёсий натижаларга эришиш мақсадида сиёсий ҳаракатларни амалга оширишдир². Бу сиёсий ҳаракатларнинг субъекти томонидан қабул қилинади. Сиёсий қарор бу ҳеч бўлмаганда амалга ошириш мумкин бўлган икки сиёсий ҳаракатлардан бирини танлашдир³. Сиёсий қарор бу ҳокимиятнинг амалий фаолияти билан боғлиқ вазифалар, босқичлар, воситаларни белгиловчи жараён бўлиб, сиёсий ҳокимиятни ижтимоий жараёнларни бошқаришга айлантириш технологиясидир⁴. Сиёсий қарор бу сиёсий ташкилотнинг мақсадини акс эттирувчи сиёсий фаолиятнинг йўналтирилган ифодасидир ёки сиёсий вазиятда ўзгаришни амалга ошириш сиёсати ҳисобланади⁵.

Назаримизда, сиёсий қарорни амалга оширишда муҳим ролни унинг оқибатларини баҳолаш ўйнайди. Бу эса, сиёсий фаолиятнинг самарадорлиги масаласини кўяди. Сиёсий ташкилотнинг ҳар кунги сиёсий фаолиятида унинг бошлиқлари ва бошқа қатнашчилари ҳар доим сиёсий ёки бошқарув қарорларни қабул қилиш зарурати билан тўқнаш келадилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, у билан бирга ишлаб чиқарув қарорларини ҳам қабул қиладилар. Бу қарорлар сиёсий ташкилотнинг

¹ Anderson D., Sweeney D., Williams T. & Martin K. Quantitative Methods for Business. – Mason: Thomson South-Western, 11 ed, 2008; Render B., Stair R. & Hanna M. Quantitative Analysis For Management. – New York: Pearson, 11 th edition, 2012.

² Политический словарь. В двух ч. 2. – М.: РАН, 1994. – С. 64-65.

³ Элементы теории политики. Ростов-на-Дону: Издательство Ростовского университета, 1991. – С. 387.

⁴ Замоновий сиёсатшунослик: назария ва амалиёт (ўқув қўлланма). – Т.: ЖИДУ тинчлик таълими ва маданиятлараро ҳамжиҳатлик маркази, 2008. – Б. 67-68.

⁵ Латфуллин Р. Г., Новичков Н. В. Политическая организация: Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2007. – С. 217.

маҳсулоти билан боғлиқдир. Бундан ташқари сиёсий ташкилотнинг фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган технологик қарорларни бошқарув, сиёсий, ишлаб чиқариш характериға эға бўлган турли функционал қарорларни (кадрлар бўйича, молиявий, мазмуний) қабул қиладилар¹.

Сиёсий қарорларни тузиш жараёни технологияси:

1. Муаммони ўрганиш;
2. Дастлабки маълумотлар таҳлили;
3. Қулай (маъқул) усулни танлаш ва уни ҳар томонлама баҳолаш;
4. Қарор қабул қилиш;
5. Режалаштирилган реализацияни бажариш;
6. Бажаришни назорат этиш;
7. Натижани баҳолаш.

Сиёсий қарорлар туркумларини амалга оширишда тизимли белгилари бўйича қуйидагиларға ажратиш мумкин:

Қарор қабул қилиш субъектларига кўра:

- қонунчилик жараёни билан боғлиқ қарор, парламентаризм жараёнини ўрганиш учун баъзи бир муҳим таҳлиллар;
- давлат органлари қарори, тезкор ва самарали бошқарув учун асосий маънони аниқлашчи меъёрий ҳужжат шакли;
- сиёсий партиялар томонидан қабул қилинган қарор, электорат, жамият гуруҳ манфаатларини ифода этиш шакли сифатида;
- маҳаллий ҳокимият қарори, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларни келиштирувчи механизми сифатида.

Ижтимоий манфаатлар интеграциясига кўра:

- ижтимоий ҳаётнинг алоҳида соҳаси ривожининг дастурлари тўғрисида;
- сайлов кампаниясини ўтказиш тўғрисида;
- турли аҳоли қатламлари ҳимояси тўғрисида;
- ҳудудий-миллий тузилиши ва бошқалар².

Қарорлар бошқарув, иқтисодий, мафкуравий ва дипломатик қарорлар бўлиши мумкин. Лекин, уларнинг ҳар бирида “сиёсий” таркиб учрамайди.

Сиёсий қарорни туркумларға ажратиш ҳолати ХХ асрнинг 50-йилларида чоп этилган Р. Макридиснинг “Ҳукуматни қиёсий

¹Ўша жойда. – С. 214-221.

²Политология. Курс лекций. Под ред. Доктора юридических П 30 наук, профессора М.Н.Марченко. Изд. 3 -е, перераб. и доп. – М.: Издательство ЗЕРЦАЛО, 2000. – С. 335.

ўрганиш” номли китобида биринчи бор учрайди¹. У сиёсий қарорни уч туркумга ажратади:

1. *Фундаментал қарор* – сиёсий тизимда айтиб ўтилган катта ижтимоий гуруҳлар ҳолати ёки ҳаёт қобиғи, ундан ташқари қабул қилинган сиёсий қарор моделларидир. Бу тур жамиятдаги жами қарор қабул қилиш схемаларини қамраб олади ва шахсинг ўзи қарор қабул қилади.

2. *Қонунчилик тизимига тегишли қарор* – булар жамият кўпчилики аъзоларига тегишли бўлган статус ва ҳуқуқига таъсир этади. Шу билан бирга қарор қабул қилиш жараёни ва янги тартибларни ўрнатади. (Ушбу қонунчилик тизимига оид қарорлар қабул қилиш жараёнига 1.4-параграфда батафсил тўхталиб ўтамыз).

3. *Кичик гуруҳга ёки алоҳида ҳолатларга тааллуқли бўлган қарор* – улар маъмурий ва ҳуқуқий характерга эга бўлади².

Яна бир бошқа тасниф чизмаси ҳам мавжуд:

Ташкилий қарор бу раҳбар унинг лавозими белгилайдиган вазифаларни бажариш учун қаратилган унинг танловидир.

Ташкилий қарор ўз навбатида қуйидаги кўринишларга эга:

Дастурлаштирилган қарорлар – муайян хатти-ҳаракатларни амалга ошириш натижаси сифатида;

Дастурлаштирилмаган қарорлар – улар янгича ҳамда ноаниқ омиллар билан юзага келган вазиятларда талаб этилади.

Амалиётда ташкилий қарорларнинг бундай кўринишларини соф ҳолда учратиш мушкул³.

Сиёсий қарорларни қабул қилиш турли гуруҳ ва фуқароларнинг сиёсий талабларини бутун жамият учун маъқул ижтимоий муносабатларини тартибга солишнинг восита ва услубларига айлантириш жараёнидаги марказий элемент. Қисқа қилиб айтганда, қарор қабул қилиш сиёсий ҳокимиятни ижтимоий жараёнларни технологик бошқаришга айлантиришдир.

Моҳиятига кўра, ушбу жараён сиёсий тизим “кириш” да ҳам, “чиқиш” да ҳам мавжуд бўлади. Бунда аҳоли талабларининг ортиши, “муҳит”нинг ижтимоий “ғзаби” бошқарув кўламини кенгайтиради ва унинг сиёсий ҳаётни ташкил этишдаги ролини оширади. Бошқа тарафдан, қабул қилинган қарорларнинг самарали амалга ошиши

¹Симонов К.В. Политический анализ: Учебное пособие. – М.: Логос, 2002. – С.152.

²См.: Sharan P. Theory of Comparative Politics, New Dehli. 1984. – pp. 252-265.

³Политология. Курс лекций. Под ред. Доктора юридических П 30 наук, профессора М.Н.Марченко.Изд.3-е, перераб. и доп. – М.: Издательство ЗЕРЦАЛО, 2000. – С. 336.

бошқарув тартиби обрўси ва мададга эгалиги даражасига бевосита таъсир этади.

Ҳозирги вақтда, сиёсий фанда сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнини тушинишда икки хил ёндашув шаклланган¹.

1) *Меъёрий ёндашув* намоёндаларининг фикрича, қарорлар қабул қилиш жараёни – оқилона мақсад қўйиш ва унга эришишнинг энг мақбул воситаларини илгари суришга хизмат қилади (Р. Абелсон, А. Леви). Бундай қарашлар инсонни ўзи учун мақбул, фойдали ва самарали қарорлар қабул қилишга қодир онгли мавжудот сифатида тушинишдан келиб чиқади. Шундай қилиб, қарорлар қабул қилиш жараёни мавжуд муаммони ўрганиш, уни баҳолаш, бирор қарорга келиш ҳамда кутилаётган ижобий натижага эришиш билан боғлиқ ҳаракатларни бир-бири билан узвий боғлайди.

2) *Феъл – атвор ёндашуви* намоёндаси Г. Саймон инсон олдида турган мақсадни ниҳоятда мураккаб деб билиб, уни муайян услублар ёрдамида тавсифлаб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Боз устига, муаммонинг ечимини берадиган усулларнинг муқобиллари шу қадар кўпки, инсон уларнинг барчаси билан танишиш, уларни англашга ожизлик қилади. Шу боис, қарорлар қабул қилиш вазиятга боғлиқ жараён бўлиб, муайян муаммонинг ўзгаришига қараб уни ҳал қилиш воситалари ҳам ўзгаради². Бироқ амалиётда, кўпинча, ҳар иккала модел афзалликларини ўзида ифодаловчи яхлит ёндашувдан кенг фойдаланилади.

Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, меъёрий ёндашув жамиятнинг бугунги босқичи учун энг маъқулидир. Чунки, муаммо ечими учун энг маъқул ва қулай усуллардан бири танлаш бу қарор қабул қилиш моҳиятини ёритиб беради. Ва бу самарали ва фойдали қарорлар қабул қилиш имконини беради. Бошқа томондан олиб қараганда, феъл-атвор ёндашуви ҳам ўзининг аҳамиятига эга. Сиёсий ҳокимият бошқарувчиларнинг шахсий таъсирлари орқали амалга ошади ва қарорлар қабул қилиш қоидалари ва тадбирларининг назорат ҳамда тартибга солишига қарамай бу жараёнга тасодифийлик, олдиндан башорат қилиб бўлмаслик элементларини киритади. Охир-оқибатда эса, қарорлар қабул қилиш жараёни оқиллик ва нооқиллик, тузилма ва ҳокимият институтларининг ўзаро алоқалари оқилона уюштирилганлиги ва бошқарувчиларнинг анчагина субъективлигини билдиради.

¹Умарова Н., Исломбеков У. Сиёсий технологиялар: ўқув қўлланма. – Т.: Академия, 2007. 45- б.

²Панкетт Л., Хейли Г. Выработка и принятие управленческих решений. – М., 1984.

Бу каби ёндашувлар бошқарув жараёнининг икки томонлама табиатини акс эттиради. Бир томондан, улар бошқарув институтлари ва органлари, қарорлар қабул қилиш регламенти ва тадбирлари, техник ходимлари роли ва бу жараёнда банд бўлганларнинг барчасини моддий таъминлашнинг аҳамиятини, бир сўз билан айтганда, одамлар сиёсий фаолиятининг бу шакли акс этувчи оқиллиги, технократизмни билдирувчи ташқи ва ички омиллар аҳамиятини таъкидлашади. Бошқа тарафдан, бу жараёнда, одатда бошқарувчиларнинг шахсий тажрибаси, сезгилари, билимлари, шахсий алоқалари ҳукмронлик қилади. Яна жамиятда қарорларни қабул қилишнинг тўлиқ назорат қилиш қобилиятига эга бирор бир ягона гуруҳ мавжуд бўлмаганлиги сабабли бу жараён доимо “рақобатдаги қадриятларнинг келишуви ва ярашувини”¹ билдиради ва бу ишдаги субъективизм ролини оширади, холос.

Сиёсий қарор қабул қилишда яна бир бошқа ёндашувлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни учга ажратиш мумкин:

1) *Интуитив қарор*. Бундай турдаги қарор ҳис-туйғу асосида қабул қилинадиган қарор ҳисобланади. Кўпинча ўрта қатлам раҳбарлари қарорлар қабул қилишда асосан муаммо бўйича тўпланган маълумотларга асосланса, юқори қатлам ҳис-туйғуга таянади.

2) *Фикрлаш асосида қабул қилинган қарор*. Бундай қарорлар гоҳида интуитивга ўхшаб кетади. Чунки, улар яққол кўринмайди. Фикрлаш асосида қабул қилинган қарор тажриба ва илмга асосланган танловдир.

3) *Рационал қарор*. Ушбу ёндашувдаги қарор бошқа турдаги қарорлар билан таққосланади. Фикрлаш асосида қабул қилинган қарорлар ўтмиш ва тажрибага асосланмайди. Рационал қарор эса, илмга асосланганлик билан биргаликда фикр асосида ўтмиш тажрибасига боғлиқликни ҳисобга олади ҳамда муаммони ечиш учун алоҳида эмас, жами алтернатив ечимлар ичидан танлаб олинади².

Сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёни ва босқичлари муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, қарор қабул қилишнинг ҳар бир босқичида: тайёргарлик, қарор қабул қилиш ва уларни амалга оширишда турлича мувофиқлашади ва ўзаро таъсирга киришади.

Қарор қабул қилишнинг тайёргарлик босқичи. Бу босқичда умумий ижтимоий контекстан сиёсий табиатга эга талаблар ва

¹Ponton G, Gill P. Antrouction to Politics. London. 1985. – P. 145.

²Политология. Курс лекций. Под ред. Доктора юридических наук, профессора М.Н. Марченко. Изд. 3-е, перераб. и доп. – М.: Издательство ЗЕРЦАЛО, 2000. – 336 с.

ихтилофлар ажратиб олинади. Шу тариқа кун тартиби, яъни сиёсий воситалар ва бошқарув услублари билан ечилиши зарур бўлган муаммолар бирлиги шаклланади.

Ҳукмрон тартиб долзарб муаммоларни аниқлай олишига сиёсий ҳодисаларни олдиндан кўра олиши, инқирозлар келиб чиқишининг олдини ола билиши ёки уларга бўлиб ўтганидан сўнг чора излаши боғлиқ бўлади. Одатда, бу босқичда турли гуруҳлар муҳим ижтимоий муаммоларни қай тартибда ҳал қилиш кераклиги тўғрисидаги ўз тушунчаларини ҳимоя қиладилар. У ёки бу ижтимоий масалалар долзарблигига ҳар хил муносабат мафкуравий талаблар ҳукмрон доира вакилларининг ўз ролларига кўра умидлари, шахсий мойилликлар, тажриба ва бошқа сабабларга асосланади. Масалан, муҳим ижтимоий муаммоларга эътиборсизлик сафарбарликка мойиллик кучлилиги билан изоҳланиши мумкин (А. Бахрах), яъни ҳокимиятнинг аҳолидаги у ёки бу эҳтиёжга анъанавий тарзда тушунмовчилик билан ёндашиши, ҳукмрон гуруҳларга зиён етказмаслик, элиталарнинг ўз манфаатлари ҳақидаги хато тасаввурлари ва ҳ.к.

Бу жараёнда турли тузилмалар – расмий (парламент кўмиталари, кенгашлар, босим гуруҳлари) ва норасмий (сиёсатчилар, экспертчилар ва ҳ.к.ларнинг шахсий иттифоқлари) – фаол рол ўйнайди. Бунда йирик, стратегик ёки кундалик, майда, лекин зарур масалаларга оид қарорлар тайёрланаётгани катта аҳамиятга эга. Биринчи ҳолда сиёсий гуруҳлар ва кучларнинг ошқора ёки яширин мунозараси анча кескинроқ кечади, ҳукмрон доиралардаги кескинлик ортиб, ҳокимиятнинг яширин дастаклари таъсири кучаяди. Аммо, умуман, “кун тартибига” у ёки бу муаммоларни киритиш ёки қайсидир масалаларни сиёсат соҳасига киритмай тутиб туриш аслида ҳокимиятга эгаликни англатади¹.

“Кун тартиби”ни ишлаб чиқишнинг асосий шарти – ахборотга эга бўлишдир. Аслида ана шу ахборот бошқарувчилари учун муаммоли вазиятни вужудга келтиради: энди у ёки бу масалага қандай муносабатда бўлиш керак? Қарорлар қабул қилиш соҳасидаги таниқли мутахассис Э. Квейдга кўра, ахборот қарор қабул қилишда ҳисобга олиниши зарур бўлган принципиал ҳолатларни акс эттириши зарур. Бу зарурият қарор қабул қилувчи органларда ижтимоий жараён ҳақида тўғри маълумотлар тўплаш ва уларни таҳлил қилиш имкониятлари мавжудлигини тақозо этади.

¹ Orriide A. W. № on – decisions / Ed by A. W. Orribge. London, 1980. – P. 32.

Қарор қабул қилиш учун кўрилаётган муаммо тўғрисида аниқ, объектив ва тўлиқ ахборот (маълумот) бўлиши зарурдир. Барча маълумотлар ва у олинаётган манбалар одатда икки гуруҳга бўлинади: бирламчи ва иккиламчи маълумотлар. Бундан ташқари, ахборотни расмий ва норасмий манбалардан ҳам олинади.

Қарор учун “хом ашё”га айланишдан аввал тўпланган ахборот қарор қабул қилувчи шахслар учун устун қадриятлар ва масалаларни кўриб чиқиш қоидалари ва регламенти билан мувофиқлаштирилиши зарур. Бу регламентлар макротабиатли (яъни қарор қабул қилишнинг конституцион тарзда белгиланган тартибини ўз ичига олувчи: парламент кун тартибига масалани киритиш учун 50 фоиздан кам бўлмаган қонун чиқарувчилар овоз бериши талаб қилингани сингари) ёки микросиёсат омиллари таъсирини ҳисобга олувчи (давлат номидан сўз юритувчи сиёсатчиларга экспертлар фикрини тақдим этиш тартибини белгиловчи) бўлиши мумкин. Қоидаларнинг униси ҳам, буниси ҳам қарорлар қабул қилишда иштирок этибгина қолмай, ўз ҳокимлик мақомини мустаҳкамлашга уринаётган барча учун амал қилади. Ҳокимиятлар фавқулодда вазиятлар (урушлар, жиддий ички сиёсий инқирозлар) шароитида қарорлар қабул қилишнинг резерв тизимига ўтганида бу регламентлар ва қоидалар бекор қилиниши ва янгилари билан алмаштирилиши мумкин.

Тайёргарлик босқичида вужудга келган бир қатор муаммолар ва зиддиятлар қарорлар қабул қилишнинг кейинги босқичларида ҳал этилиши мумкин. Буларга қарор қабул қилувчи субъект идентификацияси (қарор қабул қилиш ваколатига эга шахслар қарор қабул қиладими ёки сиёсий аҳамиятга эга масалаларни саралашга энг кўп таъсир кўрсатувчи шахсларми?) ҳукмрон ва мухолиф элиталар, етакчилар, бошқарув аппарати техник ходимлари ўртасидаги, ҳукмрон элитанинг тармоқдаги вакиллари (ҳарбий, маъмурий, аграр, саноат, савдо) ўртасидаги қарама-қаршиликлар ва бошқалар киритилиши мумкин.

*Қарорлар қабул қилиш босқичлари.*¹ Ишлаб чиқилган ва мувофиқлаштирилган “кун тартиби” асосида ривожланишнинг сиёсий мақсадлари ва уларга эришиш йўллари баён этилади. Мақсадлар узоқ ва яқин муддатли, оралик ва якунловчи, биринчи ва иккинчи даражали бўлиши мумкин (А. Нагель). Бундаги бош масала – амалий мақсадларни баён этишдир. Улар ҳукумат баён этаётган ва

¹ Пугачев В. П., Соловьев А. И. Введение в политология. – М.: Аспект пресс, 2000. – С. 397.

асосан, ижтимоий фикрга, вазифаларга қаратилган мақсадлардан фарқ қилиши мумкин. Амалий мақсадлар йўл кўйиш самара ва мувофиқлик талабларига мос келиши зарур (Рост, кўпинча мақсадларни баён этиш “чекланган рационаллик”ка (Г. Симон) йўлиқиши, яъни бошқарувчилар ҳаммасини, ҳатто қарорлар қабул қилиниши натажасида юзага келадиган энг йирик оқибатларни кўра олмаслиги мумкинлигини ҳисобга олиш керак. Бунинг устига, ўтиш даврларида ижтимоий жараёнлар мавҳумлиги шароитида самарали қарорлар умуман бўлмаслиги ҳам мумкин).

Одатда сиёсий мақсадлар уч турдаги институтлар кесишишида шаклланади. Булар: давлат ҳокимиятининг расмий органлари, манфаат гуруҳлари ва жамоатчилик механизмларидир. Аммо, бу жараёнда марказий ўринни доимо давлат олий органлари эгаллайди чунки, бу ерда барча сиёсий кучлар босими шакллари тўқнашади. Шунинг учун, сиёсий мақсадларни баён этиш механизми унитар давлатларда, унитар бошқарувли яримпрезидентлик давлатларида, парламент - федерал тузилишли жамиятларда муҳим жиҳатлари билан фарқ қилади ва ҳ.к.

Турли сиёсий кучлар таъсирини ҳисобга олиб, шунингдек, давлат бошқаруви институтларининг мураккаб тузилиши туфайли (уларда ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг турли сегментлари муаммога, одатда, турлича ёндашадилар) сиёсий мақсадлар, аксарият ҳолларда, зарур натижаларга эришишнинг бир неча йўлини таклиф этувчи ёки бир мақсадни турли усуллар билан амалга оширишни назарда тутувчи муқобил кўринишда баён этилади. Д. Дьюи таъкидлаганидек, “оқилона сиёсат” – вариантларни танлаш (ҳар бир ҳолда эҳтимол қилинаётган фойда ва сарфлар баҳосини тақозо этиш) билан иш кўради, “ҳа-йўқ” вазияти билан эмас.

Умуман, бу босқичда қарорларни баён этиш ва қабул қилиш олий ҳокимиятнинг марказлашганлиги (марказлашмаганлиги) даражаси билан ва унинг бошқарув маҳаллий органлари ҳуқуқларига нисбатан устунликлари, партиявий ва давлат тузилмалари ўзаро таъсири, қонунчилик ва ижроия ҳокимияти бузилганлиги даражаси ҳамда улардаги элиталар ваколатлари мувозанати, давлат бюрократияси фаолияти устидан ижтимоий назорат шаклларининг ривожланганлиги ва ҳ.к.ларга боғлиқ.

Танланган фаолият турининг табиати ва долзарблиги қарор қабул қилувчи муайян шахсга ва муаммоли вазиятнинг давомийлигига боғлиқ.

Қарорларни муайян шахслар (сиёсатчилар, давлат хизматчилари) ва гуруҳий субъектлар (расмий ва норасмий) қабул қилишлари мумкин. Ҳар иккала томонда ҳам ижобий ва салбий жиҳатлар бор. Масалан, гуруҳлар томонидан қабул қилинган қарорлар, одатда, анча пухта ўйланган бўлади. Айни вақтда, уларни муаммоли вазиятга муносабати жуда секинлик билан ишлаб чиқилади, бу эса, инқирозли вазиятларда жуда салбий оқибатларга олиб келади. Айтиш жоиз бўлса, гуруҳий субъектларда масъулият парчаланиб кетади. Бу айниқса, халқ қўллаб-қувватламайдиган қарорлар қабул қилишда аниқ кўринади. Махсус тадқиқотлар кўрсатишича, бошқарувчи гуруҳ муайян миқдор стандартларига жавоб бериши зарур. Уларга риоя қилмаслик ички гуруҳлар пайдо бўлишига, ўз навбатида буларнинг кураши мунтазам равишда қарорлар қабул қилинмаслигига олиб келиши мумкин.

Алоҳида сиёсатчилар қабул қилинаётган қарорлар учун шахсий масъулиятни зиммаларига олганликлари туфайли мақсадларга эришишда изчиллик ортишига тўртки берадилар. Шу билан бирга, муайян шахс фаолияти турли яширин таъсирларга доимо кўпроқ мойил бўлади.

Бунинг устига айрим сиёсатчилар учун ўз имиджлари устида ишлаш, гуруҳлари ўртасида (ҳокимият таркибида ўз мавқеини сақлаб қолиш мақсадида) ҳаракат қилиш бошқарув ташвишлари билан шуғилланишдан афзалроқ. Р. Вагнер таъкидлаганидек, сиёсатчилар, уларнинг ҳокимлик мақомларига кам таъсир кўрсатувчи йирик сиёсий қарорлар қабул қилишдан кўра, тақсимот жараёнларида иштирок этишга кўпроқ мойилдирлар. Муайян сиёсий қарорлар қабул қилишда маълум шахсдаги ваколат ва малака ўртасидаги зиддият кучлироқ намоён бўлади.

Муайян тарзда гуруҳий ва индивидуал бошқарув субъекти фаолиятидаги фарқларни интеллектуал мадад тузилмалари (маслаҳатчилар, ёрдамчилар) камайтиради. Улар илмий-таҳлилий функцияларни бажариб, энг маъқул қарорлар қабул қилинишига ёрдам берадилар.

Қарорлар қабул қилиш услуб (метод)лари. П. Шаран сургундан ишга қайтгач, сиёсатчилар Ч. Линдблома, А. Этциони ва бошқалар билан сиёсий қарорларнинг бир неча йўналишларини ишлаб чиқади. Улар қуйидагилар:

Рационал – кенг қамровли ёки “илдизли” метод. Қарор қабул қилувчи субъект оптимал сиёсатни қўйилган мақсадга эришиш учун

танлаш жараёнида барча қиймат ва афзалликларни кўриб чиқади. Аввал бир неча усуллар шакллантирилиб, сўнг уларни амалга оширишда энг маъқули танлаб олинади. Шунинг учун ҳам бу метод кенг қамровли деб номланади ва бу ёндашиш қуйидагиларга таянади:

- аниқ муаммони бошқа муаммолардан ажратиб олиш ёки ўзининг зарурлиги бўйича улар ичида ажралиб туради;

- уларни мақсад ва зарурлиги нуқтаи-назардан ажратиб, даражалаб чиқилади;

- мақсадга эришишнинг барча йўллари ёки уларнинг зарурлиги маълум бўлиши;

- у ёки бу қабул қилинаётган қарорларнинг оқибати ва камчиликларини олдиндан кўра била олиши;

- охирида маълум бир мақсадга эришиш йўлларининг энг юқори даражада мосини (маъқулини) танлаб олиш.

Бу услуб асосида қарорлар қабул қилиш мураккаб. Негаки, атроф-муҳит тўғрисида ахборот йиғиш катта ресурсларни ҳамда қарор қабул қилувчи субъектнинг холисоналиги ва оғишмаслигини талаб қилади.

“Шохлар” методи. Бу кетма-кет, чегараланган солиштиришлар методи. Қарор қабул қилувчи субъектлар ҳаракатлар дастурини қабул қилаётганида кенг (катта-катта) имкониятларни эмас, фақатгина уларнинг тажрибаси асосида ҳаётий (реал) кўрилган омилларни инобатга олиши зарур.

Шу метод асосида қарор қабул қилиш қуйидаги характерли жиҳатлари билан ажралиб туради:

- кичик аниқ кадамлар қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилганлик;

- ҳозирги аниқ вақтда ресурслар чегараланганлиги учун стратегияни кўриб чиқа олмаслик ва шу билан бутун ҳажмдаги оқибатларни ҳам кўра олмаслик;

- қарор қабул қилинганда яқин вариантлар билан қиёслаш орқали бир хиллик (шундай бўлишлик) асосида эмас, балки сиёсат асосида узлуксиз равишда ўзгариб боришини инобатга олиш;

- бу метод ҳаётда максимал натижа (шов-шувлар, катта мақсадлар)га эришиш учун эмас, балки аниқ ва мавжуд натижа олишга йўналтирилган.

“Шохлар” методи асосида сиёсий қарор қабул қилишда плюрализм концепциясига асосланиш керак. Чунки, субъектларга сиёсий таъсир қилиш учун кўпгина турли манфаат гуруҳлари ўзаро

рақобат олиб боришади. Шунинг учун ҳам қарор қабул қилувчи субъект рақобат қилаётган тарафлар билан келишишга интилади. Бу услуб сиёсатга аста-секин эволюцион йўл билан ўзгартиришлар киритишга йўл очиб беради.

“Аралаш - нусха кўчириш” методи. Бу метод сиёсий қарор қабул қилишда масштабни ва фундаментал жараён яратади. Улар қабул қилингандан кейин шу қарорларни қайта ишлаб чиқишни йўлга қўяди. Муаммонинг ҳар бир элементларини рационал-таҳлил қилиш ҳамда бошқаларини аста-секин деталлаштирилган анализ орқали сиёсий қарор қабул қилишнинг масштаби ва фундаментал жараёнига эришилади¹.

Сиёсий жараённинг муайян босқичида сиёсий қарорлар қабул қилиш услублари ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларнинг ўзига хослиги ва бошқарув тузилмаларида шаклланган анъаналарга боғлиқ. Америкалик олим Р. Говард таъкидлаганидек, сиёсий ҳаётда, одатда, таҳдидли, эҳтимолли масалалар ҳал қилинади. Уларнинг натижаларини ҳисоблаб чиқиш мушкул ва улар ижтимоий мавҳум шароитларда қабул қилинади. Бу каби вазифаларнинг мураккаблигига қарамай, тарихда, аслида уларни ҳал қилишнинг биргина – прецедент (аввал бўлиб ўтган ва кейинги ҳодисалар учун намуна бўлиб хизмат қилувчи ҳодиса) усули ҳукмронлик қилган. Лекин сиёсатчилар кўпроқ синаш ва янглишиш йўлидан боришиб, ўз соғлом фикрлари, ақл ва сезгиларига ишонганлар. Албатта, ақл ва сезгилар бугун ҳам муҳим, лекин сиёсий жараёнлар тезлиги, хато ҳаракатларнинг ижтимоий баҳоси ҳокимият субъектларини қарорлар қабул қилишда анча ишончлироқ усуллардан фойдаланишга дават этади.

Бошқарув соҳасидаги эътироф этилган мутахассислар, хусусан, Ч. Линдблум, бугунги кунда қарорлар қабул қилишнинг икки асосий усули: оқилона-универсал ва изчил чеклаш усуллари (“тармоқлар услуги”) мавжуд, деб ҳисоблайди². Улардан биринчиси муаммони оқилона танлаш ва уларни ҳал этишнинг қўйилган мақсадларга энг мос қўлларини танлашни тақозо этади. Бу – масалани ҳал этишнинг идеал режаси, “тўғри фикрлаш” натижаси бўлиб, ҳар томонлама ахборот йиғиш, мақсадларни баён этиш ва уларни амалга ошириш воситаларини танлашда салбий оқибатларни энг кам даражага келтиришни назарда тутаяди.

¹ Политология. Курс лекций. Под ред. Доктора юридических наук, профессора М. Н. Марченко. Изд. 3-е, перераб. и доп. – М.: Издательство ЗЕРЦАЛО, 2000. – С.336-338.

² Шаран П. Сравнительная политология. Ч. 2. – М., 1992. – С. 43-45.

Айни вақтда, амалда, сиёсатчилар фаолиятининг оқилона эмас, имкон даражасидан келиб чиқишлари ҳам тушунарли. “Инсоннинг ахборотдан фойдаланиш қобилияти бу моделда талаб қилинганидан анча паст... эҳтимол бошқарув жараёнининг ҳар бир аъзоси... ўз фаолиятида оқилдир, лекин жараён иштирокчиларининг кўпчилиги тўқнашганда, уларнинг коллектив фаолиятидаги оқиллик жуда нисбий бўлиб қолади”¹. Бошқача қилиб айтганда, амалий сиёсатда ҳокимият мантикий схемага, яъни муаммони қўйиш ва уни ҳал этиш тартибига кўпинча амал қилмайди. Сиёсатнинг аралашувини талаб этувчи реал муаммолар, одатда, тўсатдан пайдо бўлади ва ҳукмрон элиталар ўз мақсадлари ва манфаатларини белгилаб олишларидан анча аввал қарор қабул қилишга мажбур қилади.

Шу тариха “тармоқлар услуги” амалда кўпроқ қўлланади, негаки, у одатдаги бошқарув фаолиятига инкрементал (қўшилиб, ортиб бориш маъносидан) тузатишлар киритиш зарурлигидан келиб чиқади. Бу эса кичик мақсадларни амалга ошириш имконини беради. Ҳукмрон элиталар ҳатто бошқарувнинг умумий стратегиясига хилоф ҳаракатларга йўл қўйиш билан ўз сиёсатчиларида аста-секин муваффақиятга эриша оладилар. Аммо, давлат бошқарувида катта хатоларга йўл қўймаган элиталар бу тактикалари билан жамиятни ислоҳ қилишда йирик муваффақиятларга эриша олмайдилар.

Қарорлар қабул қилишнинг ҳар иккала усулига хос ижобий ва салбий томонларни ҳисобга олиб бир қатор олимлар, жумладан, А. Этциони, аралаш услубнинг самаралироқлигини таъкидлайди. У бир томондан, жамиятдаги сиёсий муаммоларга кенг рационал қараш ва уларнинг умумий, типик хусусиятларини ажратишни, иккинчи томондан, муайян вазиятда вужудга келган қандайдир бир муаммони ҳал этиш учун зиддиятларнинг туб асосларини очиб берувчи тасаввурларни қўллашни назарда тутди. Сиёсий бошқарув самарадорлигига умумназарий, рационал билимларни муайян масалаларни ҳал қилишда изчил қўллаш орқали эришиш мумкин².

Умуман олганда, сиёсий қарорлар қабул қилиш корпоратив секторда (алоҳида муассасалар даражасида), оммавий муносабатларда (ижтимоий секторда) ва давлат бошқарувида қабул қилинадиган қарор ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. Давлат бошқаруви соҳасида қарорлар қабул қилиш ниҳоятда муҳим бўлиб, у

¹ Kindon J., Agendas W. Alternatives and Public Policies. – Michigan, 1984. – P. 83.

² Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политология. – М.: Аспект пресс, 2000. – С. 399.

миллионлаб кишилар тақдирига таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради.

Сиёсий ва бошқарув қарорларининг ўзаро фарқли хусусиятлари. Маълумки, қарор бу бирламчи инсоний хоҳишни марказлашган ҳолда ифодалашдир. Содда қилиб айтганда, доимий танлов акти ёхуд энг мақбул вариантни танлаш ҳисобланади. Қарорлар техник, бошқарув, сиёсий ва ҳоказо бўлиши мумкин. Сиёсий ташкилотларни бошқаришда бошқарув ва сиёсий қарорлар биринчи даражали аҳамиятга эга. Шу сабабли сиёсий ва бошқарув қарорларининг мазмуни ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб олишимиз муҳимдир.

Бошқарув қарори бошқарув жараёнининг марказлашган ҳолда ифодаланиши ҳисобланиб, у асосланганлик, аниқ ифодаланганлик, реал амалга ошувчанлик, ўз муддатида бўлишлик, тежамкорлик ҳамда натижавийлик каби бир қатор талабларга жавоб бериши керак бўлади. Бошқарув жараёни ва бошқарув қарорларининг яқин алоқаси баъзи ҳолларда бошқарув жараёнини, қарорларни қабул қилиш ва амалга оширишнинг бошқарув цикллари, босқичларини бирлашувига олиб келади (масалан, муаммони кўйилиши, унинг муқобил (алтернатив)ларини ишлаб чиқилиши, аниқ танловни амалга ошириш в.б.). Бизнинг фикримизча, ушбу нуқтаи назар имкониятлардан бири бўлиши мумкин. Чунки, бошқарув жараёни бошқарув қарорларининг соҳалари билан чегараланмайди, балки ташкилий ишни яратиш, амалга ошириш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бошқа кўплаб таркибий қисмлар (бошқарув функциясини амалга ошириш, бошқарув технологияларини қўллаш)ни ўз ичига олади.

Шундай бўлса ҳам, бошқарув жараёни бошқарув қарорларининг ишланмаси қабул қилиниши ва амалга оширилиши орқали тасаввур этилади. Бу сиёсий фаолият доирасига ҳам хос ҳисобланади. Сиёсий ташкилотчиликни бошқариш жараёнини қарорларда амалга ошувчи, бошқарув фаолияти босқичларининг мажмуи орқали кўриб чиқиш мумкин.

Бундан ташқари, сиёсий бошқарувга мувофиқ равишда бошқарувга оид қарор қуйидаги хусусиятларга эга:

бошқарув қарори мавжуд имконий ҳаракат вариантларини ва сиёсий фаолият манфаати ва аҳамияти мавжуд бўлган объектив вазиятни ҳисобга олган ҳолда, улардан бирини танлашни назарда тутати;

ҳаракат вариантларини танланиши ва қабул қилиниши сиёсий вазият хусусияти билан боғлиқ бўлган улкан миқдордаги ички ва ташқи омилларни ҳисобга олишга мажбур бўлган сиёсатчилар ва менеджерларнинг онгли равишдаги фаолиятининг натижасидир;

бошқарув қарорининг зарурияти ва асосий мазмуни мақсади билан белгиланади ва унга эришишга қаратилади. Бу ўринда мақсад сиёсий манфаатлар билан олдиндан белгиланади.

Сиёсий ташкилотлар, уларнинг бўлинмалари ва бошқарув органлари ўз фаолияти доирасида қуйидаги қарорлар гуруҳини ишлаб чиқишади:

қарорларни қабул қилишнинг мувофиқлаштирилган тартиби мавжуд бўлган такрорланувчи вазиятлар учун;

ўзида технологик ва ижодий мазмунга эга бўлган элементларни жамлаган қарорлар;

кўпгина масалаларни аналитик ишлаб чиқиш ва ижодий ёндашувни, мутахассис ва олимлар билан маслаҳатлашишни, айрим вақтда эса айрим муаммоларни олдиндан тадқиқ этишни талаб этувчи мураккаб муаммоли вазиятлардаги қарорлар. Бу гуруҳда сиёсий ташкилот ривожланиш истиқболини белгилловчи ва узоқ муддатга амалга оширишга мўлжалланган тадбирлар тизимига асос солишга қодир бўлган қарорлар алоҳида кўрсатилади.

Сиёсий ташкилотда бошқарув қарорлар бир қатор хусусиятларга эга:

сиёсий бошқарувда пайдо бўлган муаммолар, одатда, кўп қиррали бўлиб, биргина қарор билан чекланмайди. Сиёсий ташкилотнинг бошқарув органлари кўпроқ вақт ва хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бир қанча қарорлар қабул қилади;

тезкор иш фаолиятида қисқа муддат ичида кўпгина қарорлар қабул қилишга зарурият туғилади. Бу эса, раҳбарлар ва сиёсатчилардан алоҳида шахсий хусусиятларни талаб этади;

фаолият хусусияти ва муаммолар таркибидан келиб чиққан ҳолда етарли даражада кўп миқдорда қарама-қарши мазмундаги қарорларни қабул қилишга тўғри келмоқда;

сиёсатчилар қарорлар қабул қилаётиб, олдин қабул қилинган қарорлар билан мувофиқлигини (мослигини) сиёсий мақсадга мақбуллигини таъминлашлари керак;

сиёсий ташкилотларда қабул қилинувчи кўпгина қарорлар яқуний эмас, балки оралиқдаги қарор бўлиб қолмоқда. Чунки,

муаммоларни тўлиқ ҳал этишда жуда кўп вақт мобайнида ресурс ва имкониятлар етмай қолади.

Юқоридаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарори сиёсий қарорларни ижро этиш жараёнининг давоми эмас балки, у алоҳида ўзининг хусусиятлари билан фарқланиб турувчи танлов жараёни десак тўғри бўлади. Демак, *бошқарув қарори* унинг якуний босқичидаги бошқарув жараёнининг йўналтирилган ифодаланиши ҳисобланади. У сиёсий ташкилотдаги бошқариладиган объектга ўзига хос бошқарув таъсир формуласи каби кўринади ва шу тариқа унинг ҳолатидаги ўзгаришларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳаракатларни белгилайди. *Сиёсий қарор* эса бошқарув қароридан сиёсий ташкилотда нафақат мазмуни билан (у сиёсий характерга эга), балки ҳал қилинувчи муаммоларнинг кенглиги билан ҳам фарқ қилади. Сиёсий қарор сиёсий жараённинг бир қисмидир. Бу жараён эса ўз ичига нафақат сиёсий ташкилотни бошқариш жараёнини, балки ундаги сиёсий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнини, сиёсий ахборот циркуляция жараёнини ҳам қамраб олади. Сиёсий ташкилотда сиёсий ва бошқарув қарорларини турли органлар қабул қилади. Аниқ фарқини қуйидаги мисол орқали кўриш мумкин: олий бошқарув орган (президентлик бошқарув шаклидаги республикаларда Президент, парламентар бошқарув шаклидаги республикаларда Бош вазир) томонидан ҳам сиёсий, ҳам бошқарув қарорлари қабул қилинса, олий вакиллик органи (парламент) томонидан фақат сиёсий, олий ижроия орган (вазирлар кенгаши) томонидан эса фақат бошқарув қарорлари қабул қилинади¹.

Ижтимоий сиёсат ва давлат қарорлари кўриладиган муаммоларнинг характерига ва биринчи навбатда, уларнинг янгилиги ва вазиятнинг ностандартлигига боғлиқ ҳолда тўрт босқичли бўлиши мумкин:

1. Мутассиб (эски) – маъмурий ишлар ва масалалар бўйича қарор;

2. Бюджетни қабул қилиш, маъмурий қайта тузишлар, солиқ каби ўрта даражадаги муҳимликда бўлган муаммолар юзасидан қарор;

3. Энергетик муаммолар, конституцион реформалар, чет эл сиёсатида ташаббус каби алоҳида вазиятлар билан боғлиқ янги масалаларни ечиш;

¹ Латфуллин Р., Новичков Н. Политическая организация: Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2007. – С. 217.

4. Давлат сиёсатида умуммиллий даражасида инновацион ёндашувни талаб этувчи янги стратегик ташаббуслар¹.

Мавжуд бўлган барча қарор турларини шартли равишда сиёсий ва маъмурий қарорларга бўлиш мумкин. *Сиёсий қарорлар* сиёсий стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурати билан боғлиқ бўлиб, сиёсатчилар ва сиёсий институтларга хосдир. *Маъмурий қарорлар* давлат сиёсатининг амалий муаммоларини ечишга ва сиёсатчиларнинг хоҳиш-истагини бажаришга қаратилган бюрократик ташкилотларга хосдир. Бундай ташкилотлар қаторига вазирликлар, идоралар, ҳукуматнинг маъмурий регионал органларини киритиш мумкин².

Шуни таъкидлаш керакки, сиёсий ёки давлат тузилмаларида қарор қабул қилиш шакллари ва жараёни маълум даражада хусусий тузилмаларда учрайдиган моделдан фарқ қилади. Ушбу фарқлар сиёсий тизимнинг хусусиятлари билан боғлиқ.

Сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш кўп жиҳатдан бошқарув қарорлари учун ўхшаш жараёнлар билан мос келади. Лекин, сиёсий фаолият бир қатор кўшимча категория (тоифа)лар таҳлилининг заруратини кўрсатади. Жумладан, сиёсий қарорлар (ечимлар) турли ахборот компонентларига мос келиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий қарор бу сиёсий ташкилотнинг мақсадини акс этувчи сиёсий фаолиятнинг йўналтирилган ифодаси ёки сиёсий вазиятда ўзгаришни амалга ошириш сиёсатидир. Сиёсий ташкилотнинг ҳар кунги фаолиятида унинг раҳбарлари ва бошқа қатнашчилари доимо сиёсий ва бошқарув қарорларни қабул қилиш зарурати билан тўқнаш келадилар. Шу сабабли ҳар икки қарорнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда сиёсий ва бошқарув фаолиятини олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Бошқарув қарорлари қабул қилишда психологик омиллар. Жамиятнинг турли эҳтиёжларини амалга оширишга қаратилган имкониятлар тўғри қарорлар қабул қилишга боғлиқ. Тўғри ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш эса, аввало, қарор қабул қилувчи субъектларнинг ўзи хос хусусиятларини, психологик омилларини тақозо этади. Фикр юритиш ва қарор қабул қилиш усули

¹ Дегтярев А. А. Теория принятия политических решений в структуре социальных и управленческих дисциплин // Полис. 2002. – №2. – С. 48.

² Лобанов В. В. Государственное управление и общественная политика: Учебное пособие. – СПб.: Питер. 2004. – С.145.

кишиларнинг турли психо-социо шаклига кўра фарқланади¹. Ҳар бир субъект қарор қабул қилишда психологик жиҳатдан маълум бир мезонларга амал қилиш керак. Иккинчи томондан, қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборот ва маълумотларнинг ишончли, тўғрилиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қарор қабул қилувчи субъект олаётган баъзи маълумотлар ва ахборотларга эътибор бермаслиги, ёхуд уни ҳаддан ташқари бўрттириб қарорда акс эттириши мумкин. Бу унинг психологик индивидуал феъл-атвориға боғлиқ. Шу сабабли ҳар доим субъект қарорлар қабул қилишда ҳаққонийлик ва энг асосийси, объективликка риоя қилиши лозим. Шу ўринда субъектларнинг маълум бир қарор қабул қилиш жараёниға, албатта, унинг темпераменти ва характери ўзининг таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Бизға маълумки, психологияда шахсни хулқ-атвор меъёрларига қараб сангвиник, холерик, флегматик ва меланхолик каби темперамент турлари²ға ажратилади. Темперамент бу инсонда кечаётган психологик жараёнлар ва унинг хатти-ҳаракатларининг динамик хусусиятлари, ушбу жараёнлар ва хатти-ҳаракатларнинг кучи, тезлиги, пайдо бўлиши ва ўзгаришини таърифлаб берувчи хислатларнинг йиғиндиси ҳисобланади. Биз юқорида келтирилган темперамент турларига кирувчи шахслар томонидан қарорлар қабул қилиш жараёнини қуйида ёритиб ўтамыз.

Сангвиник темперамент туриға кирувчи шахслар бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларида фаол бўлади. Қабул қилинган қарорларнинг ижро этилишида эса, тезкорлик билан иш кўради. Муҳим ва муаммоли масалалар юзасидан қарор қабул қилишға тўғри келса, албатта, улар кенгаш муҳокамасига қўйиш орқали масалаға ёндашади. Ушбу типнинг асосни кучли, мувозанатли, эпчил ва серҳаракат шахслар ташкил этади. *Холериклар* ҳар бир ишда жумладан, қарорлар қабул қилишда ҳам жуда тезкорлик билан ҳаракат қилади. Шахсий ташаббускорликни қўлдан бой бермасликни хуш кўради. Шу сабабли ҳам ушбу турдаги шахслар томонидан қабул қилинган қарорларнинг ишончли ва пухта бўлиши ниҳоятда қийин. Асосан қарорлар таваккалчиликка асосланган ҳолда қабул қилинганлиги билан ажралиб туради. *Флегматиклар* эса холерикларнинг акси. Улар далил ва исбот, фактларға асосланган ҳолда қарорлар қабул қилади. Қарорлар қабул қилишда эса оддий

¹ Хансейкер Ф., Алессандра Э. Искусство управления людьми. – М.: Фаир-пресс, 2004. – С. 321.

² Немов Р. С. Психология. Книга 1. Общие основы психологии. – М.: Владос, 1998. – С. 394.

усуллардан фойдаланади. Шунингдек, ҳар томонлама ўйлаб, унинг хавфсизлигини таъминлашни ҳисобга олади. Энг асосийси, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши, яъни ижро этилишида қатъиятлилик билан иш кўради. *Меланхоликлар* жуда ҳам ҳис-туйғуга берилган, эмоционал хислатга эга бўлади. Шу сабабли улар қарор қабул қилиш жараёнидан бошлаб то уни ижро этилишигача катта масъулият билан ёндашади. Меланхоликлар қабул қилган қарорлар “ипидан-игнасигача” ўрганиб, ишлаб чиқилганлиги ва пишиқ-пухта бажарилиши билан ажралиб туради¹. Ҳаётда фақат бир темпераментга эга бўлган яъни соф темпераментли кишиларнинг учраши қийин. Кишиларда кўпинча содир бўлаётган хислатларини фақат бир темперамент турига таққослаб бўлмайди. Аммо, шижоатли, ҳаракатчан ва кучли типдаги шахслар кучсиз, ҳаяжонли ва бўш инсонларга қараганда самарали қарор қабул қилишда кўпроқ яхши натижаларга эришишлари аниқланган.

Ҳар қайси одам темпераментида ўзига хос индивидуал хусусиятлари бўлади, бу хусусиятларни батамом муайян бир темперамент типига киритиб бўлмайди. Бу хусусиятлар айти индивидуал хусусиятлардир, яъни шу шахснинг ўзигагина хос хусусиятдир. Темперамент инсон характери шаклланишига таъсир кўрсатади. Характер эса, шахснинг психологик хусусиятларининг такрорланмас, индивидуал бирлигидир². Характерлар кучли ва кучсизларга (бўш) бўлинади. Кучли характер соҳиблари аниқ мақсадга эга, улар ташаббускор, дадил қарорлар қабул қиладилар ва амалга оширадилар, шижоатли, мард ва довюррак бўладилар. Бу фазилатлардан маҳрум кишиларни кучсиз, иродасиз дейдилар. Уларнинг фаолияти суст бўлиб, ниятлари яхши бўлса-да, ишда ижобий натижага эришмайдилар. Улар ўз кучи билан мустақил, дадил ҳаракат қила олмасликларини ҳис этадилар³.

Самарали қарорлар қабул қилишнинг турли психологик омилларга боғлиқ усуллари мавжуд. Жумладан қуйидаги ҳаракатлардан иборат усуллар ҳақида сўз юритамиз:

1) *Сенсор тури*. Ушбу турдаги қарор қабул қилувчи субъект ўзининг барча ижобий қобилиятларини ишга солиб, масаланинг

¹ Смирнов Э. А. *Управленческие решения*. – М.: Инфра, 2001. – С.106-108.

² Чередниченко И. П. Тельных Н. В. *Психология управления*. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2004. – С. 165.

³ Холов А. Х. Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг назарий концепциялари. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси, ЎзР. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси. – Т.: Akademiya, 2013. – Б.140-141.

барча муаммоли томонларини ўрганиб чиқиб, далилларни тўплаб қарор қабул қилинади.

2) *Интуитив тури*. Бунда субъект барча ички имкониятларни ўрганиб-тахлил этади. Қарор ечимига дахлдор бўлган вариантларни ишлаб чиқиш орқали қарор қабул қилинади.

3) *Фикрловчи тур*. Бу турда таҳлил қилиш йўллари ва натижаларини кўриб чиқиш орқали энг тўғри йўл танланади. Шу орқали қарор қабул қилинади.

4) *Эмоционал – сезувчи тур*. Мазкур турда муаммони ҳал этишга жалб этилган субъектлар қарорни қандай қабул қилишларига баҳо берилади. Бу қарор тегишли кишиларга қандай таъсир кўрсатиши ва улардан қандай реакция кутиш мумкинлиги кўриб чиқилади.

Ушбу юқорида келтириб ўтилган усуллардан ҳар ким фойдаланиши ва қарорлар қабул қилишда қўллаши мумкин. Чунки, ҳар бир кишида ушбу фазилатлар, ҳеч бўлмаганда унинг айрим жиҳатлари мавжуд.

Бошқарув қарорини қабул қилувчиларни психологик хусусиятларига кўра бир нечта гуруҳларга ажратиш мумкин. Жумладан, биринчиси, *қабул қилувчи кишилар гуруҳи*. Бунда субъектлар томонидан қарорлар қабул қилишда иккиламчи омилларини чиқариб ташлаш йўлидан фойдаланади. Чунки, бу гуруҳ кишилари нимани хоҳлашию, нимани ёқламаслигини аниқ биладилар. Шунинг учун қарор қабул қилиш зарур бўлган вазиятда улар қўллаб-қувватлашга муҳтож бўладилар. Уларнинг муқобил йўлларни қидиришга бўлган иштиёқи, ижодий ишга қобилияти қарор қабул қилишда салбий таъсир кўрсатиши мумкин. *Ҳал қилувчи кишилар гуруҳи*, аксинча, тезроқ қарор қабул қилишга интиладилар, гарчи ҳамма вариантлар кўриб чиқилмаса ва натижаларга баҳо берилмаган бўлса ҳам. Ҳал қилувчиларнинг кучи уларнинг мақсадни аниқ кўришлари ва у сари ҳаракат қилишларидадир. Лекин “мақсадга эришиш улар учун қарорнинг сифатидан ҳам муҳим бўлиб қолиш хавфи бор”¹.

Қарор қабул қилиш жараёнида турли услублардан ҳам фойдаланилади. Чунончи, унда қарор қабул қилувчи субъектнинг ҳиссий ва тахминий тасаввурларини ўзида акс эттирилади. Ушбу услубда қарор қабул қилиш асосан ҳиссий билишга асосланади. Мазкур жараёнда субъектнинг мақсадлари тизимли равишда тўғри йўлга қўйилмаслиги қабул қилинаётган қарор самарадорлигининг

¹ Самыгин С. И., Столяренко Д. Д. Психология управления. – Ростов-на Дону: Феникс, 1997.

камайишига олиб келади. Қарор қабул қилувчи шахснинг қадриятлари, руҳияти ва бошқа субъектив хусусиятлари инобатга олинishi лозим. Шунингдек, илмий тажриба, креатив фикрлаш, назарий билим, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, стресс, ёш ва индивидуал фарқлар каби омиллар ҳам қарорлар қабул қилишда психологик омиллар ҳисобланади. Агарда уларнинг биттаси ҳам қарор қабул қилувчида учраса бошқарувда сифатли қарорлар қабул қилишга ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Ижодий ва танқидий фикрлаш кўп ҳолларда қарорнинг пухта ва яшовчанлигини таъминлашга хизмат қилади. Чунки, қарор қабул қилишнинг босқичларидан бири бўлган муаммонинг аниқланиши ҳамда унинг ечимига доир таклифлар ва вариантлар ишлаб чиқишда субъектнинг ижодий ёндашиши муҳимдир. Қотиб қолган ва анъанавий усуллардан фойдаланмаган ҳолда мустақил, айрим ҳолларда жамоа билан келишиб буткул ўзгача услуб асосида муаммога ечим топилиши унинг сифат жиҳатдан мукамал бўлишини таъминлайди. Шунингдек, муаммонинг ечимига доир билдирилаётган таклифларда танқидий фикрлаш ҳам ўзининг ижобий натижасини беради. Аммо, бу ўта регрессив тарзда амалга оширилиб, меъеридан ортиқча ёндашилса ўзининг салбий жиҳатларини намоён этиши мумкин.

Самарали қарор қабул қилиш учун психологик омилларни такомиллаштириш мақсадида айрим таклифларни билдираимиз. Жумладан, қарор қабул қилувчи субъект куйидаги омилларни доимо инобатга олган ҳолда, фаолият юритиши самарадор қарор қабул қилинишига ёрдам беради:

Субъект ўзининг барча қобилиятларини ишга солиб, ички руҳий ҳолатини инобатга олиш лозим;

Муаммони атрофлича ўрганиб, далиллар тўплаш керак. Бунда субъект муаммо ечимига доир қарорлар қабул қилишда кенг доирада мустақил мушоҳада юритиши ва таҳлил қила олиши лозим;

Субъект ўзининг қабул қилган қарорига бўлган ташқи реакцияни фаҳмлаб уни инобатга олиши, энг асосийси, унга иложи борича тезроқ муносабат билдириши лозим;

Субъект ўзини ўраб турган атроф-муҳитнинг ички қонуниятлари ва анъаналарини инобатга олиши керак;

Ҳеч қачон тезкорлик билан қарор қабул қилинмаслиги керак. Айниқса, субъектнинг руҳий ҳолати ёмон бўлиб (жаҳли чиқиб, асабийлашиб) турганда асло қарор қабул қилмаслиги лозим.

Демак, ҳар бир субъект қарор қабул қилишда психологик жиҳатдан маълум бир мезонларга амал қилиши ва уларни инобатга олиши лозим экан. Самарадор қарор қабул қилиш субъектнинг психологик индивидуал феъл-атвори, ички руҳиятига боғлиқ. Шу сабабли ҳар доим субъект қарорлар қабул қилишда ҳаққонийлик ва энг асосийси объективликка риоя қилиши лозим. Чунки, субъектларнинг бошқарув қарор қабул қилиш жараёнига, албатта, унинг темпераменти ва характери ўзининг таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Ахборот – қарор қабул қилиш жараёнининг асосий фактори. Давлат бошқарувида қабул қилинаётган ҳар қандай қарор шу мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни асоси ҳамда ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Бугун биз эришаётган ютуқ ва марраларнинг асосий сабабини аввало ўзгаларга ўхшаб, бир кунлик мақсад ва манфаатни кўзламасдан, аксинча, узоқни кўзлаб, мамлакатимиз ва халқимиз тақдирини атрофлича ва чуқур ўйлаган ҳолда қабул қилинган сиёсий қарорлар ва шу асосда қатъиятлик билан амалга оширилаётган дастурларимизда кўриш зарур¹.

Дарҳақиқат, ҳар бир масала бўйича танланаётган ечим қанчалик тўғри ва яшовчанлиги унинг стратегик ҳолат нуқатаи назардан нечоғлиқ тўғри қабул қилинганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Ҳар қандай сиёсий қарор, ҳар қандай давлатлараро ҳужжат ижтимоий муаммолар билан мустаҳкам боғлиқ бўлганидагина, инсон ва жамиятнинг муносиб турмуши таъминланганидагина бирон-бир кучга эга бўлади². Унинг жамият ижтимоий муаммоларини ўзида акс эттириши эса ахборот ресурсига бўлган эҳтиёжни вужудга келтиради.

Маълумки, ҳар қандай маълумот ёки ахборот қарор қабул қилиш жараёнига мослашади. Ахборот қарор қабул қилишда кераклилик нуқтаи назаридангина, қандайдир аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Ахборотнинг қайта ишланиши ҳам, шу мақсадга бўйсунди. А. Зигель бу жараёнларни ёритишга ҳаракат қилган. Ахборот ҳар қандай манбадаги қайта ишланмаган маълумот ҳисобланади. Разведка асосида қайта ишланган ахборот таҳлил бўлиб, разведка эса қарор қабул қилишда ёрдам берадиган қайта ишланган ахборотдир³.

¹ Каримов И. А. Жаҳон инкирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараккий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б.11.

² Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор таракқиёт йўлидан. Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 333.

³ Siegel A. B. Information, analysis, intelligence: a critical challenge for 21st century operations // www.capitol.northgrum.com.

Қарор қабул қилиш учун, биринчи навбатда, кўрилатган муаммо тўғрисида аниқ, объектив ва тўлиқ ахборот бўлиши зарур. Барча маълумот ва олинаётган манбаларни таснифлайдиган бўлсак, одатда улар икки гуруҳга бўлинади: бирламчи ва иккиламчи маълумотлар. Бундан ташқари, ахборотни расмий ва норасмий манбалардан ҳам олинади. Бирламчи ахборот кузатувлар ва ижтимоий сўровлар орқали шаклланса, иккиламчи ахборот ички ва ташқи манбалардан келиб чиқади.

Шуни ёдда тутиш керакки, ҳаққоний ахборот билан аналитик ахборот орасида фарқ бўлади. Ҳаққоний ахборот – ўз ичига статистикани, ташкилотлар, жараёнлар, шахслар ҳақида алоҳида маълумотларни олувчи фактлар мажмуи бўлса, аналитик ахборот – бу ажратиб олинган, қайта ишланган ва таҳлил қилинган фактлар мажмуидир. Раҳбарларга қарор қабул қилиш учун асосан аналитик ахборот зарур. Шунинг учун ҳаққоний маълумотларни кераксиз ва ортиқча қисмини олиб ташлаб, аналитик ахборотга айлантиришни билиш жуда зарур¹.

Сиёсий қарорлар бир қатор ахборот компонентларига мос келиши керак. Уларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш жараёни сиёсий муаммо, сиёсий имкониятлар, сиёсий альтернативлар, сиёсий ҳаракатлар, сиёсий чеклашлар ва сиёсий натижалар каби ахборот таркибий қисмларидан иборат. Жумладан, *сиёсий муаммо* – бу сиёсий қарорни қабул қилиш ва амалга ошириш орқали ўзгартирилиши мумкин бўлган сиёсий вазият ҳолати. Муаммо ҳақидаги маълумот, мақсад ва муаммоли вазиятни ифодаловчи сабаб-оқибатли алоқалар ҳақидаги ахборотни аниқланишини назарда тутлади. Бунга эришиш эса ушбу муаммони ҳал этишни англатади. Муаммонинг тавсифи қарор қабул қилиш жараёнининг муҳим масаласидир. Муаммонинг қандай аниқланишига қараб қарор аниқланади. *Сиёсий имконият* – сиёсий қарор қабул қилиш ва амалга ошириш натижасида яратиш мумкин бўлган прогноз қилинувчи ёки лойиҳаланувчи сиёсий вазиятдир. Муаммолар сингари имкониятлар пайдо бўлиши сиёсий фаолиятни амалга ошириш учун ундовчи омилдир. *Сиёсий альтернатив* – бу потенциал имкониятга эга бўлган ҳаракатлар йўналишидир. У мақсадга эришишга ёрдам беради ва шу билан бирга сиёсий муаммоларни ечишга ёки сиёсий имкониятни амалга оширишга кўмаклашади².

¹ Лобанов В. В. Государственное управление и общественная политика: Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2004. – С. 144-154.

² Латфуллин Р. Г., Новичков Н. В. Политическая организация: Учеб. пособие. – СПб.: Питер, 2007. – С. 214-221.

Сиёсий қарор қабул қилишда ахборот билан бевосита ишлаш борасида америкалик сиёсатшуносларидан бири Герберт Саймон ўзининг “Маъмурий ташкилотларда қарор қабул қилиш жараёнининг тадқиқотлари” монографиясида маъмурий қарорлар қабул қилиш жараёнини ахборот билан таъминлаш масаласи ҳамда ахборотга ишлов бериш жараёнини самарали ташкил этиш муаммосини алоҳида кўрсатиб ўтади. У сиёсий қарор қабул қилиш жараёнида ахборот йиғишни иккинчи босқич сифатида талқин қилган. Шунингдек, Чикагодаги сиёсий бихевиоризм мактабининг асосчиларидан бири Гарольд Лассуэль ҳам қарорлар қабул қилиш жараёнининг етти функционал босқичини ёритишда, айнан унинг иккинчи босқичини ахборот излаш деб кўрсатиб ўтади. Шунингдек, ахборотнинг очиклиги ва холислиги қабул қилинаётган қарорнинг самарадорлигига бевосита дахл қилади. Америкалик тадқиқотчи Г. Митцбургнинг таъкидлашича “баъзан давлат тузилмалари жамиятни бошқаришда шу қадар марказлаштирилган бўлиши мумкинки, натижада хизмат ахборотини қайта ишлаш ва умуман, бошқариш имкониятини камайтиради”. Бу эса холис ва тўғри ахборотга эга бўлишни чеклаб қўяди. Мавжуд вазият ҳақида етарли ва ишончли ахборотнинг танқислиги давлатнинг тўғри ташкил этилган мақсадлари тизимини яратиш имконини ҳамда сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнининг самарадорлигини камайтиради.

Сиёсий қарор қабул қилишнинг янги ахборотларни олиш, маълумотларнинг хусусиятлари, риск ҳолатини ҳисобга олиш, таҳлил ва синтез қилиш, ахборот жараёнлари ва иккиламчи қарама-қаршилиқдан бирини танлаш каби индивидуал усуллари¹ ҳам борки, буларнинг бари қарорлар қабул қилишда алоҳида аҳамият касб этади. Агарки, ўрганилаётган объектга дахлдор бўлган ахборотларни тўғри саралаш ва уларни таҳлил этиш каби жараёнларга тўғри ёндашилса, самарали қарор қабул қилинишига эришилади. Бугунги қабул қилинган тўғри қарор эса, эртанги кун келажагини белгилаб беради. Бунда ахборот маълумоти самарали қарор қабул қилишдаги асосий факторлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш жараёнида илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотларни қўллашга асосланган инновацион ёндашувларни жорий этиш бугунги кунда давлат бошқаруви тизимини

¹ <http://socarchive.narod.ru/infochan/nikkolom/books/book1/14.htm>

такомиллаштиришга йўналтирилган ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади¹.

Мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ушбу соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш бўйича изчил ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2017 йил 24 июль куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони²га асосан Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими бошқа кўплаб вазифалар қатори бошқарув қарорлари қабул қилишнинг назорат-таҳлилий таъминотини назарда тутди. Бу давлат бошқаруви тизими, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни ислоҳ қилиш шароитида ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминловчи, лойиҳа бошқаруви принципларига асосланган қарорлар қабул қилиш механизмларини ишлаб чиқиш ва назорат қилишнинг замонавий шакл ва услубларини жорий этишни талаб қилади. Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилиши давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини янада оширишга, самарали қарорлар қабул қилинишига ва халқнинг фаровонлик даражасини юксалтириш борасида кўзда тутилган ислохотларни муваффақиятли рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

1.2. Давлат бошқаруви соҳасида қарорлар қабул қилинишига доир ижтимоий-сиёсий қарашлар

Кишилиқ жамоаси бошқарувни талаб қилувчи ижтимоий воқелиқдир. Ушбу талаб давлат бошқарувининг услуги, самарали қарор қабул қилиш жараёни ҳамда воситаларини тадқиқ қилиш заруратини вужудга келтиради. Инсоният тараққиётининг ҳар бир даври, ҳар қандай жамиятда ўзининг ички моҳияти ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда ана шу заруратни у ёки бу тарзда қондириш билан характерланади.

IX-XV асрларда яшаган Марказий Осиё мутафаккирларининг қарашларида давлатни бошқариш ва адолатли жамият куриш ғоялари ўзига хос илмий мазмун кашф этиши билан боғлиқ. Бу ғоялар Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк, Амир Темур, Навоий ва

¹ <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasida-loyi-a-bosh-aruvi-tizimini-zhoriy-e-24-07-2017>

² “Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. – №30, – 722-модда.

бошқа буюк зотларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида чуқур баён этилган. Уларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Илк ўрта асрнинг буюк мутафаккирларидан бири, жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган олим, ўртаасиёлик машҳур файласуф, “Ал-Муаллим ас-соний”, “Шарқ Арастуси” дея Шарқ мамлакатларида улуғланган Абу Наср Фаробий ўзининг қарашларида шаҳарлар устидан сиёсат юргизиш ҳамда одил ҳукмдор тўғрисида маълумот беради. Фаробий ўрта асрлар шароитида биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳақида изчил таълимот яратди. Бу таълимотда давлатни бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ, диний тарбия ва бошқаларни қамраб олган. Бу борада унинг “Фозил одамлар шаҳри” асари алоҳида аҳамиятга эга. Асарда адолатли жамиятга эришиш йўллари, “фозил шаҳар ҳокимининг фазилатлари” тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалари, давлат ҳокимияти ҳамда бошқарувчи ҳукмдор билан боғлиқ бўлган ғоялари бугунги кунда ҳам давлат бошқарувида қарорлар қабул қилишда муҳим ўрин тутди. Фозиллар шаҳрининг биринчи бошлиғи тўғрисида Абу Носир Фаробий шундай дейди: “Шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн иккита хислат - фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур”¹. Унинг фикрича, давлатни бошқариш ҳам инсон танасида кечадиган жараёнларни эслатади. Тананинг барча аъзолари бири бирига чамбарчас боғлиқ бўлгани каби инсонлар ҳам бир-бирлари билан, қолаверса, давлат билан ҳам мана шундай чамбарчас боғлиқдирлар.

Фаробий асарларида давлатни бошқарувчи шахсда бир қатор ижобий фазилатлар бўлиши талаб этилади. Унга кўра, жамоа бошлиғи мулоҳазали, ҳалол, камтар, ҳақиқатпарвар, донишманд бўлиши лозим. Асарда ёзилишича, жамоа бошлиғи одамларга тўғри йўл кўрсатувчи мураббийдир. Давлат бошлиғи эса бир қанча туғма фазилатларга ҳам эга бўлиши керак. Хусусан, унинг тани соғ, жисмининг аъзолари бутун, тиниқ фикрли балоғат соҳиби бўлиб, ҳар нарсани очик идора эта билиши шарт. Бундан ташқари, жамиятни идора қилишда раҳбарда бошқариш маҳорати шаклланган бўлиши керак, дея таъкидланади асарда. Фаробийнинг фикрича, бошқарувда самарали қарорлар қабул қилишнинг энг муҳим омиллари қуйидагилардир:

¹ Фозил одамлар шаҳри / Абу Наср Фаробий; – 2-нашр. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2012. 41-б.

- 1) ҳукм тўғри ва асосланган бўлиши керак;
- 2) қарорлар қабул қилишда аждодларнинг қонунларини яхши билиш ҳамда ундан тўғри фойдаланиш лозим;
- 3) аждодларнинг тажриба ва қонунларидан янги ҳукм (қарор)лар чиқармоқ керак;
- 4) ўзи идора қилаётган халқнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда исботли қарорлар чиқармоқ;
- 5) чиқарган ҳукмларни ва ижара учун мўлжалланган усулларни халқнинг шуурига (онгига) жойлаштирмоқ учун таълимга аҳамият бермоқ жоиз.

Мабодо шу хислатларнинг барчасини ўзида жамлаган бир одам топилмаса, лекин икки киши биргалашиб, шу хислатларга эга бўлишса, шу икковини фозиллар шахрига раҳбарликка қўйиш зарур. Мабодо бир гуруҳ одамлар ана шу хислатларга эга бўлишса, ана шу фозиллар гуруҳини юрт раҳбарлигига қўйиш зарур. Шу гуруҳ аъзолари биргалашиб, ўзаро келишиб ҳаракат қилса, ҳар бири фозил ҳоким бўлиши мумкин. Мабодо бирор замонда фозиллар шахрида ҳокимлик қилаётган бир ёки бир неча кишида бошқа зарур хислатлар бўлса-ю, аммо, донишмандлик бўлмаса, фозиллар шахри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шахар ҳалокатга юз тутди¹. Натижада фозиллар шахрининг зидди бўлган жоҳиллар, амалпарастлар ва беқарор шахарга айланади. Бундай шахарларнинг ҳокимлари фозиллар шахри ҳокимларининг тескарисидир. Шаҳарларни бошқариш усуллари ҳам мутлақо қарама-қарши бўлади.

Шунингдек, Фаробий машҳур донишманд Афлотун (Платон)нинг “Қонунлар” номли асарида таъкидлаб ўтилган асосий маъноларни кўрсатиб беради. Унда қонун (қарор, ҳукм) чиқариш, амалга ошириш ҳамда бу жараёнларда нималарга аҳамият бериш лозимлиги тўғрисида фикрлар билдирилади. Жумладан, Афлотуннинг айтишича, энг мукамал иш – қонунни жорий қилишдир. Қонунга шубҳа билан қараш ҳамда қонун устидан арз қилиш эса энг осон ишдир. Қонун чиқарувчилар эзгуликка, яхшиликка эришишга ёрдам берувчи воситаларга интилишлари, одамлар эзгуликларга эришиши борасида қатъият кўрсатиш зурурлигини онларига сингдиришлари кераклигини айтади. У соҳиби қонун (қонун чиқарувчилар) биринчидан, қонунларни жорий қила олиши, иккинчидан фармон беришни билиши зарур, дейди. Агар у ўзи буюрган нарсани жорий

¹ Фозил одамлар шахри / Абу Наср Фаробий; – 2-нашр. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2012.

этомласа, агар бошқалар бўйсунган нарсага ўзи амал қилмаса, у ҳолда унинг кўрсатмалари қонуний кучга эга бўлмайди ва унинг сўзлари қўл остидагиларга таъсир этмайди. Бу номуносиб ҳолдир. Шунингдек, агар соҳиби қонун оддий одамлар каби жоҳил бўлса, у одамларга наф келтирадиган қонунни жорий эта олмайди. Қонунларга риоя қилишда тарбия ва машғулотлар катта аҳамиятга эга эканлигини айтади. Ўзи қонунни менсимайдиган ва шу билан бирга қўли остидагиларни ҳам шунга ундайдиганлар ўз хатти-ҳаракатлари ила катта тартибсизликлар келтириб чиқарадилар. Шунинг учун халқ қонунларга эҳтиёж сезиши ва уларни чуқур ўрганиши зарур, чунки улар кейинчалик халқнинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Афлотун қонун чиқарувчи ушбу жараёнда бир нечта омилларни ҳисобга олиши кераклигини таъкидлайди:

- чинакам қонун ўрнатувчи янги қонун қабул қилаётганида унинг мамлакатдаги барча табақалар ва авлодларга, барча вилоятларнинг аҳолисига бахт-саодат, шод-хуррамлик келтиришини ҳисобга олади. Халқни бирма-бир мағлуб этишга қаратилган қонун қабул қилувчи раҳбарлар маърифатли соҳиби қонунлар қаторига кирмайдилар. Демак, қонун турли-туман феъл-атвордаги, турли-туман хислатли одамлар хайрихоҳлик билан кутиб олишига арзийдиган бўлиши зарур;

- соҳиби қонун ҳам, унинг кўрсатмаларини бажарувчилар ҳам халқнинг жуда кўп, турли-туман ишларини назорат қилиб туришлари зарур, токи ҳеч бир иш уларнинг назаридан четда қолмасин;

- қонун чиқарувчи, қонунларда ҳамма бадавлат ва фақир кишиларнинг аҳолини акс эттириши зарур, токи қонунларни бузувчи ва ўзининг нуқсонларини охиригача тuzатмай разилликларни янгиловчи одамлар тоифаси назардан тушиб қолмасин;

- соҳиби қонуннинг ҳар бир гуруҳ одамларга мурожаати тушунарли бўлиши зарур. Бунинг учун қонун чиқарувчи одамларнинг идрок этиш имкониятларини ҳисобга олиши керак, токи одамлар уни тушунсинлар. Чунки, одамларга бирор нарсани тушуниш ва амалда қўллаш қийин бўлиши мумкин. Тушунмовчилик бундай соҳиби қонундан воз кечишга туртки ва ағдариб ташлашга сабаб бўлиб қолиши мумкин;

- қонун чиқарувчи қонуннинг камчилик ва иллатлардан холи бўлишини таъминлаши учун жорий этган қонунларини чуқур ишонч ва билим билан такомиллаштириши зарур. Агар шаҳар ўз

қонунчилигида ҳақиқий муҳаббат, юксак ахлоқ, баркамол ақлга эга бўлмаса, унинг қисмати ҳалоқат ва парокандалик бўлади;

- агарда яхшилик, эзгуликка оид қонун мавҳум бўлса, соҳиби қонунлар ва уларнинг пандларини ёзиб борувчилар ҳамда шоирлар уларнинг сўзларидаги хатоларни тушунтириш учун бунга жиддий эътибор беришлари керак бўлади.

Афлотун қонунларнинг бекор қилиниши ва йўқолишига икки сабаб бор, деб ҳисоблайди. Биринчиси – уларнинг амалда қўлланиши муддатининг чўзилиб кетиши бўлса, иккинчиси – дунёда ҳамма халқлар учун ҳалоқатли оммавий фалокатларнинг рўй бериши оқибатидир. Қабул қилинаётган қонунларнинг бекор бўлмаслиги учун, аввало, қарор қабул қилувчининг ўзи бир нечта сифатларга эга бўлмоғи кераклигини таъкидлайди:

- соҳиби қонун тарбияни мустаҳкамлашга алоҳида ҳаракат қилиши зарур;

- агар ҳокимлар тарбиясиз бўлсалар, у ҳолда уларнинг ишлари ҳам, фуқароларнинг ишлари ҳам инқирозга юз тутади;

- қонун қабул қилувчи илм эгаси бўлмоғи лозим. Ҳокимларнинг нодонлиги эса халқ учун катта зарардир;

- халқ қонун чиқарувчига эргашиши учун қонуннинг қатъийлиги – олийҳиммат бўлиши, унинг (қонуннинг) камчилиги – енгилроқ бўлиши учун, соҳиби қонун бошқарув соҳасида улкан ишларни амалга оширмоғи керак, акс ҳолда ишнинг мушкулотлари чуқурлашиб кетади;

- ҳоким ҳасаддан ҳоли бўлиши керак. Агар қонунчилик эркинлик билан ихтиёрий амалга оширилса, у ҳолда бўйсунуш ва итоат ҳам фуқаро томонидан хайрихоҳлик ва қувонч билан қабул қилиниб, узоқ муддат давом этади;

- соҳиби қонун меҳр-шавқатлилиқ ва ахлоқий фазилатларга эга бўлмоғи керак. Токи қонун чиқарувчи қонунни қулларча итоаткорликни талаб қилиш йўли билан эмас, балки эркин равишда қабул қилдира олсин¹.

Дарҳақиқат, яхши бошқарув, яхши қонунларга боғлиқ, ёмон бошқарув – ёмон қонунларга, етук бошқарув – етук қонунларга боғлиқ. Мамлакатдаги тузумнинг гўзал ва яхши бўлишини қонун чиқарувчининг билимдонлиги ҳамда ўзга тушумлардаги фаровонлик ва бошқа ижобий жиҳатлардан хабардорлиги билан боғлиқ. Яна

¹ Фозил одамлар шаҳри / Абу Наср Фаробий; – 2-нашр. – Т.: “Ўзбекистон миллий энсиклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2012.

соҳиби қонун мамлакат аҳолисини бошқарув силсиласидаги қонунларга риоя қилишларини ва бўйсунушларини таъминлай олсагина аъло даражадаги давлат тузуми бўлиши мумкин. Қонунларни жорий этиш учун ҳаёт тажрибасига эга ва хуш хулқли одамларни жалб этиш керак, аммо асло бу ишга гўл ва жоҳил одамларни йўлатмаслик дакор.

XI асрда яшаб ижод этган адолатли давлат бошқаруви, унинг мукамал назарий асосларини яратиш борасида улкан илмий мерос қолдирган ўрта асрлар мутафаккири, давлат арбоби Низомулмулкнинг 1091 йилда ёзилган “Сияр ул-мулк” (“Сиёсатнома”) асарида ҳам подшоҳларнинг қарорлар қабул қилишда донолар ва оқсоқоллар билан кенгаш қилиши ҳамда унинг ижроси бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида сўз юритилади. Мазкур асарда агар подшоҳ бирор бир ишни амалга оширмакчи ёки қандайдир заруратни ҳал эмакчи бўлса, албатта, у доно кексалар ва улуғлар билан машварат ва кенгаш қилиши лозимлиги таъкидланади. Ҳар бирлари ўз фикрларини айтиб, подшоҳ раъйи билан солиштириб, бир-бирларининг фикрларини эшитиб ва ҳар тарафлама ўйлаб, кейин ўртада маъқулланган фикрни танлайдилар. Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва доим шундай йўл тутиш керак. Бирор ишни маслаҳатсиз амалга ошириш фикрнинг заифлигидан далолат беради, бундайларни ўзбилармон дейдилар. Машварат ва кенгашсиз амалга оширилган ишнинг натижаси яхши бўлмайди¹.

Бундан келиб чиқадики, давлат бошқаруви соҳасида қарорлар қабул қилишда албатта, атрофлича муҳокама этиш, етти ўлчаб бир кесиш лозим бўлади. Шу билан биргаликда, мазкур қабул қилинган қарорнинг самарадорлиги унинг ижроси нечоғлик амалга оширилганлигида кўринади. Бу борада Низомулмулк “Сиёсатнома” асарида шундай дейди: “Фармоннинг ҳурмати ва куч-қуввати шундай бўлиши керакки, ижро этилмагунча уни ҳеч ким қўлидан қўйиши керак эмас. Агарда бирор кишининг фармонга салбий муносабати маълум бўлса ё унинг ижроси чўзилиб кетганлиги тўғрисида хабар етса, ундай кишига, агар у яқинлардан бўлса ҳам, жазо берилади. Подшоҳ амри, албатта, ижро этилиши ва унга жиддий муносабатда бўлиниши билан бошқалардан фарқ қилади”².

¹ Сиёсатнома (Сияр ул-мулк) / Низомулмулк. Масъул муҳаррир Шариф Холмурод. Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳид, Афтондил Эркинов. – Т.: Янги аср авлоди, 2015. 117-118 б.

²Сиёсатнома (Сияр ул-мулк) / Низомулмулк. Масъул муҳаррир Шариф Холмурод. Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳид, Афтондил Эркинов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. 92-б.

Буюк бобокалонимиз, давлат арбоби Амир Темур ўзининг сиёсий қарашларини “Темур тузуклари” асарида эллик йилдан ортиқ давр (1342-1405 йй.) тарихи билан бирга, давлат ва унинг тузилиши тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар беради. Асарда давлат ва унинг амал қилиш тамойиллари, меъёрлари, муносабатлари уни барпо этиш, мустаҳкамлашни Кенгаш орқали амалга оширишда ўз ифодасини топганлигини таъкидлаш лозим. Чунки кенгаш (қарор қабул қилиш) ва машварат (маслаҳатлашиш) сиз салтанатни барча қилган ишларию айтган гаплари хато бўлган жоҳил кимсага қиёслаш мумкин; унинг сўзлари ва қилмишлари бошга пушаймонлик ила надомат келтирғай. Шундай экан, салтанатни бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбир билан иш юритгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмагайсан, дея пири Зайниддин Тайободий насихат қилган эди¹.

Амир Темур зукко, тажрибали сиёсатдон ҳамда давлат арбоби сифатида, давлатнинг марказий аппарати ва маҳаллий ҳокимиятнинг қандай, қайси ижтимоий тоифаларга таянишини, уларнинг манфаатларини уйғунлаштириш, мансабдор шахсларнинг бурч ҳамда вазифаларини белгилаб берар экан, жамиятни маълум ижтимоий-сиёсий гуруҳларга таянган ҳолда қарорлар қабул қилиш лозимлигини таъкидлаш билан уларнинг манфаатларини бошқа гуруҳлар манфаати билан бирга ҳисобга олиш зарурлиги тўғрисида ҳам муҳим фикр билдиради. Жумладан, “Темур тузуклари”да шундай келтирилади: “Маслаҳатчилар ва кенгаш аҳли йиғилганда, олдимиздаги ишларнинг яхши-ёмон, фойдаю зиён томонлари, уларни амалга ошириш, оширмаслик ҳақида сўз очиб, (улардан) фикр сўрар эдим. Сўзларини эшитгач, ишнинг ҳар икки томонини мушоҳада қилиб, фойда-зиёнларини кўнглимдан кечирардим; унинг хатарли томонларига кўпроқ эътибор назари билан қарадим; қайси бир ишда икки хатар мавжуд бўлса, уни (бажаришдан) воз кечардим ва бир хатарлик ишни ихтиёр этардим”². Ҳақиқатан ҳам, Амир Темур давлат ишларининг барини кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллаб, қарор қабул қилар эди. Бир ишга киришмай туриб, ундан чиниш йўллариини ўйлаб қўяр эди. Уни тўғри тадбир, қатъий жазм, сабр-чидам кўрсатиб, эҳтиёткорлик билан узоғини ўйлаб, ортини эсдан чиқармаган ҳолда охирига етказарди. Ҳар кимдан сўз олиб, кенгаш сўрар эди. Лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши-ёмон

¹Темур тузуклари. Форсча матндан Алихонтўра Соғуний ва Ҳабибулла Кароматов таржимаси. Изоҳлар Бўрибой Аҳмедов ва Ашраф Аҳмедов томонидан тайёрланган. – Т.: Ўзбекистон, 2015.

²Темур тузуклари. Форсча матндан Алихонтўра Соғуний ва Ҳабибулла Кароматов таржимаси. Изоҳлар Бўрибой Аҳмедов ва Ашраф Аҳмедов томонидан тайёрланган. – Т.: Ўзбекистон, 2015. 16-б.

томонлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини танлаб олар эди. Булар султанат ишларини бошқаришда амал қилиши лозим бўлган муҳим шартлардан ҳисобланар эди. Дарҳақиқат, юқорида келтирилган омилларни ҳисобга олган ҳолда, давлат бошқарувида тўғри қарорлар қабул қила олиши, уни назоратда ушлай билиши унинг буюк салтанатни қуриш ҳамда идора этишида асосий аҳамият касб этди.

XV асрда яшаб ўтган, шу даврнинг йирик классик намоёндаларидан бири, буюк шоир, сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоийдир. Унинг адолатли жамият тўғрисидаги қарашлари Фаробий қарашларига анча яқиндир. Навоий ўз асарларида “юксак жамият” ташкил этишни орзу қилади; “одил шоҳ”ни улуғлайди, жамиятда юз бераётган ноҳақликлар, адолатсизликларни эса қаттиқ қоралайди¹. Навоий марказлашган, адолатли монархия тизими, яъни “одил подшоҳ” тарафдори эди. Аммо, бундай монархия мутлақ ҳуқуқларга эга бўлмаслиги, кенгаш билан давлатни бошқариши ва олимлар фикрига таяниши лозим. Навоий ўзининг “Маҳбуб-ул-қулуб” асарида: “Одил подшоҳ кўзгу ва бу (ёвуз шоҳ) анинг орқасидадир. Ул ёруғ субҳ ва бу қоронғу кечадир”², – деб таърифлаган эди.

У ўзининг ғояларини “Садди Искандарий” достонида асослаб берган ва унда ижтимоий адолатли тузум ғоясини адолатли шоҳ тимсолида баён қилган. Навоий сиёсий қарашларида кўпроқ адолатли қонунларга асосланган маърифатли шоҳ ҳокимиятини орзу қилиб, уни озми-кўпми Ҳусайн Бойқаро давридаги вазирлик фаолиятида амалга оширишга уринган. Навоийнинг “одил шоҳ” олдига қўйган талаблари ҳам диққатга сазовор бўлиб, улар орасида, айниқса, “ўзингга раво кўрмаган нарсани халқингга ҳам раво кўрма”; “ўз қўшинларингни қийнама, уларни қашшоқ ҳолга ташлама”; “халқингни қийнама, акс ҳолда шарафли номинг булғанади”; “халқингни талама, уни мулкдан бегона қилма”; “қалбинг тоза бўлсин”; “адолатли бўл”; “ҳимматли, олийжаноб бўлгин”; “одил, халоскор бўл; худодан нажот тила”; “ҳақиқатгўй бўл”; “халқпарвар бўл” каби панду насиҳатлар ўз даври учун илғор ғоялар бўлган эди. У сиёсий қарорларнинг муҳим шакли ҳисобланган қонунларни асосий раҳбар куч деб билади. Ва бу кучни давлат бошқарувини тутиб туришда асосий мезон сифатида эътироф этади. Алишер Навоийнинг

¹ Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма / А. Жалилов, У. Муҳаммадиев, Қ. Жўраев ва бошқ. – Тошкент: 2015.

² Навоий А. Маҳбуб-ул-қулуб // Мукамал асарлар тўплами. 14-жилд. – Т.: 1998. 12-б.

бу каби илғор сиёсий қарашлари кейинчалик Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг давлат фаолиятида ва унинг бутун дунёга машҳур “Бобурнома” асарида янада бойитилган ҳамда Бобурийларнинг амалий сиёсатида маълум маънода ўз ифодасини топган. Буни Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида ҳам кўришимиз мумкин. Маълумки, у ёзувчи, шоир, саркарда ва давлат арбоби сифатида ҳуқуқий масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, Бобур давлат бошқарувида ҳукм(қарор)лар чиқариш масаласига катта эътибор берган ҳамда ўғиллари Ҳумоюн Мирзо ва Комрон Мирзоларга ҳам ушбу масалалар юзасидан оқилона маслаҳатлар берган. У давлат бошқарувида қарорлар қабул қилишда қуйидагиларга риоя қилишни таъкидлаб ўтган:

- қарор қабул қилаётганинда мамлакатдаги турли мазҳабларни инобатга олиб, уларга пок қалб билан қараш ва адолатли бўлиш;

- мамлакатнинг урф-одат ва анъаналарига ҳурмат билан қараш ҳамда уларни ҳисобга ола билиш;

- подшоҳнинг фармониغا бўйсунган халқни хароб қилмаслик;

- қарорнинг адолатли бўлиши. Шунда шоҳ раиятдан, раият шоҳдан хотиржам бўлади;

- турли эътиқоддаги халқларни тенг тутиб қарор қабул қилиш. Шундагина салтанат турли ташвишлардан холи бўлади.

Ҳар бир мамлакатнинг ҳукмдори ўзининг бошқарувида турли таъсир этувчи омилларни инобатга олган ҳолда қарор қабул қилиши лозим. Чунки, чиқарилган фармон, ҳукмлар мамлакатдаги барча фуқароларга бевосита таъсир этади. Шундагина унинг ижобий натижаси кўлами ҳам кенг бўлади.

Шарқ алломаларининг қарашларида, давлат бошқаруви соҳасида самарадор, халқчил ва адолатли қарорлар қабул қилинишига эришиш учун қарорнинг қандай шахс (Кенгаш) томонидан қабул қилинишига ҳам боғлиқ эканлиги таъкидлаб ўтилган. Бу борадаги фикрларни мутафаккир, олим Аҳмад Донишнинг сиёсий қарашларида учратишимиз мумкин. Унинг фикрича, ҳукмдор қуйидагиларга риоя қилиши лозим:

- ҳукмдор билимдон, маърифатли ва одил бўлиши керак;

- ҳукмдор ўз фуқаролари манфаатлари учун хизмат қилиши шарт;

- у қандай масалани ҳал қилмасин, энг аввал, ўзини фуқаро ўрнида, уларни эса ўз ўрнида тасаввур қилиши лозим;

- ҳукмдор муҳим давлат муаммоларини ўз атрофидаги маслаҳатчилар билан биргаликда ҳал қилиш керак;

- маслаҳатчилар ҳам донишманд ҳамда адолатли кишилар бўлиши ва ҳукмдор, албатта, уларнинг фикри билан ҳисоблашиши шарт, чунки кўпчиликнинг фикри, бир кишининг фикридан кўра тўғрироқ ва самаралироқдир.

Демакки, қабул қилинадиган қарорлар мамлакат сиёсий тизимининг барқарорлиги ва унинг ривожига таъсир ўтказар экан, уни қабул қилувчи субъектлар фаолияти ва ҳолатига ҳам боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, ҳар бир ҳукмдор давлат бошқарувида қарорлар қабул қилишда кенг ҳамда атрофлича фикр юритиши лозим. Давлатни бошқарувчи шахс қарорлар қабул қилиш борасида кўпчиликнинг фикрини инобатга олиши, халқнинг урф-одатлари, анъаналари, хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда ҳукм чиқариши муҳим аҳамият касб этади. Шундагина мамлакат сарҳадлари дахлсиз бўлади, халқи эса тинч ҳамда фаровон ҳаёт кечиради.

1.3. Давлат бошқарувида қарорлар қабул қилиш жараёни: моделлар, усуллар ва асосий босқичлар

Ўзбекистоннинг мустақил сиёсий тараққиёт йўлига ўтиши, ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар сари одимлаши мамлакатимизда демократик жараёнларни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримов қарорлар қабул қилиниши ҳақида шундай ёзади: “Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир. Ана шу уч соҳада ҳақиқий силжишлар бўлмас экан, демократия ҳақидаги ҳамма гап-сўзлар ё халққа хушомад қилиш, ёки оддий сиёсий ўйин бўлиб қолаверади. Бундай силжишлар эса бир кунда бўладиган иш эмас”¹.

Қарорлар қабул қилиш жараёни таҳлили халқаро сиёсат тизими таҳлилининг динамик ўлчови бўлиб, у шу билан бирга, ижтимоий фанлардаги марказий муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу жараённи ҳисобга олмасдан, ташқи сиёсат детерминантларини

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 181-б.

ўрганиш башорат имкониятлари нуқтаи назаридан ёки беҳудага вақтни йўқотиш бўлади ёки хавфли янглишиш бўлади, зотан, ушбу жараён қарор қабул қилувчи шахслар томонидан ташқи сиёсатга таъсир кўрсатувчи омиллар мажмуини “элакдан ўтказувчи”, “филтр” сифатида намоён бўлади.

Сиёсий назария ва амалий сиёсат учун давлат қарорларини қабул қилиш жараёнининг аҳамияти шунчалик муҳимки, ғарб сиёсатшунослик фанида сиёсий ҳокимият ва маъмурий бошқарув интерпретацияси қарорларни қабул қилиш устидан ҳақиқий назорат олиб боради. Бунда стратегик қарорларни қабул қилувчи шахслар ҳукмронлик қилувчи элитага тегишли, деб ҳисобланади (А. Хиггли). Сиёсатшуносликда бу муаммони биринчилардан Г. Саймон кўтариб чиққан бўлиб, у ўзининг “Маъмурий хулқ: маъмурий бўлимларда қарор қабул қилиш жараёни тадқиқи” (1945) асарида давлат қарорларини қабул қилиш махсус назариясининг асосларини яратди.

Қарор қабул қилиш таҳлилининг классик ёндашуви М. Вебер анъаналари учун характерли “методологик индивидуализм”ни акс эттиради, у тадқиқотнинг икки асосий босқичидан иборат. Биринчи босқичда, *қарор қабул қилувчи асосий шахслар аниқланади* (масалан, давлат раҳбари, унинг маслаҳатчилари, вазирлар: ташқи ишлар, муҳофаза, хавфсизлик) ва ҳар бирининг роли таърифланади. Бунда уларнинг ҳар бири у ёки бу давлат идорасидан ҳар қандай зарурий ахборотни талаб қилиш ваколатига бўлган маслаҳатчиларига эга.

Кейинги босқичда қарорлар қабул қилувчи субъектларнинг сиёсий афзалликлари таҳлили ўтказилади, бунда уларнинг дунёқараши, тажрибаси, сиёсий қарашлари, уларнинг бошқарув услуби ҳисобга олинади. Бу маънода Р. Снайдер, Х. Брук, Б. Сапен, Р. Жервиснинг асарлари муҳим рол ўйнайди.

Ижтимоий назарияда сиёсий ва бошқарув қарорларининг бир қанча таърифлари мавжуд. Уларнинг кенг тарқалгани ва бу илмий тушунчанинг типик изоҳидан иккитасига тўхталамиз. Биринчидан, “рационал танлов” назариясига кўра, давлат қарорлари муқобил вариантлар қаторидан ахлоқ модели танлови билан боғлиқ. Сиёсий қарор бу энг камида икки эҳтимолий сиёсий ҳаракатдан бирини танлаш ҳисобланади. “Рационал танлов” концепциясига кўра, сиёсий ҳаракат қуйидаги бош фаразларни илгари суради:

- акторлар мутаносиб мақсадларни кўзлайдилар;

- бу мақсадлар акторларнинг онгли худбинона манфаатларини акс эттиради;

- хулқ онгли танловга асосланади;

- индивид жамиятдаги асосий актор ҳисобланади;

- акторлар изчил ва мустаҳкам бирламчи йўналишларга эга;

- муқобил вариантни танлаш имкониятида актор энг юқори даражада фойда келтирувчи вариантни танлайди;

- акторлар эҳтимолий муқобилликлар ва улар танловининг эҳтимолий оқибатлари тўғрисида муайян ахборотга эга.

Иккинчидан, *фаолият ёндашуви* доирасида давлат қарорлари фаолиятнинг идеал натижаси ва оммавий ҳокимият бўлимлари ишида бу натижага эришишнинг оптимал воситалари, ўз ваколати даражасида императив аҳамиятга эга мақсад сифатида таърифланади.

Иккита кенг тарқалган нуқтаи назар мавжуд бўлиб, улар доирасида сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнининг чегаралари аниқланади: кенг ва тор нуқтаи назар. Тор нуқтаи назарга кўра, қарорлар қабул қилиш жараёни фақатгина назарий-таҳлилий жараёнлар ва мушоҳада амалиётлари билан чекланган бўлиб, қарорнинг оптимал модели танлови ва унинг анчагина қатъий шаклланиши билан тугалланади. Иккинчи қараш бу жараён чегараларини кенгайтиради ва қарорни амалга ошириш бўйича амалий ҳамда технологик чора-тадбирларни бу жараёнга киритади. Ўз мазмунига кўра, кейинги қараш сиёсий бошқарув ва давлат сиёсати механизмларининг барча жараёнларини давлат қарорларини онгли қабул қилиш ва амалга ошириш билан тенглаштиради. Маълум даражада бу ҳолат бошқарув жараёнидан сиёсий ҳаётдан тасодифийлик омилларини ва регуляторларини чиқариб ташлайди.

Замонавий сиёсатшуносликда давлат қарорларини қабул қилиш жараёнини изоҳлайдиган махсус концепциялар икки асосий типга ажратилади:

1. Тавсифий (дескриптив) концепция;

2. Меъёрий (прескриптив) концепция.

Давлат қарорларини таҳлил қилувчи бу ёндашувлар ўртасида қандай фарқ бор? *Тавсифий йўналиш*, энг аввало, эмпирик тадқиқотлар принципини ва қарор қабул қилувчи шахслар сиёсий хулқининг дескриптив таҳлили, шунингдек, муайян вазиятдаги сиёсий субъектларнинг ўзаро ҳаракатидан келиб чиқади. Дескриптив ёндашув доирасида у ёки бу индивидуал қарор мотивлари ва

сабаблари билан боғлиқ алоҳида сиёсий лидернинг фаолияти сифатида тавсифланиши мумкин.

Қарорлар қабул қилишнинг *меъёрий назарияси* спецификасида, оптимал қоида ва жараёнлар, алгоритмлар ва шаклий моделларни ишлаб чиқишга эътибор қаратилганлигини қайд этиш мумкин, зотан, уларга мувофиқ давлат қарорларини қабул қилишнинг яхлит жараёнини барпо этиш мумкин. Бу концепция сиёсий қарорлар рационализациясига мўлжалланган, чунки унинг доирасида ишлаб чиқилган алгоритмлар мақсадлар танлови ва берилган сиёсий вазият ечими учун оптимал ҳисобланган меъёрий формулада акс этган мақсадларга эришиш воситаларининг самарасини оширишга йўналтирилади. Меъёрий ёндашувнинг кучсиз тарафи, идеал типларнинг роли, уларнинг манфаатлари қадриятларидан чалғитадиган рационал моделлари, бошқарув субъектлари, қарор қабул қилувчи шахсларни аниқлашда, шунингдек, улар ўртасидаги мавжуд иерархик муносабатларга юқори баҳо беришда кузатилади.

Юқорида баён этилганлардан давлат бошқаруви субъектлари ва объектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг маълум бир принциплари мавжудлигини сезиш мумкин. Бу жараёнда, субъектнинг объектга мувофиқлиги, объектнинг субъектга тескари алоқаси, сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида субъект ва объектларнинг ўзаро бир-бирига мурожаат қилиши ва ўзаро нисбийлиги тамойиллари бор. Биринчи қоида шу билан боғланганки, масалан, ижтимоий сиёсат бўйича парламент кенгашининг қонуний ваколати ва ҳокимият компетенцияси доираси ижтимоий соҳа бўйича қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва ўтказиш жабҳасини қамраб олиши керак, бунда у мудофаа масалалари бўйича қўмита вазифалари ёки минтақавий меҳнат биржаларини оператив бошқариш соҳасига бевосита ўтиб кетиши керак эмас. Бошқача айтганда, қарор қабул қилувчи давлат субъектининг ҳокимият ваколатлари ва жавобгарлиги ҳажми идеал бошқариладиган ижтимоий объект манфаатлари ва приоритетлари характерига мувофиқ бўлиши шарт. Тескари алоқа ва қарорнинг ўз-ўзини коррекцияси принципи қарор қабул қилувчи раҳбарлар ёки коллегиял органлар ўз бошқарув объектлари (ёшлар, ишсизлар, кичик бизнес вакиллари) билан доимий ўзаро муносабатда бўлиши, алоҳида сиёсий қарорларни вақти-вақти билан таҳрир қилиш тартибини белгилайди. Зарурият туғилганда, ҳукумат томонидан ижтимоий ёки иқтисодий сиёсатни муваффақиятли ёки

муваффақиятсиз амалга оширишига қараб бутун давлат стратегиясига тузатишлар киритади.

Сўнги принцип давлат сиёсатидаги субъект ва объект даражалари иерархияси, шунингдек, сиёсий қарорларнинг таснифланиши муаммоси билан бевосита боғлиқ. Бунда сиёсий қарорлар таснифи мезонлари қарор қабул қилиш субъекти роли ва раҳбарият объекти ва ниҳоят, улар ўртасидаги ўзаро таъсир билан шартланади. Сиёсий қарорларнинг типологиясини яратишга бўлган қизиқарли уринишлардан бирини сиёсатшунос Т. Клементевич ишлаб чиққан. Олим сиёсий қарорларни икки асосга кўра таснифлаган: сиёсий ҳаракатлар танловида иштирок этувчи субъектлар доирасига кўра ҳамда раҳбарият объекти ёки қарорлар адресати ижтимоий манфаатлари соҳаси интеграцияси даражасига кўра. Шу ўринда сиёсий қарорлар коллегиял ва индивидуал бўлиши мумкинлигини ҳам эслатиб ўтадим.

Давлат сиёсатида оптимал қарор қабул қилишнинг муқобил вариантлари танлаш ва келишилган қарорни аниқлашнинг икки асосий усули мавжуд: консенсус ва овоз бериш. Улардан биринчиси, консенсус усули қарор қабул қилишда иштирокчилар манфаатларига қисман мос тушса ва биров тўғри келмаса, самарали бўлади. Шунинг учун қарор барча томонлар кўллаб-қувватлаётган турли муқобилликлар ўртасидаги компромис сифатида қабул қилинади. Айнан “барчанинг розилиги” принципи БМТ Хавфсизлик Кенгашида муҳим қарорларни қабул қилишда ишлатилади, ammo айти вақтнинг ўзида давлат сиёсатида амалда янада кенг қўлланилаётган усул стратегик қарорларни қабул қилишнинг овоз бериш усули ҳисобланади. Қарорлар танловининг бу усули фақат расмий жараён ва овоз бериш техникаси билан чекланиб қолмайди, лекин у қарорлар турли вариантларининг кучли ва кучсиз томонларини, қарорлар қабул қилувчи субъектнинг нуқтаи назарини аниқлаш, шунингдек, овоз бериш жараёнида иштирок этувчи кўпчилик, озчилик ва ораликдаги кучлар нисбати ва ҳиссасини аниқлашни қамраб олади.

Давлат қарорларини қабул қилиш жараёни алоҳида босқичлар ва функционал фазаларга бўлинади. Бошқарув қарорларини қабул қилишнинг асосий босқичлари чегараларини ва уларнинг сонини аниқлашнинг турли нуқтаи назарлари мавжуд. Умумий кўринишда профессор А. А. Дегтярев давлат қарорларини қабул қилиш жараёнини қуйидаги асосий босқичларга ажратиб чиқади.

1. *Приоритет (устувор) муаммоларни аниқлаш ва сиёсий “кун тартибини” шакллантириш.* Бу бошланғич босқичда, сиёсий қарор қабул қилиш учун зарур дастлабки ахборотлар тўпланади, сараланади, таҳлил қилинади. Алоҳида индивидлар, ижтимоий гуруҳ ва жамоат ташкилотларининг манфаатлари, талаблари ва эҳтиёжлари ўрганилади. Бунда ечимни талаб қилаётган устувор муаммолар танлаб олинади ва ҳукумат ёки бошқа давлатнинг ҳаракат органларидан кутилган ижтимоий – сиёсий “кун тартиби” тузилади.

2. *Ижтимоий муаммолар бўйича сиёсий қарорларнинг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш.* Қарорларнинг инвариантларини ишлаб чиқишда бир қанча муқобил қарорлардан энг яхши қарор танловининг оптимизациясидаги объектив эҳтиёж ҳамда субъектив интилишлар ҳисобга олинади. Бир-бири билан рақобатлашувчи у ёки бу сиёсий қарор учун ўз лойиҳасини ўтказишга уринувчи турли ижтимоий кучлар қарорларини қабул қилиш жараёнига босим ўтказиш ҳам таъсир этади.

3. *Яқуний танлов,* давлат қарорларини ифодалаш ва уни легитимлаштириш ҳисобланади. Бу иш моҳиятан, қарор қабул қилишнинг асосий босқичи бўлиб, демократик мамлакатларда давлат бошқаруви субъектлари томонидан овоз бериш ёки консенсусга эришиш усуллари ёрдамида технологик шаклда амалга оширилади. Бунда қарор унинг ваколатига кирувчи барча фуқаролар учун умуммажбурий шаклга киради.

4. *Қабул қилинган давлат қарорларини сиёсий амалиётда амалга ошириш.* Бошқарув қарори шу босқичда амалга киритилади ва ҳаётга татбиқ этилади. Давлат маъмурияти ушбу мамлакат сиёсий режимига боғлиқ равишда турли усуллар (мажбурлаш ва ишонтириш) комбинациясидан фойдаланади. Қабул қилинган стратегик қарорларни амалга ошириш учун алоҳида социотехник воситаларни (манипуляция қилиш, манёврлардан фойдаланиш) ва бошқаларни қўллайди.

5. *Қарорни амалга ошириш устидан назорат ва унинг натижалари билан “тесқари алоқа”.* Бу қарор қабул қилишнинг тугалловчи босқичи. Назоратнинг ва “тесқари алоқа”нинг йўқлиги давлат қарорининг ёки бузиб кўрсатилишига, ёки шунчаки бажарилмаслигига, ҳатто кутилмаган натижага олиб келиши мумкин. Давлат қарорлари реализациясининг назорати амалий тадбирлар, технологик амалиётларни сиёсий қарорлар қабул қилишнинг дастлабки модели, режаси ва дастури билан доимий равишда

қиёслашдан иборат бўлади. Назорат жамиятдаги институционал тартибни кўллаб-қувватловчи турли меъёр ва амалиётларни белгиловчи (коррупция ва жинойтчиликнинг бошқа шаклларига қарши кураш), қонун чиқарувчи қарорларни бажаришга давлат бюджетидаги умумий пропорцияга кўра, молиявий ва бошқа материал заҳираларнинг оператив тақсимооти билан шуғулланадиган ижро этувчи ҳокимият органлари қарорига тегишлидир. Сўнги босқичларда умуммажбурий қарорларнинг рефлексив моделини ишлаб чиқишдан уни амалиёт тадбиғига ўтиш ҳаракати содир бўлади.

Давлат қарорлари реализацияси амалиёти оммавий сиёсатнинг икки жиҳати билан чамбарчас боғланган: а) ижтимоий заҳиралар ва институционал усуллар билан тартибга солиш; б) инсонларга раҳбарлик қилишнинг инструментал воситалари, яъни мамлакат сиёсий режимининг функционаллашуви. Ҳар қандай идеал моделлар ва йўналишлар, сиёсий фикрлар ва доктриналар реализациясининг асосий усуллари амалда ҳамisha аниқ сиёсий ҳаракатлар билан боғланган.

Ф. Браяр ва М. Р. Жалили қарорлар қабул қилиш жараёнининг таҳлили методини умумлаштириб, тўрт асосий ёндашувни ажратади.

Улардан *биринчиси* рационал танлов модели деб номланиб, унинг доирасида қарор танлови миллий манфаат асосида ягона ва рационал фикрловчи раҳбар томонидан амалга оширилади. Бунда қуйидагилар фарз қилинади: а) қарор қабул қилувчи кадриятлар яхлитлиги ва иерархияси ҳақида етарлича мустаҳкам тасаввурга эга ва уларни ҳисобга олиб ҳаракат қилади; б) у ўз танловининг эҳтимолий оқибатларига эга; с) қарорлар қабул қилиш жараёни қарорга таъсир қилиш қобилиятига эга ҳар қандай янги ахборот учун очиқ.

Иккинчи моделда ёндашув доирасида ўрнатилган амалиётларга мувофиқликда ҳаракат қилувчи ҳукумат тузилмаси мажмуи таъсири остида қарор қабул қилинади, деб фарз қилинади. Қарор алоҳида фрагментларга ажратилади, ҳукумат тузилмаларининг тарқоқлиги, улар томонидан ахборотларни танлов хусусиятлари, бир-бири билан ўзаро муносабатларининг мураккаблилиги, таъсир ва обрў-эътибор даражасидаги фарқлар - у ёки бу танлов оқибатларининг тизимли баҳоланишига асосланган қарорлар қабул қилиш жараёни учун тўсиқ ҳисобланади.

Учинчи моделда қарор бюрократик иерархия ва ҳукумат аппарати аъзолари ўртасидаги мураккаб ўйин натижаси сифатида кўриб чиқилади. Уларнинг ҳар бир вакили ўз манфаатлари, ўз қарашлари ва

давлат ташқи сиёсати устуворликлари тўғрисида ўз тасаввурига эга бўлади.

Ниҳоят, *тўртинчи* ёндашувда шунга эътибор берилдики, кўп ҳолларда қарор қабул қилувчи субъект мураккаб муҳитда мавжуд бўлади ва нотўлиқ, чекланган ахборотга эга бўлади. Бундан ташқари, улар у ёки бу танлов оқибатларини тўлиқ баҳолаш имкониятига эга бўлмайди. Бу шароитда уларда муаммони фойдаланилаётган ахборотни ўзгарувчанларнинг кўп бўлмаган сонига нисбатан қўллаш зарурияти туғулади.

Қарорлар қабул қилиш жараёни таҳлилида тадқиқотчи у ёки бу кўрсатилган ёндашувларни “соф кўриниш”да фойдаланишдан четда бўлиши зарур. Ҳақиқий ҳаётда улар томонидан таърифланган жараёнлар турли-туман бирикмаларда намоён бўлади, бу бирикмаларни ўрганиш, улардан қайси бирига аниқ бир ҳолатда таяниш кераклигини ва қайси бири билан бирлаштириш кераклигини кўрсатиш зарур. Қарор қабул қилиш жараёни таҳлили кўпинча у ёки бу муайян халқаро вазият, масалан, давлатлараро низолар эволюциясини башорат қилиш учун қўлланилади. Бунда қарор қабул қилувчи субъектга бевосита тегишли омилларгина эмас, балки қарор қабул қилувчи шахс ёки инстанция салоҳияти (захиралар йиғиндиси) ҳам ҳисобга олинади¹.

Субъект ўз мақсадини амалга ошириш жараёнида қарорлар қабул қилиш механизмидан фойдаланмоғи лозим. Қарорлар қабул қилишда механизмлар қуйидагиларга боғлиқдир:

1.Ўзига хос алоҳида хусусиятлари. Корпоратив секторларда (муассасаларда), оммавий секторда (ижтимоий), давлат бошқарувида қабул қилинадиган қарорлар ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. Уларда қабул қилинган қарорлар ҳудудий, ресурслар ва бошқа аспектлар бўйича аҳамиятлилиги даражаси катта-кичиклигига кўра бўлинади. Ташкилот, муассасаларда (корпоратив) қарорлар қабул қилинишида ушбу секторга алоқадор манфаатлар доирасидагина ҳолатлар инобатга олинса, оммавий секторда кенгроқ ва аҳамиятлилик даражаси юқори бўлган жараёнлар инобатга олинади. Давлат бошқарувида қабул қилинган қарорлар ўзининг таъсир доирасининг кенглиги, ресурсларининг мавжудлиги, мамлакат бўйича ҳар бир фуқоросига бевосита таъсир кўрсатишлиги ва оқибатлари бутун давлат ҳудуди бўйлаб таъсир этиши каби ўзига хос алоҳида хусусиятлари корпоратив ва оммавий секторларда қабул

¹ www.aim.uz

қилинган қарорлар билан ажралиб туришлиги муҳим аҳамият касб этади.

2. Жараёнда иштирок этувчи соҳа ва субъектларга боғлиқлиги. Сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида ҳар томонлама пухта ўйланган қарорлар қабул қилиш лозим. Бунинг учун эса мавжуд керакли барча соҳа вакил (субъект)лари жараёнда қатнашишлари ва атрофлича ёндашишлари муҳимдир. Мутасадди мутахассислар, жамоат муассасалари, оммавий уюшмалар ва давлат сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этувчи субъектлар ҳисобланади. Жамоат муассасалари ва оммавий уюшмалар қарор қабул қилишни бевосита амалга оширсалар, давлат эса унинг номидан қарор қабул қилувчилар томонидан фаолият олиб боради.

Уларни қуйидагилар ташкил этади:

- 1) давлат бошқарувининг маъмурий орган вакиллари;
- 2) ҳукмрон ва муҳолифатдаги гуруҳлар;
- 3) маслаҳатчи ва эксперт-мутахассислар;
- 4) турли жамоат ташкилотлари (сиёсий партиялар, босим гуруҳлари).

Сиёсий қарорлар қабул қилишда иштирок этувчи субъектларнинг турли қатламларга оид бўлиши, албатта, ижобий ҳолат. Қарорлар қабул қилишда уларнинг турли фикрлари бир жойда тўқнашади. Иштирок этувчи барча субъектлар ўз манфаатларини бўлажак қабул қилинадиган қарорларда амалга оширишга ҳаракат қиладилар. Лекин, жараён давомида айрим қатлам вакилларигина манфаатлари инобатга олиниши, турли томонга оғишлар ҳамда босим ўтказишлар каби қонунга зид салбий ҳолатларга йўл қўймаслик лозим. Сабаб улар маълум тор доирадаги манфаатларни ҳимоя қилиб чиқадиладар, умумманфаатларни эмас. Кўпроқ ресурсларга эга бўлган томон (лобби гуруҳлар) устунликка ва таъсир кучига эга бўлади. Бу билан улар давлат сиёсий тизимини ўзгартирвормайди. Балки, ўзларига керакли бўлган, яъни ўз манфаатларига доир ижобий қарорлар қабул қилинишига эришадиладар. Ва бунда улар турли воситалардан фойдаланадиладар. Аксинча, қарорлар қабул қилиш жараёнининг дастлабки режалаштириш, мақсадлар артикуляцияси¹ ҳамда умуммиқёсда долзарб деб топилган муҳокамага қўйилган масалаларда ушбу барча қарор қабул қилувчи субъектларнинг

¹ Артикуляция (лот. бўғин, тушунарли сўзлаш) – сиёсий тизим функцияси бўлиб, бу ерда мақсадларни саралаган ҳолда баён этиш назарда тутилмоқда.

манфаатлари халқ фаровон турмуш тарзи йўлида уйғунлашмоғи керак.

Давлатнинг сиёсий қарорлар қабул қилишда марказ сифатидаги манфаатлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

1. Бирламчи манфаатлар: хавфсизликни, халқ фаровонлигини таъминлаш ва ҳудудий яхлитликни таъминлаш;

2. Иккиламчи манфаатлар: савдо-сотиқни ривожлантириш, янги юксалиш босқичларига эришиш...

Давлатни сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёни субъекти сифатида у бутун бошқарув тизимига раҳбарлик қилувчи асосий институт ҳисобланади. Шу маъмода давлат бошқаруви соҳасида қабул қилинган қарорлар кенг қамровли чегаралар (ташкilotлар, бирлашмалар, лоббилар..)ни ва тармоқлар (иқтисодий, ижтимоий, маданий..)ни камраб олиши лозим.

Шу билан биргалликда давлатнинг сиёсий қарорлар қабул қилишидаги вазифаларидан яна бири бу ўзининг иерархик тизимига амал қилиши, юқори босқичдан тортиб ўрта ва маҳаллий бошқарув бўғинларигача самарали қарор, фармойиш ва кўрсатмалар бериши орқали аҳолига яхши хизмат кўрсатишдан иборатдир. Бунда у олий қарор ва фармонларни маъмурий ҳужжатларга айлантириб, уларни бажарилишини таъмин этади. Бошқача қилиб айтганда, давлат ўзининг фаолияти давомида фуқороларига ундан хизмат ёки буюм сотиб олаётган ҳаридор сифатида қараши лозим.

Бундан ташқари ўзини ўзи бошқариш тизими ҳам давлатнинг сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсирини ўтказди. Ўзини ўзи бошқариш туфайли қарорлар қабул қилиш жараёнига давлат аралашувининг чекланиши, баъзи муаммоларни ҳал қилишда унинг зиммасидан соқит қилиниши бу вазифаларнинг бевосита жамоат бирлашмалари зиммасига ўтишига олиб келади.

Ижтимоий жараёнларнинг хилма-хиллиги туфайли фанда қарорлар қабул қилишнинг универсал ва ягона алгоритми¹ни ишлаб чиқиш масаласи кўтарилмаган. Буни ушбу ҳодисанинг турлича талқин қилиниши билан тушунтириш мумкин. Таърифларга кўра, сиёсий қарорлар қабул қилиш:

маҳсус ақлий ва ташкилий “маҳсулот” олишга қаратилган ҳаракатларнинг муайян технологик занжиридир;

аниқ субъектлар манфаатини рўёбга чиқариш усулидир;

¹Алгоритм – муаммони ҳал қилиш дастури бўлиб, қайси ҳаракатлар қандай кетма-кетликда амалга оширилганида натижага эришиш мумкинлигини аниқ белгилаб беради.

мақсадга эришиш стратегияси ва тактикасини тузатишни назарда тутатидиган ихтилофларни бартараф этиш усули ва ҳ.к.

Давлат бошқаруви соҳасида қарор қабул қилишда қўлланиладиган технология ва механизмлар қуйидаги омилларга боғлиқдир:

- сифат жиҳатдан муайян кўриниш ва шаклга эга жараёнларга;
- ушбу жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларига;
- мазкур жараёнлар кечаётган соҳага;
- бу жараёнларда иштирок этаётган субъектларга;
- барқарор шарт-шароит ва бошқа омиллар.

Ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларда сиёсий кучлар нисбати, миллатлар ва турли ижтимоий қатламлар манфаатлари ўз ифодасини топади. Шу боис, давлат бошқаруви соҳаси ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ҳам тасодифий эмас, чунки давлат мамлакатнинг сиёсий йўналишини белгилашдан тортиб, оддий фуқаронинг мурожаатига жавоб беришгача бўлган жуда кенг қамровли ишларни амалга оширади. Қарорлар қабул қилиш жараёни кўп жиҳатдан давлат бошқарувининг қонунийлигига боғлиқдир. Буни давлат томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ҳуқуқий асоси бор-йўқлигига қараб аниқлаш мумкин. Бунда давлатнинг, аввало, жамиятга хизмат қилиши ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга, жамият фақат бошқарув кўламини белгилаб бермайди, балки қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятига ҳам эга бўлади. Бошқача айтганда, сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида нафақат шу соҳанинг мутасаддилари, балки жамоат ташкилотлари, оммавий уюшмаларнинг вакиллари ҳам иштирок этади. Шу боис, давлат даражасида қарорлар қабул қилиш мутахассислар ва жамоатчилик ўртасидаги мулоқот шаклида амалга оширилади. Яъни, бу жараёнда бошқарувчилар ҳам, бошқарилувчилар ҳам иштирок этади.

Бу субъектларнинг манфаатлари, ҳис-туйғу ва истаклари бир-биридан фарқлангани боис, қарорлар қабул қилиш жараёнида улар тўқнашади. Қарорлар қабул қилиш жараёнига баъзан норасмий усуллар билан ҳам босим ўтказишга ҳаракат қилувчи кучлар пайдо бўлади. Натижада, қарорлар қабул қилиш жараёни манфаатларни уйғунлаштириш, ҳар бир тарафнинг мақоми ва ресурсларини тенглаштириш жараёнига айланиб кетади.

Давлат қарорларни қабул қилиш жараёнига жамиятдаги иқтисодий, информацион, молиявий ва бошқа ресурсларни бошқарувчи кучларнинг манфаатларини ифода этувчи босим

гуруҳлари сезиларли таъсир кўрсатади. Улар, одатда, мамлакатнинг сиёсий йўналишини белгилаб бермайди, бироқ ўз соҳасига оид қарорлар қабул қилишга таъсир кўрсатади. Тажрибанинг кўрсатишича, деярли барча мамлакатларда босим кўрсатишнинг турли воситаларидан фойдаланилади. Бу воситаларнинг қандай бўлиши давлат томонидан босим гуруҳлари қанчалик бошқарилишига боғлиқ. Масалан, Францияда лоббизм таъқиқланган. АҚШда эса унинг фаолияти қонун орқали қатъий белгилаб берилган. Россияда эса давлат органларига муттасил таъсир кўрсатувчи “ёввойи лобби” шаклланганлигини кузатиш мумкин¹.

Давлатнинг қарорлар қабул қилувчи сиёсий марказ сифатидаги асосий вазифаси – давлат тузуми, мустақиллик ҳамда ҳудудий яхлитликни сақлашдан иборат. Давлат юқори даражада сиёсий ҳокимиятга эга бўлсада, қарорлар қабул қилиш жараёнида ўз ҳокимиятини бошқа сиёсий институтлар билан “бўлишиши”га тўғри келади. АҚШнинг собиқ давлат котиби Г. Киссинжернинг таъкидлашича, қарорлар қабул қилиш ақлий фаолиятдир. У Жон Кеннедининг давлат маслаҳатчиси ловозимида ишлаган вақтида “Қарорлар қабул қилиш учун киши президент кабинетига кириб, ўзининг ҳақлигига уни ишонтира олса бас”, деб ҳисоблар экан. Аммо вақт ўтгач, қарорларни бундай усулда қабул қилиш кенг урф бўлган бўлса-да, у мукамал эмаслигини тушуниб етади.

Умуман олганда, давлат қарорлар қабул қилувчи субъект сифатида жамият ривожининг пировард мақсадини белгиловчи ҳамда бутун бошқарув тизимига раҳбарлик қилувчи орган сифатида намоён бўлади. Унинг бошқарувчилик имкониятини босим кўрсатувчи кучлар, жамиятда шаклланган ахлоқий анъаналар, суд ҳокимияти, жамоатчилик фикрининг таъсири чегаралаб туради.

Таъкидлаш жоизки, давлат қарорлар қабул қилиш жараёнида макроиқтисодий бошқарув органи сифатида ҳам иштирок этади. Бунда ҳокимиятни сақлаб қолиш эмас, балки жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш давлатнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ушбу жараёнда ҳукумат ижтимоий-сиёсий мақсадни қадриятлар билан ҳуқуқий жиҳатдан уйғунлаштириши ҳамда барча ресурсларни самарали хўжалик юритишга сафарбар этиши зарур. Қонунийлик, оқилоналик ҳамда иқтисодий самарадорлик – қарорлар қабул қилишдаги асосий мезондир. Бу босқичда давлат бошқаруви

¹ Умарова Н., Ислombeков У. Сиёсий технологиялар: ўқув қўлланма. – Т.: Akademiya, 2007.

оқилона мақсад ва вазифаларни белгилашга, кам воситаларни сарфлаш эвазига юқори натижага эришишга қаратилган бўлади.

Қарорлар қабул қилиш жараёнига маъмурий даражада ҳам ўзига хос ҳисса қўшилади. Бу босқичда давлатнинг асосий вазифаси иерархик алоқалар билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш ҳамда соғлиқни сақлаш, маориф ва бошқа соҳаларда аҳолига хизмат кўрсатишдан иборат. Шу мақсадда давлат органлари ҳукуматнинг олий даражадаги фармойишларини маъмурий ҳужжат – кўрсатмага айлантиради, ходимлар ва жамоаларни фармойишларни бажаришга сафарбар қилади. Ушбу вазифаларни амалга ошириш чоғида давлат тузилмалари хизмат кўрсатмаларига амал қилади, ички кодексларга бўйсунди, мутахасис билимларидан фойдаланади. Давлат бошқарувининг ушбу “маъмурий босқичи” муайян қарор қабул қилиш жараёнига жалб этилган қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятларининг ўзаро муносабатларини, қарор ҳамда лойиҳаларнинг тайёрланишини, ички идоравий муҳокамаларни ва шу соҳадаги бошқа муносабатларни ўзида ифодалайди¹.

Давлат бошқарувининг юқорида санаб ўтилган босқичлари шуни кўрсатадики, қарорлар қабул қилишда мақсадни белгилаш турлича мантиққа бўйсундирилади, турлича сабабларга асосланади. Давлат масъулияти доирасидаги ҳар қандай соҳада қабул қилинган қарорларда турли, баъзан бир-бирига зид ёндашувлар инобатга олинади. Бу давлат ва жамият ўртасида ўзига хос мувозанатни сақлашга, қабул қилинган қарорларнинг самаралилигини оширишга, бошқариш органларининг куч-қудрати ва касбий маҳоратини намоиш этишга хизмат қилади.

Давлат раҳбарларининг асосий вазифаларидан бири қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишдир, сўнгра эса бирламчи мақсадлардан келиб чиқиб баҳоланиши ва амалга оширилиши керак. Бу эса раҳбарларга катта масъулият юклайди. Шунинг учун ҳам Президент Ш. Мирзиёев: “Асосий вазифамиз – бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат”² - дея таъкидлайди.

Давлат тузилмасидаги каби фуқаролик тузилмаларида ҳам ижтимоий сиёсат ривожланишининг бутун жараёнида ва барча

¹ Соловьев А. Принятие государственных решений. – М., 2006.

² Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 26.

босқичларида турли қарорлар қабул қилинади. Бунда қарор қабул қилиш жараёни бир нечта стандарт босқичлардан иборат.

Давлатнинг ҳукумат ва бошқарув органи фаолиятига анъанавий қараш аҳолига турли (хавфсизлик, таълим, транспорт в.б.) алоҳида соҳаларни инвестициялаш ёки давлат масалаларини бажарилишини таъминлаш маъносида шаклланган. Аммо, ҳозирги замон шароитида у янги, яъни сиёсий мақсадларни малакали белгилаш, инсон ресурсларини сафарбар этиш, иш ва вазифаларнинг бажарилиши сифатини баҳолаш билан тўлдирилмоқда. Бу, ўз навбатида, давлат хизматчиларини якуний натижаларга эришиш ва қабул қилинаётган қарорларни мукамал ишлаб чиқишга йўналтиради.

Шуни таъкидлаш керакки, сиёсий ёки давлат тузилмаларида қарор қабул қилиш шакллари ва жараёни маълум даражада хусусий тузилмаларда учрайдиган моделдан фарқ қилади. Ушбу фарқлар сиёсий тизимнинг хусусиятлари билан боғлиқ. Бунга қизиқишлар бўйича гуруҳлар фаолияти, янада кенгроқ мақсад ва натижаларни баҳолаш усуллари, ҳуқуқий меъёрлар киради. Масалан, президентлик тизимларида бош ўринни президент эгаллайди, парламентар тизимларда эса биринчи ўринга вазирлар маҳкамаси (жамоавий ва коллегиял орган) ва премьер-министр чиқади. Бунда, биринчидан, сиёсий партиялар ўрни, иккинчидан, мавжуд бўлган расмий ва норасмий қоидалар, урф-одатлар ва амалиёт катта аҳамиятга эга. Давлат ҳокимиятида қарор қабул қилишни таҳлил қилишда асосий учта: институциявий-ҳуқуқий, жараёнли-функционал ва маданий-психологик компонентларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Агарда қарор қабул қилишнинг фақат техник тарафини олсак, таҳлилга қуйидаги элементлар киради:

- Қарор қабул қилиш жараёни;
- Қарор қабул қилиш жараёнини бошқариш;
- Координация ва кооперация жараёнлари;
- Қарор қабул қилишни назорат қилиш;
- Ихтилофли ва инқирозли вазиятларда қарор қабул қилиш механизми.

Давлат бошқаруви соҳасида қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тизими ва механизмини янада яхшилашга имкон берувчи асосий принциплар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

1. Муамони аниқ ва тўғри белгилаш. Уни пайдо бўлишига олиб келган сабаб ва факторларни аниқлаш;

2. Давлат қарорлари зарурлигининг таҳлили, яъни қандай даражада улар зарур ва муаммо табиатига мос келади. Мумкин бўлган фойда ва чиқимлар муаммо ечимининг альтернатив вариантлари; режалаштиришнинг услублари (методлари) ва стратегияларини ишлаб чиқиш;

3. Воситалар маҳсулдорлиги ва маъмурий талаблар, вазифа ва жавобгарликни тақсимлаш механизмини, фода ва чиқимлари таҳлили асосида давлат ҳокимияти органлари ҳаракатининг турли шакллари қиёслашни назарда тутувчи ҳукумат давлат органларининг ҳаракат мавқеи ва воситаларнинг оптимал шакллари танлаш;

4. Давлат сиёсати ва қарорлари учун ҳуқуқий асослари ишлаб чиқиш, яъни қонунчиликни ривожлантириш, барча қатнашувчиларнинг жавобгарлиги ва статусини белгилаш, уларнинг жавобгарлиги ва вазифаларини аниқ тақсимлаш;

5. Давлат сиёсатини амалга оширилишига жавобгар бўлган давлат ҳокимияти органларининг миқдори ва даражасини белгилаш;

6. Жамият учун давлат ресурслари тақсимланишининг шаффофлигини таъминлаш, муаммоларни ечиш бўйича ҳокимиятнинг давлат органлари ҳаракатлари ва вазифалари, мақсадлари ҳақидаги ахборотлар аниқлиги ҳамда уларга эркин эга бўла олиш, ижтимоий органлар ёки алоҳида фуқаролар учун берилган масала бўйича ўз қарашини (позициясини) баён қилиш имкониятининг мавжудлиги.

Давлат бошқаруви соҳасида қарор қабул қилиш босқичлари.

Қарор қабул қилиш жараёнида давлат томонидан қўлланиладиган технологиялар мазкур жараённинг аниқ босқичлари билан боғлиқ. Бу жараёнда бошқарув фаолияти учун муҳим ҳаракатлар амалга оширилади, турли манфаатлар мувофиқлаштирилади, бошқарувчиларни муайян хатти-ҳаракатларга рухсат берилади, давлат бошқарувида қўлланиладиган техника ва тадбирлар кетма-кетлиги белгиланади.

Биринчи Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI асрга интиломда” асарида қарорлар қабул қилиш жараёнининг босқичлари қуйидагича шарҳланган: “Барча сиёсий ўзгаришларнинг ўзига хос асаб толалари бўлган сиёсий қарорлар ишлаб чиқиш жараёни бир қанча бўғинларни ўз ичига олади. Биринчи ана шундай бўғин

сифатида сиёсий қарорлар қабул қилувчи муассасаларга фуқароларнинг сиёсий манфаатларини тақдим этиш босқичини кўрсатиш мумкин. Бу ерда манфаатларни бир тизимга солувчи турли хил уюшмалар, фуқаролар сиёсий иштирокининг турли шакллари намоён бўлади. Сиёсий жараённинг иккинчи босқичи қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан белгиланади. Сиёсий жараённинг учинчи босқичи қарорларни амалга ошириш ҳисобланади”¹.

Одатда, қарорлар қабул қилиш жараёни турли босқичларга ажратилади. Ноаниқликларнинг олдини олиш мақсадида унинг уч асосий босқичи: *тайёргарлик, мақсадларни белгилаш* ҳамда *уларни амалга ошириш* босқичлари ажратиб кўрсатилади.

Тайёргарлик босқичида муаммо аниқланади ва тавсифланади. Бунда муаммони ҳал қилиш учун зарур маълумотлар базаси шакллантирилади, ҳал қилиниши зарур муаммолар рўйхати тузилади (кун тартиби белгиланади), улар орасидан энг муҳим муаммолар ажратиб олинади ҳамда уни ҳал қилишда эришилган ютуқларни аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилади.

Мазкур босқичда кўлланиладиган технологиялар қуйидаги жадвалга мувофиқ амалга оширилади: вазиятни таҳлил қилиш асосида муаммо аниқланади, давлат муаммонинг мавжудлигини тан олганидан сўнг қуйидаги муқобил ҳаракатлардан бири танланади:

1. Муаммога бетараф муносабатда бўлиш ёки унга нисбатан ўз нуқтаи назарини билдириб, бошқа ҳаракатлардан ўзини тийиш;

2. Муаммони ҳал қилиш бўйича фаол ҳаракат олиб бориш. Агар давлат учинчи йўналишни танласа, қуйидаги ҳаракатлардан бирини амалга оширади:

Вазиятни чуқур таҳлил қилмай туриб, муаммони ҳал этишга қарор қилади;

Ихтилофни келтириб чиқарадиган сабабларни аниқлаш ҳамда уни ҳал қилишнинг энг самарали усулларида бирини танлаш мақсадида аниқ ҳаракатлар қилиш орқага сурилади;

Муаммони ҳал қилишни бошқа бўғинлар (жамоат ташкилотлари)га узатиш ҳамда вазиятни юмшатишнинг тезкор чоралари кўрилади².

Башорат қилиш, режалаштириш ҳамда мақсадни амалга ошириш жараёнининг узлуксизлиги туфайли бошқарув муҳитининг доиравий модели юзага келади. Бу модель вазиятни таҳлил қилиш билан айна

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 134-б.

² Клементевич Т. Процесс принятия политических решений // Элементы теории политики. Р-Д., 1991. С. 385-389.

пайтда “кун тартиби”ни белгилашни назарда тутеди. Давлатнинг тахлилий тузилмалари томонидан вазиятнинг муаммо сифатида талқин этилиши учун, албатта, ҳуқуқий асос бўлиши керак. Бундан ташқари, вазият барча учун тушунарли талқин қилиниши, ижтимоий ихтилофларнинг сабаблари қайд қилиниши ҳамда зарарли оқибатлар аниқланган бўлиши зарур.

Тайёргарлик босқичининг пировард натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Муаммоли вазиятнинг мавжудлиги тан олинади;

2. Ҳал қилиниши зарур масалаларнинг муҳимлиги нуқтаи назардан уларнинг иерархияси белгиланади;

3. Мавжуд муаммолар аниқ тавсифланади. Қисман тушинилган ҳамда нотўғри тавсифланган муаммолар давлат ва унинг фуқаролари учун салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин¹.

Мақсадни белгилаш босқичида фаолиятнинг аниқ мақсадини белгилаш асосий ўрин эгаллайди. Давлат сиёсатининг мақсадини ишлаб чиқишда бошқарув органлари муаммони ҳал қилишнинг турли муқобилларини таҳлил қилади ва уларни бир-бирига қиёслайди. Натижада, ҳар бир танланган вариант бўйича воқеаларнинг кечиши моделлаштирилади. Бунда камида учта муқобил: максималистик, хавфсиз (бетараф) ва минимал муқобиллар кўриб чиқилади. Бу муқобилларнинг ҳар бири ўзининг “юқори” ва “қўйи” чегараларига эга бўлади. Айнан шу чегараларни аниқлаш мазкур босқичдаги асосий тахлилий вазифа саналади.

Давлат бошқарувида муаммоли вазиятлар ва уларни ҳал қилиш вазифаларининг асосий уч тури кузатилади. Биринчиси – стандарт вазифа бўлиб, давлат вақти-вақти билан бу вазифани ҳал қилишга киришади (масалан, коммунал хизматларни қишки мавсумга тайёрлаш, ҳосилни йиғиб олиш ва ҳ.к.). Бунда илгари амалга оширилган шундай ишлар туфайли тўпланган тажриба, белгиланган муддатлар, қўлланилган одатий воситалар қўл келади. Боз устига, қарорларнинг илгари қўлланилган алгоритмларидан кенг фойдаланилади. Одатда, бу турдаги вазифалар тезда мақсадга айланади.

Иккинчи тур вазифа – заиф тузилишга эга вазифа бўлиб, уларни ҳал қилиш билан боғлиқ башоратлар у қадар ишончли натижа бермайди. Ва, ниҳоят, унинг учинчи тури – тузилишга эга бўлмаган

¹ Соловьев А. И. Политология: Политическая теория и политические технологии: учебник для студентов вузов. – М.: Аспект Пресс, 2000. – С. 432.

вазифа (ноанъанавий вазифалар)дир. Бу вазифани объектив баҳолаш мезонлари бўлмай, улар мақсад нуқтаи назаридан ҳам, восита, уларни амалга ошириш суръатлари ҳамда ресурслари нуқтаи назаридан ҳам тушунарсиз бўлади. Бунда қарор қабул қилиш учун зарур бўлган таркибий қисмларни аниқ тавсифлаб бўлмайди ва улар фақат воқеалар ривожига қараб намоён бўлади. Шу боис, бу турдаги вазифаларни ҳал қилиш инсондан ижодий ёндашувни талаб этади. Бунда барчага маълум ёндашув ва андозалардан воз кечиш талаб этилади. Натижада, бундай ҳолат билан боғлиқ равишда қабул қилинган қарорлар самарадорлиги анча паст бўлади.

Мақсадни аниқлаш, муваффақият мезонларини ишлаб чиқиш, вазиятга миқдор ва сифат жиҳатидан тавсиф бера олиш имконини яратадиган *таҳлилий услубларни* қўллаш ноанъанавий вазифаларни бажаришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бунда заиф муқобил вариантларни таҳлилдан чиқариб ташлаш, томонларнинг манфаатларига монанд (уларнинг манфаатига тўла мос келмасида) ҳаракат вариантларини таклиф этиш мумкин.

Мақсадни белгилаш босқичида:

- 1) турли моделларни қиёсий таҳлил қилган ҳолда ҳаракатларнинг энг мақбул модели танланади;
- 2) танланган модель асосида пировард мақсад белгиланади;
- 3) воқеа-ҳодисанинг кечишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар аниқланади;
- 4) амалга ошириладиган ишлардан кутилаётган самара баҳоланади¹.

Бунда давлат органлари пировард натижага қараб ҳаракат қилишлари, шу боис, ўз олдиларига нафақат мақбул мақсадни, балки эришиш мумкин бўлган мақсадни қўйишлари, амалга ошириш мумкин бўлган дастурларга таянишлари зарур. Қарор қабул қилувчи кишилар хаёлий тасаввурлардан воз кечишга, мавжуд ҳолатни ҳисобга олишга, чекланган ресурсларни оқилона сарфлашга, кутилмаган ҳолатларнинг пайдо бўлиши мумкинлигини назарда тутишга мажбурдирлар. Қарор қабул қилиш жараёнида пайдо бўладиган муаммо ва зиддиятларни бартараф этиш – мақсадни белгилашнинг асосий мезони ҳисобланади. Бошқарувчилар шундай ҳаракат қилишлари лозимки, бирор соҳада қабул қилинган муваффақиятли қарор натижасида бошқа соҳаларда зиддият

¹ Ларичев О. И. Теория и методы принятия решений. – М., 2000.

чиқмаслиги ҳамда давлат зиммасидаги муаммолар юки ортиб кетмаслиги зарур.

Бундай мақсадга эришиш кўп жиҳатдан қарор қабул қилиш жараёнида қўлланилган услубларга боғлиқ бўлади. Давлат бошқарувида қўлланиладиган услублар ранг-баранг бўлиб, у ўз ичига *интуитив метод*лардан тортиб, математик моделлар асосида қўлланиладиган *расмий-рационал метод*ларгача қамраб олади. Бу услубларни танлаш ва улардан фойдаланиш қарор қабул қилувчи кишиларга, вазиятга, стратегик йўналиш ва бошқа қатор омилларга боғлиқ. Умуман, қарор қабул қилиш жараёнида фойдаланиладиган услубларни қуйидаги олти туркумга ажратиш мумкин:

1. *Ҳиссий билишга* асосланган, субъектнинг ҳиссий ва тахминий тасаввурларини ўзида акс эттирадиган услублар;

2. *Прецедент услуб* бу субъект томонидан илгари содир бўлган ўхшаш ҳодисаларда фойдаланилган услубларни механик қўллашни назарда тутди;

3. Вазиятни баҳолашда объектив фикрлаш усуллари асосланган *математик, рационал, илмий услублар*. Бунда “харажат ва фойда”, “харажат ва фаолият”, “илгарилаб бораётган тадқиқотлар”, “бозор ва кайфиятларни ўрганиш” каби услублар ҳақида гапириш мумкин;

4. *Инкрементал услуб* бу вазиятнинг фундаментал жиҳатларига дахл қилмайдиган, уни сезиларли даражада ўзгартирмайдиган услубдир.

5. *Аралаш услуб* бу аниқ муаммоли вазиятни эмперик тадқиқ этишда ижтимоий таҳлилнинг умумназарий ёндашувларини қўллашни назарда тутадиган услуб ҳисобланади.

6. *Тажрибавий услуб* бу муаммоли вазиятни сунъий моделлаштиришни назарда тутадиган услубдир¹.

Қуйидаги омиллар давлатнинг тўғри мақсадлар тизимини яратиш имконини камайтиради:

- мавжуд вазият ҳақида тўлиқ ва ишончли ахборотнинг танқислиги;

- қарор қабул қилувчи шахснинг қадриятлари, руҳияти ва бошқа субъектив хусусиятлари;

- вазият билан боғлиқ шароит (қарор қабул қилиш учун вақт ва ресурсларнинг етишмаслиги, шароитнинг яхши ўрагилмаганлиги, вазиятнинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларнинг аниқланмаганлиги);

¹ Рейльян П. Р. Аналитическая основа принятия управленческих решений. – М.: Прогресс, 1979.

- ташкилий шарт-шароит (маъмурий қоидаларнинг камлиги, ташкилий тузилмаларнинг қарор қабул қилишга тайёр эмаслиги, аппаратнинг қўйилган мақсадларга нисбатан расмий-бюрократик муносабатда бўлиши ва ҳ.к.)¹.

Қабул қилинган қарор – мақсадга эришиш йўлидаги имконият, холос. Шу боис, мақсадни аниқлаш учинчи босқичга – *мақсадни амалга ошириш босқичига* ўтиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу босқичнинг асосий хусусияти шундан иборатки, бу жараёнга бошқарилувчиларни жалб қилиш эвазига бошқарув давраси иштирокчиларининг сафи кенгаяди. Бунда қарор қабул қилган шахслар эмас, балки фуқаролар ва кўп сонли тузилмалар мазкур қарорларни амалга оширади (шу жумладан, мазкур қарорларга қарши бўлган кишиларга ҳам муайян вазифаларни бажариш юклатилади).

Бу босқичда қўлланиладиган бошқарув технологиялари қуйидаги тамойилларга асосланади:

- директивлар (қарорларни буйруқ- тавсия шаклида етказиш);
- манзиллилик (яъни, аниқ гуруҳлар, тузилмалар, ташкилотларга мурожаат қилиш ва улар зиммасига шунга мос масъулият юклаш);
- қонунийлик;
- қарорларни амалга оширишнинг захира тизимининг мавжудлиги;
- қарорларнинг амалга оширилишини назорат қилишнинг тартибга солинганлиги;
- талабларнинг бир-бирига зид эмаслиги;
- мақсадларнинг амалга оширилиши ҳақида узлуксиз ахборотнинг етказилиши ва ҳ.к.².

Давлат олдида турган вазифаларнинг хилма-хиллиги мақсадларни амалга ошириш босқичини яна икки босқичга бўлишни тақозо этади. Бу босқичлар ўзига хос алоҳида технологиялар қўллашни назарда тутаяди. Булардан *биринчиси* – мақсадларни амалга оширишга тайёргарлик босқичидир. Бу босқич ҳаракатлар режасини таҳлил қилишни, мақсадларни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни излаб топишни ҳамда бошқа қатор тадбирларни қамраб олади. *Иккинчи босқич* мақсадларни амалга оширишни тезкор бошқариш босқичидир. Бу босқич субъектларнинг мотивацияси, “иккинчи даражали” қарор қабул қилишни, ушбу жараённи

¹ Соловьев А. И. Политология: Политическая теория и политические технологии: учебник для студентов вузов. – М.: Аспект Пресс, 2000. – С. 432.

² Венделин А. Г. Подготовка и принятие управленческого решения. – М.: Экономика, 1977.

йўналтириб туришни, ресурслардан қандай фойдаланилаётганлигини кузатишни ва мансабдорлар фаолиятини назорат қилишни назарда тутати.

Асосийси, қарорларнинг амалга оширилиши (кўзланган режаларнинг ўз вақтида бажарилиши) учун бошқарув марказини иложи борича жойларга яқинлаштириш, бошқарув тизимини номарказлаштириш, шу билан бирга, қуйи тузилмаларнинг мустақил ҳаракат қилишларини таъминлаш зарур¹.

Бошқарув қарорларини амалга ошириш босқичи.

Бу босқичда ҳокимият марказлари қабул қилган қарорларини ҳаётга тадбиқ этади. Умуман, бу босқич ихтилофлар ортиб бориши билан ажралиб туради, чунки ҳамма сиёсат субъектлари ўзларига бирдек маъқул бўлмаган қарорларни у ёки бу даражада ижро учун қабул қилишлари лозим бўлади. Бунда ҳукуматга нафақат муҳолифат, балки юқорида қабул қилинаётган қарорларни ўз манфаатларини ва эҳтиёжларини ҳимоя қилиш учун мослаштиришга интилувчи ҳокимиятнинг қуйи органлари ҳам қаршилик кўрсатади. Муҳими шундаки, қарорлар қабул қилишда ижро органларининг роли кескин ортади, бу эса уларга ўз ваколатларини ошириш, шунингдек, қонунларни бузиш имконини бериши мумкин.

Қарорлар қабул қилувчи ташкилотлар баён этилган мақсадлар борасида зарур сиёсий келишувга эришиш учун “қачон бошлаш, нимани таклиф этиш, қандай ҳаракат қилиш”ни билишлари зарур².

Барча тақдим этилаётган қарорлар камида мажбурий ва ҳуқуқий (қонунлашган) шаклда бўлиши лозим. Улар, шунингдек, қарорлар бажарилиши (бажарилмаслиги) учун масъуллиқни назарда тутиши ва манзилли (яъни, барча гуруҳлар томонидан бажарилишга қаратилган) бўлиши лозим. Шунга кўра қарорлар баённинг муайян шакллари (яъни фуқаролик ҳиссиётларига мурожаат, фидоийликка чақириқ ва ҳ.к.лар сингари) бериши лозим.

Бошқарув ниятларини рўёбга чиқаришга ҳокимият умумий стратегияни белгилаб олиши, ҳаракатлар табиатини аниқлаши (яъни ихтилофга ёки ҳамкорликка мойиллик, зўрлик ёки консенсусли усулларни қўллаш, сиёсий савдо ёки тўғридан-тўғри босим, манипуляция, ижтимоий фикрни алдаш ва ҳ.к. воситалардан фойдаланиш) ҳам таъсир этади. Стратегияни танлаш ўз ресурсларини, уларнинг танланган ҳаракат йўналишини амалга оширишга

¹ Умарова Н., Исломбеков У. Сиёсий технологиялар: ўқув қўлланма. – Т.: Akademiya, 2007. 44-66-66.

² Hague R., Harrop V. Comparative Government and Politics: An Intro-Auction. London, 1987. – P. 14.

етарлилигини исталган ёки амалга ошиши мумкин бўлган лойиҳалардан қайсинисини амалга ошириш маъқуллиги ҳақидаги оқилона баҳога таяниши лозим. Қабул қилинган қарорларга қаршилик даражаси эҳтимолини ҳам тўғри баҳолаш зарур; муваффақиятсизликлар рўй берса, ҳукумат ўз мақомини сақлаб қолиш ва бошқарув тизимини беқарорлашувининг олдини олиш режаларини аввалдан ишлаб чиққан бўлиши керак; вазият ўзгариб қолганда қарорлар қабул қилишнинг эҳтиёт тизимига ўтишнинг бошқа шаклларига эга бўлиши лозим. Ҳаракатчан сиёсий стратегия ва ресурслардан фойдаланиш технологиясини *амалга ошириш шартларига* мақсадга эришиш учун қилинган илк қадамлар ҳақидаги ахборотни йиғиш, оралик натижаларини кузатиш, қабул қилинган қарорларни, мақсад ва унга эришиш воситалари ўртасида номувофиқликни рўй берган ҳолатларда, мувофиқлаштириб бориш киради.

Одатда, қарорларни амалга оширишнинг бир неча асосий турлари фарқланади: *популизм, элитизм, консерватизм, демократизм ва радикализм*. Сиёсий курсни амалга оширишнинг бу ҳар бир турига бошқарувнинг муайян усуллари, ҳокимият ва аҳоли ўзаро муносабатлари табиати, ҳокимлик қилишнинг ахборот тартиби мос келади.

Популизм ҳокимлик мақсадларига эришишнинг асосий воситаси сифатида жамоатчилик фикрига тўғридан-тўғри мурожаат қилишни, бевосита оммавий кайфиятларга таянишни назарда тутаяди. Шунинг учун у муқаррар равишда жамиятга таклиф этилаётган мақсадларни юзакилаштириш, қатор ҳолларда эса сийқаллаштиришга қаратилган. Ҳукмрон элиталар натижа учун тез ҳаракатни таъминловчи ва барча зиддиятларни енгиш имконини берувчи қандайдир шиор, аҳолига мурожаат ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Бу ҳолларда кўпинча хушомад (“коммунистлар-ижтимоий тараққиёт бошида”), ташқи ёки ички хавф билан кўрқитиш (“ҳукмрон доиралар мафия кўлида”), асосланмаган ваъдалар (“радикал ислохотлар иқтисоднинг тез ўсишига олиб келади”) қўлланади. Популизм харизматик бошқарувда ёрқин намоён бўлади. Лекин популистик чоралар демократик ва бошқа турдаги, бошқарувда рационал усуллардан фойдаланувчи тартиботларда ҳам сиёсий курснинг таркибий қисми сифатида мавжуд бўла олади.

*Элитизм*нинг ўзига хос белгиси фуқароларнинг қай тарзда бўлмасин сезиларли иштирокига нафақат қарорлар қабул қилиш ва уларни мувофиқлаштириш соҳасида йўл қўймаслик, балки электорат билан ўзаро муносабатларнинг воситали шакллари рағбатлантириш, жамоатчиликнинг сиёсий ахборотларга эгаллигини чеклаш, сиёсий қарорлар қабул қилиш ва амалга оширишнинг ҳамма босқичлари ёпиқлигидир.

Консерватив сиёсатда ҳокимиятлар фаолиятида давлат ҳокимияти органлари таркиби ва функцияларини сиёсий бошқарувнинг анъанавий шакллари ва услубларини сақлаб қолишга ҳаракат устунлик қилади. Бундай бошқарув усуллар барқарор сиёсий режимлар учун хос бўлиб, улар фуқароларда ушбу жамиятда эъзозлануви ва авайлаб-сақланувчи кадриятлар ва идеалларга ички мойилликни тарбиялайди. Бу эса, албатта, ватанпарварлик кайфиятларини кучайтириш ва ижтимоий ҳамда сиёсий организм яхлитлигини сақлашга хизмат қилади.

Радикализм сиёсий бошқарувда бутунлай тескари натижага олиб келади. Жамиятни инқилобийлаштириш, уни сифат жиҳатидан қайта қуриш ҳокимиятнинг мақсади бўлмаган ҳолларда ҳам қайта қуришнинг радикал усуллари билан амалга ошган ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар оқибати камдан-кам ҳолларда фуқаролар тинчлиги, тартиб, аҳоли ҳаётининг яхшиланишига олиб келади. Инқилобий тартиботлар бошқарувининг асосий усули – зўрлик ҳокимиятни фуқароларнинг оммавий қирғинига олиб келувчи ўзгаришлар воситасига айлантиради¹.

Демократизм глобал келажак мақсадлар туйғайли одамлар манфаатлари ва ҳуқуқларини инкор этувчи радикализмдан фарқли ўлароқ фуқароларнинг реал эҳтиёжлари ва талабларидан, уларнинг ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан келиб чиқади. Оддий фуқаролар ва элита ўртасида ўзаро масъулиятли муносабатлар муҳитини тарбиялаш орқали демократик сиёсат одамлар ишончи, уларнинг ҳокимият билан очик ҳамкорлик қилиш истагига эришади. Сайлов циклари тадбирларига, ҳокимият бўлинишига, муҳолифат билан маданий муносабатларга риоя этиш, одатда, сиёсий бошқарув ихтиёридаги воситалардан қаттиққўл ижтимоий зўрликни истисно қилади, фуқароларнинг “ўз-ўзини интизомга тортиш ва ўз-ўзини мажбур қилиш” механизмларини рағбатлантиради².

¹ Политология. Курс лекций. Под ред. Доктора юридических наук, профессора М. Н. Марченко. Изд. 3-е, перераб. и доп. – М.: Издательство ЗЕРЦАЛО, 2000.

² Пугачев В. П., Соловьев А. И. Введение в политология. – М.: Аспект пресс, 2000. – С. 394-404.

Қарорлар қабул қилишнинг асосий талабларини қўллай билиш сиёсий тизимлар жадал ўзгараётган, уларнинг трансформацияси ва модернизацияси даврларида алоҳида аҳамият касб этади, негаки, бу шароитда сиёсий ҳаёт анъаналарига ва давлат ҳамда жамиятнинг бошқаришнинг синалган усулларига тўлиқ кўламда таяниш мумкин бўлмай қолади.

Давлат бошқарувининг юқорида санаб ўтилган босқичлари шуни кўрсатадики, қарорлар қабул қилиш жараёнида мақсадларни белгилашнинг турли хил қарашлари, мотивациялари бир вақтда намоён бўлади. Маҳаллий ҳокимият органлари маъсулияти доирасига кирган ҳар қандай соҳада қабул қилинган қарорларда турли хил баъзан бир-бирига қарама-қарши бўлган ёндашувлар ва механизмлар инобатга олинади. Ушбу ёндашув ва механизмлар давлат ва жамият ўртасида ўзига хос балансни сақлашга, қабул қилинган қарорларни самаралилигини белгилашга ҳамда бошқарув органларининг кучини ва компетенциясини намоёништиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида кўзланган мақсадларни белгиланишида сабаб ва оқибатларга асосланилади. Давлат масъулияти доирасида қабул қилинган ҳар қандай қарорларда турли, бир-бирига зид ҳолатлар инобатга олинishi бу давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни сақлашга, қабул қилинган қарорларнинг самарадорлигини оширишга олиб келади.

1.4. Давлат бошқарувида сиёсий қарорларнинг қонун шаклида намоён бўлиши

Қонунчилик жараёни бикамерал тизимга эга Ўзбекистон Республикаси парламенти – Олий Мажлиснинг асосий вазифаларидан бири эканлиги барчамизга маълум. Бу эса нафақат қонунлар, балки сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳисобланади.

Шуни айтиш жоизки, ҳар куни сиёсий тузумидан қатъий назар бирор давлатда Президент фармонлари, қонун лойиҳалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг баённомалари кўринишида турли хилдаги сиёсий қарорлар қабул қилинади. Уларнинг қанчалик муҳимлиги ким томонидан нима борасида қабул қилинганлиги билан бевосита боғлиқ. Бироқ, парламентнинг сиёсий қарорларни қабул қилиш каби масъулиятли вазифани самарали амалга ошириши, энг аввало, у ўзи фаолият кўрсатаётган жамиятнинг мақсадлари, истаклари ва манфаатларини қай даражада англай олишига ва акс

эйтиришига боғлиқ. Шу ўринда парламент жамиятнинг мавжуд имкониятларини, иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳволини, маънавий оламини, урф-одатларини, анъаналарини, қизиқишлари ҳамда интилишларини ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатиши муҳим ҳисобланади.

Ҳар қандай мамлакатнинг парламенти учун юқорида қайд этилган шароитларга амал қилиш ўта мураккаб вазифадир. Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи олий вакиллик органи учун ушбу вазифа жамиятимиз тарихий, ўтмиш даврини бошидан кечираётганлиги сабабли ҳам янада мураккаблашди. Ҳеч шубҳасиз, юртимизда эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш жараёнида ижтимоий-сиёсий муносабатлар, одамларнинг онги ва тафаккури ҳам ўзига хос, шу билан бирга, мутлақо янгича маъно касб этиб бормокда. Хусусан, шахс ва давлат, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар янгича мазмун ва шакл топиб, янги хусусиятлар, янги тамойиллар асосида такомиллашиб бораётганини сезиш, англаш қийин эмас¹. Шу ўринда сиёсий қарорлар ҳар доим ҳам қонун бўлавермаслигини, аммо улар кўп ҳолларда қонун орқали амалиётга жорий этилишини таъкидлаб ўтиш зарур².

Сиёсий амалиёт эса қонунни сиёсий қарорларнинг энг залворли ва тантанавор шакли сифатида белгилайди³. Сабаби қонун барча қарорларни, унга бевосита таълуқли бўлган ёки бўлмаган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солади: улар қонун измида амалга оширилади. Ғарб мутафаккирлари Ш. Монтескье ва Ж. Ж. Руссолар ҳам қонун устуворлиги орқали халқнинг умумий иродаси ифодаланиши ҳамда муҳим, типик ва турғун ижтимоий муносабатларни бошқариш мумкинлигини таъкидлаганлар.

Қонуннинг устуворлигини таъминлаш демократиянинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Қонунга итоат қилинган жамиятдагина демократия қарор топади ва барқарор ривожланади. “Чинакам демократик жамиятда Президент ҳам, оддий фуқаро ҳам қонунга риоя этади. Бошқа иложи йўқ”⁴. Қолаверса, барча демократик институтлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонун воситаси билан жорий этилади.

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008. 125- б.

² Мусаева М. Н. Жамиятни демократлаштиришда икки палатали парламентнинг аҳамияти: Сиёсий фан. номз.... дис. – Тошкент: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, 2003. –63-64 б.

³ Jean-Luc Chabot. Introduction a la politique. Presses Universitaires de Paris, 1991. – P. 161.

⁴ Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. – Т.: Ўзбекистон, 1993. 26- б.

Маълумки, парламент ижтимоий турмуш шароитида марказий ўрин эгаллайди. Парламент бир қатор мамлакатларнинг конституцияларида қонун чиқарувчи орган сифатида қайд этилади. Рус олими профессор З. М. Черниловский: “Парламент аҳолининг у ёки бу қатламлари тарафдор бўлган фикрлар, у ёки бу “гурух” манфаатларини акс эттирадиган, таклифлар ошқора тўқнашадиган анжуманга айланмоғи лозим. Парламентда улар қонун шаклида мурасага келади”¹ – деб ёзади. Ҳақиқатдан ҳам, парламент мамлакатнинг турли хил қатламларининг манфаатларини ўзида акс эттирадиган олий давлат ҳокимияти вакиллик органидир. Ушбу гурух ва қатламларнинг манфаатлари, хоҳиш-иродалари ва қадриятлари парламентда сиёсий қарор сифатида акс этади. Шунинг учун ҳам биз парламентни сиёсий қарор қабул қилувчи институт сифатида баҳолашимиз мумкин.

Қонунчилик ҳокимияти давлат ҳокимиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб, уни такомиллаштириш давлат ҳокимияти бутун тизимининг тарихий эволюцияси билан боғлиқ. Шу сабабли қонун чиқарувчи олий органларнинг қарор топиши ва ривожланиши муаммоларини ҳар томонлама таҳлил этиш давлат қурилиши назарияси ва амалиёти учун, Ўзбекистон парламентаризмининг келажаги учун теран аҳамият касб этади. Айни пайтнинг ўзида истиқболни белгилаб олиш учун ўтмишни чуқур ва холис ўрганмоқ зарур. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Миллатни асраш керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоялаш керак”. Демак, тарихий ёндашув сиёсий-ҳуқуқий таҳлилнинг ажралмас қисми бўлиб, усиз сиёсий воқеаликка ҳаққоний баҳо бериб бўлмайди.

Ўзбекистонда барпо этилаётган ҳуқуқий давлат ва шакллантирилаётган фуқаролик жамияти ҳамда давлат ҳокимияти механизмини демократлаштириш, ислоҳ қилиш масалаларининг назарий асослари, тамойиллари биринчи Президент И. А. Каримов томонидан ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. “Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини

¹ Черниловский З.М. Правовые государство исторический опыт. //Советское государство и право. 1989. –№4. 54- б.

шакллантиришдан иборат”¹. Пировард мақсадимиз эса ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдир².

Шунинг учун ҳам эндиликда “давлат бошқаруви ва жамият қурилишида демократик андозалар ва тамойилларни янада чуқурроқ тадбиқ этиш, ҳокимият – яъни қонунчилик, ижро ва суд тармоқларининг ўзаро мувозанати ва мутаносиблигини, шу билан бирга, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳар қайси тармоқ ўз вазифа ва бурчини бажариши учун амалий механизмларни ҳаётда ташкил этиб бериш”³ ғоят муҳим вазифалардан саналади.

Парламентаризм – сиёсий демократиянинг таркибий қисми. Парламентнинг демократлиги, яъни сиёсий қарор қабул қилувчи олий институт эканлиги шундан иборатки, *биринчидан*, халқнинг бевосита сайловда овоз бериши орқали ташкил этилади яъни шакллантирилади; *иккинчидан*, парламент ошкора муҳокама орқали олий даражадаги сиёсий қарорлар қабул қилади; *учинчидан*, парламент халқнинг иродасини ифода этувчи, унинг номидан иш кўрувчи вакиллик органи ҳисобланади; *тўртинчидан*, аксарият ҳолларда депутатлар халқ билан мулоқотда бўлиб, унга ҳисоб бериб турадилар.

Бизга маълумки, парламентнинг кўплаб функциялари мавжуд. Улар тартибга солиш, қонун чиқариш, назорат ва таъсис этиш каби функциялардан иборат. Биз фақатгина қонун чиқариш яъни сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш функциясигина тўхталиб ўтамиз. Бу парламентнинг энг кўламдор ва муҳим вазифасидир. Айнан шу орқали бир қанча мақсадларга эришилади:

биринчидан, ижтимоий муносабатларни муайян даражада тартибга солиш орқали сиёсий қарор устиворлигини таъминлашга эришилади;

иккинчидан, қонун шаклидаги сиёсий қарорлар билан бошқа норматив ҳуқуқий актлар ўртасидаги муносабат аниқ белгиланиши ва ифодаланишига эришилади;

учинчидан, қонунчиликка доир сиёсий қарор тармоқлари шакллантирилади ва уларнинг ҳар бир йўналиши бўйича самарадорлигини назорат қилиб бориш имконияти яратилади.

¹ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 331-б.

² Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 177- б.

³ Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак . Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. 22- б.

Сиёсий қарор қабул қилиш жараёни парламент, унинг ички таркибий тузилмалари (қўмита, комиссиялар) томонидан сиёсий қарор лойиҳалари (дастлабки кўриниши)ни ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилиш йўли билан амалга ошади.

Парламентнинг ҳар бир аъзоси халқ вакили сифатида қонун шаклидаги сиёсий қарор лойиҳаси муҳокамасида иштирок этади, қонунни қабул қилишда овоз беради, яъни ўз иродасини баён этади. Ушбу масалада фикрлар, қарашлар турлича бўлсада, биргина умумий жиҳат бор, яъни вакиллик ишончига эга бўлган депутат парламентнинг сиёсий қарор қабул қилиш функциясини рўёбга чиқаришга йўналтирилган эҳтиёж ва манфаатларни ифода этиши лозим. Жамият манфаатлари ҳамда интилишларининг қай даражада акс этганлиги сиёсий қарор мазмунидан аён бўлади.

Олий даражадаги яъни қонун шаклидаги сиёсий қарор парламент фаолиятининг ойнасидир. Сиёсий қарор ижодкорлиги жараёнида депутатлар ифода этишга интилаётган манфаатлар ўзаро уйғунлаштирилади. Бу жараён ҳамма парламентларда, ҳар бир аниқ ҳолатда осонликча амалга ошмайди. Сиёсий қарор қабул қилиш парламентнинг асосий ваколати бўлсада, у ҳам қонунийликка таяниб иш юритади. Парламент Конституцияга зид келувчи сиёсий қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Шунингдек, сиёсий қарор қабул қилиш билан боғлиқ бутун жараён, яъни қарор лойиҳаларини тайёрлаш, муҳокама этиш парламент доирасидан ҳам ташқарига чиқади. Маълумки, бу жараёнларда ижро этувчи ҳокимият, президент, сиёсий партиялар, бошқа давлат идоралари ва жамоат бирлашмалари ҳам иштирок этади. Шундай бўлсада, парламент қарор қабул қилувчи асосий марказ сифатида аҳамиятини йўқотмайди.

Сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш парламент иш режасида назарда тутилиши мумкин, ёки давлат ва жамият ривожланиши эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда рўёбга чиқади. Қабул қилинган махсус регламентлар ва жараёнларни тартибга солувчи бошқа асослар орқали уни амалга оширади. Бундан кўзланган мақсад, самарали ва тез сиёсий қарор қабул қилинишига эришишдир.

Икки палатали парламент ташкил этилгач, мамлакатимизда қонун чиқарувчи ҳокимият ўз тараққиётида янги поғонага кўтарилди. Энг асосийси, гарчи қонунчилик жараёни анча мураккаблашган бўлса-да, қабул қилинган қонунларнинг сифати сезиларли даражада ошди. Қонунларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг роли кучаймоқда.

Қонун лойиҳаларини партияларнинг фракцияларида олдиндан кўриб чиқиш, Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда уларнинг фикрларини эшитиш амалиёти шаклланди. “Афсуски, ҳозирги кунда қонунларнинг ислоҳотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли пастлигича қолмоқда. Бу борадаги ишларни ташкил этишда авваламбор қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга соладиган даражада ишлаб чиқиш, идоравий ҳужжатларни кескин қисқартириш зарур”¹.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси парламенти – Олий Мажлисида қонунлар қабул қилиш жараёнларига батафсил тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик. Чунки, вужудга келаётган сиёсий қарорлар қандай йўл ва усуллар билан қабул қилинаётганлиги ҳамда кейинги унинг ижросига таъсири катталиги нуқтаи назардан муҳим деб ҳисоблаймиз. Шундай қилиб, сиёсий қарор – қонунлар қабул қилинишидан олдин унинг лойиҳаларини тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби ва дастлабки тарзда кўриб чиқиш тўғрисида тўхталамиз.

Бугунги кунда амалдаги қонунчилигимизга кўра, қонун қабул қилиш жараёни босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи;
2. Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш;
3. Қонунни қабул қилиш;
4. Қонунни имзолаш ва эълон қилиш².

Биринчи босқич – қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи. Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан киритилади³. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш, уни қабул қилиш ҳуқуқий норматив ҳужжатлар билан белгиланган мамлакатдаги алоҳида субъектлар томонидан амалга оширилади. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи бу Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонунлар лойиҳаларини киритиш орқали амалга ошириш жараёни ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон

¹ Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 8-9-бб.

² Жалилов Ш.И., Хамроев И.О. Ўзбекистон Республикасининг парламент ҳуқуқи. – Т.: ЎзМУ, 2005.

³ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2003. –№9-10, – 136-модда; //Халқ сўзи, 2003. –№206; ЎР. ҚХТ, 2003. –№19, – 167-модда.

Республикаси, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари¹ ҳисобланадилар. Ушбу субъектлар Қонунчилик палатасида ўзи киритган қонун лойиҳаси кўриб чиқиладиганда иштирок этиш учун ўз вакилини тайинлаши ҳам мумкин. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак:

1) қонун лойиҳасига унинг концепцияси баён қилинган ҳолдаги тушунтириш хати;

2) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек қонун лойиҳаси киритилиши билан боғлиқ қонунларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси;

3) ўзгартирилиши, қўшимчалар киритилиши, ўз кучини йўқотган деб топилиши ёки қабул қилиниши лозим бўлган қонуности ҳужжатларининг рўйхати;

3¹) халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари-нинг тегишли қоидалари, Ўзбекистон Республикаси шароитида тегишли халқаро тажриба қўлланилишининг мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифлар кетма-кет тартибда кўрсатилган таҳлилий қиёсий жадвал;

4) моддий харажатларни талаб қиладиган қонун лойиҳалари учун молиявий-иқтисодий асослар;

5) давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳулосаси.

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилингунига қадар қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти лойиҳа матнини ўзгартириш ёки ўзи киритган қонун лойиҳасини чақириб олиш ҳуқуқига эга. Киритилган қонун лойиҳаси, агар айни шу масала бўйича қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган бўлса, қайтариб юборилади.

¹ “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. –№14, – 213-модда.

Қонунчилик палатаси фаолиятини самарали ташкил этиш, кўмиталар ишини мувофиқлаштириб бориш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштириш масаласини дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида Қонунчилик палатаси Спикери, унинг ўринбосарлари, фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг раҳбарлари, Қонунчилик палатаси кўмиталарининг раисларидан иборат таркибда Қонунчилик палатаси Кенгаши тузилади¹.

Қонунчилик палатаси Кенгаши қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун қабул қилингандан сўнггина Қонунчилик палатаси мажлисида умумий кўриб чиқишга тайёрлаш бўйича қарор чиқаради ва муддатини белгилайди. Кўриб чиқиш учун қабул қилинган қонун лойиҳаси ва унга доир материаллар билан қуйидагиларга юборади:

- 1) Қонунчилик палатаси кўмиталарига;
- 2) депутатлар бирлашмаларига;
- 3) манфаатдор қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларига;
- 4) давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мутахассислар ва олимларга.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти қонун лойиҳасини биргаликда тайёрлаш тўғрисидаги таклиф билан бошқа қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига мурожаат қилиши мумкин. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар эса ўз таклифларини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари кўриб чиқиши учун киритиш ҳуқуқига эга².

Қонунчилик палатасининг Кенгаши ҳузурида Қонунчилик палатаси девони ходимлари орасидан уч кишидан иборат таркибда киритиладиган қонун лойиҳаларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишни ташкил этиш бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузилади.

Шунинг билан биргаликда қонун лойиҳасини тайёрлаш учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан ишчи гуруҳ (комиссия) тузилиши ҳам мумкин. Ишчи гуруҳ таркибига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари юридик хизматининг вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, вазирликлар, давлат кўмиталари, бошқарув соҳа вакиллари, бошқа манфаатдор

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003. –№9-10, – 136-модда; “Халқ сўзи”, 2003. –№206; ЎР ҚХТ, 2003. –№19, – 167-модда.

² “Қонунчилик лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-модда, 1-қисми //Халқ сўзи, 2006. –№201; ЎР ҚХТ, 2006. –№41, – 406-модда.

давлат органлари, илмий муассасалар, нодавлат ташкилотларнинг вакиллари ҳамда фуқаролар киритилиши мумкин. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари қонун лойиҳаларини тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар, статистик ва бошқа маълумотлар, маслаҳатлар, тавсиялар ҳамда эксперт хулосаларини вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралардан олишга ҳақлидирлар.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари қонун лойиҳасини тайёрлашда қонунчилик ҳолатини ва ҳуқуқнинг қўлланилиш амалиётини ўрганиши, халқаро тажрибани ҳисобга олиши ҳамда жамоатчилик фикрини ўрганиши лозим. Шунингдек, улар қонун лойиҳасини бошқа қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларига, манфаатдор давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, илмий муассасаларга тақриз учун юборишлари ҳам мумкин.

Қонун лойиҳаси лўнда, аниқ, оддий ва раво тилда, нормаларни турлича изоҳлашни истесно этадиган тарзда юридик атамашуносликка риоя қилган ҳолда баён қилинади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қуйилмаслиги керак. Лекин, қонун лойиҳа матнларида тушунча ва атамалардан, ҳаволалардан фойдаланилиши мумкин.

Қонун лойиҳаси устидаги иш тугалланганидан сўнг унинг сифатига баҳо бериш учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг қарорига биноан лойиҳа ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, илмий-техник, экологик ва бошқа турдаги экспертлардан ўтказилиб, тегишли хулосалар олиниши ҳам мумкин¹. Бу ҳолат албатта, қонун лойиҳасининг аниқ ва пухта бўлишига асос бўлади.

Иккинчи босқич – қонун лойиҳасини муҳокама қилиш. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўмиталарида муҳокама қилиш очик, қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг вакили таклиф этилган ҳолда ўтказилади. Агар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан бошқа муддат белгиланмаган бўлса, масъул кўмита қонун лойиҳаси олинган кундан эътиборан икки ой ичида уни қуйидагиларни илова қилган ҳолда Қонунчилик палатаси Кенгаши кўриб чиқиши учун тақдим этади:

- Қонунчилик палатаси Кенгашининг қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини;

¹ “Қонунчилик лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 3-боб, 20-23-моддалари // “Халқ сўзи”, 2006. –№201; ЎР ҚХТ, 2006. –№41, – 406-модда.

- масъул кўмитанинг мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш ёки рад этиш зарурлиги асосланган хулосасини;

- фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг) қонун лойиҳаси бўйича фикрлари ва таклифларини илова қилган ҳолда, Қонунчилик палатаси Кенгаши кўриб чиқиши учун тақдим этади¹.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўмиталарида муҳокама қилиш очик, қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти вакиллари таклиф этилган ҳолда ўтказилади.

Шунингдек, қонун лойиҳаси ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан Қонунчилик палатасига давлат тилида киритилиши шарт. Бир вақтининг ўзида уларнинг бошқа тиллардаги таржималари ҳам тақдим этилиши мумкин².

Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, уч ўқишда кўриб чиқади. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида, уни қабул қилиш зарурати, қонун лойиҳасининг концепцияси, унинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек қонунни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ҳамда молиялаштириш манбалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинади. Агар муҳокама вақтида лойиҳанинг муқобил вариантлари бўлса, уни ҳам бир вақтда кўриб чиқилиши шарт. Қонунчилик палатаси депутатларининг қарор қабул қилиш учун талаб қилинадиган энг кўп миқдордаги овозини тўплаган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган ҳисобланади. Қонун лойиҳасининг қолган вариантлари Қонунчилик палатаси томонидан рад этилган ҳисобланади. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари Қонунчилик палатасига ўзи киритган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилингунига қадар чақириб олишга ҳақлидир.

Масъул кўмита қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида тушган фикрлар ва таклифларни умумлаштиради. Масъул кўмита томонидан асосли деб топилган таклифлар қонун лойиҳасининг матнига киритилади. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси томонидан иккинчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида масъул кўмита томонидан маъқулланган фикрлар ва таклифлар ҳам,

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 14-модда, 3-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003. – №9-10, – 136-модда; “Халқ сўзи”, 2003. –№206; ЎР ҚХТ, 2003. –№19, – 167-модда.

² “Қонунчилик лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 26-модда, 4-қисми //Халқ сўзи, 2006. –№201; ЎР ҚХТ, 2006. –№41, – 406-модда.

маъқулланмаган фикрлар ва таклифлар ҳам муҳокама қилинади. Қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш моддама-модда ўтказилади.

Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгиллаган ҳолда уни иккинчи ўқишда қабул қилиш ёхуд қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Учинчи ўқишда қонун лойиҳаси муҳокама қилинмасдан тўлалигича овозга қўйилади.

Қонун лойиҳаси биринчи ёки иккинчи ўқишда қабул қилинган тақдирда, масъул кўмитанинг таклифига биноан қонунни кейинги ўқиш тартиб-таомилларини истисно этган ҳолда қабул қилиш тўғрисидаги масала овозга қўйилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси мажлисида қонун лойиҳаларини бир неча ўқишлар натижасида қуйидаги уч ҳолатдан бири вужудга келади:

1) муҳокама этилган қонун лойиҳаси рад этилиб, мазкур қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларига қайтарилади;

2) умумхалқ муҳокамасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади;

3) қабул қилинган қонун Олий Мажлис Сенатига юборилади¹.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун ўн кун ичида Сенатга кўриб чиқиш учун юборилади. Сенатга қонун билан биргаликда қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш чоғида тақдим этилган материаллар юборилади. Аммо, Қонунчилик палатасининг Сенат билан биргаликдаги ваколатларига кирадиган масала юзасидан қабул қилинган қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида Сенатга юборилади.

“Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддасида, қабул қилинган қонун Сенатга юборилганидан сўнг амалга ошириладиган ҳаракатлар белгиланган. Сенат қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади ва ушбу қонун Қонунчилик палатаси томонидан бир ой муддат ичида қайта кўриб чиқилиши керак.

Агар Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг 2/3 қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа,

¹ "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 19-модда, 7-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003. – №9-10, – 136-модда; //Халқ сўзи, 2003. –№206; ЎР ҚХТ, 2003. –№19, – 167-модда.

қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти қайтарган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) қонунни Ўзбекистон Республикасининг Президентининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш;
- 2) қонунни бундан буён кўриб чиқмаслик;
- 3) қонунни аввалги қабул қилинган таҳририда маъқуллаш.

Башарти, Сенат қуйи палата қабул қилган қонунни маъқулламай, рад этса, парламент палаталари ўртасида келишув комиссияси тузилади. Сенат рад этган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенг асосда келишув комиссияси тузилиши мумкин. Комиссия, қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида, Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади. Қарор, агар комиссиянинг ҳар бир палатадан сайланган аъзоларининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Хулосага киритилган ўзгартиришлар матни илова қилиниб, палата раислари томонидан имзолангач тегишинча Қонунчилик палатаси ва Сенатга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, конституциявий қонуннинг, уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини қабул қилиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг 2/3 қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади. Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тегишли таклиф киритилганидан кейин олти ой ичида унинг кенг муҳокамасини инобатга олган ҳолда кўриб чиқиши мумкин¹. Агар Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилмаса, уни кўриб чиқиш камида бир йилдан кейин қайта бошланиши мумкин.

Мамлакатимизда икки палатали парламентнинг жорий қилиниши қонун чиқариш жараёнига муайян хусусиятлар бахш этди. Гарчанд,

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 76 б.

қонунларни асосан Қонунчилик палатаси ишлаб чиқиб, қабул қилсада, у кейин Сенат томонидан кўриб чиқилади ва маъқулланади (ёки рад этилади). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенат Регламенти¹нинг 11-14 моддаларида ушбу масалалар ўз аксини топган.

Белгиланган тартибга кўра, Сенатга келиб тушган қонун рўйхатга олинади ва Сенат раиси томонидан қонунни кўриб чиқадиган ҳамда унинг юзасидан хулоса тайёрлайдиган Масъул кўмитага топширилади. Масъул кўмитанинг хулосасида қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги тавсия ифодаланган баҳо акс эттирилади. Қонунни рад этиш зарурлиги тўғрисидаги хулосада Масъул кўмитанинг қонунни рад этиш зарур деб ҳисоблашининг асослари баён этилиши лозим. Масъул кўмитанинг хулосаси Сенат Кенгашига тақдим этилади. Кенгаш қонунни Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш-киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилади. Сенат мажлисида қонунни кўриб чиқиш маърузачининг Масъул кўмита хулосасини ўқиб эшиттиришидан бошланади. Кўриб чиқиладиган қонун юзасидан унинг муҳокамаси давомида сенаторлар сўзга чиқишлари мумкин.

Қонун Сенат томонидан сенаторларнинг умумий сонининг кўпчилик овози билан маъқулланади. Сенат маъқуллаган қонун имзолаш ва эълон қилиш учун Сенат қарори билан бирга белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенатнинг қонунни рад этиш тўғрисидаги қарорида рад этиш важлари кўрсатилиши керак. Унда айни вақтнинг ўзида қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш зарурлиги тўғрисидаги, шунингдек келишув комиссияси тузиш ҳақидаги таклифлар баён этилиши мумкин.

Сенатнинг қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади. Ўзаро юзага келган келишмовчиликлар сабабли Сенат Раиси (ёки сенаторлар умумий сонинг камида 1/5 қисми) ташаббуси билан келишув комиссияси тузилиши мумкин.

Сенат келишув комиссиясининг таклифларини қабул қилган тақдирда қонун Қонунчилик палатаси томонидан одатдаги тартибда қайта кўриб чиқилиши керак. Агар, Сенат қонунни келишув

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 3-боб, 11-15 моддалари. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 137-модда; //Халқ сўзи, 2003. –№207; ЎР ҚХТ, 2003. –№19, – 168-модда.

комиссиясининг таҳририда маъқулламаса, у рад этилган қонун сифатида Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти қайтарган қонунни қайта кўриб чиқиш учун бевосита Қонунчилик палатасига юборилади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти қайтарган ва Қонунчилик палатаси қайта кўриб чиқишда илгари қабул қилинган таҳрирда маъқулланган қонун белгиланган тартибда Сенатга юборилади. Масъул қўмита ушбу қонун юзасидан хулоса беради. Масъул қўмитанинг хулосаси олингандан кейин қонунни Сенатда қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги масала белгиланган тартибда Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритилади. Сенат қайта кўриб чиқиш натижалари бўйича қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сенат томонидан қайта кўриб чиқишда сенаторлар умумий сонининг 2/3 қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланган қонун имзолаш ва эълон қилиш учун белгиланган тартибда Сенат қарори билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенатнинг қайта кўриб чиқиш натижалари бўйича қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади¹. Агар Сенат рад этган ёки Ўзбекистон Республикасининг Президенти қайтарган қонун Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилганида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Сенатнинг эътирозларини ҳисобга олган ҳолда янги таҳрирда қабул қилинса, ушбу қонунни Сенат янгидан қабул қилинган қонун сифатида белгиланган тартибда кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, конституциявий қонунни, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларни маъқуллаш учун сенаторлар умумий сонининг 2/3 қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

Учинчи босқич – қонунни қабул қилиш. Қонунчилик жараёнининг яна бир муҳим босқичи – қонун лойиҳасини тасдиқлаш, қонунни қабул қилиш босқичидир. Бу босқичнинг аҳамияти ва масъулияти шундаки, бунда қонун лойиҳасига расмий юридик куч бахш этилади, у қонунга айланади. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари икки йўл билан қабул қилинади:

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 3-боб, 11-модда, 7-қисми //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003. –№9-10, – 137-модда; //Халқ сўзи, 2003. –№207; ЎР ҚХТ, 2003. –№19, – 168-модда.

Биринчиси – қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниши ва Сенат томонидан маъқулланиши;

Иккинчиси – қонунни умумхалқ овоз бериши (референдум) йўли билан қабул қилиш.

Қонун овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Қонун лойиҳасига овоз бериш уч хил шаклда амалга оширилади:

- 1) Моддама-модда;
- 2) Бўлим ёки боб бўйича алоҳида-алоҳида;
- 3) Лойиҳа тўлиғича овозга қўйилади¹.

Ҳар бир қонунни қабул қилиш чоғида овоз бериш тартиби Олий Мажлис палаталари томонидан алоҳида белгиланади. Қонунларни қабул қилишнинг, овоз беришнинг умумий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва Олий Мажлис палаталарининг Регламентларида белгилаб берилган. Қонун Қонунчилик палатаси томонидан палата депутатлари умумий сонининг кўпчилиги (ярмидан ортиқ) овози билан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, конституциявий қонунни қабул қилиш, уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг 2/3 қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

Тажрибага кўра, қонун лойиҳаси кўриб чиқиладиган пайтда унга киритиладиган ҳар қандай қўшимча ва ўзгартириш алоҳида овозга қўйилади. Мазкур қоида комиссия ҳамда қўмиталар таклиф этган ва лойиҳани киритувчи субъект рози бўлган тузатишларга таълуқли эмас. Бундай тузатишлар қонун лойиҳасининг дастлабки киритилган матнига қўшиб овозга қўйилаверади. Хулоса берган қўмитанинг айрим аъзоси (агар илгари алоҳида фикр баён этган бўлса) сессия вақтида таклиф киритса, депутат, сенаторлардан бирортаси бевосита мажлис давомида тузатиш киритса, булар лойиҳа бўйича умумий овоз беришдан аввал такдим этилиш навбатига қараб овозга қўйилади. Башарти, бундай таклифларнинг айримлари лойиҳа матнининг баъзи қисмларини чиқариб ташлашни талаб этадиган бўлса, бу қисм энг биринчи навбатда овозга қўйилади. Борди-ю, лойиҳанинг битта моддаси ёхуд битта қоида юзасидан тушган бир неча таклифлардан биттаси қабул қилинса, бу тузатишга маъно жиҳатдан қарама-қарши бўлган бошқа таклифлар овозга қўйилган

¹ Одилқориев Х. Т. Икки палатали парламент шароитида қонунчилик жараёни. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2005. 33-б.

тақдирда қабул қилинган тузатишларнинг ҳаммаси бирга овозга қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарида овоз бериш демократик тарзда амалга оширилади. Аввало, ҳар бир депутат ёки сенатор шахсан ўзи овоз бериш ҳуқуқига эга. Чунки овоз бериш депутат ёки сенаторнинг ўз фикрини, у ёки бу масалага шахсий муносабатини билдириши, иродасини ифода этишидир. Парламент аъзоси овоз бериш учун бошқа ҳамкасбини вакил қилиши мумкин эмас.

Парламентнинг ҳар икки палатасида овоз бериш тартиби уларнинг регламентларида белгилаб қўйилган. Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасига кўра, Қонунчилик палатасининг қарорлари унинг мажлисларида очиқ ёки яширин овоз бериш орқали қабул қилинади. Очиқ овоз бериш номма-ном бўлиши мумкин. Қонунчилик палатаси мажлисларида овоз бериш овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан ёки яширин овоз бериш бюллетенларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Қонунчилик палатаси мажлисида овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланилиши устидан назоратни Қонунчилик палатаси депутатлари жумласидан бўлган гуруҳ амалга оширади. Овоз бериш шакли ва усули тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади, у ёки бу масала юзасидан овоз бериш шакли ва усули Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳамда конституциявий қонунларда белгиланган ҳолларда бундан мустасно. Қонунчилик палатасининг депутати ўзининг овоз бериш ҳуқуқини шахсан амалга оширади.

Худди шунга ўхшаш қоида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Регламенти тўғрисида”ги қонун¹нинг 10-моддасида ҳам мустаҳкамланган. Унга асосан Сенатнинг қарорлари унинг мажлисларида очиқ ёки яширин овоз бериш орқали қабул қилинади. Очиқ овоз бериш номма-ном бўлиши мумкин. Сенат мажлисларида овоз бериш овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланган ҳолда ёки яширин овоз бериш бюллетенларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Бюллетенларда “ёқлайман”, “қаршиман” ёки “бетарафман” деган сўзлар бўлади. Депутат ёки сенатор бюллетендаги ана шу сўзлардан бирини

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Регламенти тўғрисида”ги Қонун //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003. –№9-10, – 137-модда.

қолдириб, қолганларини ўчириши керак. Овозларни ҳисоблаб чиқиш пайтида юқорида кўрсатилган сўзларнинг биттадан ортиғи қолдирилган ёки ҳар учала сўз ўчириб ташланган, ё бўлмаса кўзда тутилмаган қарор варианты ёзиб қўйилган бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, референдумлар орқали ҳам қабул қилинади. “Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида”ги қонун¹нинг 1-моддасида “референдум” тушунчаси қуйидагича таърифланади: “Ўзбекистон Республикаси референдуми – давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва ўзга қарорларни қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида умумхалқ овоз бериши бўлиб, халқ ҳокимиятининг бевосита амалга ошириш воситасидир”.

Референдумда қабул қилинган қарорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум ўтказиш йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Тўртинчи босқич – қонунни имзолаш ва эълон қилиш. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган янги қўшимча ва ўзгартиришлар мазмунига кўра, қонун ижодкорлигининг якуний босқичи ўзига хос процессуал қоидалар билан Асосий қонуннинг 84-моддасида баён этилган. Унга кўра, қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Президент томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингач, юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати маъқулланган қонунни имзолаш ва эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг Президентига 10 кун ичида юборилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун 30 кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

¹ “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992. –№1, – 37-модда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати рад этилган қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати рад этган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг 2/3 қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзолаш ва эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли. Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида 2/3 қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 14 кун ичида имзолаши ва эълон қилиниши керак бўлади.

Қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши уларни қўллашнинг мажбурий шартидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-модда 17-бандида таъкидланишича, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди ва эълон қилади. Ўзбекистон қонунлари имзоланганидан кейин узоғи билан бир ҳафта ичида расман эълон қилинади. Агар ҳужжатнинг ўзида бошқа қоида белгиланмаган бўлса, расмий эълон қилинганидан сўнг ўн кун ўтгач, бутун Ўзбекистон ҳудудида бир вақтнинг ўзида кучга киради.

Қонунларнинг тўлиқ матни “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси”, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида чоп этилади. Мазкур нашрлар қонуннинг биринчи расман эълон қилиниши ҳисобланади. Матбуотда эълон қилинган қонун (агар уни кучга киритиш тўғрисидаги қарорда бошқача муддат назарда тутилмаган бўлса) шу вақтдан бошлаб юридик кучга эга бўлади, яъни ўзининг амалий “ҳаёти”ни бошлайди.

Хорижий мамлакатлар мисолида фикр юритган ҳолда қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

1. Деярли барча парламентлар тажрибасида ҳукумат фаолиятини назорат қилиш, ҳукуматга ишончсизлик билдириш ваколати бор.

Ҳукуматнинг фаолияти турли шаклларда назорат қилинади: ҳукумат ёки вазирларнинг ҳисоботини тинглаш; маъмурий давлат идораларининг фаолиятини текшириш; ҳукуматга маълумотнома сўраб мурожаат этиш. Унинг қонунчилик фаолиятида ҳам ҳукумат фаол қатнашади. У парламент депутатлари билан бир қаторда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланади. Айрим мамлакатларда (Финляндия) қонун лойиҳаларини ҳукумат тайёрлаб беради, аммо унинг тақдирини парламент ҳал этади. Бошқа мамлакатларда ҳукумат нисбатан устун ваколатларга эга. Хусусан, Франция парламенти ҳукуматнинг розилигисиз қонун лойиҳасига биронта ҳам тузатиш кирита олмайди.

2. Қонун лойиҳаларини муҳокама этиш процедураси турли, парламентларда турличадир. АҚШ Конгрессида қонун лойиҳаси уч ўқиш орқали ўтади. Норвегия Стортингининг палаталари эса қонун лойиҳасини икки марта муҳокама этади. Германия парламентида ҳам қонун лойиҳаси уч мартагача муҳокама этилади.

Қонун лойиҳасининг неча марта ўқиб қабул қилиниши масаласида ҳам ҳар бир парламентнинг ўз хусусияти бор. Масалан, Англия парламенти биринчи ўқишда қонуннинг номи ва биллнинг мақсадини муҳокама қилади, иккинчи ва учинчи ўқишда эса қонун лойиҳасини тўлиқ муҳокама қилиб, унга киритиладиган ўзгартиришларни таҳлил этади. Германия Конституциясида ҳар бир қонун лойиҳаси уч марта муҳокама қилиниши шарт, деган қатъий қоида йўқ. Лойиҳани бир ўқишда Бундестаг қабул қилиб, кейин Бундесрат маъқулласа, қонун қабул қилинган ҳисобланади.

3. Қонун юзасидан овоз бериш тартиби ҳам ҳар хил мамлакатларда тарихан турлича шаклланган. Баъзи парламент оддий кўпчилик овоз билан, бошқалари мутлақ ёки малакали кўпчилик, яъни депутатлар тўлиқ таркибининг 2/3 қисми овози билан қабул қилади.

4. Қонунни имзолаш ва эълон қилишда умумий ўхшашликлар ҳам, фарқлар ҳам мавжуд. Деярли барча президентлар қонунни имзолайди ва бунда улар вето ҳуқуқидан фойдаланади. Парламентнинг президент ветосини енгиб ўтиши масаласи ҳам турлича ҳал этилган. Аксарият ҳолларда парламентлар 2/3 қисм овоз билан қонун лойиҳасини қайта тасдиқлаганида вето бартараф этилади ва президент қонунга имзо чекади.

Парламентар республика ва монархия мамлакатларида ижроия ҳокимият ҳисобидан қониқош ҳосил қилинмаган тақдирда ҳукуматга ишончсизлик билдириш ва уни истеъфога чиқариш масаласи қўйилади. Президентлик республикаларда эса ҳукуматнинг ўрни нисбатан юқорироқдир.

Мамлакатимизда парламентнинг самарали қарор – қонунлар қабул қилувчи институт сифатида шаклланиши ҳамда ҳақиқий демократия мактабига айланишига эришишда ҳали олимизда кўплаб муаммолар турибди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги “Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак” номли маърузаси¹да бу ҳақида сўз юритиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

Аваламбор, қонун лойиҳаларини парламентда муҳокама этиш ва қабул қилишда фракцияларнинг ўрни, уларнинг партиявий ёндашуви ва қатъий позицияси етарли даражада сезилмаяпти. Қабул қилинаётган ҳар бир қонун лойиҳаси сайловчилар, партия электорати, турли табақа ва гуруҳларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан атрофлича муҳокама қилиниши, фракциялар ушбу масалаларда принципиал позициясини намоён этиши шарт. Чунки баҳс, тортишув бўлган тақдирдагина қонунлар мукамал ҳаётий кучга эга бўлади.

Яна бир масала. Сиёсий партиялар ташкилотлари, айниқса, уларнинг жойлардаги бўлимлари фракцияларда кўриб чиқилаётган масалалар, қонун лойиҳаларидан етарлича хабардор бўлмаяпти. Шу маънода, сиёсий партияларнинг ўз фракциялари билан узвий алоқасини кучайтириш лозим. Ўз навбатида, сиёсий партиялар парламентдаги ўз фракцияларини доимий равишда жойлардаги вазият, электоратнинг кайфияти ҳақида хабардор этиши, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан таклифлар киритиб бориши керак.

Яна бир муҳим йўналиш – қонунларни қабул қилишда жамоатчилигимиз, сайловчиларнинг кенг иштироки сезилмаяпти.

¹ Мирзиёев Ш. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маъруза. 2017 й. 12 июль // www.uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017

Қонунлар қабул қилиниши билан халқимизнинг оғири енгил бўлди, унинг ҳаётидаги муаммолар ҳал бўлди, деган саволлар билан, афсуски, ҳеч ким қизиқмаяпти. Шунинг учун ҳам, қонунларни қабул қилиш жараёнида янги тизим – аҳоли билан муҳокама қилиш тизимини жорий этиш лозим, деб ҳисоблайман. Яъни, катта аҳамиятга эга, муҳим қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда қабул қилгандан кейин уларни жойларда фуқаролар билан кенг муҳокама қилиш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олиб, лойиҳаларни такомиллаштирган ҳолда иккинчи ўқишга киритиш тартибини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда сиёсий партиялар фракциялари ва депутатларнинг қонун ташаббускорлиги бўйича фаолияти ҳам талаб даражасида эмас. Мисол учун, 2015-2017 йилларда парламентимиз томонидан 55 та қонун қабул қилинган бўлса, фракциялар томонидан билдирилган ташаббуслар асосида қабул қилинган биронта ҳам қонун йўқ. Ёки 2017 йилда киритилган 46 та қонун лойиҳасидан фақат 9 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган, холос.

Учинчидан, Олий Мажлиснинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳамиятга эга давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлашга қаратилган ишларини ҳам етарли, деб бўлмайди. Парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтаришни таъминлаш борасида муаммолар мавжуд. Одатда парламент вазирларнинг ҳисоботини эшитади. Лекин пастдаги бўғинда бу йўналишда ким ҳисобот беради? Фақат марказ ёки вилоятда эмас, ҳудудларда ҳам ўзгариш бўлиши зарур. Хусусан, 2017 йилнинг ўтган даври мобайнида Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан вазирлик ва идораларга юборилган жами 284 та депутатлик сўровидан 100 тасига қонунда белгиланган муддат бузилган ҳолда жавоб берилган, 24 тасига эса умуман жавоб берилмаган.

Тўртинчидан, парламентимиз жойларда олиб борилаётган ишларнинг ҳақиқий аҳволини ўрганишда бир қолипга тушиб қолди. Кўпинча республика ва вилоят даражасидаги масалалар

ўрганилмоқда, деб ахборот берилади, бироқ қарийб 6 ойдан буён 2 мингдан ортиқ муаммо ҳал этилмасдан қолмоқда.

Бешинчидан, парламент фаолиятига оид камчиликларга айрим депутат ва сенаторлар ўз вазифасини тўғри англаб етмагани ҳам сабаб бўлмоқда. Шундай парламент вакиллари ҳам борки, ўтган қарийб икки ярим йил мобайнида муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари ва масалалар бўйича бирон марта ҳам маъруза қилмаган, уларга муносабат билдирмаган ёки маъруза юзасидан чиқишлар қилмаган, улар фақатгина кўр-кўрона овоз бериш билан шуғулланади.

Олтинчидан, Олий Мажлис палаталарининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига дахлдор энг долзарб масалаларни ҳал этиш борасидаги ташаббускорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Еттинчидан, парламент палаталари фаолиятида мазкур муаммолардан ташқари яна бир қанча муаммолар мавжуд. Лекин, афсуски, уларни бартараф этиш чоралари кўрилмаяпти. Айрим раҳбарлар томонидан, “бу масалаларни кўтарманглар, тинчгина юрайлик” қабалида иш юритишга қаратилган номақбул кайфиятдан мутлақо воз кечишимиз керак.

Юқоридаги муаммо ва камчиликларни бартараф этишда парламентнинг жамият ҳаётидаги нуфузи, роли ва имкониятларини кучайтирмоғимиз даркор. Шундагина парламентнинг давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи ҳамда сиёсий қарор қабул қилувчи ҳокимият органи сифатида мамлакатлар ҳаётида муҳим ўрин тутишига эришамиз. Бу эса давлат ички ва ташқи сиёсатини белгилаш ҳамда амалга оширишда ҳокимиятнинг барча давлат идоралари, ижтимоий тузилмалар ҳуқуқий мақомини парламент томонидан қабул қилган сиёсий қарорларида белгилаб бериш орқали оширилади.

Мамлакатимизни ривожлантириш стратегияси ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, босқичма-босқичлик тамойилига бундан кейин ҳам қатъий амал қилган ҳолда мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиш юзасидан давлат қурилиши ва бошқарув соҳаси бўйича таклифлар баёни:

Парламент томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини яхшилаш, хусусан, қабул қилинаётган қонунларда бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатлари кўплигини қайд этиш лозим.

Мисол учун, 1992 йил 13 январда қабул қилинган “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-модда 5-бандида “фуқароларни ишсиз сифатида рўйхатга олиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади” деб таъкидланади. Шундан келиб чиқиб, қонун қабул қилинаётганда ўзида барча кўрилаётган масалалар мужассам этиши ва содда, тушунарли тарзда ёзилиши лозим;

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тўлиқ юридик кучга эга бўлган ҳужжат қабул қила олиши учун депутатларнинг муайян қисми мажлисда ҳозир бўлиши ва овоз беришда иштирок этиши талаб қилинади. Қонунлар “Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан” қабул қилинади. Бу ерда мана шу “кўпчилик овоз” деган иборага аниқлик киритиш лозим. Зеро, парламентаризм тажрибасида бу борада аниқ мезонлар мавжуд. Жумладан, “нисбий кўпчилик”, “оддий кўпчилик”, “мутлақ кўпчилик” ва “малакали кўпчилик” тушунчалари қўлланилади. *Нисбий кўпчилик*да қонун лойиҳасининг у ёки бу вариантига афзаллик берилишини овоз бериш орқали аниқланади. *Оддий кўпчилик* овоз беришда иштирок этаётган депутатлар овозларининг ярмидан кўпини олинishi орқали намоён бўлади. Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 150 нафар депутатларидан 126 нафари мажлисда иштирок этаётган бўлса, улардан камида 64 нафари ёқлаб овоз бериши оддий кўпчилик асосидаги овоз бериш ҳисобланади. *Мутлақ кўпчилик*да эса, депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қонун қабул қилиниши тушинилади. Масалан, мажлисда неча нафар депутат қатнашаётганлигидан қатъий назар, жами 150 нафар депутатдан камида 76 нафари ёқлаб овоз бериши мутлақ кўпчилик овоз бериши ҳисобланади. *Малакали кўпчилик* қонунни ёқлаб берилган овозларнинг кўп сони орқали аниқланади. Масалан, жами 150 нафар депутатларнинг камида 100 нафари ёхуд камида 2/3 қисми маъқуллаб овоз бериши малакали кўпчилик асосида овоз бериш ҳисобланади. Бугунги кунда фақатгина парламентда жиддий масалаларни ҳал этиш учунгина депутатлар ва сенаторлар *малакали кўпчилигининг* овози зарур бўлиши белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасининг 2-қисми, “Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасининг 2-банди ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасининг 5-қисмларига аниқлик киритиш таклифини билдирамиз.

Парламентнинг юқори палатаси бўлмиш Сенат аъзолари ёши кўйи палата депутатларига нисбатан юқори бўлиши жаҳон тажрибасидан маълум. Масалан, АҚШда 30 ёш, Францияда 35 ёш¹, Италияда эса 40 ёш чегара этиб белгиланган. Биз ҳам миллий хусусиятларимизни эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистонда Сенат аъзолигига ёш цензини 25 ёшдан 30 ёшга қадар кўтариш лозимлиги ҳақидаги фикрни илгари сурмоқчимиз. Гап шундаки, ўзбек заминида давлат ва жамиятни бошқаришга ҳамиша ёши улуғ инсонлар, халқ ўртасида катта обрў-эътибор қозонган, тажрибали кишилар жалб қилинганлар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, миллий минталитетимиздан келиб чиқадиган бўлсак, 25 ёшли кишиларнинг Сенат аъзоси бўлиш имкониятлари ниҳоятда кам. Буни биз 2010 ва 2015 йиллари сайлов орқали шакллантирилган парламентимизнинг юқори палатасига оид ёш чегарасида кўришимиз мумкин. Хусусан, 2010 йилда шаклланган Сенат аъзоларининг энг кичик ёши 31 ёшни², 2015 йилда 38 ёшни³ ташкил этган. Шундан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунининг 6-модда 1-бандидаги “*йигирма беш ёшга тўлган*” деган жумланинг ўрнига “*ўттиз ёшга тўлган*” деган жумла билан ўзгартиришни таклиф этамиз.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилишда масъул кўмита уни қабул қилиш мумкинлиги ёки Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларига қайтариш зарурлиги тўғрисидаги ўз хулосасини Қонунчилик палатаси Кенгашига юбориш муддати қонунда аниқ қилиб белгилаб қўйилмаганлиги қонун қабул қилиш жараёнининг янада чўзилиб кетишига, натижада умумдавлат ҳамда маҳаллий “касалликлар”га ўз вақтида даво-чораларини кўрмасликка олиб келади. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддаси 3-

¹ <http://mt.uz/uz/experience/frantsiya-parlamenti/>

² Халқ сўзи, 2010. –№16 (4931), –1-2 б.

³ www.senat.uz/uz

бандида “Масъул кўмита қонун лойиҳаси бўйича барча фракциялардан (депутатлар гуруҳларидан) фикрлар ва таклифларни тўплаб, Қонунчилик палатаси Кенгашига қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида белгиланган муддатда хулоса тақдим этади”, – деб кўрсатиб ўтилган. Шу мақсадда мазкур масъул кўмита ўз хулосасини Қонунчилик палатаси Кенгашига “*белгиланган муддатда*” тақдим этади деб ёзилган нормага аниқ бир муддатни киритиш таклифини билдирамиз.

Шундай қилиб, ҳозирги замон парламентлари тажрибасини ўрганиш, қиёслаш асосида парламентларнинг қонунчилик жараёнини, умумий бўлган жиҳатлар ва уларнинг хусусиятларини англаб етиш, ижобий тажрибадан баҳраманд бўлиш мумкин. Парламентаризм институтлари тажрибаси икки палатали парламент тизимида бўлган Ўзбекистон учун ҳам фойдали бўлиши шубҳасиздир.

II боб. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимининг сиёсий ва ҳуқуқий асослари

Дунё амалиёти шуни кўрсатмоқдаки – жойлардаги давлат бошқаруви органларига ҳудудий ривожланиш масалалари бўйича қарорларни қабул қилиш ва уларни якка тартибда амалга ошириш каби айрим вазифаларни ишониб топширишни назарда тутувчи давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш концепциясини илгари суриш ёндашуви оммавийлашиб бормоқда. Ушбу ҳолатда, ривожланишни кўзда тутувчи марраларга етишиш томонидан қарайдиган бўлсак, жойларда самарали давлат бошқаруви нафақат давлат бошқарув институтлари орасидаги ўзаро алоқанинг яхшиланишига, балки шунингдек, барқарор ва самарали ҳудудий ривожланишга олиб келади. Натижада, айнан вилоят ва туманлардаги давлат бошқарув органларининг ривожланиш сиёсатида замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишда кенг оммани жалб этган ҳолда керакли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишни талаб этувчи жаҳон талабларига ўз вақтида жавоб бера олиши, ҳудудларнинг келажакдаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан маҳаллий давлат ҳокимиятининг ўрни ва аҳамияти муҳимдир. Биз маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида фикр юритишимиздан аввал, ҳокимият тушунчаси, давлат ҳокимияти ўзи нима ва унинг давлат бошқарувидаги вазифаси ва аҳамияти қандайлигини англаб олмоғимиз даркор.

Ҳокимият тушунчаси илмий адабиётларда кўп қўлланиладиган тушунчалардан биридир. Ҳар бир аниқ ҳолатда ва шароитда бу тушунча ўзига хос маъно ва мазмунга эга бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, “ҳокимият” категорияси – таърифлаш, тушуниш ва тушунтириш қийин бўлган тушунчалар сирасига киради. Айни чоғда, “ҳокимият” тушунчасига аниқ таъриф бериш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Мавжуд илмий адабиётларда мазкур тушунчага берилган таърифларнинг таҳлили натижасида “ҳокимият” категориясини унинг сиёсий моҳияти нуқтаи назаридан қуйидагича таърифлаш мумкин: “ҳокимият” бу кишилар, ижтимоий гуруҳлар ҳамда

синфларнинг фаолиятига, хулқ-атвориға, ҳаракатларига, иқтисодий-сиёсий, ғоявий, ижтимоий механизмлар, шунингдек куч ишлатиш, зўрлик қилиш, ишонтириш, қобилиятлари билан таъсир этувчи фаолиятнинг алоҳида шаклидир¹.

Демократик жамиятда қонун заминида иш кўрувчи ҳокимиятнинг обрўи баланд бўлади ва кишилар бундай жамиятга жазо таҳликасидан эмас, балки унинг хатти-ҳаракатларини маъқуллаганликлари туфайли бўйсунадилар. Ҳокимият кишиларнинг юриш-туриши, хатти-ҳаракатлари ва одатларига қонуний асосда таъсир ўтказиш имкониятидир.

Жамият ва давлат ҳокимият органлари ўзаро ҳамкорлик асосида бир-бирига таъсир ўтказди. Давлат ҳокимияти органлари жамиятда тартиботни таъминлайди ва кишиларни бирлаштирувчи ғояларни ишлаб чиқади. Ҳар бир ҳокимият органининг ваколатлари ҳокимият ваколатлари доирасидан четга чиқиш, уни суистеъмол қилиш ва давлат ҳокимиятининг бошқа органлари фаолият соҳасига аралашининг олдини олиш мақсадида ниҳоятда аниқ қилиб белгилаб берилади.

Давлат ҳокимияти бу ижтимоий ҳодиса бўлиб, у давлат ҳудудида кишилар ўртасида турли ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, унинг вазифаларини амалга ошириб, давлатни ички ва ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилади. Давлат вазифаларини амалга оширишда халқнинг иродасини сиёсий ва ҳуқуқий нормалларда ифодалаб, уларнинг бажарилиши барча учун умуммажбурий бўлади. Бу нормалар давлатнинг турли ресурслари (зўрлик, куч, манипуляция ва вб.) билан амалга оширилади.

Давлат ҳокимияти сиёсий ҳокимият сифатида қуйидаги белгиларга эга бўлади:

Давлат ҳокимияти давлат механизидан иборат бўлиб, бу мураккаб тузилишга эга. Чунки, бу механизм барча давлат органлари муассасалари ва корхоналарни ўзида бирлаштиради. Булар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳокимиятни амалга ошириб, давлат маъмурий кучига асосланади;

Давлат механизмига кирувчи таркибий қисмлар – давлат органлари муассасалари ва корхоналари маъмурий ва ҳудудий белгиларга қараб тузилади;

¹ Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат / Масъул муҳаррир ва муаллифлар жамоасининг раҳбари Б. Мустафоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006.

Давлат механизмига кирувчи бу таркибий қисмлар ўз аъзоларини, яъни фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини амалга оширади ва кафолатлайди.

Демак, давлат ҳокимияти бир - бири билан ўзаро боғлиқ бўлган муайян тузилмага бирлашган давлат ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органларининг яхлит тизимидир. Бу ҳокимият кишилар ўртасидаги турли иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий ижтимоий муносабатларни амалга ошириб боради.

Давлат органлари бир қанча белгилардан иборат. *Биринчидан*, давлат номидан унинг функцияларини амалга оширади. *Иккинчидан*, ҳокимият ваколатига эга, бу билан давлат корхоналари ва муассасаларидан фарқ қилади. *Учинчидан*, тегишли компетенцияга яъни вазифа, функцияларга, ҳуқуқ ва мажбуриятга эга. *Тўртинчидан*, маълум маъмурий тузилишига ва ҳудудий фаолиятга эга қонунга асосан ташкил топади ва сиёсий қарорлар чиқариб ишонтириш ва мажбурлаш чораларини қўллайди.

Демак, “давлат ҳокимияти” тушунчасини сиёсий ҳокимиятнинг асосий шаклларида бири сифатида, барча сиёсий жараён ва муносабатларда фаолият кўрсатувчи, таъсир этувчи ва *тутиб турувчи* ресурслар (ҳокимият органлари, армия, прокуратура...) орқали амалга ошириш фаолиятининг ўзига хос шакли деб қабул қилиш мумкин.

Ҳокимият давлат қандай бошқарув ва тузилиш шаклига эга бўлишидан қатъий назар ягона ҳуқуқий ва конституциявий меъёрлар билан белгиланади. Барча бошқарув ташкилотлари, пастдан юқоригача марказий ҳокимиятга бўйсунди ва маъмурий бўлим (ҳудуд)лар ҳисобланади.

Маълумки, давлат органлари турли хил асосларга кўра таснифланади, жумладан: пайдо бўлиш услубларига кўра; ҳокимлик ваколатларининг хажмига кўра; компетенцияларининг кенглигига кўра ва ҳоказо. Ҳокимлик ваколатларини хажмига кўра давлат органлари *олий* ва *маҳаллий* органларга бўлинади. Давлатнинг олий органлари давлат ҳокимиятини бир мунча тўла равишда ифодалаб уни бутун ҳудудда амалга оширади. Давлатнинг маҳаллий органлари маъмурий-ҳудудий бирикмаларда ўз функцияларини амалга оширади ва уларнинг ваколатлари ҳам ушбу ҳудудларга нисбатан бўлади¹.

Вакиллик давлат органларига қонунчилик ва маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органлари киради. Улар аҳоли томонидан

¹ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2007. 32- б.

сайланиш орқали шаклланади ва уларнинг номидан иш кўради ҳамда улар сайловчилар олдида жавобгардир (маъсулдир). Давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари вакиллик характериға ҳам эға бўлиб, тегишли маъмурий-ҳудудий бирикмаларда ҳаракат қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти бу маъмурий ҳудудий бирлик даражасида амал қилувчи давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари тизимидир. Бунда муниципал кенгашлар ва аппарат бошқарув идоралари муҳим аҳамиятға эға. Улар ўз ваколатларидан келиб чиққан ҳолда фақатгина тегишли ҳудуддагина фаолият олиб боради. Шунингдек, ҳар бир мамлакатда маҳаллий бўғиндаги ҳудудлар турлича профектура, регион, муниципалитет, департамент, округ, шаҳар, туман, волость, тауншип ва виллидж каби номлар билан юритилади.

Айни пайтда маҳаллий ҳокимият конституциявий тузимнинг асосларидан бири бўлиб, бир томондан, мамлакатнинг маълум ҳудудида давлат функциясини амалға ошишини таъминловчи, иккинчи томондан, ҳокимиятни амалға оширишда фуқаролар иштирокини таъминловчи воситалардандир. Шу орқали давлат ҳокимияти мамлакатнинг барча ҳудудида фақат марказий органлар орқали эмас, маҳаллий органлар фаолияти орқали ҳам амал қилади.¹

Ғарб жамиятшунос олимлари маҳаллий ўзини ўзи бошқаришға доир тушунчаларнинг назарий жиҳатларини ҳам ишлаб чиққанлар. Биринчи назарияға биноан, “*маҳаллий бошқарув*” деганда, давлат бошқарувидан қуйидаги барча бўғинларни, “*маҳаллий ҳокимият*” деганда эса, “сайланган кенгаш ва унинг ижроия органлари воситасида ўз сайловчилари манфаатларини ифода этувчи ва ҳаракат қилувчи ташкилотлар” тушунилади. Шунингдек, “*маҳаллий ўзини ўзи бошқариш*” – “миллий бошқарувдан қуйи даражадаги демократик автоном бирликларнинг маҳаллий аҳоли манфаатлари асосида жамоатчилик муаммоларининг аксарият қисмини мувофиқлаштириши ва бошқариши” дир.

XX асрнинг иккинчи ярмида иккинчи назария пайдо бўлди. Ушбу “умумий фаровонлик давлати” назарияси билан боғлиқ ҳолда, муниципал концепция ҳам вужудға келди. Муниципалитетлар жамиятнинг барча табақалари манфаатларини таъминловчи ва қўриқловчи ижтимоий хизмат кўрсатиш воситаси сифатида қаралди. Европа, Шимолий Америка ва Япония каби мамлакатларда

¹ Жўраев Б. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш фаолияти: ҳуқуқий, ташкилий масалалар: Юрид. фан.номз... дисс. автореф. – Т., 1999. 17-б.

муниципал кенгашлар мақоми ҳуқуқий жиҳатдан муниципал ижроия бошқарувидан юқори кўйилган. Уларнинг ваколатига маҳаллий бюджетни қабул қилиш, юқори ташкилотлар томонидан ҳал қилинмаган айрим масалалар бўйича меъёрий қарорлар қабул қилиш, маҳаллий солиқларни жорий этиш, шунингдек, кўпчилик давлатларда муниципалитетнинг ижроия раҳбарлик органларини ташкил этиш ва уларни назорат қилиш, маҳаллий референдумларни белгилаш каби ҳуқуқлар кирган.

АҚШ ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам муниципалитетлар муҳим ўрин эгаллайди. Муниципал мактаблар, шифохоналар, кутубхоналар, санитария ишлари, сув билан таъминлаш, ҳиёбонлар, ёнғинга қарши хизматларни бошқариш асосан муниципал кенгашлар тасарруфидадир. Айрим мамлакатларда (масалан, Германияда) кенгашлар ўз ваколатларини ижроия органларига бериш ҳуқуқига ҳам эга¹.

Собиқ СССР даврида қуйи бошқарув органларининг мазмуни ва вазифалари сохталаштирилган эди. Бу даврда қуйи бўғин ўзининг ҳуқуқий мақомини йўқотди. Уларнинг асосий фаолияти собиқ коммунистик партиянинг маҳаллий ташкилотларини қўллаб-қувватлашдан, шунингдек, шўровий одатларни тарғиб қилиш, оилалардаги маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказишда коммунистик партиянинг “кўз ва қулоғи” бўлиб туриш каби вазифалардан иборат бўлиб келди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг дастлабки кунларданок узоқ тарихий тажрибаларга, миллий анъаналарга таянган ҳолда илғор мамлакатлар тажрибасидаги ижобий томонларни ўрганиб, ўзининг давлат органлари тизимини қайта ташкил қила бошлади. Ўзбекистон ўз давлат органлари тизимини қайта ташкил қилар экан, ўзбек миллий давлатчилиги тарихий анъаналаридан фойдаланишга ҳаракат қилди. Чунки, қайсики бир давлатда давлат органлари тизими кучли бўлса, ўша мамлакатда давлатнинг фаолият йўналиши ҳам ўз функцияларини амалга ошириши ҳам самарали бўлади². Бу жараёнда марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларининг вазифаларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2010. 31-б.

² Бердиев С. “XXI асрда ижтимоий-сиёсий жараёнлар” (II қисм) // ЎзМУ ёш олимлар илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т., 2008 йил 23 май.

ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга катта эътибор берилди... Давлатнинг иқтисодиётни бошқаришидаги ролини жиддий камайтириш кўзда тутилган эди¹. Шунингдек, амалга оширилган ислохотлар натижасида ҳозирги пайтда олий ҳокимият идораларидан тортиб маҳаллий бошқарув идораларигача иш юритиш она тилимизда амалга оширилмоқда².

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида маҳаллий давлат ҳокимияти алоҳида ўринга эга. Маҳаллий ҳокимият органлари тизими вужудга келишида ҳокимиятнинг бўлиниш принципи ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга касб этади. Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифалар юртимизда қонуний асосда белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши белгилаб қўйилган³. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, суд ҳокимияти ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари давлат ҳокимиятини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов томонидан эътироф этилган “янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг” деган тамойилларига амал қилиб, вакиллик органларининг вилоят, туман ва шаҳар бўғинлари сақланиб қолинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига мувофиқ вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органларидир⁴.

Демак, Конституциянинг бу моддасига биноан, маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари вилоятларда, туманларда ва шаҳарларда ташкил этилади. Бу жойларда фақат ижроия ҳокимияти органлари – ҳокимликлар бўлиши назарда тутилади. Айни вақтда маҳаллий вакиллик органларига ҳам ижроия ҳокимияти бошлиғи –

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. //Халқ сўзи, 2010 йил 12 ноябрь.

² Каримов И.А. Юксак маънавият- энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. –86-87 б.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 5- б.

⁴ “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1993. –№9, – 320-модда.

ҳоким раҳбарлик қилади, уларнинг раҳбарлиги асосан вакиллик органларининг ишини ташкил этиш ва йўналтиришдан иборат.

Республикада миллий давлатчилик анъаналарини тиклашни кўзда тутиб ҳамда мураккаб ўтиш даврида қабул қилинган қонунларнинг бажарилишини таъминлай оладиган, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган ижро ҳокимиятнинг самарали тизими яратилди. Маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил қилинди – вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимлик институти жорий этилди (1992 йил 4 январь).

Шунингдек, мустақиллик йилларида маҳаллий ҳокимиятни шакллантириш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар натижасида ижро ҳокимияти билан вакиллик ҳокимияти бир-биридан расман ажратилди. Ҳокимлар халқ депутатлари Кенгашларига бўйсунмайди, аммо Кенгаш олдида ҳисоб бериб туради. Шу билан бирга ҳокимларни жойларда ҳам вакиллик, ҳам ижро ҳокимияти органларига бошчилик қилиш ҳолатини вакиллик органлари ҳокимларга бўйсунди, деб тушунмаслик керак. Вакиллик органлари ҳокимларга бўйсунмайди, лекин вакиллик органлари ишини ташкил қилишга ҳокимлар бошчилик қилишлари белгилаб қўйилган¹. Бундай ўрнатилган қўйи бошқарув механизмини айна ўтиш даврдаги давлат бошқарувининг барқарорлигини мустаҳкамловчи муҳим омилларидан бири деб ҳисоблаймиз.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, баъзи адабиётларда маҳаллий ҳокимият тушунчаси маҳаллий ўзини ўзи бошқаришдаги ҳокимият тушунчаси билан чалкаштириб юборилади. Бу тўғри эмас, маҳаллий ҳокимият бу давлат ҳокимиятиниинг қўйи бўғини ҳисобланади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш фуқаролик жамиятиниинг институтларидан бири бўлиб, халқнинг Конституцияда белгиланган давлатни бошқаришдаги бевосита иштирокининг шаклидир. Ваҳоланки, мамлакатимизда халқ давлат ҳокимиятиниинг бирдан бир манбаи экан, ҳар қандай халқнинг маҳаллий ҳокимияти деган тушунча тўғри ҳисобланмайди, чунки халқ ўз бирлигининг ифодаси сифатида давлат тузилмасини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI бобида Ўзбекистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг конституциявий асослари мустаҳкамлаб қўйилди. Мазкур қоида маҳаллий ҳокимият ва ижроия ҳокимияти органларининг тизимини, уларни ишини ташкил этиш тартибини,

¹ <http://www.uzvip.uz>

уларнинг вазифаларини, ваколатларини ташкилий фаолиятининг шакллари кўрсатиб берди.

Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар ҳамда республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашади.

Конституциянинг 99-моддасида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар¹ деб белгилаб қўйилди.

Конституцияда маҳаллий ҳокимиятнинг икки мустақил органга – вакиллик ва ижро ҳокимият органларига бўлиниши белгиланди. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Қонуннинг 1-моддасида “Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидир” деб аниқ белгилаб қўйилди.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлови умумийдир. Сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эгадирлар². Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 60 нафардан кўп бўлмаган, туман ва шаҳар Кенгашларига эса 30 нафардан кўп бўлмаган депутатлар беш йил муддатга сайланади. Маълумки, 1994 йил, 1999 йил, 2004 йил, 2009 йил ва 2014 йилларнинг декабр ойларида халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларига кўппартиявийлик, муқобиллик асосида сайловлар бўлиб ўтди. Бу сайловлар фуқароларнинг сиёсий маданиятини оширишда муқим омил бўлди.

1992 йил 4 январда “Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Мазкур қонунга мувофиқ, республиканинг ҳамма ҳудудида маҳаллий ижро ҳокимияти органи сифатида ҳоким лавозими таъсис этилди. Ҳокимлар фақатгина ижро ҳокимияти органларигагина эмас шунингдек, маҳаллий вакиллик органларига ҳам раҳбарлик қиладиган орган сифатида мустақамланди. Ҳокимнинг ваколат

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 76 б.

² “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008. – №12, – 637-модда.

муддати беш йил бўлиб, у тегишли ҳудудда вакиллик органига ҳам, ижро ҳокимиятига ҳам бошчилик қиладиган мансабдор шахс ҳисобланади. 1992 йилда Тошкент шаҳрида ва 12 та вилоятда, 159 та қишлоқ тумани ва 18 та шаҳар туманида ҳамда 120 та шаҳарда ҳокимлар тайинланди ва тасдиқланди, уларнинг аппарати – ҳокимиятлар тузилди¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасида² маҳаллий давлат ҳокимиятининг ваколатлари белгиланган. Бу ваколатларга қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқаролар-нинг хавфсизлигини таъминлаш; ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш; маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш; норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш киради.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосида, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари эса коллегиял тарзда амалга оширадилар. Ҳокимлар ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистон маҳаллий ҳокимияти органлари қуйидаги меъёрий ҳужжатларга асосан фаолият юритади: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; “Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият органларини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги қонуни; “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни; Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари “Иш тартиби”; доимий комиссиялари тўғрисидаги Низом; бошқа меъёрий қонун ҳужжатлар. Ушбу меъёрий ҳужжатларнинг хусусиятларидан бири шундан иборатки, ҳамма поғонадаги маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини ягона қонун ҳужжатлари асосида тартибга солиб туради.

¹ <http://www.uzvip.uz>

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 76 б.

Маҳаллий ҳокимият органларининг ҳозирги тизими, вакиллик ва ижро ҳокимиятининг мустақиллиги бирини ўрнини иккинчиси босмаслиги, бирининг ваколатини иккинчиси амалга оширмаслиги, қондасига асосланади. Бу ҳокимиятининг бўлиниш принципига мосдир. Шунинг учун тажрибада учраб турадиган вакиллик ҳокимияти органлари ўз ихтиёридаги баъзи ваколатларни ижро ҳокимиятига бериш тартибини мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз. Чунки, бу аста-секин вакиллик ҳокимияти органлари ваколатларини ижро ҳокимияти органлари эгаллаб боришига олиб келади¹.

Шуни айтишимиз ўринлики, бугунги кунда давлат органлари тизимида олиб борилаётган ислохотлар амалда ўз исботини топмоқда. Бу жараёнда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан олиб борилаётган регионал сиёсатининг якуний акти ҳисобланган қарорларнинг нечоғли тўғри ва аниқ қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этмоқда.

2.2. Маҳаллий ижроия органлари фаолиятини ташкил этишда бошқарув қарорларининг ўрни

Бугунги кунда мамлакатимизда ижроия ҳокимият органларининг иш йўсини тубдан ўзгарди: улар режалаштириш ва тақсимлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, кўпроқ иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш билан шуғулланиб, қонун доирасида фаолият кўрсатмоқда. Тугатилган вазирликлар ўрнида бозор шароитларига улардан кўра тезроқ мослашадиган хўжалик бирлашмалари, уюшмалар, корпорациялар, холдинг компаниялари вужудга келди.

Республика ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органларининг ваколатлари чегараланди. Жойларда вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият институти – ҳокимлик лавозимлари жорий этилди².

Биз давлат ижро ҳокимиятининг айнан маҳаллий (ўрта ва қўйи бўғиндаги) ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини амалга оширишда бошқарув қарорларининг аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари тизимида маҳаллий давлат ҳокимияти ўзининг алоҳида ўрнига эга. Мамлакатимизда

¹ Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. – Т., 1996. 46-б.

² Каримов И. А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзланган нутқ, 1996 йил 29 август. //Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 63- б.

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишда “ҳокимиятлар тақсимланиш механизми” принципи асос қилиб олинган бўлиб, бу ҳақида мамлакатимизнинг биринчи Президенти шундай деган эди: “Марказда ва жойларда амалдаги бошқарув тизимининг ҳар бир бугунги ўз вазифаси, ваколатлари ва масъулиятини яхши ва чуқур англайдиган, уни юқори малака билан бажарадиган яхлит самарали механизм сифатида фаолият кўрсатиши талаб этилади”¹.

Дарҳақиқат, республикамызда бозор муносабатлари чуқурлашиб, ҳуқуқий демократик институтлари ривожланган сари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти ҳам ўзгариб бормоқда. Унинг иш йўсини тубдан ўзгарди, ваколатлари фуқаролик жамияти институтларига аста секинлик билан ўтказиб борилмоқда. Бунда бошқа ҳокимият органлари катори ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳам ўрни жуда муҳимдир. Ижроия ҳокимият бир томондан ҳуқуқий ҳужжатларни амалга оширишни, иккинчи томондан эса бевосита сиёсий бошқарувни амалга оширишни мақсад қилиб қўяди. У режалаштириш, қарорлар қабул қилиш, қарорларни амалга ошириш, бажариш, назорат этиш ҳамда хизмат кўрсатиш каби муҳим соҳаларни ўз ичига олади. Айтишимиз мумкинки, ижро этувчи ҳокимият тизими жуда кенг доирада яъни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаолият юритади.

Бунда шуни ҳам инобатга олиш керакки, давлат, давлатга қарашли тузилмалар ўтиш даврининг бошида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу борада биринчи Президент И.А. Каримов шундай деган эди: “Кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса, ҳатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар ҳам бажарилмаслиги мумкин. Ижро ҳокимияти қанчалик кучсиз бўлса, уни фаолиятига бошқа органлар асоссиз равишда аралашаверса унда қонунлар қоғозда қолиб кетаверади, чунки, кучсиз орган ўз вазифасини бажара олмайди”².

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг структураси, уларнинг ташкил этилиш тартиби ва фаолиятининг йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган низомлари билан белгиланадиган бўлди.

¹ Каримов И. А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 189- б.

² Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. 16- б.

Вилоят, туман ва шаҳар ижроия ҳокимияти ҳокимнинг раҳбарлиги остида фаолият юритади. Унинг таркибига белгиланган соҳа бўйича вазифани бажарувчи бўлинмалар сифатида ҳоким котибияти ва тармоқларга бўлинган бошқармалар киради.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳокимлик аппаратида қуйидаги бошқарувчилик ҳужжатлари тайёрланади: ҳокимнинг қарор ва фармойишлари; халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашининг қарорлари; ҳоким ва унинг ўринбосарларининг топшириқлари¹.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимиятлари томонидан қарор ва фармойишларни, халқ депутатлари Кенгаши қарорларини, тезкор мажлислар баённомаларини, юқори турувчи ташкилотларга юбориладиган хизмат хатлар имзоланади. Демак, маҳаллий ижроия органлари томонидан тайёрланадиган қарор ва фармойишлар асосан бошқарув қарорлари ҳисобланади.

Бошқарув қарори деганда муаммоли вазиятни ҳал қилишга йўналтирилган акт: муқобил (икки ва кўп вариантдан бирини танлаш) танлаб олиш тушунилади. Кенг маънода бошқариш қарори ўзаро боғлиқ мақсадга йўналтирилган ва бошқариш масалалари реализациясини таъминлайдиган мантиқий изчилликдаги бошқариш ҳаракатлари тўпламини ифодалайдиган бошқариш меҳнатининг асосий туридир².

Маҳаллий ижроия ҳокимияти фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири бу унинг тўғри қарорлар қабул қилишидир. Чунки у бошқаришнинг турли функцияларини бажариш жараёнида қарорлар оқими билан иш олиб боради. Тўғри, ҳокимликлар асосан юқори турувчи ҳокимият органларининг қарор ва фармойишларининг ижросини таъминлаш билан шуғулланади. Шу билан биргаликда, у ўз ҳудудий ваколатидан келиб чиққан ҳолда, ҳудуднинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар бўйича салоҳияти ва имкониятларини янада ошириш учун ўзи мустақил ҳолда бошқарув қарорлари қабул қилишига ҳам тўғри келади. “Бунда ҳар бир ҳудуддаги вазиятни, аввало, фармон ва қарорлар ижросини, уларнинг самарадорлигини доимий равишда ўрганиб, бу борада давлат

¹ “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1993. –№9, – 320-модда.

² Менежмент асослари. Валижонов Р. ва бошқ. – Т.: Шарқ, 2002.

органлари масъулиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқадиган тизимни шакллантиришимиз керак”¹.

Қарорлар қабул қилишнинг индивидуал услуби вазминлик типигаги, импульсив, инерт, таваккалчилик ва эҳтиётлик типигаги қарорлар турларни ўз ичига олади. Ҳозирги шароитда маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари бундай услубдаги қарорлар қабул қилишда аниқлик шароитида, таваккалчиликка асосланмаган ҳамда вазмин ҳолда қабул қилиши ўта муҳимдир. Чунки, глобаллашув жараёни кечаётган айти бугунги кунда улар томонидан индуктив қарорлар қабул қилиниши бу регрессив ҳолатни келтириб чиқариш эҳтимоллиги даражасининг ошишига олиб келади. Мана шунинг учун ҳам Президент томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини кучайтириш; аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш бўйича тегишли қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш учун таклифлар илгари сурилмоқда.

Бошқарув қарори индивидуал услубдан ташқари махсус ишчи гуруҳларда ҳам қабул қилиниши мумкин. Бу қарор қабул қилишнинг коллектив (жамоавий) услуби ҳисобланиб, бунда қарор бошқариш жараёни қатнашчилари бўлган маълум қобилиятли, билимдон шахслар томонидан қабул қилиниб, унинг йиғими мажлис комиссияси доирасида қабул қилинади.

Ҳокимиятда тайёрланган маълумотлар ва қабул қилиниши режалаштирилган қарор лойиҳалари тегишли органларга танишиб чиқиши учун олдиндан берилади. Ушбу қарор лойиҳаларининг экспертизаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади². Маслаҳат Кенгашининг навбатдаги мажлиси кун тартибининг охириги лойиҳаси, бўлим ва бошқарма раҳбарларига, бошқа манфаатдор ташкилот, корхоналарга юборилади. Масалалар манфаатдор корхона, ташкилот, муассаса вакиллари иштирокида муҳокама қилинади. Бу эса тўғри қарор қабул қилишда, ижрони ўз вақтида бажарилишига ёрдам беради.

¹ Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 17- б.

² <http://uzbekistonovozi.uz>

Маҳаллий ҳокимият органларида қарорлар қабул қилиш жараёнларида самарадор сиёсий технологияларни қўллаш.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, ҳар қандай давлатга марказий ва маҳаллий ҳокимият ўртасидаги ҳаётий муҳим муносабатларни тартибга соладиган, марказ ва минтақаларнинг манфаатларининг оптимал мувозанатини таъминлайдиган механизм зарур бўлади.

Ҳар бир ҳудудга тегишли бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолиятида уларнинг самарали ишлашига, оқибатда эса, ижтимоий хизматларнинг сифатлироқ кўрсатилишига тўсқинлик қиладиган бир қатор муаммолар мавжуд. Масалан, ҳозирги даврда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солишдаги роли бирмунча сезиларсиз. Бу борада муҳим ҳисобланган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам уларнинг муайян ваколатларини очиб бермаган, уларнинг фаолиятини ташкилий ва захиравий таъминотининг шартлари тўлиқ белгилаб қўйилмаган. Ижтимоий хизматлар ҳар бир минтақадаги ижтимоий-иқтисодий вазиятдан келиб чиққан ҳолда, муайян йўналтирилган ҳолатда ва оператив тарзда амалга оширилиши шарт. Шундагина, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолияти янада фаоллашади ҳамда самарадорлик даражаси ошади.

Юридик фанлари номзоди А. Дадашевнинг фикрича, маҳаллий даражада ваколатларнинг бўлиниши нуқтаи назаридан ҳозирги вақтда бирхиллаштирилган вилоят ва туман ҳокимиятларининг ташкилий тузилмаси оқилона кўринмайди. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида турли даражадаги ҳокимиятлар ўртасидаги масъулият соҳаларини бўлиниши ўз аксини топмади, бу эса ижроия ҳокимиятининг турли даражаларида “ким нима учун жавоб беради” тушунчасининг мавҳумланишига олиб келади. Барча даражадаги ижроия ҳокимият органлари томонидан қарорларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш амаллари борасида аниқ меъёрий стандартлар (ҳужжатлар) йўқ. Бу қарорларни қабул қилишда бюрократлашув учун кенг имконият яратади. Натижада маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятида қуйидагилар юзага келади:

ноаниқлик ҳамда турли (табиатан ягона раҳбарликни талаб этувчи) бўлинмалар ўртасидаги бошқарув вазифаларининг тақсимланиши;

раҳбарнинг раҳбарлик вазифалари билан ортиқча юкланиши ёки юкланмаслиги;

ҳокимият ходимларига ўзига хос бўлмаган вазифаларнинг юкланиши ва буларнинг натижасида хизматчилар бевосита вазифаларини тегишли равишда бажариш имкониятидан маҳрум бўлади¹.

Шу сабабдан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг таркибий тузилишига катта эътибор бериб, марказий ва маҳаллий даражада бу органлар фаолият олиб борувчи шахсларга махсус курслар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу ишларни муваффақиятли амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари катта амалий ёрдам беришлари мумкин.

Айни шу соҳадаги ислохотларни янада жадаллаштириш ва уни юқори даражага олиб чиқиш, шунингдек маҳаллий вакиллик органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида биз қуйидагиларни таъкидлаб ўтишни лозим деб топдик:

Кенгаш қарорлари уларнинг сессиялари ва мажлисларида етарли сондаги депутатлар қатнашганда, қарорлар овозга қўйилганда овозларни мўлжаллаган кўпчилиги билан қабул қилиниши, тўғри расмийлаштирилиши ва имзоланиши, ижрочиларга кўрсатилган муддатларда юборилиши лозим. Қарорларнинг ҳаётийлиги ва тежамкорлигини таъминлаш учун лойиҳаларни тайёрлашга қарорлар қабул қилиш тартибини билдирган мутахассислар ва манфаатдор ташкилотлар жалб қилиниши, депутатларнинг, жамоатчиликнинг, қуйи турувчи органларининг фикр ва мулоҳазалари эътиборга олинishi жуда муҳим;

жамоатчиликни маҳаллий ҳокимият органлари қарорларини ишлаб чиқишга жалб қилиш Конституциявий тамойилдан келиб чиқадиган мажбурий қоида сифатида эмас, балки аҳоли манфаатларини акс эттириш воситаси деб қаралиб, бундан

¹ Дадашева А.А. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг вужудга келиши ва ривожланиши (назария ва амалиёт): юрид. фан. номз.... дис. автореф. – Т.: ЎзМУ босмаҳонаси, 2008. 13-14-бб.

жамоатчилик билан бир қаторда, маҳаллий ҳокимият органлари манфаатдор бўлишлари лозим¹.

Маълумки, қонун устуворлигини ҳудудларда таъминлаш ваколати маҳаллий давлат ҳокимият вакиллик органларига берилган. Афсуски, бугунги кунда айрим жойларда “Маҳаллий давлат ҳокимият тўғрисида”ги қонунини ҳаётга тадбиқ этиш фаолияти етарли даражада такомиллашмаган. Ҳолбуки, қонунларни қўллашнинг субъектив бузилиши – жойларда ижроия ҳокимиятининг, ундан сўнг эса ҳуқуқ тартибот органлар ходимларининг ҳуқуқий ночорлигини келтириб чиқаради². Шунинг учун халқ депутатлари Кенгашлари қарор лойиҳаларини тайёрлашни яхшилаш мақсадида иш олиб бориш ҳақидаги йўриқномаларда ва бошқа ҳужжатларда, қарорларни тайёрлашда мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширувчи махсус чора-тадбирларни белгилаш лозим;

Қабул қилинаётган қарорларнинг самарадорлиги ошириш учун фақатгина давлат органлари, ташкилотлар, корхоналар иштирокида эмас, балки қарорларнинг қабул қилиш жараёнига нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тегишли ҳудудий бўлинмалари, хусусий сектор вакиллари ҳамда бошқа фуқаролик жамиятни институтларини жалб қилган ҳолда қабул қилиш таклифини билдирамиз. Бу ўз навбатида қарорлар ижросига ижобий таъсирини ўтказмай қолмайди. Чунки, мамлакат аҳолисининг асосий қисми хусусий сектор ҳамда жамоатчилик ташкилотларида фаолият юритаётган ҳозирги кунда айнан уларнинг иштироки қарорларнинг ижро этилиши ҳамда самарадорлигини ошишида ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, бошқарув жараёнининг яқунловчи босқичида бошқарув қарори маълум бир объектга бошқарув таъсирининг ўзига хос формуласи ролини ўйнайди. У маҳаллий ижроия органлари томонидан қабул қилинишида – асосланганлик, аниқ ифодаланганлик, реал амалга ошувчанлик, ўз муддатида бўлишлик, тежамкорлик ҳамда натижалилик каби бир қатор талабларга жавоб бериши муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда давлат бошқарувининг қуйи бўғинларида самарадор қарорлар қабул қилинишида вилоят, туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларининг ўрни ва роли ошиб бормоқда. Халқ депутатлари Кенгашларининг қарорлари билан ишлаш жараёнини қарор

¹ Дадашева А.А. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг вужудга келиши ва ривожланиши (назария ва амалиёт): Юрид. фан. номз.... дис. автореф. – Т.: ЎзМУ босмахонаси, 2008. 13-14-бб.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1993. .

тайёрлаш, қарор қабул қилиш, қарор ижросини ташкил этиш ҳамда қарор ижросини текширишларга бўлиб ўрганишимиз мақсадга мувофиқдир.

2.3. Маҳаллий вакиллик органи томонидан қарорлар тайёрлаш ва уни қабул қилишда партия гуруҳларининг иштироки

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида маҳаллий вакиллик органлари салмоқли ўринга эга. Айниқса бунда ўзаро тийилиб туриш механизмини шакллантиришда ўзининг алоҳида функцияларига эга бўлганлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни¹, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни², “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни³, “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни⁴, “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни⁵, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашининг намунавий регламенти⁶, доимий комиссиялари тўғрисидаги Низом ва бошқа меъёрий қонун ҳужжатлар асосида олиб боради.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари Ўзбекистонда мавжуд бўлган барча тизимлари ягона бўлган асосий функцияларга эга бўлиб, уларни тегишли ҳудуд аҳолисини бирлаштириш, барча фуқароларнинг манфаатларини ифодалаш, уларни давлат, жамоат

¹ “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993. –№9, – 320-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005. –№1, – 10-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007. –№4, – 161-модда; 2008. – №12, – 637-модда.

⁴ Халқ сўзи, 2002. –№78.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005. –№1, – 12-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008. – №12, – 640-модда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 154–II-сонли Қарорига 1-илова.

ишларини бошқаришга кенг жалб этиш; тегишли ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг комплекслигини таъминлаш; давлат ҳўжалик ва ижтимоий-маданий қурилиш бўйича республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган бошқа масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш; маҳаллий ҳоқимият органлари қарорларини, Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳоқимияти идора органларининг қарорларини ҳаётга татбиқ қилиш; тегишли ҳудудда қуйи турувчи халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятига раҳбарлик қилиш, жамоатчилик фаолиятини бирлаштириш ва йўналтириш; қонунчиликни, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш каби вазифалар ташкил этади. Давлат ҳоқимияти вакиллик органлари юқорида санаб ўтилган функцияларини амалга оширишлари бўйича якуний фаолият сифатида – қарорлар қабул қилади ва уларнинг ижросини таъминлайди.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳоқимларнинг қарорлари билан ишлаш жараёнини қуйидагиларга бўлиш мумкин: қарор тайёрлаш; қарор қабул қилиш; қарор ижросини ташкил этиш; қарор ижросини текшириш (назорат қилиш, таҳлил этиш).

Маҳаллий Кенгашлар ваколатларига тааллуқли ҳар хил масалаларни тегишли ҳудудда ижро қилиниши мажбурий бўлган ҳужжатлар қабул қилиш билан ҳал қилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 104-моддаси, “Маҳаллий давлат ҳоқимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси¹ ҳамда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддаси²га мувофиқ, маҳаллий давлат ҳоқимияти органлари ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади³. Улар қабул қилаётган қарорларнинг самарадорлиги уларни синчковлик билан тайёрлашга ва тажрибада ишлаб чиқилган ва қонунчиликда кўрсатилган маълум талабларнинг бажарилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Маҳаллий ҳоқимият органлари фаолиятини ошириш ўз навбатида корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларини, меҳнат

¹“Маҳаллий давлат ҳоқимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993. –№9, – 320-модда.

²“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001. –№1-2, –8-модда.

³“Инсон ва қонун” газетаси, 2009 йил 21 апрел, 16-сон.

жамоалари вакилларини халқ депутатлари Кенгашлари ишига жалб этишни ҳам тақозо қилади. Уларнинг вакиллик органлари билан биргаликда турли қарорлар лойиҳасини тайёрлаш ва қабул қилиш, улар ижросини назорат қилиш ишларида фаол иштирок этишлари таъминланса, жамият бундан катта фойда кўради. Чунки, республикамизда янги инсонпарвар ислохотларнинг кўлами ва самарадорлиги фуқароларнинг сиёсий фаоллигига, уларнинг қабул қилинган қарорлардан қанчалик хабардор эканлигига, жамият ва давлатни бошқаришдаги иштироки натижаларига боғлиқ¹.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимликлар қарор лойиҳаларини тайёрлашни яхшилаш мақсадида иш олиб бориш ҳақидаги йўриқномаларда ва бошқа ҳужжатларда, қарорларни тайёрлашда мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширувчи махсус чора-тадбирларни белгилайдилар².

Ижрони ташкил қилишнинг биринчи талаби бу қарорни ижрочиларга ва манфаатдор шахсларга ўз вақтида етказишдир. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига³ мувофиқ, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатлар, жумладан қарорлар ва фармойишлар улар имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради, башарти, ана шу ҳужжатларда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса. Манфаатдор орган ёки шахсларга қарорларнинг нусхаси ёки ундан кўчирма юборилади. Агарда қабул қилинган ҳужжат муҳим аҳамиятга эга бўлса, маълум жойдаги аҳолига бевосита алоқадор бўлса, у тўғрисида ҳамма фуқаролар таништирилиши шарт. Бундай ҳужжатлар ҳокимлик ходимлари доимий комиссиялари томонидан радио, маҳаллий матбуот, эълонлар, раҳбарларнинг чиқишлари орқали аҳолига етказилади. Депутатлар ўз сайлов округларида ҳам шу ишни амалга оширадилар.

Маҳаллий Кенгашлар томонидан қарор лойиҳаси ишлаб чиқиладиганда, қоида тариқасида, лойиҳани тайёрлаш юзасидан комиссиялар тузилади.

Қарор лойиҳаларини тайёрлашга манфаатдор давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, айрим фуқаролар жалб этилиши мумкин. Иқтисодиётнинг алоҳида

¹ Тўрақулов М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимиятининг роли: Сиёсий фан. номз.... дисс. автореф. – Т., 2006.

² <http://www.minjust.uz/ru>

³ “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993. –№9, – 320-модда.

тармоқлари, давлат бошқарувининг бошқа соҳаларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга тегишли тармоқлар ёки бошқарув соҳаларининг ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган вазирликлар, давлат кўмиталари ёки идоралари жалб этилади. Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишини мувофиқлаштириб туриш, қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий Кенгашлар қарорларни тайёрлашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қўлланиш амалиётини ҳамда жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича қуйидагиларни амалга оширади:

лойиҳа мавзусига доир қонун ҳужжатларининг қўлланилиш тажрибасини ўрганади ва ҳисобга олади, ҳуқуқий тартибга солишга бўлган жамоатчилик эҳтиёжини, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ва шароитларни аниқлайди;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий муассасалар, олимлар ва мутахассисларнинг тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ва улардан фойдаланади;

бошқа давлатлардаги қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажрибасини ҳисобга олади.

Қарор лойиҳасининг экспертизаси бўйича, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларининг юридик экспертизаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади. Киритилган лойиҳанинг сифатига баҳо бериш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси бошқа хил (иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий, экология ва ўзга) экспертизадан ҳам ўтказилиши мумкин. Экспертлар сифатида тегишли лойиҳани тайёрлашда илгари бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва шахслар жалб этилади.

Қарорда уни амалга оширишнинг ҳуқуқий воситалари, шу жумладан молиялаштириш манбалари, рағбатлантириш, мукофотлаш ва назорат қилиш чора-тадбирлари кўрсатилиши мумкин.

Қарорга уни қабул қилиш сабаблари ва мақсадларини тушунтиришдан иборат бўлган муқаддима киритилиши мумкин. Норматив кўрсатмалар муқаддимага киритилмайди.

Қарорларда норматив кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган бандлар тарзида баён этилади. Бандлар кичик бандларга ва хатбошиларга бўлиниши мумкин. Ҳажм жиҳатдан йирик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун жиҳатдан яқин бўлган моддалари (бандлари) параграфлар ва бобларга бирлаштирилади. Зарур ҳолларда боблар бўлимларга ва кичик бўлимларга бирлаштирилиши мумкин. Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфлар сарлавҳаларга ва тартиб рақамларига эга бўлади. Қарорда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг айрим қоидалари мазкур ҳужжатларга ҳавола қилинган ҳолда айнан такрорланади.

Қарорнинг бандларида унинг бошқа бандларига, шунингдек амалдаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, уларнинг айрим қоидаларига ҳаволалар норматив кўрсатмаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш зарурати бўлган ҳолларда ёки такрорлашларга йўл қўймаслик учун қўлланилади.

Қарорнинг расмий матни тегишли ҳоким томонидан имзо қўйиб тасдиқланади.

Қабул қилинган қарор ўзининг қуйидаги реквизитларига эга бўлиши лозим: ҳужжатнинг тури ва номи; ҳужжат қабул қилинган жой, сана ва ҳужжат рақами; тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имзо қўйиб тасдиқлашга расман ваколати бўлган шахсларнинг фамилияси, лавозими ва имзолари.

Қарорлар халқ депутатлари Кенгашларининг сессиясида очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Зарур ҳолларда халқ депутатлари Кенгаши қарорига асосан яширин овоз бериш ўтказилиши мумкин. Электрон овоз бериш тизимлари ўрнатилган залларда очиқ ёки яширин овоз бериш электрон овоз бериш тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказилади¹.

Депутат ўзининг овоз бериш ҳуқуқини шахсан амалга оширади. Ҳар бир депутат бир овозга эга бўлади ва муҳокама қилинаётган масала юзасидан “ёқлайман”, “қаршиман” ёки “бетарафман” деб овоз

¹ “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001. –№1-2, –8-модда.

беради. Овоз бериш вақтида ҳозир бўлмаган депутат кейинчалик овоз беришга ҳақли эмас. Очiq овоз бериш овозлар мутлақ кўпчиликни ташкил этган тақдирда овозларни санамасдан, агар ҳеч бир депутат бошқача тартибни таклиф этмаса ёки овозларни қайта санаб чиқишни талаб қилмаса, ўтказилиши мумкин.

Сессияларда яширин овоз беришни ўтказиш ва унинг натижаларини ҳисоблаш учун депутатлар орасидан санок комиссияси сайланади. Санок комиссияси ўз таркибидан комиссия раиси ва котибини сайлайди. Санок комиссиясининг қарорлари комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Сессияда яширин овоз беришни бюллетенлардан фойдаланган ҳолда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, овоз бериш учун зарур ахборотга эга бўлган яширин овоз бериш бюллетенлари санок комиссияси назорати остида тайёрланади. Яширин овоз бериш ўтказиладиган вақт ва жой, уни ўтказиш тартиби санок комиссияси томонидан белгиланади. Яширин овоз бериш бюллетенлар ёрдамида ўтказилганида санок комиссияси ҳар бир депутатга биттадан бюллетень беради. Бюллетенни тўлдириш депутат томонидан яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бюллетендаги ўзи ёқлаб овоз бераётган номзод фамилиясининг қаршисида ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги крестик қўйиш, қарор лойиҳасига оид бюллетенда эса, агар у тегишли қарорни ёқлаб овоз бераётган бўлса, “қаршиман” деган сўзни ўчириш, таклиф этилаётган қарорга (қарор вариантыга) қарши овоз бераётган бўлса, “ёқлайман” деган сўзни ўчириш орқали амалга оширилади. Белгиланмаган нусхадаги бюллетенлар, шунингдек депутатларнинг хоҳиш-иродасини аниқлашга имкон бермаган бюллетенлар овозларни ҳисоблаб чиқиш вақтида ҳақиқий эмас деб топилади. Бюллетенга киритилган кўшимчалар овозларни ҳисоблаб чиқиш чоғида эътиборга олинмайди¹.

Агар сессияда электрон овоз бериш тизими ёрдамида яширин овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, санок комиссияси овоз бериш бошланишидан олдин электрон тизимнинг созлигини текшириши ҳамда яширин овоз бериш учун депутатлар умумий сонига мос миқдорда карточкаларнинг тўлиқ комплектини рўйхатга олиши керак.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 154–II-сонли Қарорининг 1-иловасидан

Очиқ ёки яширин овоз бериш натижалари тўғрисида санок комиссияси баённома тузади, у комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади. Санок комиссиясининг маърузасига асосан халқ депутатлари Кенгаши яширин овоз бериш натижаларини тасдиқлаш тўғрисида очиқ овоз бериш йўли билан қарор қабул қилади. Сессияда қабул қилинган қарорлар раислик қилувчи томонидан имзоланган вақтдан эътиборан, агар ҳужжатнинг ўзида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кучга киради.

Халқ депутатлари Кенгашининг қарорлари унинг доимий комиссияларига, ҳокимликнинг бўлимлари, бошқармалари ва бошқа таркибий бўлинмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда тегишли корхоналар, муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, мансабдор шахсларга ва қуйи турувчи ҳокимликларга тарқатилади. Тегишли ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича сессияда қабул қилинган қарорлар ва бошқа муҳим қарорлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади¹.

Шу билан биргаликда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасида, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳокимнинг ва қуйи Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келмайдиган қарорларини бекор қила олиши келтирилган. Бироқ, ушбу ҳужжатларни бекор қилиш тартиби, унинг механизмлари қонунчиликда ўз аксини топмаганини қайд этмоқчимиз. Яъни, ҳоким қарорларини бекор қилиш ташаббуси ким томонидан билдирилиши, қайси тартибда бекор қилиниши, уни бекор қилиш билан боғлиқ сессияда ким раислик қилиши каби масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш долзарб аҳамият касб этмоқда².

Жамоатчиликни маҳаллий ҳокимият органлари қарорларини ишлаб чиқишга жалб қилиш Конституциявий тамойилдан келиб чиқадиган мажбурий қоида сифатида эмас, балки аҳоли манфаатларини акс эттириш воситаси деб қаралиб, бундан жамоатчилик билан бир қаторда, маҳаллий ҳокимият органлари манфаатдор бўлишлари лозим³. Айни шу мақсадда Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламентига бир нечта қўшимча ва ўзгартиришларни киритиш таклиф этилмоқда:

¹ <http://www.senat.uz/uz/kengash/xalq-deputatlari-viloyat-tuman-shahar-kengashi-namunaviy-reglament>.

² Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ этишнинг ҳуқуқий асослари: давра суҳбати материаллари. – Тошкент: Baktria press, 2015. 68- б.

³ Дадашева А.А. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг вужудга келиши ва ривожланиши (назария ва амалиёт): юрид. фан. номз.... дис. автореф. – Т.: ЎзМУ босмахонаси, 2008. 13-14 б.

1. Намунавий регламентнинг 3-моддаси, бешинчи қисми сифатида “*Халқ депутатлари Кенгашлари сессиялари, доимий комиссия мажлисларини ўтказиш санаси, вақти, жойи ва кун тартибидаги масалалар тўғрисида аҳоли олдиндан хабардор қилинади*” деган кўшимча киритиш лозим. Жамоатчилик фикри сессия муҳокамасига киритилаётган ҳар бир масала юзасидан ҳисобга олинади. Шу туфайли мазкур меъёр сессия муҳокамасига киритилаётган ҳар бир масалани тайёрлашда мажбурийлиги белгиланади.

2. Регламентнинг 12-моддаси, учинчи қисми сифатида “*Сессия кун тартибидаги масалалар тўғрисидаги қарорлар лойиҳалари Кенгаш веб-саҳифасига қўйилади*” ҳамда тўртинчи қисм сифатида “*очиқ сессияларда ҳозир бўлиш хоҳиши бўлган шахсларга шароит ушбу Регламент билан таъминланади*” деган кўшимча киритиш лозим. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳайъат мажлислари очиқ тарзда ўтказилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўзларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратади¹.

3. Маҳаллий Кенгашлар томонидан қабул қилинган қарорларни амалга ошириш механизмлари, қарорлар қабул қилиш жараёнлари: унга хос талаблар, ҳуқуқий экспертизаси, унинг қонунийлиги ва қонунга зид бўлган қарорларни бекор қилишга оид масалаларни ҳуқуқий асосда тартибга солиш.

Мамлакатимизда охириги йилларда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партияларнинг ролини ошириш мақсадида қатор чоралар кўрилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган, Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни² бу борадаги ҳаракатларни янги босқичга кўтарди. Қонуннинг қабул қилиниши бир томондан ҳукумат ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини

¹ Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ этишнинг ҳуқуқий асослари: давра суҳбати материаллари. – Тошкент: Baktria press, 2015. 65- б.

² “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007. –№4, –161-модда.

оширса, иккинчи томондан сиёсий партияларнинг марказда ва жойлардаги фаолиятини янада жонлантиради. Ушбу қонуннинг 6-моддасида белгилаб берилган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг масъулиятини ошириб, уларнинг зиммасига янада фаол иштирок этишни юкламоқда. Жумладан, вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг назорат қилиш вазифалари самарадорлигини ошириш мақсадида тегишли ҳокимларнинг қониқарсиз фаолияти устидан Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ҳуқуқини Конституциявий қонунга киритилиши партияларнинг жойлардаги ижро ҳокимиятига таъсир ўтказишнинг ҳуқуқий имкониятларини яратди. Бу тизим орқали эндиликда марказда ва жойларда сиёсий партиялар фаолияти тубдан ўзгариб, аҳоли ўртасида партияларга бўлган муносабатларни жиддийлаштиради. Сиёсий партияларнинг жойларда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги фаол иштироки жамиятимизда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг амалга оширишни янада жонлантириб, мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг таянчини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бу борада биринчи Президент И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир” номли маърузасида шундай дейди: “Сайловлар натижасида ... маҳаллий Кенгашларда депутатлик гуруҳларини тузиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партияларнинг ҳукумат раҳбари ва вилоят ҳокимларини сайлаш ва тайинлаш, уларни вазифасидан четлаштиришда фаол иштирок этиши, шу орқали ижро ҳокимияти фаолиятига бевосита таъсир кўрсатиши - мана шу ҳолатларнинг ўзи сиёсий партияларнинг ҳаётимиздаги роли ва амалий таъсири кескин кучайишининг яққол исботи, десак, ўйлайманки, айти ҳақиқатни айтган бўламиз”¹.

Сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнига фаол таъсирини таъминлаш учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланиш лозим. Шу мақсадда халқ депутатлари

¹ Фуқаролик жамияти - Гражданское общество - Civil society. 2006. –№4. 4-5- б.

маҳаллий Кенгашларидаги партиялар гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазифаларни ҳал этиш ишига партияларнинг таъсирини ошириш даркор¹.

Чунки, мамлакатимиздаги ҳар бир сиёсий партиялар қуйи вакиллик бўғинда, яъни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда ўзининг партия депутатлик гуруҳларига эга бўлиб, улар бевосита мана шу ресурс орқали тегишли электоратининг манфаатларини рўёбга чиқариш ва бошқа ижтимоий-сиёсий вазифаларини амалга ошириб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳлари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатлар таъсис йиғилишларида ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тузилади. Партия гуруҳлари партия гуруҳининг раҳбари берган ариза ёки таъсис ҳужжатларига асосан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан рўйхатга олинади.

Рўйхатга олинган сиёсий партия гуруҳлари қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

- сессия кун тартибини тузишда иштирок этиш;
- сессия кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда гуруҳ вакилига кафолатланган сўз берилиши;
- тегишли равишда Жўқорғи Кенгеснинг Раисига ва Вазирлар Кенгашига, Қорақалпоғистон Республикасининг вазирларига ва бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўровлар билан мурожаат этиш;
- тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш;
- тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида муҳокама қилинаётган масала бўйича партия гуруҳининг фикрини депутатлар орасида тарқатиш;

¹ Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” мавзусидаги маърузаси // www.uza.uz

- давлат ҳокимияти тегишли вакиллик органларининг депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш¹.

Шунга қарамай, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятида *муаммо ва камчиликлар* ҳам йўқ эмас. Жумладан:

Маълумки, сессия ҳокимнинг ташаббусига кўра ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг камида учдан бир қисми ташаббусига биноан ҳам чақирилиши мумкин. Бу сессиялар навбатдан ташқари сессиялар дейилади². Аммо, бугунги кунда сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг фаолиятини қониқарли аҳволда деб бўлмайди. Хусусан, Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида таъкидлаганидек, ““Адолат” партиясининг Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари ва туманлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан кенгаш сессиялари муҳокамасига 2016 йил давомида биронта ҳам масала киритилмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Худди шундай ҳолатни O‘zLiDeP партиясининг Хоразм вилояти, “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Сурхондарё вилояти халқ депутатлари кенгашларидаги партия гуруҳлари мисолида ҳам, бошқа партиялар фаолиятида ҳам учратиш мумкин”³. Бу эса ўтказилаётган сессияларга депутатлар томонидан ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган масалаларнинг киритилиши қониқарли аҳволда эмаслигидан далолат бериб турибди.

Шунингдек, бошқа сиёсий партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари ҳам электорат манфаатларини ҳимоялашда қонунчиликда белгилаб қўйилган ҳуқуқий асослардан оқилона фойдалана олмаяптилар. Депутатларнинг ўз ваколатлари доирасида депутатлик назорати, жойларда ҳамда ҳудудий иқтисодий-ижтимоий ривожланиш дастурларининг бажарилиши юзасидан мониторинг ўтказиш ишлари ҳам сезиларли даражада эмас. Шунинг учун бу борадаги фаолиятни кучайтириб, ислохотларнинг ижтимоий самарасини оширишга халақит бераётган камчиликларни аниқлаш,

¹ “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 14-моддаси. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. –№2, – 36-модда.

² Хидиров С. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари (ўқув-услубий қўлланма). – Т.: ТДЮИ, 2006. 76- б.

³ Мирзиёев Ш. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. 2017 й. 12 июль // www.uz.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017

уларни бартараф этиш бўйича аниқ чоралар кўриш зарур¹. Барчангиз хабардорсиз, - деди юртимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида, – яқинда мамлакатимиз вилоятларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қатор дастурлар қабул қилинди. Лекин бу дастурларни тайёрлашда жойлардаги партия гуруҳлари қай даражада иштирок этмоқда? Шундан келиб чиққан ҳолда, бундан буён ҳудудлар бўйича қабул қилинадиган, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид ҳар қандай дастур лойиҳаси юзасидан партия гуруҳлари томонидан билдириладиган фикр ва таклифлар ҳисобга олиниши шарт эканини қонунчиликда аниқ белгилаб қўйишимиз зарур, деб ҳисоблайман. Ўзингиз ўйланг, агар биз бир дастур ишлаб чиқадиган бўлсак, бу жойдаги муаммоларни шу ердан сайланган депутатдан бошқа ким яна чуқурроқ, ким яна яхшироқ билиши мумкин? Агар депутатлар ҳар қайси ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурда белгиланган вазифалар ижросини назоратга олса, амалий натижага эришамиз².

Айрим халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан депутатлик назоратини олиб бориш, қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда мансабдор шахслар масъулиятини ошириш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш, доимий комиссиялар ишини кучайтириш ҳамда уларнинг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалаларига етарлича эътибор берилмаётир³.

Фикримизча, бу каби салбий ҳолатларга қуйидаги *омиллар* сабаб бўлиб келмоқда:

маҳаллий вакиллик органлари депутатларининг малака ва ўқув-савияси етарли даражада эмаслиги;

депутатларнинг ўзларига берилган қонуний ваколатларини тушуниб етмаганлиги ёхуд ундан тўла қонли фойдаланмаётганлиги;

шунингдек, депутатлар жойлардаги муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этиш бўйича сессияларнинг чақирилиши талаби билан чиқмаётгани.

¹ <http://www.uzbekistonovozi.uz/>

² Мирзиёев Ш. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. 2017 йил 12 июль. // www.uza.uz/uz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017

³ Маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ролини ошириш – давр талаби. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати. 2011 йил 26 феврал.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, депутатлик гуруҳларининг роли ва масъулиятини ошириш борасидаги *тавсиялар*ни келтириб ўтсак:

Ҳар чоракда ҳудудий партия Кенгашлари билан тегишли бўғиндаги депутатлик гуруҳларининг қўшма йиғилишларини ташкил этиш ва ушбу йиғилишларда ҳудудий партия Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари ва маҳаллий Кенгашдаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари ҳисоботини эшитиб бориш тизимини яратиш;

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ўзаро тортушувчанлиги, демократик тарзда баҳс-мунозарага киришиши умуман кўзга ташланмайди. Мазкур ҳолатни ҳамда партия электорати манфаатларини ҳимоя қила олишини таъминлаш мақсадида сиёсий партияларнинг маҳаллий кенгашлардаги демократик блоги, унга қарши муҳолиф партия гуруҳларини шакллантириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш лозим. Ўзаро мақсадга эришиш йўллари муштарак бўлган партияларнинг гуруҳлари ягона уюшмага (блокка) бирлашади. Бунда бошқа партия гуруҳлари билан ўз манфаат ва қарашлари юзасидан баҳс-мунозара ва тортишувлар олиб бориш орқали самарали қарорлар қабул қилинишига эришилади;

Партия гуруҳларининг ҳуқуқ ва ваколатларининг кенгайтирилиши жойларда юзага келаётган муаммоларнинг ижобий ҳал этилишига олиб келади. Фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, партия гуруҳларининг қарорлар қабул қилишдаги фаоллигини янада ошириш, манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари сайловида энг кўп депутатлик ўринини олган сиёсий партия томонидан ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларига эга бўлган бир нечта сиёсий партиялар томонидан вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокими номзодини Бош вазирга тавсия қилиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ. Бош вазир эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-бандига биноан вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодини Президентга тақдим этади.

Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида партия гуруҳини шакллантириш учун белгиланган миқдордаги депутатларига ҳамда туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашига бўлган сайловда энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир нечта сиёсий партияларга туман, шаҳар ҳокими номзодини тегишли

вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимига тавсия этиш ҳуқуқининг берилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Бу борада бир таклифни илгари сурмоқчиман, – дейди президент Ш. Мирзиёев, – туман ёки шаҳар ҳокими номзодини вилоят ҳокими томонидан тегишли маҳаллий кенгашларда ҳар бир партия гуруҳи билан маслаҳатлашув ўтказилганидан сўнг тегишли сессияда тасдиқлаш тартибини жорий этсак, нима дейсизлар? Сизларга маълумки, бундай тартиб ҳозирги вақтда вилоят миқёсида мавжуд. Аммо у фақат қоғозда бор-у, амалда, афсуски, ишламаяпти. Биз энди ана шу қонуний механизмни маҳаллий кенгашларнинг барча босқичида самарали ишга соламиз. Агар бирорта номзод партия гуруҳлари муҳокамасидан ўтмаса, у ҳоким лавозимига тайинланмайди¹. Бундай талаб сиёсий партияларни кўпчиликни шакллантиришдан манфаатдорлигини кучайтириб, умуман, келажакда маҳаллий Кенгашлар ваколатларига доир масалаларни самарали ҳал қилиш механизмини шакллантиради. Шунингдек, бундай тартибнинг жорий қилиниши сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашларда кўпроқ ўринларга эга бўлиш, яъни жойлардаги муаммоларни чуқурроқ ўрганишга бўлган интилишини янада кучайтиради. Ҳокимни лавозимига тасдиқлаш масаласини тайёрлаш жараёнида кўпчиликни ташкил этган партия гуруҳи ёки партиялар блоки ҳоким билан худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бошқарув кадрларини танлаш ва жойига қўйиш ва бошқа масалаларини келишиб олиш имконига эга бўладилар²:

Маълумки, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 9-моддасида “Қонунчилик палатасининг камида *тўққиз нафар* депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга” деб белгилаб қўйилган. Маҳаллий Кенгашларда эса партия гуруҳи депутатларнинг таъсис йиғилишида тузилади. Таъсис йиғилишида ташкилий масалалар ҳал этилади ва бу депутатларнинг ваколат муддати давомида самарали фаолият олиб боришига хизмат қилади. Демак, таъсис йиғилишига қадар муайян партиянинг халқ депутатлари Кенгашида белгиланган сондаги

¹ Мирзиёев Ш. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. 2017 й. 12 июль. // www.uz.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017

² Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ этишнинг ҳуқуқий асослари: давра суҳбати материаллари. – Тошкент: Baktria press, 2015. 96-б.

депутатлар корпуси шаклланган бўлсагина, унинг таркибини, сайланган депутатларнинг профессионал фаолиятини ўрганиш, партия гуруҳи раҳбарлигига номзодларни кўриб чиқиш мумкин бўлади. Партия гуруҳини рўйхатга олиш масаласи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари Кенгашларининг биринчи мажлисида кўриб чиқилади. Бунинг учун партия гуруҳи раҳбарининг аризаси ва таъсис йиғилиши баённомаси маҳаллий Кенгашларга топширилиши керак. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти”нинг 70-моддасига асосан, “Партия гуруҳлари партия гуруҳи раҳбарининг тегишли аризаси ва таъсис хужжатларига асосан халқ депутатлари Кенгаши томонидан рўйхатга олинади”. Агар сиёсий партия маҳаллий Кенгашда белгиланган талабларга жавоб берадиган ва етарли миқдордаги депутатлик корпусига эга бўлса, партия гуруҳи тузилишини рад этиш учун ҳеч қандай асос бўлмайди. Партия гуруҳи тузилиши учун зарур бўладиган депутатларнинг энг кам сони ҳам кўзда тутилган. Чунончи, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддаси тўртинчи қисмига асосан “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда шаҳарлар (вилоят марказлари) Кенгашларидаги партия гуруҳлари уларда тегишли сиёсий партиядан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки халқ депутатлари Кенгашига сайланган камида *беш нафар* депутат бирлашган тақдирда тузилади”. Қонунда партия гуруҳи тузилиши учун зарур депутатларнинг аниқ сони белгилаб қўйилиши муҳим бўлиб, сиёсий партиялардан маҳаллий Кенгашларда партия гуруҳини шакллантириш мақсадида муайян депутатлик ўринларини қўлга киритиш учун фаол ҳаракат қилишлари талаб этилади. Айрим ҳолларда маҳаллий Кенгашларда партия гуруҳи тузиш учун етарли ўринларни эгаллай олмаган айрим партияларнинг депутатлик гуруҳлари тузилганлигини эълон қилиши асоссиздир. Масалан, “Adolat” газетасининг 2015 йил 6 февралдаги 6-сонида Н.Абдуллаев “Янгича ишлашнинг ишончли механизмлари – амалда” деб номланган мақоласида Янгикўрғон туманида тўрт нафар депутатдан иборат депутатлик гуруҳи тузилганлигини таъкидлаб ўтади¹. Шу

¹ Бердикулов С.Н. Ўзбекистонда кўппартиявийлик миллий моделининг фалсафий генезиси ва ривожланиш истикболлари: Фалс. фан. докт.... дисс. – Т., 2016. 142- б.

мақсадда биз маҳаллий вакиллик органларида етарли миқдорда (камида беш нафар) ўрин эгаллай олмаган сиёсий партияларнинг кам сонли депутатларининг партия гуруҳларига уюшиши ёхуд мақсадга эришиш йўллари муштарак бўлган бошқа сиёсий партия гуруҳларига бирлашиши мумкинлиги каби масалаларнинг қонуний асосларини яратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, маҳаллий Кенгашларда партия гуруҳини ташкил қилиш учун етарли миқдорда (камида беш нафар) депутатнинг сайланганлиги, *биринчидан*, партиянинг сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланганлигини аниқлаб, *иккинчидан*, рўйхатга олинган партия гуруҳи томонидан таклиф этилган қарор лойиҳасининг қабул қилинишига самарали таъсир кўрсатишини билдиради. Натижада сиёсий партияларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларида эгаллаган депутатлик ўринлари қанчалик кўпчиликни ташкил этса, қарорларга сайловолди дастуридаги вазифаларни сингдиришда шунчалик катта имкониятга эга бўлади.

Юқорида қайд этилган таклифлар, аввало, маҳаллий вакиллик органларида қарорлар қабул қилишнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада ривожлантириш, шунингдек, сиёсий партияларнинг позициясини ҳудудларда изчил амалга оширилишини таъминлаш бугунги кундаги минтақавий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Шу орқали улар томонидан Президент фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижросини таъминлаш, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган қарорларнинг қабул қилиш механизмларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қабул қилинган қарорларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг қатъий ва изчил ижро этилиши, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти ҳамда кенг жамоатчиликнинг иштирокига бевосита боғлиқдир.

2.4. Халқ депутатлари Кенгаши фаолиятида қарорнинг ижросини ташкил этиш ва назорат қилишнинг сиёсий-ҳуқуқий механизмлари

Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятининг таҳлили бугунги кунда унинг йиғилишларида ва уларнинг комиссиялари

мажлисларида ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги долзарб масалалар муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланаётганлигини кўрсатмоқда. Ҳокимият органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш каби масалалар шулар жумласидандир.

Сўнгги йилларда маҳаллий Кенгашлар ва улардаги доимий комиссиялар фаолияти сезиларли даражада жонланмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессияларида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларидан тортиб, қонунлар, давлат дастурлари ва ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш, шу билан бирга, биринчи Президент томонидан тақдим қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да белгиланган ҳамда Президент Ш.Мирзиёев томонидан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”¹даги вазифаларни рўёбга чиқариш борасида амалий чоралар кўрилмоқда. Жойларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессиялари ва доимий комиссияларининг мажлисларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш борасида ижобий тажрибалар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати комиссия ва кўмиталари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ишини янада яхшилаш мақсадида фаол ҳамкорлик қилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги қарори билан Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти ва Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссияси тўғрисида намунавий низом тасдиқланди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига Сенатнинг маҳаллий вакиллик органлари билан амалий ҳамкорлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, шунингдек, депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қатор услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди. Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик

¹“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. – №6, – 70-модда.

органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг амалий кўмаги ва тавсиялари муҳим дастуриламал бўлаяпти¹. Натижада маҳаллий Кенгашларнинг фаолияти тобора кўлам ва салмоқ касб этиб бормоқда. Буни кейинги пайтларда туман (шаҳар)ларда ўтказилаётган сессиялар кун тартибига олиб чиқиладиган масалаларнинг долзарблиги ва муҳокама якунлари юзасидан қабул қилинаётган қарорлар сифати ва таъсирчанлиги бирмунча ошганида ҳам кўриш мумкин.

Давлатимиз биринчи раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги маърузаси²да маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари – халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларни ижро этиш, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ вазифаларни бажариш борасидаги фаолияти устидан парламент назоратини олиб боришга қаратилган ишларни кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилган эди. Бугунги кунда юртбошимиз томонидан қўйилган вазифаларни бажариш маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ҳар бир депутатидан, халқ депутатлари Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссияларидан юксак ташаббускорликни, қонунлар, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ва қарорлар ижросини таъминлаш устидан амалий назоратни кучайтиришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш йўлида тинимсиз изланишни талаб қилади.

Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари – Кенгашлар олдида турган ғоят муҳим вазифалардан бири – бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир³. “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни⁴нинг қабул қилинишида ҳам айтиш мумкин бу мақсад кўзланган эди. Шунинг учун ҳам партияларнинг фракциялари вазирлик ва кўмиталар устидан,

¹ <http://www.senat.uz/uz/news/2012/10-02-1.html>

² Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. //Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь (№ 220).

³ <http://www.uzbekistonovozi.uz>

⁴ “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016. –№15, –141-модда.

партияларнинг маҳаллий кенгашлардаги гуруҳлари эса – вазирлик ва қўмиталарнинг жойлардаги бошқарма ва бўлимлари фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиши керак¹.

Маҳаллий вакиллик органларида қабул қилинаётган қарорларнинг самарадорлигини оширишда унинг ижро этилиши ва назоратга олиниши муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан қарор қабул қилиш уларни ҳаётга татбиқ қилиш бўйича ташкилий ишдан ажратилмаган ҳолда амалга оширилади. Қарорларнинг ижросини ва назоратини ташкил қилиш билан бирга, юқори органлар актлари ижросининг назорати ҳам амалга оширилади. Ижро ва назорат ташкил қилиш ишининг марказида ҳокимлик девони бўлиб, у шу йўналишда бўлим ва бошқармаларни, доимий комиссияларни, депутатлик гуруҳ ва постларини, жамоатчилик органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

Маълумки, халқ депутатлари Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари томонидан сўзсиз ижро этилишини таъминлаш халқ депутатлари Кенгаши иши самарадорлигининг энг зарур шартларидан бири ҳисобланади. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ, халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш биринчи навбатда унинг доимий комиссиялари зиммасига юклатилади. Амалиётда халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари тимсолида халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари зиммасига эмас балки, ҳоким ўринбосарларидан бирининг зиммасига юклатилганлик ҳоллари учрамоқда. Ҳозирги кунда фақат 2014 йил 30 майда Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан қабул қилинган “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳамда улар доимий комиссиялари қарорларининг маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари

¹ Мирзиёев Ш. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижросиси бўлиши керак. 2017 й. 12 июль // www.uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017

томонидан ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича намунавий тартиб” дагина белгилаб берган холос.

Амалдаги қонун ҳужжатлари таҳлили маҳаллий кенгашларнинг назорат фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида қатор бўшлиқлар мавжуд эканлигини кўрсатди:

Биринчидан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида маҳаллий кенгашларда депутатлик назоратини амалга ошириш механизмлари ҳамда депутатлик назоратининг ҳуқуқий оқибатларини назарда тутувчи нормалар мавжуд эмас;

Иккинчидан, қонун ҳужжатларида депутатлик назорати шакллари, хусусан, депутат сўровини юбориш ва жавоблар олиш, сўровлар юзасидан мансабдор шахсларнинг ўз вақтида жавоб қайтариши механизмлари тўлиқ белгиланмаган. Сўровларда белгиланган масалаларни ҳал этиш юзасидан маҳаллий ижро ҳокимиятининг айрим бўлим раҳбарлари эътиборсизлик ва ҳаракатсизликка йўл қўймоқда. Оқибатда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган депутат сўровларида кўтарилган масалалар ҳал этилмай қолмоқда;

Учинчидан, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини тинглаш ва улар юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ҳуқуқий оқибатларига тегишли ташкилий-ҳуқуқий тартиб-таомиллар белгиланмаган¹.

Шундан келиб чиқиб, “Вакиллик назорати тўғрисида”ги янги қонун ишлаб чиқишни лозим деб ҳисоблаймиз. Унда назорат олиб борувчи субъектлар (халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгаши депутатлари, доимий комиссиялар, партия гуруҳлари), унинг объектлари (маҳаллий ижроия органлари раҳбарлари, унинг ўринбосарлари), назорат шакллари (тегишли тартибда ҳоким, молия бўлими раҳбари, солиқ бошқарма бошлиғи, прокуратура, ички ишлар бўлими бошлиқлари каби турли ташкилот ва муассаса раҳбарларининг долзарб масалалар юзасидан ҳисоботини эшитиш тартиби, муддатлари ва ҳоказо), сўров юборувчи субъектлар (масалан, маҳаллий кенгашда фаолият юритаётган партиянинг депутатлик гуруҳи сўрови ҳамда депутат сўровини алоҳида аниқ қилиб ёритиш ҳамда сўровни юборишнинг аниқ қонуний тартибини

¹ Маҳмудов А. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши регламентининг концепцияси // Жамият ва бошқарув. 2016. – №4. 51- б.

ишлаб чиқиш), маҳаллий кенгаш текшируви (тегишли ҳудуднинг энг муҳим манфаатларига дахлдор, унинг барқарор ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказувчи омиллар ўрганиш мақсадида кенгашдаги мавжуд доимий комиссиялар томонидан амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш) каби масалаларни ёритиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, бугунги кунда халқ депутатлари маҳаллий кенгаш қарорларининг матнларида одатда қатор умумий камчиликларни кузатишимиз мумкин. Хусусан, кўпгина ҳолларда халқ депутатлари Кенгаши қарорининг номи унинг мазмунига мос бўлмайди. Халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг матнларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳаволалар қилинганда уларнинг реквизитлари – норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилинган санаси ва рақами тўлиқ кўрсатилмайди. Халқ депутатлари Кенгашининг қарорларидаги топшириқлар расмийлик учунгина берилади, яъни топшириқлар аниқ ва тушунарли бўлмайди. Баъзан эса халқ депутатлари Кенгашининг қарорларида мазкур қарорнинг ижроси зиммасига юклатилган аниқ ижрочилар кўрсатилмайди. Яна бир жиддий камчилик сифатида халқ депутатлари Кенгашининг қарорларида баён этилган топшириқларни ижро этиш муддати, ушбу қарорлардаги топшириқлар ижросини таъминлашга масъул бўлган шахсларнинг белгиланмаганлигини кўришимиз мумкин. Айрим ҳолларда эса халқ депутатлари Кенгаши қарорлари ижроси устидан назоратни амалга ошириш халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари ёки депутатлари эмас балки ҳокимлик аппаратининг мансабдор шахсларига ёки ҳоким ўринбосарлари – тегишли мажмуалар раҳбарлари зиммасига юклатилганлигининг гувоҳи бўламиз. Халқ депутатлари Кенгашларининг ўз фаолиятларида бундай камчиликларга йўл қўйишлари халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижроси билан боғлиқ ишлар самарадорлигига ҳам, депутатларнинг фаолиятига ҳам ижобий таъсир қилмайди¹.

Демакки, давлат ҳокимияти вакиллик органлари қабул қилаётган қарорларнинг самарадорлиги уларни синчковлик билан тайёрлашга ва тажрибада ишлаб чиқилган ва қонунчиликда кўрсатилган маълум

¹ Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этишнинг айрим жиҳатлари бўйича услубий тавсиялар. Амалий қўлланма. Муаллифлар: Ф.В. Ким, Б.Ғ. Хасанов – Тошкент: 2012. – 23-24-б.

талабларнинг бажарилишига кўп жиҳатдан боғлиқ экан. Шу сабабдан биз, қабул қилинаётган қарорларда қуйидагилар инобатга олиниши муҳим деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, халқ депутатлари Кенгашининг ҳар бир қарори асосланган бўлиши лозим, яъни ишонарли ва етарли маълумотларга эга бўлиши керак.

Иккинчидан, Кенгашнинг қабул қиладиган ҳар бир қарори кенг маънода тежамкор бўлиши шарт. Биринчи навбатда, у ҳақиқатан ҳам зарур бўлиб қолганда чиқарилиши керак. “Палапартиш таклифларни бериш ва шошма-шошарлик билан қарорлар қабул қилиш керак эмас”¹. Юқори турувчи органларнинг қарорларини ёки ўзини Кенгаш ва ҳокимнинг олдин қабул қилган қарорларини қайтарувчи, такрорловчи қарорлар қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Қарорларнинг кўплиги, агарда улар бир-бирини қайтарса, қарор билан унинг ижроси ўртасида қарама-қаршиликлар келтириб чиқаради, ижронинг аҳамиятини камайтиради ва уни қийинлаштиради. У ёки бу масалани ҳал қилиш йўллари мавжуд бўлса, энг кам маблағ сарф қилишни, кам куч сарф қилишни талаб қиладиган йўл танлаб олиниши лозим. Тежамкорлик ҳал қилинаётган масалага ҳар томонлама ёндашиш, ҳозирги замон фани ва илғор тажриба ютуқларидан фойдаланиш билан таъминланади.

Учинчидан, қарор қонуний бўлиши керак, яъни у тегишли орган томонидан ваколати доирасида қабул қилинганлигини билдиради ва у ёки бу масаланинг қонун йўл қўйган воситалар билан ҳал қилинишини кўзда тутади. Бу, шунингдек, ҳужжат шаклининг ўзини, уни қабул қилиш жараёнининг қонунчилик талабларига мос бўлишини билдиради.

Тўртинчидан, халқ депутатлари Кенгашлари қарор лойиҳаларини тайёрлашни яхшилаш мақсадида иш олиб бориш ҳақидаги йўриқномаларда ва бошқа ҳужжатларда, қарорларни тайёрлашда мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширувчи махсус чора-тадбирларни белгилаш лозим.

Хўжалик ва ижтимоий қурилиш масалалари бўйича қарорларни ижро қилиш катта тайёргарлик ишларини талаб қилади. Ҳокимликлар, доимий комиссиялар ижрони ташкил қилиш

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб ва интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 22 -б.

тадбирлари режасини тузадилар, вазифаларни белгилайдилар ҳамда у ёки бу ишни бажаришнинг муддатларини белгилайдилар. Бўлим, бошқарма ва хўжалик раҳбарларининг йиғилишлари ташкил этилади. Агарда қарорнинг ижросига кенг меҳнаткашлар оммасини жалб қилиш лозим бўлса, вазиятга қараб фуқароларнинг мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

Қарорни ижро қилиш учун кўп ҳолларда ҳокимнинг ўз вақтида берган фармойиши зарур бўлади. Мансабдор шахслар томонидан зарур моддий- техника ва молиявий маблағларнинг кечиктирмасдан ажратилиши жуда муҳимдир. Бу эса унинг самарадорлигини оширишдаги асосий механизмлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Жамоатчиликни, меҳнаткашларни қарорни ижросига жалб қилиш Кенгашнинг бош вазифаларидан бири ҳисобланади. Аввало, маҳаллий шароит билан, тадбирларнинг хусусияти билан танишиб, сўнг меҳнаткашларни у ёки бу тадбирларни амалга оширишга жалб қилиниши лозим. Жамоатчиликни қарорларни ижро қилишга жалб этишда доимий комиссиялар, касаба уюшмалари, депутатлар фаолияти каби ҳар хил шакл ва услублар қўлланилади.

Кенгашлар ва ҳокимларнинг барча органлари қўллаётган назоратнинг амалий воситаси жойлардаги ишнинг аҳволини текшириш ва ўрганиш, текширилаётган корхона ва ташкилотларга амалий ёрдам бериш билан қўшиб олиб боришдир. Комплекс текширишда бир ёки бир неча корхона, ташкилот, муассаса ёхуд ҳокимлик аппаратининг бўлим бошқармалари иши текширилганда ҳар томонлама ўрганиб чиқилади. Тематик текшириш ёки ўрганишлар маълум бир масалани ўрганишга қаратилган бўлади.

Кенгашнинг ёки ҳокимликнинг маълум тармоқдаги иши ўрганилаётганда, масалан, савдо ва умумий овқатланиш, мактабларнинг ўқув йилига тайёргарлиги, одат бўйича, шу соҳадаги ҳамма корхона, муассасаларнинг иши текширилади. Шундай йўл билан фақат корхона, ташкилот ва муассасаларнинг иши билангина танишиб қолмасдан, балки уларга тегишли Кенгаш ва ҳокимлик, шунингдек, бўлим ва бошқармаларнинг раҳбарлик қилиш сифати билан ҳам танишиш учун кенг имконият яратилади.

Маълумки, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунга биноан Кенгашларнинг сессияда қарорлар ижросининг бориши ҳақида, депутатларнинг сессияларда айтган танқидий фикр ва

мулоҳазаларини ҳисобга олиш ҳақида мунтазам хабардор қилиб бориши белгиланган. Шу боисдан ҳозирги шароитда қарорларнинг ижроси бўйича депутатларнинг назоратини ўрнатиш шакллари ривожлантирилмоқда. Қарорларнинг ижроси устидан назоратнинг тўғри йўлга қўйилиши қарорлар ижро қилинганлигини ҳокимлик аппаратида, унинг бўлим ва бошқармаларида, доимий комиссиялар томонидан аниқ ҳисобга олиниши ёрдам беради. Шу мақсадда ҳокимият девонида махсус журнал юритилади. Унда Кенгаш қарори, ҳокимнинг қарор ва фармойиши, ҳужжатнинг тартиб рақами, қабул қилинган вақти, номи ва юборилган картотека бўлиб, унда қарорларнинг амалга оширилиши ҳам қайд қилиб борилади. Қарор ижро қилиниб бўлингач, унинг ижрочиси ким эканлиги шу соҳага раҳбарлик қилувчи ҳокимият аппарати раҳбарларининг кўрсатмаси билан назоратдан олинади ва шу ҳақда карточкага қайд қилинади. Бу эса қарорлар ижросини формал жиҳатдан назоратга олишга қулай имкон беради. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида ижрони текшириш, одатда, умумий бўлим, ташкилий-инструкторлик бўлимларининг инструкторлари, раис ёрдамчилари томонидан ҳисобга олинади. Лекин, ижрони амалга ошириш бўйича умумий раҳбарликни ҳоким, унинг ўринбосарлари, котиб амалга оширади. Бўлим ва бошқармаларда ижрони назорат қилиш бўйича ҳужжатларни олиб бориш бир инструкторга топширилади. Доимий комиссияларда ҳам шунга ўхшаш ҳужжатларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Қарорларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг қатъий ва изчил ижро этилишига бевосита боғлиқ. Қабул қилинаётган қарорларининг ижросини ташкил этиш ва уни назоратга олиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги *таклифлар* илгари сурилмоқда:

Халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларни ҳудудларда ижро этиш, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ вазифаларни бажариш борасидаги фаолияти устидан депутатлик назоратини янада кучайтириш. Бунда маҳаллий кенгаш аъзоларининг депутат сўрови, эшитувчи ва назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширишнинг аниқ меъёрий қоидалари ва механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда қонунчиликда акс эттириш лозим;

Бугунги кунда маҳаллий ижроия органларидаги ташкилий-назорат бўлими таркибидаги депутатлар билан ишлаш секторлари мавжуд. Бироқ, улар томонидан амалга оширилаётган аксарият ишлар бевосита ижро ҳокимияти фаолияти йўналиши доирасида чекланиб қолмоқда. Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланган қарорларнинг тўлиқ ва тўғри ижросини ташкил этиш ҳамда уни назоратга олиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида маҳаллий ижроия ҳокимиятининг тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги доимий вакили лавозимини жорий этиш лозим. Ушбу вакил сессия кун тартибига киритиладиган масалаларни тайёрлаш ишларини, сессиялар оралиғида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот тайёрлаш ва депутатларни ҳабардор қилиб бориш, қабул қилинган қарорларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб боришни ташкиллаштириш ҳамда Кенгаш доимий комиссиялари, партия гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш каби бугунги кунда ўз ечимини кутаётган вазифаларни амалга ошириш билан шуғулланади. Бундай тизим маҳаллий ижроия ва вакиллик органларининг ўзаро мунтазам алоқаларни мустаҳкамланишига, амалий вазифаларни ҳал этилишига муҳим хизмат қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидан фарқли ўлароқ, халқ депутатлари Кенгашлари, маҳаллий газеталарни ҳисобга олмаганда, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларининг қарорларини эълон қилиб бориш мумкин бўлган ўз матбуот органига шу пайтгача эга эмас. Бу ҳам депутатлар корпуси олиб бораётган ишлардан аҳолини бохабар қилишга тўсқинлик қилувчи омиллардан биридир. Халқ депутатлари Кенгаши фаолияти соҳасида тамомила бошқача вазият юзага келмоқда. Хусусан, бугунги кунда туман ва шаҳар халқ депутатларининг ҳеч бир Кенгаши халқ депутатлари Кенгашининг тузилиши, депутатлари, улар олиб бораётган ишлар тўғрисидаги ва бошқа маълумотларни жойлаштириши мумкин бўлган ўзининг веб-сайтига эга эмас. Оммавий ахборот воситаларида халқ депутатлари Кенгашларининг сессияларида ва уларнинг доимий комиссиялари мажлисларида қабул қилинадиган қарорлар жуда кам ҳолларда эълон қилинади. Хуллас, жойларда аҳолининг халқ депутатлари Кенгашларининг иши ҳақидаги маълумотлар билан танишишини таъминлашнинг самарали усуллари ҳануз жорий

этилмаган¹. Шу мақсадда маҳаллий Кенгашлар фаолиятида очиқликни таъминлаш мақсадида қабул қилинган қарорларни расмий газеталар ва веб-сайтларида ёритиб боришга қаратилган нормаларни халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламентида аниқ қилиб белгилаб қўйиш зарур. Шунингдек, маҳаллий вакиллик органлари томонидан қабул қилинган қарорларни турли расмий интернет нашрлари (парламент, вилоят ҳокимликлари ва сиёсий партияларнинг расмий сайтлари)да алоҳида-алоҳида ёритмасдан, махсус интернет сайти (масалан, www.xdmk.uz) ташкил этиш лозим. Мазкур сайтда республикадаги барча маҳаллий Кенгашлар депутатларининг тегишли тартибда маълумотлари, қабул жадваллари, ўз сайловчилари билан мунтазам алоқа қилиб туриш учун махсус илова дастурлари мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳар бир сайловчига ўз депутати билан бевосита онлайн тарзда тез ва қулай мулоқот қила олиш имкониятини беради. 2017 йил 12 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Президентимиз бекорга бу масалага тўхталиб ўтмади. Унда марказда ва жойлардаги телеканаллар парламент ва маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари ишини, хусусан, қонун лойиҳалари бўйича муҳокама жараёнларини, парламент назоратига оид тадбирларни, фракциялар ўртасида бўлаётган баҳс-мунозараларни, “жонли” тарзда, керак бўлса, тўғридан-тўғри халқимизга етказиши лозим. Депутат ва сенаторлар халқ вакиллари бўлганидан кейин доимо халқ олдида чиқиши, одамлар уларни таниши, олиб бораётган ишларидан хабардор бўлиши керак эмасми?²- дея таъкидланди;

Ҳоким қабул қилган қарорларни тасдиқлаш халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари жумласига киради. Ҳокимлар бир вақтнинг ўзида ҳам маҳаллий вакиллик, ҳам маҳаллий ижроия органига бошчилик қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 103-моддаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 24-модда 6-бандида халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий

¹ Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этишнинг айрим жиҳатлари бўйича услубий тавсиялар. Амалий қўлланма. Муаллифлар: Ф.В. Ким, Б.Ғ. Хасанов. – Т.: 2012. 54-55-бб.

² Мирзиёев Ш. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. 2017 й. 12 июль // www.uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017

ваколатларига ҳокимларнинг вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботларини тинглаш деган қоида киритилган. Яъни, ҳоким ўз фаолияти ҳақида халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобот беради. Бизга маълумки, қарорлар сессияда қабул қилинади. Ушбу қарорларни ва сессия баённомаларини халқ депутатлари Кенгашнинг раиси ёхуд сессияда раислик қилувчи сифатида айнан ҳоким имзолайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 154–II-сонли Қарори билан тасдиқланган 1-иловада келтирилган Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламентининг 33-моддасида “Сессияда қабул қилинган қарорлар раислик қилувчи томонидан имзоланган вақтдан эътиборан, агар ҳужжатнинг ўзида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кучга киради.” - деб белгилаб қўйилган. Агар, ҳокимнинг халқ депутатлари Кенгашига берган ҳисоботи қониқарли деб топилмаса, шу юзасидан чиқарилган қарорни тасдиқлаш ҳокимнинг ваколатига киришини инобатга олсак, албатта, киши ўзига қарши бўлган қарорни ҳеч қачон имзоламаслиги кундай равшан! Шундан келиб чиқиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 17 моддасининг 5-қисми, 25¹-моддасининг 8-қисми ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламентининг 33-моддасига *“Халқ депутатлари Кенгашларининг сессияларида ҳокимнинг тегишли ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлари эшитилаётганда халқ депутатлари Кенгашининг сессияда қатнашаётган депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз бериб, маъқулласа қарор тасдиқланган деб ҳисоблансин. Тегишли маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарининг қониқарсиз фаолияти ҳақида хулосаларни тегишлилиги бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига тақдим этилади.”* деган норма киритишни лозим деб топдик. Президент Ш.Мирзиёев ҳам ўзининг маърузаси¹да “Айни пайтда маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларига тегишлича туман ёки шаҳар ҳокимлари, шунингдек, маҳаллий ижро органлари

¹ Мирзиёев Ш. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроچиси бўлиши керак. 2017 й. 12 июль // www.uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017

рахбарларининг қониқарсиз фаолияти ҳақида хулосаларни вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига тақдим этиш ҳуқуқини ҳам бериш керак, деб ҳисоблайман. Бу борада ҳар бир сиёсий партия гуруҳи ўз хулосасини бериши лозим. Яна бир тақлиф – бундан буён вилоят ва республика миқёсидаги ижроия ҳокимияти юқори лавозимларига тайинлашда партиялар фикрини албатта инобатга олиш тартибини жорий этсак, нима дейсизлар?”- дея таъкидлаб ўтди. Зеро, Президент таъбири билан айтганда, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда¹;

Ҳозирги даврда Япония ва Жанубий Корея каби мамлакатларнинг маҳаллий давлат органлари тизими вакиллик (муниципал кенгаш) ва ижроия (аппарат) каби алоҳида-алоҳида қуйи бўғинларга ажратилган. Ғарбий Европа мамлакатларида ХХ асрнинг 70-йилларига келиб бошланган номарказлаштириш ислоҳотларининг ижобий мақбул жиҳатларини намуна асосида олиб, шу соҳани ривожлантириш даври етиб келди деб ҳисоблаймиз. Хусусан, мамлакатимизда “Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида олиб борилаётган ислоҳотлар орқали сиёсий тизимда ҳокимият дисперцияси амалга ошиб бормоқда. Айни шу даврда жойлардаги давлат ҳокимияти идораларининг мавжуд бўлган тизими вилоят ва туман бошқармаларининг икки томонлама бўйсунishi хусусиятига эга бўлиб, ҳам ҳокимиятга, ҳам тегишли вазирликка бўйсунди. Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида икки томонлама бўйсунish бутун давлат ҳокимияти тизимининг муҳим қисми бўлган, чунки марказий идораларга назоратни амалга ошириш, маҳаллий идораларга эса хизматларни режалаштириш, молиялаштириш ва кўрсатиш ҳамда уларнинг устидан назоратни амалга ошириш имкониятини берар эди.

Аммо, жамият ҳаётининг барча жабҳалари либераллашгани сари, бир томондан, вазирликларнинг (идораларнинг) ҳудудий бўлинмалари ва иккинчи томондан, маҳаллий ҳокимиятлар ўртасидаги бошқарув юзасидан вазифалар аниқ тақсимотининг

¹ <http://uza.uz/oz/politics/onun-ustuvorligi-va-inson-manfaatlarini-taminlash-yurt-tara--07-12-2016>

йўқлиги давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг ишида ноаниқликлар, номаълумлик ва такрорланишнинг сабабига айланмоқда. Шунингдек, маҳаллий вакиллик органлари депутатларининг сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёналаридаги иштироқи, уларнинг мамлакат сиёсий-иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳаётдаги мақомини янада ошириш мақсадида, биз давлат ҳокимиятининг қўйи бўғинида вакиллик ва ижро этувчи ҳокимиятлар тизимини алоҳида-алоҳида этиб шакллантириш, унинг қонунчилик асосларини ишлаб чиқишни йўлга қўйиш таклифини билдирамыз;

Давлат бошқарувининг қўйи бўғинида сиёсий ҳокимиятнинг марказлашувига йўл қўймасликка, уни чеклаш ва назорат этишга қаратилган тамойил киритилса мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймыз. Зеро, барча бўғинларда ҳокимиятнинг бўлиниши конституциявий, ҳуқуқий давлатнинг бош белгиларидан биридир. Бунда биз ҳар бир ҳокимиятнинг мустақиллиги, бир-бирига таъсир кўрсатиш механизмларидан бири ҳисобланган вето тизимини жорий этишни таклиф этган бўлардик. Яъни, маҳаллий кенгашлар томонидан қабул қилинган сиёсий қарорларга ҳудудий бошқарув органлари раҳбар (ҳоким)лари томонидан вето қўйиш тартибини жорий этиш лозим. Бу эса ижроия ҳокимиятининг ҳудудий бошқарувдаги роли ва аҳамиятини, таъсирчанлик кучини сақлаб қолишда ҳам ресурс вазифасини ўтайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, давлат бошқарувининг қўйи бўғинларида самарадор қарорлар қабул қилинишида халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларининг ўрни ва роли ошиб бормоқда. Халқ депутатлари Кенгашларининг қарорлари билан ишлаш жараёнини қарор тайёрлаш, қарор қабул қилиш, қарор ижросини ташкил этиш ҳамда қарор ижросини текширишларга бўлиб ўрганишимиз муҳим аҳамият касб этади.

III боб. ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

3.1. Давлат қарорларини қабул қилишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироқи

Бугунги кунда қабул қилинган қарорларни амалга ошириш ва уларни ижро этилиши ҳолатини назорат қилиш масалалари сиёсий

жараённинг ажралмас қисмига айланмоқда. Самарали қарорлар қабул қилишга эришишда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий дунёқараши ва онгини ўстириш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги воқеаликлардаги иштирокини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Хорижий давлатлар амалиётида давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилиш назарияси ва ушбу жараёнда иштирок этувчи субъектлар фаолияти атрофлича ўрганилган. Ваҳоланки, қарорларнинг очиклиги ва халқчил, оммавийлиги, яъни халқ ҳокимиятчилигидан келиб чиқиши уни амалга оширишда қуйи даражадаги ҳудудий жамоатчиликнинг иштирокини ҳам назарда тутлади.

Шу туфайли самарали давлат бошқаруви ҳамда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти концепциясини амалга ошириш фуқаролик жамияти институтларининг давлат аҳамиятига молик муҳим қарорлар қабул қилишдаги иштирокини ўрганиш, халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш, давлат бошқарувини демократлаштириш ва модернизациялаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга хизмат қилади. Бунда “Сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш лозим”¹.

Хорижий мамлакатларда давлат ҳокимиятини амалга оширишда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки қарорлар қабул қилишда самарадорликка эришиш воситаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Лекин, ҳозирча мамлакатимизда мазкур жараёнга умумий ёндашувнинг тўлиқ шаклланиб улгурмаганлиги, уни сиёсий жараён сифатида ўз ижтимоий-сиёсий вазифасини ўташига тўсқинлик қилмоқда. Шу туфайли мазкур жараённи аниқлаштириш, унга илмий баҳо бериш ва такомиллаштириш долзарб масалага айланмоқда.

Аввало, фуқаролик жамияти институтлари сиёсий жараёнларнинг иштирокчи субъектлари сифатида фақат тегишли масалаларгина тааллуқли деб эътироф этилиши мақсадга мувофиқ эмас. Зеро, фуқаролик жамияти институтлари, айниқса сиёсий партиялар аҳоли манфаатларини ифода этиш вазифасини бажариши умумдавлат қарорларини қабул қилиш тегишли даражадаги нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокини тақозо қилади.

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 181-б.

Но давлат нотижорат ташкилотлар давлат ҳокимияти ва аҳоли ўртасидаги ўзаро алоқаларини таъминлаш функциясини бажариши туфайли ҳар бир оммавий бошқарув бўғинининг ўз ваколатлари доирасидаги масалаларга оид давлат қарорларини қабул қилишда иштирок этиш имкониятига эга бўлиши самарали бошқарувни амалга оширишнинг талабидир.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ш. Мирзиёев ўзининг маърузасида “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” деган муҳим тамойилни амалга оширишда биз, аввало, ана шу ижтимоий институтларнинг куч ва имкониятларига таянамиз. Шу муносабат билан халқ ҳокимиятининг энг муҳим пойдевори сифатида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш бўйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек, “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа ҳужжатларда муҳрлаб қўйилган талабларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз”¹, - дея таъкидлагани ҳам бежиз эмас.

Давлат қарорларининг муқобил меъёрларини ишлаб чиқиш ҳамда унга барча манфаатдор субъектларни жалб қилиш эҳтиёжи давлат бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган “самарали бошқарув” концепциясининг шаклланишига олиб келди. Зеро, самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга кўпроқ субъектларни жалб қилиш, улар билан ҳамкорлик муносабатларини шакллантиришни назарда тутди². Ҳозирги даврда “самарали бошқарув” ғояларини қамраб олган илғор “янги давлат бошқаруви” концепцияси³ давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнига жалб этиладиган субъектлар доирасини иложи борича кенгайтириш ғояси бирлаштиради.

Ҳозирги замонда ушбу ғояларини жорий қилиш нафақат ҳукуматнинг қарорлар қабул қилишда демократик меъёрларга риоя қилиш, балки иқтисодий самарадорликни кўтариш заруратидан ҳам шаклланмоқда. Чунки, ҳукуматларга турли манфаатларни

¹ Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. 11- б.

² Михайлова О. В. Концепция “Governance”: политические сети в современном государственном управлении // Вестн. Моск. ун-та. Сер. 21. Управление (государство и общество), 2009. –№2, 46 с..

³ Osborn D., Gaebler T. Reinventing Government: How the Entrepreneurial Spirit Is Transforming the Public Sector. Reading (MA), 1992; Bevir M., Rhodes R. A. W., Weller P. Tradition of Governance: Interpreting the Changing Role of Public Sector // Public Administration, 2003. Vol. 81. N 1. pp. 1-17.

келиштириш орқали уларнинг иқтисодий ресурсларни жамлаш имконини беради. Шу жиҳатдан унга тарқоқ ресурсларни самарали қарор қабул қилиш учун бирлаштирувчи нисбатан барқарор ва давом этувчи муносабат сифатида қаралади¹. Демак, ноҳукумат ташкилотлар давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлардаги ўзгаришларни объектив акс этиб, сиёсий сектордаги барча субъектларни қамраб олиш орқали турли ўзаро боғлиқ ижтимоий ва алоҳида манфаатларни келиштириш, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш имконини беради.

Самарали бошқарувга оид концепция давлат аҳамиятига доир қарорларни қабул қилиш “сиёсатини ишлаб чиқиш” ёки “давлат сиёсатни баҳолаш” жараёни сифатида барча бўғиндаги ҳокимият органлари фаолиятини қамраб олади ва алоҳида қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ўзбекистонда давлат бошқаруви, хусусан, давлат қарорларини қабул қилиш масалалари² махсус ўрганилаётган бўлса ҳам уларни амалиётда қўллаш, жумладан мазкур жараёнда фуқаролар, айниқса ҳудудий жамоаларнинг иштироки масалалари тизимли ёритилмаган. Ҳолбуки, Франция тадқиқотчилари³, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг қарорлар қабул қилишга фуқароларни жалб қилиш юзасидан тавсияларида⁴ фуқаролик жамияти институтлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Бугунги кунда давлат бошқарувини амалга оширишда қонунчилик ташаббуси субъектлари баробарида, қуйи ҳудудий бирликлар (турли нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари)нинг иштироки алоҳида институт сифатида шаклланмаган бўлсада, кўпчилик давлатлар амалиётида мавжуд. Фуқаролар, ҳудудий жамоаларнинг бевосита ёки ўз вакиллари орқали ижтимоий-сиёсий институтлари – сиёсий партиялар ва ўзини ўзи бошқариш органлари орқали давлат ҳокимиятни амалга оширишдаги иштироки, яъни сиёсий иштирокнинг бир тури эканлигини кўрсатади. Бундан хорижий, хусусан, федерал ва номарказлашган давлатларда мазкур иштирокни давлат ҳокимиятига ҳудудий таъсир⁵ дейилиши

¹ Костюченко О. В. Политические сети как новая форма государственно-правового управления. // Философия права, 2009. – №1, – С. 121.

² Қаранг: Умарова Н., Исломбеков У. Сиёсий технологиялар: ўқув қўлланма. –Т.: Академия, 2007. – Б. 59-66.

³ Bruce L. Smith. Politiques publiques et participation publique : Engagement des citoyens et des collectivités dans l'élaboration des politiques publiques, Santé Canada, 2003; Elaboration, optimisation et évaluation de politiques publiques // www.orga.setec.fr/index.php?page=29

⁴ Impliquer les citoyens : L'information, la consultation et la participation du public en prise de décision // Note de synthèse sur la gestion publique.

⁵ Туровский Р. Ф. Политическая регионалистика. – М.: Издательский дом ГУ ВШЭ, 2006. – С. 512.

ноўриндир. Сиёсий партиялар ва ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий институтлари бўлганлиги туфайли давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилиш фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг умумдавлат қарорлар қабул қилишдаги иштирокини сиёсий ва ҳуқуқий институциаллаш ҳозирда мавжуд фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг шакл ва услубларини умумлаштиришни тақозо қилади. Шунини айтиш мумкинки, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан қарорлар қабул қилиш жараёнлардаги иштироки олий, марказий ва қўйи ҳокимият органларида турли маслаҳат кенгашларини тузиш, қўйи ҳокимият органларидан қабул қилинаётган қарор лойиҳаси юзасидан фикрини олиш, тайинланаётган раҳбарлар номзодларини келишиш ва бошқа шаклларида иборат бўлади. Мазкур иштирокнинг ушбу шакл ва бошқа услубларини амалиётга жорий қилиш самарали сиёсат юритиш талабларига жавоб беради. Айнан ҳокимият ваколатларини тақсимлаш тизими; манфаатлар вакиллиги институтларининг ривожланганлиги; жамият сиёсий маданияти, муайян анъана ва қадриятларнинг мавжудлиги; қарорлар қабул қилиш жараёнини ҳуқуқий тартибга солиниши қарорларни қабул қилиш, яъни демократик давлат бошқарувини юритиш жараёнига таъсир қилувчи омиллар ҳисобланади¹.

Сиёсий партиялар фуқароларни давлат аҳамиятига дахлдор қарорларни ишлаб чиқишга жалб қилиш, яъни хабардор қилиш, маслаҳатлашиш ва фаол иштирокини таъминлашда бевосита ёки билвосита иштирок этади. Чунки, айнан шу институт мазкур жараёнларда бошқа институтларга нисбатан кенгроқ имкониятларга эгадир. Ўзбекистонда ҳам сиёсий партияларнинг қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда унинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши қарор қабул қилишга фуқароларни кенг жалб қилишнинг муҳим шаклларидадир. Шу туфайли қонунлар ва бошқа умумдавлат қарорларини қабул қилишда фуқароларни хабардор қилиш, маслаҳатлашиш ва уларнинг фаол иштирокини таъминлашда сиёсий партиялар билан бир қаторда бошқа фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг илмий,

¹ Қаранг: Хейвуд Э. Политология: Учебник для студентов вузов / Пер. с англ. под ред Г. Г. Водлазова, В. Ю. Вельского. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. – С. 489.

ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада кучайтириш долзарб масалага айланмоқда.

Қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг ижроси тўғрисида аҳолини хабардор қилишдан мақсад мазкур масалалар юзасидан фуқаролар манфаатларини ўрганиш ва қабул қилинаётган қарорларда акс эттиришдир. Мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, “Қарор ёки қонун чиқариш билангина иш битмайди, улар оддий фуқаро онгига етиб борса, одамлар ундан манфаатдор бўлсагина кутилган натижа чиқади”¹. Айнан сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ушбу вазифаларни бажариши, яъни ҳаётимиздаги долзарб масалаларни қонуний тартибга солиш орқали ҳал қилишга сафарбар қилувчи институт вазифасини ўтамоғи лозим.

“Давлат бошқарувидаги объектив талабларидан бири – бу кишиларнинг ҳақиқий эҳтиёжи ва манфаатларидан келиб чиқадиган ижтимоий манфаатлар тизимини тўғри шакллантириш бўлиб, уларни бутунича қондириш ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаб беради”². Фуқаролик жамияти институтларининг сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда қабул қилинаётган қарорларда фуқароларнинг манфаатларини ифодалашда сиёсий партиялар асосий рол ўйнайди. Лекин, бугунги кунга қадар қонунлар ва бошқа қарорларни қабул қилишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки, яъни фуқароларнинг бевосита иштирок масалалари атрофлича ўрганилмаган. Зеро, биринчи Президент И.А. Каримов “Қонунчилик фақат бозор муносабатлари қатнашчилари таркибини аниқлабгина қолмай, балки уларни қарорлар қабул қилишга ва натижалар учун, белгиланган қоидаларга риоя этилиши учун жавоб беришга ҳуқуқий жиҳатдан мажбур этади”³ деган эди.

Қабул қилинаётган давлат аҳамиятига молик қарорлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш масалалари бугунги кунда шаффофлик ва ахборот эркинлиги меъёрлари билан тартибга солинади. Ўзбекистонда фуқароларни давлат органлари фаолияти тўғрисида хабардор қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, давлат органларининг интернет тармоғида алоҳида сайтлари очилди, уларнинг ахборот хизматлари тузилди⁴.

¹ Каримов И. А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 86-б.

² Рустамов Д. Қонунларнинг амал қилиш механизми // Фалсафа ва ҳуқук, махсус сон/2009. 68-69-бб.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 173- б

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрда қабул қилинган 203-сонли Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш

Ахборот хизматлари тўғрисидаги Намунавий низомда¹ аҳолини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларини Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолияти, мамлакатда изчил амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотлар тўғрисида хабардор қилиш самарадорлигини оширишга доир қатор вазифалар белгиланди. Шунингдек, сўнгги йилларда жорий этилган ягона интерактив давлат хизмати портали (*my.gov.uz*), Ўзбекистон Республикаси норматив ҳуқуқий ҳужжатларининг муҳокамаси (*regulation.gov.uz*), Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар портали (*data.gov.uz*) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, ҳозирда Президент виртуал қабулхонаси (*pt.gov.uz*) каби электрон ҳукумат тизимларининг ривожланиб бориши орқали қабул қилинаётган қарорлар лойиҳалари юзасидан нафақат маслаҳатлашиш, улар тўғрисида ахборот берила бошланаётгани эътиборга моликдир. Зеро: “...давлат органлари томонидан кўрсатиладиган ахборот хизматлар, уларнинг шаклланиши ва ривожланиши жамият ва давлатни демократлаштириш, ҳокимият ва жамият ўзаро муносабатларини уйғунлаштириш ва юқори даражага ўтказишнинг муҳим омили ҳисобланади”².

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти халқ фаровонлигининг гарови” номли маърузасида қабул қилинаётган қонун ва қарорлардан кенг аҳолини хабардор қилиш ва уларни ижро этилишида жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш борасида сўз юритилди. Жумладан, унда асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборат эканли қайд этилди. “Афсуски, мазкур йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмаслиги, бунинг оқибатида охириги уч йилда давлат органларининг 157 та қарори ўз кучини йўқотган қонунлар асосида чиқарилганлиги айтиб ўтилди”³.

чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006. –№39, – 389-модда.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006. –№39, – 389-модда.

² Устинович Е. С. Государственные информационные услуги // Государство и право, 2008. –№10, – С. 87.

³ Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 9- б.

Президент Ш. Мирзиёев қарорларнинг самарадорлигини оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар: “Қонунчиликка киритилаётган янгиликлар ўз вақтида жойларга, айниқса, ижрочиларга етказилмайдиган бўлса, уларнинг бажарилиши ҳақида нима дейиш мумкин? Бу муаммони самарали ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли – қонунлар ижросини ташкил этиш бўйича соатдек аниқ ишлайдиган механизм яратишдир. Янги қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларнинг асосий маъносини аҳолига етказиш бўйича самарали механизм яратиш керак. Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак. Бошқача айтганда, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”¹.

Шу нуқтаи назардан қараганда, халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари тушунчалари ўзаро шунчалик боғланиб кетганки, уларни бир-биридан асло ажратиб бўлмайди. Ана шу фикр-мулоҳазаларнинг барчасини ҳисобга олиб, кириб келаётган 2017 йилни юртимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Бунда, аввало, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги, бу борада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини жорий этиш лозимлиги устувор вазифа этиб белгиланди². Айни шу мақсадда “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори³ қабул қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилишида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида тарқатиш, ижрочиларга ва аҳолига уларнинг моҳияти ва мазмунини тушунтиришнинг самарали механизмлари белгилаб берилди.

Ўзбекистонда давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилишдаги нуқсонларнинг таҳлили ушбу жараённинг асосий томонлари бўлган давлат ва фуқаролар ўртасидаги алоқаларнинг ҳали

¹ <http://uza.uz/oz/politics/onun-ustuvorligi-va-inson-manfaatlarini-taminlash-yurt-tara--07-12-2016>

² <http://uza.uz/oz/politics/onun-ustuvorligi-va-inson-manfaatlarini-taminlash-yurt-tara--07-12-2016>

³ “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2761-сонли Қарори. 2017 йил 8 февраль // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. –№6, – 76-модда.

етарли даражада шаклланмаганлигини кўрсатади. Ҳокимият томонидан депутатлар, жамият томонидан эса сиёсий партиялар мазкур алоқаларни таъминловчи асосий воситачиларни ташкил этадилар¹. Айнан сиёсий партиялар ва депутатлар фаолиятини такомиллаштириш ва улар масъулиятини кучайтириш умумдавлат миқёсидаги қарорлар қабул қилишдаги иштирокни таъминлашга хизмат қилади. Чунки, сайловолди дастурлари сиёсий лойиҳа – сиёсий қарор бўлиб², бошқа сиёсий ва бошқарув қарорларни қабул қилишга асос бўлади.

Шу жиҳатдан биринчи Президентимизнинг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида сиёсий партиялар ва депутатлар фаолиятидаги камчиликлар фош этилиб, уларни бартараф этиш борасидаги вазифалар белгилаб берилган³. Бу долзарб вазифаларни бажариш самарали сиёсат юритиш заруратини тақозо этади. Бинобарин, “электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усулларида, умумэтироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, партиявий нашрларни партиялараро қизгин баҳс-мунозаралар минбарига айлантириш зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз”⁴.

Лекин, сиёсий партияларнинг нафақат Ўзбекистонда, балки кўплаб хорижий давлатлардаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш, давлат ва жамият қурилишидаги сустиги уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг ягона субъектига айлантириш баробарида, масъулиятини кучайтириш чораларининг кўрилишига сабаб бўлмоқда. Айнан бу сиёсий партияларнинг масъулиятини кучайтириш, уларнинг ўз тарафдорлари баробарида, қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

Сиёсий партиялар айрим ҳолларда ўз масъулиятини тўлиқ англамаганлиги туфайли аҳоли сиёсий фаоллигининг пасайиши кўплаб хорижий давлатларда кузатилиб, уларни бартараф этиш учун қатор чоралар кўрилмоқда. Мазкур чоралар сиёсий партиялар

¹ Сунгуров А. Публичная политика и экспертиза // <http://www.pchela.ru/podshiv/45/public.htm>.

² Қаранг: Малков Е., Сучков Е. Политические технологии. – М.: Русская панорама, 2006. – С. 458.

³ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

⁴ Каримов И. А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

томонидан ўз номзодларини кўрсатиш жараёнидан тортиб то уларнинг вакиллик органларидаги фаолиятини қамраб олади. Мазкур институт сиёсий партиянинг сайловчилар манфаатларини ўрганиш ва уларни амалга оширишни узлуксиз қарорлар қабул қилиш жараёнига айлантиради.

Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаоллигини ошириш учун юқоридагилар баробарида, уларнинг маҳаллий вакиллик органларидаги вакилларини чақириб олиш институти ҳам мавжуд¹. Мазкур институт сиёсий партияларнинг масъулиятини кучайтиришни инобатга олган ҳолда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини олдини олишда депутатларнинг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратади.

Олий Мажлис Сенатининг 2009 йил 27 мартдаги “Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиги тўғрисида”ги Қарорида ўз мажбуриятларини бажармаётган, муҳим давлат қарорлари ижроси ва ҳудудий муаммоларни ҳал қилишдан ўзини четга олаётган депутатларни чақириб олиш масаласи кўйилди². Бундан мақсад депутатлар масъулиятининг кучайиши, уларнинг ўз ҳуқуқларидан самарали фойдаланишлари ва мажбуриятларини тўлиқ бажаришларини таъминлашдир.

Лекин, йил сайин вакиллик органларидаги доимий комиссияларнинг иш ҳажми ортиб бораётганлигига қарамай, партия депутатлик гуруҳларининг ўз вазифаларини астойдил тўлиқ бажара олмаётганлиги кўзга ташланмоқда. Мазкур ҳолат вакиллик органининг профессионаллашуви баробарида, кўриб чиқиладиган кўплаб масалаларни ҳал қилишда депутатларнинг бевосита иштирокини талаб этади.

Бу, шунингдек, сайловчилар манфаатларини тўлиқ ифода этиш ҳамда кенг имкониятлардан фойдаланишда депутатлар билан биргаликда фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа субъектлар, жумладан ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокини кенгайтириш каби технологияларидан самаралироқ фойдаланиш эҳтиёжини юзага келтирмоқда.

Сиёсий қарор қабул қилиш технологияларининг Ўзбекистонда атрофлича ўрганилмаганлиги уларни амалиётда қўллашдаги

¹ Хотамов У. Статус депутата и механизм его отзыва: важнейшие элементы представительной системы Узбекистана // Право, 2004. – №4, – С. 34.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009. – №3, –75-модда.

камчиликларнинг асосий сабабларидандир. Хорижий давлатлар амалиётининг таҳлили, аввало, қарор қабул қилиш жараёни уни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, ижро этиш ва бажарилишини назорат қилишдан иборат узлуксиз жараён эканлигини кўрсатади.

Айнан қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш уларни ижтимоий заруратга қараб такомиллаштириб бориш мазкур жараённинг узлуксизлигини таъминлайди. Иккинчидан, қарорлар қабул қилишнинг оммавийлиги мазкур жараёнга фуқаролар, шунингдек бошқа фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилишни тақозо қилади.

Ҳозирда кўплаб хорижий давлатларда “умумдавлат қарорлари” тушунчаси аниқ белгиланган расмий ҳуқуқий ҳужжат сифатида қўлланилиб, уларни қабул қилиш таомиллари атрофлича ишлаб чиқилган. Жумладан, МДХдан Молдовада¹ қарорлар қабул қилиш тўғрисида алоҳида қонунлар қабул қилинган, Қирғизистонда эса Р. Отунбаева томонидан бундай қонун лойиҳаси² ишлаб чиқилган эди.

Мазкур ҳужжатларда давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатлар қарорлар сифатида эътироф этилган. Мазкур қонун ҳужжатлари сиёсий қарорларни қабул қилишни ҳуқуқий институциаллаштириб, сиёсий фанларда эришилган ютуқларни амалиётда самарали қўллашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда норматив тусдаги ҳуқуқий ҳужжатларгина қабул қилиш тартиблари қонун ҳужжатларида белгиланган.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамланган норматив тусдаги қарорларни қабул қилишнинг асослари барча ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни давлат қарорларини қабул қилиш механизмини белгилашга хизмат қилмоқда. Айнан мазкур Қонун асосида давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив тусда бўлмаган қарорларга қўйиладиган талаблар, уларни қабул қилиш тартибини белгилаш, кейинчалик давлат қарорлари тўғрисидаги қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хорижий давлатларнинг давлат аҳамиятига боғлиқ қарорлар қабул қилиш жараёнининг амалиёти ноҳукумат ташкилотларнинг ваколатларини амалга оширишда фуқаролик жамияти

¹ Закон Республики Молдова “О прозрачности принятия решений” № 239-XVI от 13.11.2008 г. // Мониторул Официал № 215-217/798 от 05.12.2008 г.

² Проект закона Кыргызской Республики “О прозрачности принятия решений” // <http://209.85.229.132:www.kenesh.kg>.

институтларининг юқори даражадаги иштироки таъминланиши лозимлигини кўрсатади. Дунёнинг бир нечта мамлакатларда давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилишда нафақат ҳудудий субъектларнинг ҳокимият органларига, балки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ҳудудий акторларга давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этиш имкониятлари таъминланган. Булар ҳудудий жамоалар, яъни фуқароларнинг гуруҳ бўлиб давлат органларига мурожаат қилиш, қонунчилик ташаббуси каби сиёсий иштирок шакллари¹ ва бошқалардан иборатдир.

Айнан давлат ҳокимиятининг оммавийлиги, яъни халқ ҳокимиятидан келиб чиқиши уни амалга оширишда ҳудудий жамоаларнинг бевосита ва ўз ҳокимият органлари воситасида иштирок этишини назарда тутди. Бундан нодавлат секторларни давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги иштироки қонуний тартибга солинганлиги аён бўлади. Бу эса қабул қилинаётган қарор лойиҳаларини эълон қилиш, уларни сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан аҳоли билан маслаҳатлашувлар ўтказиш, яъни кенг муҳокама қилиб фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш имконини беради.

Қонунларни сиёсий қарорлар қабул қилишнинг марказига қўйилиши сиёсий партиялар ва бошқа фуқаролик жамияти институтлар фаолиятини янада самаралироқ ташкил этиш, жумладан уларни қонунларни қабул қилиш ва ижросини назорат қилишга жалб қилиб, давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги иштирокини кенгроқ яратиш беради. Энг асосийси, мазкур ёндашув демократик сиёсат юритиш механизмларини амалиётда қўллаш орқали давлат ҳокимиятини самарали амалга ошириш, халқ ҳокимиятчилигини таъминлашга хизмат қилади.

3.2. Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий муҳим қарорлар қабул қилиш тизимидаги роли

Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий жиҳатдан муҳим қарорларни қабул қилиш тизимидаги ролини кучайтириш долзарб умумназарий муаммоларидан биридир. Ушбу муаммо 2004-2012 йилларда “Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society” журнали саҳифаларида (шу жумладан, тарихий²,

¹ Мисол учун қаранг: Артемов Г.П. Политическая социология: Учебное пособие. – М.: Логос, 2002. – С. 215.

² Аминов Ф., Жўрақулов Ф. Кенг жамоатчилик иштирокидаги чинакам халқ назорати. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобида жамоатчилик масалалари // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society, 2012. –№ 3. 4-6-бб.

структуравий¹, жамоатчилик назорати, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш², оммавий ахборот воситаларининг фаолияти³, қонунларнинг жамоатчилик экспертизаси⁴ контекстларида) кенг ёритилган.

Маълумки, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишдаги иштирокини самарали таъминлашга қаратилгани учун мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилган. *“Фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ношижорат ташкилотлар фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш қонунчилик фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиши зарур, – дейди биринчи Президентимиз, – токи бу институт ва ташкилотлар қарорлар қабул қилиш, ўзлари мансуб бўлган ижтимоий-қатлам ва тузилмаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тизимида муносиб ўрин эгаллай олсин”*⁵.

Стратегик аҳамиятга молик масалалар, муҳим иқтисодий ва ҳўжалик масалалари бўйича, пул ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, экология масалалари, умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш масалалари давлат миқёсида ҳал этилиши лозим⁶.

¹ Ризаев А. Общественность как активный субъект процессов принятия важнейших государственных решений. К постановке некоторых проблем // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society, 2013. – №1, С. 64-66.

² Мақсудов Ж., Шомансурова Н. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришнинг асосий омиллари // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society, 2010. – № 3, 22-26-бб.

³ Машкуров Ў., Абдурахмонов У. Туман газетасининг жамоатчи муҳбири // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society, 2009. – №1. 33-35-бб.

⁴ Муҳамедов Ў., Сайдуллаев Ш. Катта ижтимоий аҳамиятга молик қонун лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказишнинг асосий хусусиятлари // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society, 2012. – №3, 26-28-бб.

⁵ Каримов И. А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси. 2010. 27 январь // www.press-service.uz.

⁶ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маъруза. 1999. 14 апрель // www.press-service.uz.

Биринчи Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни кўппартиявийлик тизимининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига, Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар ролининг кучайишига ва улар томонидан қарорлар қабул қилинишига катта таъсир кўрсатди¹.

Қарорларни қабул қилишга фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари жалб этиш мақсадида давлат бошқаруви органлари ҳузурида махсус тузилмалар тузилмоқда. Ушбу тузилмалар фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ҳамда бу стратегияни рўёбга чиқаришнинг амалий чоратadbирларини ишлаб чиқади, ислохотларнинг ҳуқуқий негизини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар тайёрлайди, мамлакатда ўзгаришларнинг аниқ моделлари ва дастурларини ишлаб чиқади.

Маҳалла давлат бошқарув тизимини ривожлантириш, аҳолининг долзарб муаммоларини ҳал этишда алоҳида ўрин тутди. Бу давлат ва ҳудудий дастурларни самарали амалга оширишга шароит туғдирмоқда, фуқароларнинг қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этиши учун имконият яратмоқда. Маҳалла институтини ривожлантириш ва унинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар аҳоли манфаатларига хизмат қилади².

Тузилишига кўра ихчам, қарорлар қабул қилишда тезкор ва ҳаракатчан, янги-тартиб қоидаларни қисқа муддатда ўзлаштирадиган нодавлат ноижорат ташкилотлари (ННТ) ўзгаришларга анча тез мослашади. Ҳудудий ННТлари қарорлар қабул қилишда, биринчи навбатда, умумдавлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ўз ҳудуд ва минтақалари манфаатлари нуктаи назаридан кўриб чиқишлари тўлиқ қонуний асосга эгадир.

Фуқаролик жамияти институтларининг қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳим рол ўйнамоқда. Ижтимоий шериклик давлат органларининг ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий

¹ Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. 2010. 31 август //w.w.w.uz.uz.

² Маҳалла – ёшларни тарбиялаш маркази ва миллий демократия мактаби. 2014. 26 май // www.uz.uz.

дастурларни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир. Ижтимоий шериклик қонунига бўйсуниб, тенг ҳуқуқлилиқ, очиқлик ва шаффофлик, ҳаммабоплик, мустақиллик, холислик, ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инобатга олиниши ва масъулият ҳамда мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги каби тамойиллар асосида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасида Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик, фуқаролик институтларининг назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга хизмат қилади. Қонун давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилишдаги иштирокини, давлат органлари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш, белгиланган вазифалар ижроси бўйича уларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади¹.

Маълумки, Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришмоқда. Барча давлат органлари “электрон ҳукумат”ни жорий этиш муҳимлигини эътироф этаётгани катта ютуқдир. Давлат хизматларини онлайн режимга ўтказиш фуқароларнинг ушбу хизматдан фойдаланишини енгиллаштириш билан бирга, вақт ва маблағни тежаш имконини беради. Маъмурий нуқтаи назардан эса “электрон ҳукумат” қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштириб, давлат аппарати фаолиятининг самарадорлигини оширади².

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишдаги иштирокини ошириш учун нима қилишимиз, диққат-эътиборимиз, имкониятларимизни нималарга қаратишимиз керак?

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, энг *аввало*, фуқаролик институтларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонун асосида яшашини таъминлашимиз зарур. *Иккинчидан*, мазкур институтлар фаоллигини замон талаблари даражасига кўтариш лозим. *Учинчидан*, сиёсий маданиятни юксалтириш керак. *Тўртинчидан*, фуқаролик

¹ Мамлакатимизни демократик ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари такомиллашмоқда. 2013. 25 февраль // www.uza.uz.

² Электрон ҳукумат: очиқ-ошқоралиқ ва ишончилиқ. 2013. 16 сентябрь // www.uza.uz.

институтларини ривожлантиришдан мақсад – жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилиш; сиёсий ва ижтимоий соҳада эса давлат тизимларига муқобил куч сифатида улар адолат тарозисини ҳаётда ҳукмрон қилишга ҳисса қўшишлари лозим.

Франция Иқтисодий, ижтимоий ва экологик кенгаши маҳкамаси директори Кристиан Ле Ру шундай дейди: “Менимча, демократияни ривожлантириш бир қанча таркибий жиҳатларни ўз ичига олади. Масалан, бу қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда аҳоли манфаатларини эътиборга олиш, ушбу жараёнда фуқаролик жамиятининг иштирок этиши ва сўнгра парламент томонидан қонунларнинг қабул қилиниши ҳамда уларнинг амалда тўлиқ ҳаётга татбиқ этилишини таъминлашдан иборат. Мамлакатингизда ушбу омиллар амалда қўлланилмоқда. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ҳақиқий демократия сари интилаётганидан далолат беради”¹.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик жамияти институтлари ислохотлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда изчиллик ва масъулият, донолик ва сабр-бардош билан ёндашиши керак.

3.3. Сиёсий қарорлар қабул қилишда сиёсий партияларнинг жамоат ташкилоти сифатидаги иштироки

Сиёсий қарорлар субъектлар томонидан қабул қилинишига кўра турли даража ва кўламга эга. Мамлакат олий бошқарув органи яъни, ижроия ҳокимияти томонидан қабул қилинувчи қарорлар нафақат сиёсий, балки бошқарув қарорларнинг ҳам хусусиятларини ўзида акс эттиради. Олий вакиллик органи (федерал-координацион Кенгаш) томонидан қабул қилинган қарорларнинг асосий қисмини сиёсий қарорлар деб ҳисоблашимиз мумкин. Давлат тузилмасидаги каби фуқаролик тузилмаларида ҳам ижтимоий сиёсат ривожланишининг бутун жараёнида ва барча босқичларида турли қарорлар қабул қилинади. “Сиёсий партиялар қарор қабул қилувчи жамоат ташкилоти кўринишидаги фуқаролик тузилмаларидир”².

Сиёсий партия бу расман институтлашган ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув тизими устидан назорат қилиш учун ўз номзодларини давлат органларига ўткази олишга имкониятига эга бўлган функционал ихтисослашган сиёсий ташкилот ҳисобланади. Қисқача айтганда, у жамоатчилик ва ҳукумат ўртасидаги

¹ Кучли парламент ва жамоатчилик назорати – демократиянинг муҳим шарти. 2013 йил 9 май. // www.uza.uz.

² Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар ва маданиятлар. – Т.: Шарқ, 1998. 30-38 б.

муносабатларни боғлаб турувчи оралиқ бўғин. Шу билан улар жамиятнинг яхлитлиги ва бир бутунлигини таъминлайди. Демократик мамлакатларда сиёсий партиялар сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида давлат органларининг шаклланиши ва сиёсий қарорларнинг қабул қилинишида муҳим ҳисобланади.

Сиёсий партия қарорлар қабул қилувчи, аъзолари манфаатларини ифода этган ҳолда ҳокимиятга интилувчи жамоат ташкилотларининг сиёсийлашган кўринишидир. Чунки, сиёсий қарорлар туркумларини амалга оширишда уларни тизимли белгилари бўйича ажратилганда, сиёсий партия сиёсий қарорлар қабул қилувчи субъект сифатида кўринади. Улар томонидан қабул қилинган қарорлар жамият гуруҳ манфаатларини ифода этиш шакли сифатида намоён бўлади. Ва, албатта, ўз электорати манфаатидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилади. Ушбу қарорлар асосан сиёсий партияларнинг олий органи (съезд, қурултой) томонидан ишлаб чиқилади. Тўғри, сиёсий қарорлар фақатгина партияларнинг олий органи томонидан эмас, балки унинг маҳаллий органлари томонидан ҳам қабул қилиниши мумкин. Уларнинг асосий қисмини бошқарув қарорлари ташкил этади. Буни биз қуйидагича изоҳлашимиз мумкин. Сиёсий қарорларни қабул қилишда манфаатлар бирлашув қамровига кўра марказий ва ҳудудий қарорларга бўлинади¹. Демак, қарор қабул қилувчи ҳар бир субъект ўз ҳудуди доирасидан келиб чиққан ҳолда унга берилган ваколатлар орқали фаолият юритади.

Сиёсий партиялар томонидан қабул қилинган қарорларни гуруҳлар ва алоҳида ҳолатларга тааллуқли бўлган сиёсий қарорлар туркумига киритиш мумкин. Чунки, улар турли қатлам ва гуруҳлар хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда, жамоатчилик асосида фаолият юритади. Шунингдек, сиёсий партиялар мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ўзгаришлар, ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт жараёнларига дахлдор бўлган қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва тадбиқ этишда халқнинг фаол иштирок этишини таъминланишида муҳим рол ўйнайди. Ўз навбатида фуқароларнинг сиёсий партияларга уюшиши, унинг ҳаракатларида иштирок этиши, ариза ва шикоят, таклифлар билан мурожаат қилиши партиянинг қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатади. Мисол учун, фуқаролар ўз сиёсий партиясининг парламентдаги фракция депутатлари орқали қабул қилинишига эришган нодавлат нотижорат

¹ Клементевич Т. Процесс принятия политических решений // Элементы теории политики. Р-Д., 1991. – С. 385-389.

ташкiлотлари фаолияти кафолат-ларига оид қонунлар (сиёсий қарорлар)ни келтиришимиз мумкин. Бу ҳар доим ҳам сиёсий партиялар фақатгина сиёсий қарорлар қабул қилади дегани эмас. Чунки, барча қабул қилинган қарорлар сиёсий тусга эга бўлавермайди. Сиёсий партиялар ўзининг ички бошқарувига, ташкилий-тузилмавий масалаларига оид қарорлар ҳам қабул қилади. Бундай қарорлар бошқарув қарорлари ҳисобланади. Бошқарув қарори сиёсий ташкiлотдаги бошқариладиган объектга ўзига хос бошқарув таъсир воситаси каби кўринади ва шу тариқа унинг ҳолатидаги ўзгаришларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳаракатларни белгилайди. Сиёсий партиялар Марказий аппаратининг “Ҳудудлар бўйича масъул ташкiлотчилари гуруҳи таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги фармойиши ушбу бошқарув қарорига мисол бўла олади.

Сиёсий партиялар шунингдек, ташкiлот фаолияти билан боғлиқ технологик, бошқарув, сиёсий, ишлаб чиқариш характеридаги турли функционал қарорларни ҳам (кадрлар бўйича, молиявий, мазмуний) қабул қилади.

Партияларда сиёсий қарор қабул қилиш усуллари ҳам турли хил бўлади. Буни биз Ўзбекистондаги мавжуд сиёсий партиялар фаолияти мисолида кўриб ўтишимиз мумкин. Ҳозирги кунда партия ҳар бир органининг қарори унинг мажлисида ушбу орган вакилларининг ярмидан кўп қисми иштирок этса қонуний кучга эга бўлади. Мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг барчасида қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан, овозларнинг кўпчилигини олиш орқали қабул қилинади. Демак, сиёсий қарорлар партия аъзоларининг кўпчилик овози асосида қабул қилинар экан. Лекин, партия фаолиятининг тугатилиши, унинг устави ва дастурини қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарорлар партия жамоавий олий органи (Съезд, Қурултой, Конференция)да иштирок этаётган делегатларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги ижобий овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бу ерда сиёсий қарорлар кўпчилик овоз бериш усулида эмас, балки малакавий кўпчилик усули асосида қабул қилинишини кўришимиз мумкин.

Сиёсий партиялар ўз ташқи функцияларини амалга ошириш ва қабул қилинган сиёсий қарорлар таъминланишининг асосий усули, бу сайловлар кампанияси даврида ҳокимият органларига сайланишлари

учун ўз номзодларини кўрсатишдир¹. Ўз номзодларининг сайланишларига эришиш учун партия аҳоли орасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиши лозим. Чунки, партия ўз номзодлари орқали ҳокимиятни шакллантиришда асосий бўғинни қай даражада ташкил этса, шу даражада давлат бошқарувига оид сиёсий қарорлар қабул қилишга эриша олади ёки ҳеч бўлмаганда сайлаб қўйиладиган давлат органларида ўз вакиллари орқали тегишли сиёсий қарорларни тайёрлашда иштирок этиш имкониятини қўлга киритади. Қонун чиқарувчи органларга ўз номзодларининг кўп сайланишига эришган партия бошқарув органларининг раҳбарлик лавозимларига номзодлар тайёрлаш ва кўрсатиш имкониятига ҳам эга бўлади. Партия, энг аввало, ўзининг депутатлари, шунингдек, бошқарув органларидаги мансабдор вакиллари воситасида сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёни ва уни назорат қилишда иштирок этиш учун легитим асосга эга бўлади. Шундай экан партия аъзолари, электорати ҳамда фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий жараёнларда фаоллигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Назарияга кўра, сиёсий қарорлар қабул қилишнинг учта қоидаси мавжуд бўлиб, булар:

- 1) ваколатларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши;
- 2) бошқарувнинг алоҳида тармоқлари ўртасида ваколатлар тақсимланиши;
- 3) ҳукумат ҳокимиятининг чекланиши² ҳисобланади.

Сиёсий партиялар ушбу қоидаларнинг барчасидан тўлақонли фойдаланиши мумкин. Унинг қай даражада фойдалана олиши эса давлат сиёсий режимига боғлиқ. Сиёсий партия сиёсий қарор қабул қилишда ҳудуд ва тармоқлар бўйича ваколатларининг тақсимланиши билан бир қаторда амалдаги ҳукумат сиёсатига нисбатан ҳам танқидий баҳо бера оладиган, муқобил дастурлар ва ғояларни илгари сура олиш каби хусусиятларни ўзида мужассам этиши керак.

Сиёсий қарорлар қабул қилишнинг ўзига хос технологияси мавжуд бўлиб, аввало, муаммони ўрганиш ва ушбу тегишли масала юзасидан ахборот ҳамда керакли зарур маълумотлар тўпланади. Сўнг маълумотлар таҳлили ўтказилиб, қарор қабул қилиш учун тайёр ҳолатга келтирилади. Келтириб ўтилган жараёнлар қарорлар қабул қилишнинг дастлабки босқичларидир. Қабул қилинган қарорларнинг

¹ Латфуллин Г. Р., Новичков Н. В. Политическая организация: Учебное пособие. – Спб.: Питер, 2007. – С. 214-22.

² Лобанов В. В. Государственное управление и общественная политика: Учебное пособие. – Спб.: Питер, 2004. – С. 144-160.

нечоғли самарадорлиги эса уни қабул қилишда қандай услубни танланиши ва ҳар томонлама баҳолаши билан боғлиқ. Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар меъёрий ёндашув ҳамда ратционал-кенг қамровли ёки “илдизли” метод асосида қарорлар қабул қиладилар. Албатта, бу услуб мақсадга эришишнинг барча кўринишлари, уларнинг зарурлиги нуқтаи-назардан ажратиб олиш, охирида маълум бир мақсадга эришиш йўлларининг энг юқори даражада маъқулини танлаб олиниши каби ижобий хусусиятларига эга. Лекин, бу услуб асосида сиёсий қарорлар қабул қилиш мураккаброқ бўлади. Негаки, атроф-муҳит тўғрисида ахборот йиғиш катта ресурсларни ҳамда қарор қабул қилувчи субъект – сиёсий партияларнинг холисона ва оғишмаслигини талаб қилади.

Биз мамлакатимиздаги сиёсий партия (субъект)лар сиёсий қарорлар қабул қилаётганида кенг (катта-катта) имкониятлар эмас, уларнинг тажрибаси асосида ҳаётий (реал) омилларни инобатга олган ҳолда қарорлар қабул қилишини таклиф этган бўлардик. Бунда улар қуйидагиларга аҳамият беришлари лозим деб ҳисоблаймиз:

- кичик аниқ қадамлар қўйилган мақсадга эришишга йўналганлигига эътибор қаратиш;

- ҳозирги аниқ вақтда ресурслар чегараланганлигини инобатга олиш;

- бошқа яқин вариантлар билан қиёслаш орқали бир хиллик асосида эмас, балки сиёсат асосида узлуксиз равишда ўзгариб боришини ҳисобга олиш;

- ҳаётда максимал натижа (шов-шувлар, катта мақсадлар)га эришиш эмас, балки аниқ, мавжуд натижа олишга йўналган бўлишлиги лозим.

Шу билан бир қаторда ушбу “шоҳлар” методи асосида сиёсий қарорлар қабул қилинаётганда плюрализм концепциясига ҳам асосланиш керак.

Бу услубнинг энг қулай жиҳати сиёсатга эволюцион йўл билан ўзгаришлар киритишга йўл очиб бера олишидир. Шу билан бирга сиёсий партиялар билан халқ ўртасидаги ўзаро бир-бирига бўлган ишончни кучайиши ва ҳар икки томоннинг сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишини таъминлайди.

Бугунги кундаги мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг ҳолати ва уларнинг олдида турган устувор вазифалар ҳақида сўз юритар эканмиз, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик

ҳаракати вакиллари билан 2017 йил 12 июльдаги видеоселектор йиғилишидаги “Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак” номли маърузасида атрофлича ёритиб берилди. Маърузада сиёсий партиялар фаолиятидаги айрим муаммо ва камчиликлар ҳақида сўз юритилиб, қуйидагилар таъкидланди:

Биринчидан, бугунги кунда сиёсий партиялар ўз электоратига берган ваъдаларини, сайловолди дастурларини тўла ва самарали бажармоқда, деб айтолмаймиз. Улар ханузгача мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, фуқаролар онгида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллай олмади.

Сиёсий партиялар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида партия фракциялари томонидан устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган аниқ таклиф ва ташаббуслар деярли сезилмаяпти. Маълумки, нодавлат нотижорат ташкилотлар орасида фақат сиёсий партиялар ҳокимият учун курашиш ҳуқуқига эга. Лекин, шунга қарамасдан, улар ўртасида рақобат, фикрлар, позициялар хилма-хиллиги мутлақо сезилмаяпти.

Ҳозирги вақтда сиёсий партияларнинг бошқарув аппаратларида ишчанлик муҳити деярли кўзга ташланмаяпти. Айниқса, сиёсий партияларнинг жойларда, туман бўлимларида ишлаётган ходимларининг фаолияти қониқарсиз аҳволда. Улар кўп ҳолларда электорат билан тизимли мулоқот ўтказиш у ёқда турсин, ўзининг асосий вазифаси нимадан иборат эканини ҳам билмайди.

Иккинчидан, сиёсий партияларнинг дастурларини доимий такомиллаштириб бориш ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмаган.

Учинчидан, сиёсий партияларнинг аҳоли билан мулоқоти, тарғибот-ташвиқот ишлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини ҳам етарли деб бўлмайди.

Тўртинчидан, сиёсий партияларнинг ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари, партиялар қошида ташкил этилган “Ёшлар қанотлари”нинг фаолиятини, афсуски, қониқарли, деб бўлмайди.

Бешинчидан, кадрлар билан ишлаш борасидаги муаммолар ҳам сиёсий партиялар фаолиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Олтинчидан, ўтган даврда Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида сиёсий партиялар аппарати ходимлари учун махсус ўқув машғулотлари ташкил этилди. Уларга маърузачи

сифатида юқори давлат идораларининг раҳбарлари, хусусан, Қонунчилик палатаси, Сенат ва сиёсий партиялар раҳбарлари, олий ўқув юртлари ректорлари ва бошқа таниқли мутахассислар жалб қилинди. Бу – яхши амалиёт. Лекин бундай ўқишлар фақат Тошкентда бўлмаслиги керак. Ҳар бир вилоятдаги олий ўқув юртлари базасида жойлардаги партия ташкилотлари ходимларини ва маҳаллий кенгашлар депутатларини ўқитиш бўйича махсус курслар ташкил этиш лозим. Керак бўлса, пойтахтдаги мутахассислар жойларга бориб, дарс берсин.

Еттинчидан, сиёсий партияларнинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг таъсири мутлақо сезилмаяпти. Айтиш мумкинки, улар, кўп ҳолларда, номига фаолият кўрсатмоқда.

Саккизинчидан, сиёсий партиялар ҳудудий кенгашларининг моддий-техник таъминоти кўп ҳолларда талаб даражасида эмас. Масалан, сиёсий партияларнинг 18 та туман кенгаши ўз биносига эга эмас, 62 та кенгашнинг биноси қониқарсиз ҳолатда¹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, сиёсий қарорлар қабул қилишда нодавлат нотижорат жамоатчилик ташкилотларининг хусусан, сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, халқнинг ўз хоҳиш-истакларини рўёбга чиқариш, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишдаги асосий восита бу жамоатчилик институти сиёсий партиялар ҳисобланади. Шундай экан, давлат бошқаруви соҳасида сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларига жамоатчилик таъсири ва кузатувини амалга ошириш асосан сиёсий партиялар, аъзолар ҳамда унинг электоратига боғлиқдир.

3.4. Давлат бошқарув соҳасида қарорлар қабул қилиш жараёнига манфаат гуруҳлари ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг таъсири

Мамлакатдаги мавжуд сиёсий тизимнинг нечоғли барқарорлиги ҳамда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий ислохотларнинг ривожига қабул қилинаётган сиёсий қарорларга боғлиқдир. Айтиш мумкинки, давлатнинг юритаётган сиёсатининг амалий

¹ Мирзиёев Ш. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. 2017 й. 12 июль // www.uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017

натижаси эса якуний сиёсий қарорларда ўз аксини топади. Сиёсий қарорлар ўз навбатида мақсадга эришиш воситаси вазифасини бажаради.

Ҳозирги кунда ижтимоий жараёнларнинг хилма-хиллиги туфайли фанда қарорлар қабул қилишнинг универсал ва ягона алгоритминини ишлаб чиқиш масаласи кўтарилмаган. Буни ушбу ходисанинг турлича талқин қилиниши билан тушунтириш мумкин. Таърифларга кўра, сиёсий қарорлар қабул қилиш аниқ субъектлар манфаатини рўёбга чиқариш усулидир; мақсадга эришиш стратегияси ва тактикасини тузатишни назарда тутадиган ихтилофларни бартараф этиш усули ва ҳ.к. Демак, сиёсий қарор деб, сиёсий ҳаракатларнинг субъекти томонидан кўзланган сиёсий натижаларга эришиш мақсадида амалга ошириладиган сиёсий ҳаракатга айтишимиз мумкин.

Аввал таъкидланганидек, сиёсий қарор қабул қилиш ўзига хос хусусиятларига кўра корпоратив, оммавий ҳамда давлат бошқарув соҳалари бўйича қабул қилинади. Биз манфаат гуруҳлари ва турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг давлат бошқарув соҳасида сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнидаги ўрни ва таъсири ҳақида сўз юритамиз. Чунки, давлат бошқарув соҳасида қабул қилинган қарорлар таъсир кўламининг кенглиги, кўплаб ресурсларга эгаллиги, ҳар бир фуқарога бевосита таъсир ўтказа олиши ва оқибати бутун мамлакат бўйлаб ёйилиши билан ажралиб туради¹.

Одатда, сиёсий мақсадлар уч турдаги институт: давлат ҳокимиятининг расмий органлари, манфаат гуруҳлари ва жамоатчилик механизмлари кесишишида шаклланади. Бу жараёнда марказий ўринни давлат олий органлари эгаллайди, лекин унга бўлган турли босимлар сиёсий мақсадларга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Шунинг учун, сиёсий мақсадлар ташқи сиёсий кучлар таъсирини ҳисобга олган ҳолда, зарур натижаларга эришишнинг бир неча йўлини таклиф этувчи ёки бир мақсадни турли усуллар билан амалга оширишни назарда тутувчи муқобил кўринишда баён этилади.

Кейинги ўн йилликлар ичида ижтимоий-сиёсий ҳаётда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва сиёсий партиялар ўртасидаги муносабатларда маълум ўзгаришлар рўй берди. Партиявийликка интилишнинг сусайиши сабабли кўплаб кишилар манфаат гуруҳлари томон оға бошладилар. Баъзи сиёсий кузатувчиларнинг фикрича, манфаат гуруҳларининг ўсиши шу даражада тезлашдики, бу гуруҳлар

¹ Умарова Н., Ислombeков У. Сиёсий технологиялар: ўқув қўлланма. – Т.: Академия, 2007. 44-66-бб.

энди партиянинг баъзи функцияларини ўз зиммасига ола бошлади. Баъзи таъсирчан манфаат гуруҳлари эса ўзларининг сиёсий ҳаракат кўмиталарини ташкил этаётганлиги кўзга ташланмоқда. Бу кўмиталарнинг сиёсий ҳаётдаги ўрни ҳам кучайиб бормоқда¹. Лоббичи ва таҳлилчи-эксперт, маслаҳатчи-технолог ҳамда электрон оммавий ахборот воситаларининг сиёсий шарҳловчиси каби янги касблар ҳам вужудга келди. Бу касб эгаларини бирлаштирадиган мақсад шуки, уларнинг барчаси сиёсий қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ёки уларни ҳаётга тадбиқ этишда у ёки бу даражада иштирок этиши ҳисобланади.

Бу субъектларнинг манфаатлари, инсоний нафсониятлари, ҳис-туйғулари ва истаклари бир-биридан фарқлангани боис, қарорлар қабул қилиш жараёнида улар тўқнашади. Боз устига, бу жараёнга норасмий усуллар билан ҳам босим ўтказишга ҳаракат қилувчи кучлар пайдо бўлади. Натижада, қарорлар қабул қилиш манфаатларни уйғунлаштириш, ҳар бир тарафнинг мақоми ва ресурсларини тенглаштириш жараёнига айланиб кетади. Бундай мураккаб ўзаро таъсирда расмий ваколат ва юқори мақомлар кўпинча ҳеч қандай афзаллик бермайди. Бунда қарорлар тор доираларда: партия кенгашлари, мансабдор кишилар мажлиси, йирик корхоналар кенгаши, лобби гуруҳларида қабул қилинади. Шундан келиб чиқиб, давлат бошқарув соҳасида сиёсий қарорлар қабул қилишда манфаат гуруҳлари ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг алоҳида ўрни ва таъсири мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин.

Манфаат гуруҳлари сиёсат субъектларининг ўзига хос тури ҳисобланиб, улар расмий ҳокимият ташкилотларидан фарқ қилади. Улар ўз олдига сиёсий ҳокимиятни эгаллашни мақсад қилиб қўймайди ва бунга интилмайди. Балки улар, ҳокимият тузилмаларига таъсир кўрсатиш билан ўз аъзоларининг хусусий манфаатларини ҳимоя қиладилар. Мана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда улар сиёсий партиялардан фарқ қилади. Демак, манфаат гуруҳларининг сиёсий жараён субъекти сифатидаги функцияларидан бири сиёсий қарорлар қабул қиладиган тузилмаларга ўз таъсирини ўтказиш, огоҳ этиб туриш ҳисобланади. Улар ўз аъзоларининг аниқ талабларини амалда рўёбга чиқишини таъминлайдилар. Бунинг учун жамиятнинг турли соҳаларида фаолият юритишига қараб фуқаролар иқтисодий (тадбиркорлар уюшмалари), ижтимоий (қариялар,

¹ Гаджиев К. С. Политическая наука: Учебное пособие.- 2-е. – М.: Международные отношения, 1995. – С. 47-150.

ногиронлар иттифоқлари), сиёсий (экологик, тинчлик ва инсон ҳуқуқлари учун курашувчи ҳаракатлар), фан, маданият, дин соҳаларида (илмий ассоциациялар, рассом, ёзувчи, санъаткорлар уюшмалари, секталар, черков, мачитлар), бўш вақт ва дам олиш соҳасида (спорт жамиятлари) каби манфаатли гуруҳларга уюшадилар.

Жамият сиёсий тизимида хусусий уюшмалар ҳам мавжуд бўлиб, улар муҳим ижтимоий-сиёсий функцияларни адо этади. Улар ўз қаторларига етакчи тадбиркорларни, банкирларни, таниқли сиёсий арбобларни, нуфузли журналистларни бирлаштиради. Ўзининг характериға кўра ёпиқ ҳисобланган, танланган ва чекланган аъзоларға эға бўлган хусусий уюшмалар жамиятнинг юқори, бой табақаларини жипслаштиришға, уларнинг ижтимоий-сиёсий қараш ва тасаввурларини шакллантиришға; элитаға хос бўлган ҳиссиётларини ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлаш, улар учун муҳим бўлган сиёсий ва бошқа қарорларни биргаликда муҳокама этишға қаратилган бўлади. Уларни “сиёсий ҳокимиятнинг ёпиқ марказлари” деб ҳам аташимиз мумкин. Умуман олганда, манфаатли гуруҳлар фуқаролар, аҳолининг турли табақалари билан давлат органлари ўртасида воситачи ролини бажаради.

Ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар эса сиёсий тараққиётни характерлантирувчи асосий кучлардан бири ҳисобланади. Улар сиёсий жараёнларға кучли таъсир кўрсатиб, ижтимоий ҳаётни ўзгартиради ва ривожлантиради. Унинг мақсад ва вазифаларига жамоатчилик фикриға таъсир кўрсатиш, у ёки бу масала бўйича ҳукумат сиёсатиға таъсир ўтказиш ҳамда ўзлари яшаб турган жамиятни куч ишлатмасдан ўзгартириш кабилар киради.

Ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар хилма-хил сиёсий кучлардан, хусусан, урушларға қарши бўлган (“Жаҳон тинчлик Кенгаши”), экологик (“Яшиллар ҳаракати”), ёшлар (“Жаҳон демократик ёшлар Федерацияси”), хотин-қизлар (“Тадбиркор аёл” нодавлат уюшмаси) каби ҳаракатлардан ташкил топади. Ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг асосий мақсадларидан бири ҳокимиятға кучли босим ўтказиб, керакли сиёсий қарорлар қабул қилишға мажбур этишдан иборат. Бунинг учун улар турли усул ва восита (иқтисодий қудрат, тезкорлик, ОАВ, реклама ва “PR”) лардан фойдаланади.

Ижтимоий-сиёсий ҳаракатлардан бири бўлган нодавлат ноижорат ташкилотлар, аввало, индивидларнинг ихтиёрий бирлашмаларидир. Улар сиёсий партиялардан фарқ қилиб, ҳокимиятни эгаллаш, лавозимларға номзодлар кўрсатиш билан

шуғулланмайди. Лекин, улар ҳукумат ва бошқа сиёсий ташкилотларга таъсир қилиш учун ҳаракат қилади. Бу соҳадаги фаолият сиёсий ташкилотлар воситасисиз бўлиши лозим. Манфаат гуруҳларининг ҳаракат усуллари сиёсий органларни ишонтириш, маслаҳат бериш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, сиёсий арбобларга ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжларини етказиш, ўз манфаатини қондириш учун ташкилий тадбирлар ўтказиш билан чегараланади. Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан маълум бир ижтимоий гуруҳнинг турли манфаатлари бир тизимга солиниб, уларни кенг жамоатчиликнинг хоҳиш-иродаси сифатида давлат ва ҳукумат органларига етказилиши – сиёсий қарорлар қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Қолаверса, бунда кўплаб манфаатлар гуруҳлари ва ижтимоий қатламлар ўртасида ўзаро келишув ва мувофиқлашув рўй беради. Нодавлат нотижорат ташкилотлар жамиятда мавжуд бўлган барча манфаатларни қамраб олиб, уларни ифодалагандагина, ўз мақсадларини самарали бажаради. Жамиятда турлича, жумладан, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий, миллий, мафкуравий, маданий, экологик, ҳудудий, минтақавий, диний, шунингдек, яна ўнлаб айрим соҳаларга доир манфаатлар мавжуддир. Манфаат гуруҳлари ана шу манфаатларнинг ифодачиси сифатида пайдо бўлади ва фаолият юритади.

Нодавлат ташкилотлар табиийки, ривожланган мамлакатларда ҳукуматга тузатувчи босим ўтказди ва махсус масалаларда сиёсатчиларга маслаҳатлар берган ҳолда муҳим рол ўйнайди. Бундан ташқари, манфаат нуқтаи назаридан бундай ташкилотлар черковлар, касаба уюшмалари, палаталар, спорт клублари ва бошқалар сифатида кенг аъзолик базасига ва ўзларининг ички молиявий манбаларига эга. Улар ўз аъзоларини ўзларига мутлақо алоқадор бўлмаган сараланган фаолларнинг ниҳоятда тор қатлаמידан рекрут қилишади ва бу фаоллар уларнинг номидан иш кўришади.

Ижтимоий-сиёсий ҳаракатларда фаол иштирок этувчи тузилмалардан яна бири бу манфаат гуруҳларидир. Манфаат гуруҳлари унга аъзо бўлган кишиларнинг манфаатларини бошқа гуруҳлар ва сиёсий институтларнинг ўзаро муносабатларида, шунингдек, ўз гуруҳи ичида ифода қилиш учун тузилган ихтиёрий ташкилотдир. Манфаат гуруҳларининг функцияларидан бири давлат, ҳукумат ва партияларнинг турли даражаларда қарорлар қабул қилиши учун ахборот тўплаш ва уларни етказиб беришдан иборат. Манфаат гуруҳлари ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг мақсади ҳокимиятга

эришиш эмас, унга кучли босим ўтказиб, керакли қарорларни қабул қилишга мажбур этишдан иборат, деб айтиб ўтдик. Бунинг учун ҳокимиятга бевосита эга бўлмаган ташкилотлар турли усулларни қўллайди.

Манфаат гуруҳларининг давлат бошқарув соҳасида сиёсий қарорлар қабул қилувчи субъектларга таъсир кўрсатишининг кенг тарқалган шакли босим ўтказишдир. Лоббистлар ўзларининг миждозлари учун молиявий фойда ёки сиёсий имтиёзларни қўлга киритади. Улар манфаатли гуруҳлар билан сиёсий арбоблар, қонун чиқарувчилар ва ҳукумат аъзолари ўртасидаги турли келишувларда воситачи ролини бажаради ва шу билан давлат бошқарув соҳасида муҳим сиёсий қарорлар қабул қилдириш орқали мамлакатнинг сиёсий йўлини шакллантиришга таъсир ўтказади.

Лоббизм ўзларининг алоҳида манфаатларини амалга ошириш мақсадида ҳокимият тузилмаларига таъсир кўрсатишга қаратилган ўзига хос қонунчилик ва бошқа органларнинг ҳузуридаги ташкилланган босим гуруҳлари ҳисобланади.

Лоббизм ривожланиш тарихи XVI аср ўрталаридан бошланади. “Лобби” сўзи деб аталгунга қадар, бу сўз ёпиқ галерия ва монастрдаги сайр қилишга мўлжалланган майдон деб аталган. XVII асрнинг 40-йилларида манфаатдор бўлган жами овоз берувчилар билан қаерда учрашиш ва овозларни қайси депутатларга йўналтириш, Англия парламентнинг Умумий палатаси биносидаги икки йўлаги ва вестибюли деб аталган. XIX асрнинг иккинчи ярмида лоббизм АҚШда “пул учун овоз сотиб олиш” сифатида талқин қилинган. Шу билан XX асрнинг ўрталарида асосан фуқаролик жамияти тузилмалари ва давлатнинг бир бирига парламентдан ташқаридаги ўзаро таъсир жараёни сифатида кенг ёйилди.

Лоббизмнинг асл моҳияти шуки, сиёсий қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган кишилар ва қарорлар қабул қилиш жараёнларига ўзига хос тарзда турли хил босим ўтказувчи муайян гуруҳ аъзоси маъноларини англатади. Лоббизм мақсадлари қуйидагиларни ўз ичига олади: элита, сиёсий партия, жиноий, иқтисодий, сиёсий уюшма ёки тегишли манфаатларига жавоб берувчи маълум қарор қабул қилинишига эришиш; “фойдасиз” қарорларни қабул қилмаслик, кечиктириш; қарорларнинг асл мазмунини ўзгартириш, шунингдек лоббистлар ёки “буйортмачи”ларнинг тўлиқ манфаатларини ташкил этмаган қарорларни қайта кўриб чиқишдан иборат.

Лоббизм жамиятнинг сиёсий ҳаётида шундай кўринадик, у бевосита манфаат гуруҳлари (босим гуруҳлари) кўриниши орқали боғланган. Улар ўзи (ёхуд “бюртмачи”) учун фойда келтирадиган сиёсий қарорлар қабул қилдириш мақсадида ҳокимият институтларида бировга таъсир этиш ҳамда ўзининг алоҳида манфаатларини бирлаштирган ҳолда намоён бўлади. Босим гуруҳлари ўзларининг ихтиёридаги кўплаб имкониятлар орқали самарали ҳаракатни амалга оширади.

Лоббистлар сиёсий етакчилар ва манфаат гуруҳлари ўртасидаги турли хил келишувларда кўпинча воситачи ролини ўйнайди. Улар АҚШда алоҳида катта нуфузга эга бўлиб, асосан саноатчи, савдогар, адвокат, молиячи ва бошқаларнинг манфаатларини ифода этадиган кўпдан кўп ассоциацияларда мавжуд. Лоббистларга ўхшаш ташкилий тузилмалар ГФР ва бошқа мамлакатларда учрайди. Ушбу гуруҳларнинг ижтимоий таркиби жуда ҳам турли-туман. Жумладан, балоғат-ўсмирлик белгисига кўра (аёллар, ёшлар, нафақахўрлар), миллатига кўра (ингушлар, черкеслар, немислар), касбига кўра (шахтёрлар, ўқитувчилар, шифокорлар, тадбиркорлар), худудига кўра (Узоқ Шарқ, Ғарбий Европа) ва ҳоказо¹.

Турли ижтимоий-сиёсий мақсад ва манфаатларни плюрализм асосида намоён этадиган, шунингдек, бутунлай табиий ҳодиса сифатида шаклланадиган манфаат гуруҳлари демократик сиёсий тизим учун хизмат қилади. Аммо, турли истак-хоҳишларини мажбуран амалга оширишда кўплаб кучли гуруҳлар ичида ягонадир. Шу сабабли, жамиятда ҳукмрон бўлган нуфузли алоҳида гуруҳларга қарши қонунни ишлаб чиқиш каби бошқа тўсиқларни жорий этиш керак.

Бироқ реал ҳаётда (хусусан, жамиятни ислоҳ қилиш шароитида) барчасидан кўра кўпроқ манфаат гуруҳлари устун бўлади. Чунки, улар энг кўп ресурсга эга бўлган ёки энг кўп сонли ва яхши жипслашган бўлади. Буларга иқтисодий саноат гуруҳлари, нуфузли касаба уюшмалари, оммавий ишчилар ҳаракати ва бошқаларни мисол қилиб айтиш мумкин. Мисол учун, Россия Федерацияси Давлат Думаси қонунчилик органида босим гуруҳлари аҳолининг турли қатламлари (ишчилар, ўқитувчилар, фермерлар, тадбиркорлар ва бошқалар)нинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қарор қабул қилиш учун уни “тезлаштиришга” ҳаракат қилади ва қонун

¹ Козырев Г.И. Политическая конфликтология: учебное пособие. – М.: Форум, – С. 432.

лойихасига тўғри келадиган кўринишдаги ҳал қилиниши лозим бўлган жиддий сиёсий масала расмийлаштирилади. Бошқа гуруҳлардан фарқли равишда улар “бююртмачилар”га мақбул бўлмаган қонунни қабул қилмасликка ҳар қандай усулда турли йўллар билан ҳаракат қилади. Франциялик политолог Ж. Денкэнанинг фикрига кўра, сиёсий партиялардан фарқли равишда босим гуруҳлари сиёсий бўлмаган мақсадларга эга бўлади, бироқ, сиёсат билан шуғулланадиганларга таъсир ўтказидади. Чунки, сиёсий ҳокимият уларга мақсад эмас, восита бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, алоҳида сиёсий аниқ характерга эга. Улар, одатда, аниқ вазифа ёки қандайдир қарорга эътиборни йўналтиради.

Дастлаб лоббизм фақат ноқонуний (коррупция, порахўрлик, товламачилик ва бошқа) ресурслар орқали ҳокимият вакилларига таъсир ўтказувчи сифатида ташкилланган эди. Кейинчалик бир қанча мамлакатларда институциялашган лоббизм ва ҳокимиятнинг механизм элементлари шаклланди. Мисол учун, Канада мамлакатига лоббизм фаолияти қонуний тартибга солинган ва улар сиёсий иерархияда алоҳида ўз ўрнига эга. Бошқа кўплаб мамлакатларда, масалан, Италия ва Францияда лоббизм ноқонуний фаолият ҳисобланиб, таъқиқланган. АҚШда эса уларнинг фаолияти қонун билан ҳар томонлама аниқ белгилаб берилган. Россияда бугунги кунда давлат органларига муттасил таъсир кўрсатувчи “ёввойи лобби” шаклланди. Баъзи ҳолларда давлат органлари, аниқроғи “манфаатдор” мансабдорлар уларнинг мақсадларини қўллаб-қувватлашларини кузатиш ҳам мумкин¹.

Ғарбнинг ривожланган мамлакатларида лоббистлар зарур ахборотларни тўплашга ва ҳокимият органларини ўзлари мансуб бўлган гуруҳлар фойдасига қаратилган қарорлар қабул қилдиришга қодир бўлган юқори малакали мутахассислардир. Лоббистлар ўзларининг мижозлари учун молиявий фойда ёки бошқа имтиёзларни қўлга киритади. Улар тез-тез манфаатли гуруҳлар билан сиёсий арбоблар, шу жумладан, қонун чиқарувчилар ва ҳукумат аъзолари ўртасидаги турли келишувларда воситачи ролини бажаради ҳамда шу билан мамлакатнинг сиёсий йўлини шакллантиришга муҳим таъсир ўтказидади.

Лоббизм икки хил кўринишда амалга оширилади. Тўғридан-тўғри усулда амалга оширилганда босим ўтказилиши зарур бўлган

¹ Фуломова Р. Б. Ўзбекистонда давлат бошқарув соҳасида сиёсий қарорлар қабул қилиш: тажриба ва амалиёт: Амалий сиёсатшунослик магистр академик даражаси... дисс. – Тошкент, 2011. 19-26 б.

объектга шахсий учрашувлар, қариндошлар, дўстлар, таниш-билишлар ва ҳ.к. орқали таъсир этилса, объектга ташқи (билвосита) таъсир ўтказилганда, унда босим ўтказаетган гуруҳ нуқтаи назарини акс эттирувчи тасаввурларни ҳосил қилиш орқали амалга оширилади. Унинг энг кенг тарқалган усули депутат сайланган округ сайловчиларидан келиб тушган хат ва ёзишмалар ёрдамида босим ўтказишдир.

Бугунги кунда лоббизм энг замонавий технологияларга асосланади. У тадбирларни компютерлаш, “интернет” орқали иттифоқчилар топиш, маълумотлар топиш, электрон почта орқали хат юбориш, видео-телефон анжуманларини ўтказиш, сунъий ер йўлдошлари орқали дунёнинг турли чеккалари билан алоқа ўрнатиш сингари имкониятлардан фойдаланади. Шунингдек, реклама услубларидан ҳам кенг кўламда фойдаланади. У барча шаклдаги реклама, шу жумладан, тадбирни молиялаш, товарнинг силжиши, бозорни ўрганиш билан шуғулланади. Босим ўтказиш технологиясининг муҳим жиҳати жамоатчилик билан алоқалар соҳасидир.

XX аср охирига келиб лоббистик кампанияларда қуйидаги йўналишлар аниқ намоён бўла бошлади:

1) оммавий кампаниялар ташкил этиш билан бирга (бу - эски, бевосита лоббизм), жамоатчилик билан алоқалар юритиш, ижтимоий фикрни реклама ва ҳ.к.лар ёрдамида шакллантириш;

2) “ҳудудлар” билан ишлашга эътиборнинг кучайганлиги. Аҳоли билан ишлаш сиёсатининг бир муҳим қирраси мавжуд: аҳоли ичида босим субъектларининг доимий мадад гуруҳлари ва бундай гуруҳларни ўқитиш тизими мавжудлиги (хат ёзиш қоидалари, қонуншунослар билан мулоқотнинг психологик ва ахлоқий қоидалари ва ҳ.к.)¹.

Турли сиёсий тизимлар ўртасида қарама-қаршиликлар жуда кучайган даврларда лоббизм муносабатга киришади. Бир томондан, лоббизмга ижобий ҳодиса сифатида қаралади. У сиёсий тизим имкониятларини кенгайтириш, турли сиёсий мақсад ва манфаатларни умумий келишувга эришишга қаратилган усулларни ошириш ҳамда сиёсий жараёнларни фаоллаштиришда асосий ҳаракатлантирувчи бўғин вазифасини ўтайди. Бироқ, бошқа томондан қараганда, лоббизм сиёсий гуруҳларни аниқлашда сиёсатнинг нотўғри, ноинсоф,

¹ Юсупова Г.Х., Жабборов Х.Ж., Қосимова Х.Х. Сиёсат назарияси. – Т.: ЎзМУ, 2003.

виждонсиз каби ресурслардан ҳам фойдаланади. Мамлакатда давлат органлари фаолияти учун самарали назорат механизмлари яратилмаганлиги ёхуд етарли эмаслиги мана шундай алоҳида катта хавфларни юзага келишига сабаб бўлади.

Лоббизм кўплаб хилма хил туркумларга эга. Мисол учун, “муаммони ҳал этувчи” соҳа маъмурларига қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимияти лоббистларини киритиш мумкин. Лоббизм субъектларининг манфаатларига кўра ҳуқуқ, иқтисод, сиёсий ва бошқа турларига ажратиш мумкин. Давлат тузилмаларига таъсир этиш методларига кўра лоббизм тўғридан-тўғри, билвосита ва ички шаклларига ҳам ажратилади.

“Керакли” қарор қабул қилиш мақсадида давлат органларида босим гуруҳлари тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш таклифини илгари суради. Билвосита лоббизмда ташкилий тузилмалар (митинг, манифест, ОАВларида муаммоларнинг “муҳокамаси” ва бошқалар) ва тегишли органларга таъсир кўрсатиш мақсадида жамоатчилик фикрини ривожлантириш амалдаги восита бўлиб хизмат қилади. Ички лоббизмда босим гуруҳлари тегишли органларнинг ичида ҳар қандай фаолият кўрсатади. Ёпиқ (нолегал) ва очик (легал) лоббизмни ўзаро фарқлари мавжуд қонунлар ва технологиялардан фойдаланишига боғлиқ.

Сиёсий тизимларнинг туркумларига кўра, лоббизм плюралистик ҳамда корпоратив турларга ажратилади:

Плюралистик лоббизм тури барқарор демократик сиёсий тизим мавжуд бўлган мамлакатлар (АҚШ, ГФР) учун хос бўлиб, уларда кенг миқёсдаги турли манфаат гуруҳлари мавжуд. Мазкур лоббизм тури ҳокимиятга таъсир ўтказиш ва ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун аниқ эркин шароитда кураш олиб боради. Плюралистик лоббизмнинг муҳим ижтимоий-сиёсий вазифаси куйидагилардан иборат:

- фуқаролар ва давлат ўртасидаги асосий восита ролини бажаради;

- энг муҳимларини аниқлаш ва турли манфаатларни солиштириш;

- ўша гуруҳ фуқароларини сиёсий қарорни қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнида иштирок этишга жалб этади. Чунки, мазкур жараёнга таъсир этувчи бошқа воситалар йўқ.

Плюралистик лоббизм демократик жамиятнинг муҳим белгиларидан бўлган ижтимоий манфаатларни давлат ҳокимияти тузилмасида ваколат усули асосида амалга оширади.

Корпоратив лоббизм тури кўпроқ авторитар сиёсий тизим учун характерлидир. Бу ерда плюралистик фикр ва манфаатлар учун эркин муҳит мавжуд эмас. Ҳокимият тузилмаларида ўзининг “уддабурон” вакили орқали “зарур” қарор қабул қилишга ҳаракат қилинади¹.

Сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштирок этувчи жамоавий тузилмалар, жумладан турли манфаат гуруҳлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам мавжуд. Институтлашган ижтимоий гуруҳлар шаклини олган манфаат гуруҳлари турли мамлакатларда уларнинг тарихий тажриба ва анъаналаридан келиб чиқиб, турлича номларда аталади. Масалан, АҚШда манфаат гуруҳлари фуқаролик институтлари, кўнгиллилар ташкилоти, умумий манфаат, босим ўтказиш гуруҳлари деб аталса, ғарбда нодавлат нотижорат ташкилотлари, хайрия ташкилотлари, жамғармалар каби номлар билан аталади. Ўзбекистонда эса мустақилликнинг илк давридан бошлаб бу ташкилотлар жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар номи билан кенг оммалашди².

Қатор мамлакатларда мавжуд бўлган лоббизм институтини Ўзбекистонда ҳам шакллантириш масаласига ҳам тўхталиш лозим. Бунунги кунда республикада жамоатчилигида босим гуруҳларини ифодалайдиган “лобби” атамаси бироз салбий тушунча сифатида қабул қилинмоқда, унга парламентнинг самарали ишлашига тўсқинлик қилувчи институт сифатида қаралмоқда. Бироқ таниқли сиёсатшунос Г. Алмонтнинг фикрича, босим гуруҳлари ижтимоий манфаатларни намоён этишда муҳим рол ўйнайди. Шу билан улар сиёсий тизим ва жамият аъзолари ўртасидаги коммуникатив бўғин ҳисобланади³. Унинг бу фикрларини сиёсий тизимнинг мумтоз назарияси асосчиси Д. Истон ҳам такрорлайди. Унинг фикрича, босим гуруҳлари ва жамият манфаатларини ифодаловчи бошқа институтлашган уюшмалар жамият сиёсий эҳтиёжларини тайёр сиёсий талаб шаклига айлантирувчи оралиқ мавқеъни эгаллайдилар⁴. Тарихий тараққиёт натижасида шу нарса аён бўлдики, у ёки бу сиёсий қарор – қонуннинг қабул қилиниши ёхуд қабул қилинмаслигидан манфаатдор бўлган сиёсий кучлар ҳамisha мавжуд бўлади. Бу кучлар доимо сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига ўз

¹ Козырев Г.И. Политическая конфликтология: учебное пособие. – М.: Форум, – С. 432.

² Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма /А. Жалилов, У. Муҳаммадиев, Қ. Жўраев ва бошқ. – Тошкент, 2015. 96-106 б.

³ Лавриенка В. Н. Политология. – М., 1999. – С.192.

⁴ Истон Д. Политическая система. 1953. – С. 55.

таъсирини ўтказишга ҳаракат қилади. Лоббизм эса бу ҳаракатларнинг энг кўп тарқалган усули бўлиб, унинг мавжудлиги турли ноқонуний йўллар билан парламент фаолиятига таъсир ўтказишнинг олдини олади. Бу каби ҳолатларни олдини олиш мақсадида, АҚШ 1946 йилда лоббизм фаолиятини тартибга солувчи биринчи қонуни қабул қилганлигини кўришимиз мумкин.

Биз эса, босим гуруҳларига нисбатан қарашлар жамиятдаги мавжуд ҳолат ва вазиятдан келиб чиқиб ёндашишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки, жамиятдаги фуқаролик институтлари ёки бошқа ижтимоий гуруҳлар, уларнинг аъзолари ёки барча фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва ижтимоий фаоллиги юқори даражада эмаслиги, бу босим гуруҳларининг “умумманфаатлар” ниқоби остида жонланишига олиб келади. “Агар жамиятдаги фуқароларнинг онги ва фаоллиги пишиб етилса, албатта, улар ушбу “оралиқ бўғин”дан самарали фойдаланиш орқали манфаатли қарорлар қабул қилинишига эришадилар. Бу уларга нисбатан бўлган салбий ёндашувнинг юмшашига олиб келиши табиий”¹.

Демак, Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида профессионал асосда сиёсий қарорлар ишлаб чиқишда лоббизм институтига ҳам алоҳида эътибор беришни талаб этади. Яъни, амалиётда лоббизм институтига эҳтиёж туғиладиган бўлса, унинг фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ишлаб чиқиш лозим бўлади. Чунки, лоббизмнинг қонуний асослари яратилмаса, у яширин ҳолда фаолият кўрсатиши, айрим тор гуруҳлар манфаатларига хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун давлат ҳокимиятида сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларига таъсир этувчи турли ташқи кучлар (лоббистлар, босим гуруҳлари, манфаат гуруҳлари)нинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш, уларнинг фаолиятини тартибга солишга алоҳида аҳамият қаратиш лозим.

Зеро, давлат бошқарув соҳасида қарорлар қабул қилиш жараёнига манфаат гуруҳлари ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар таъсирини қонуний тартибга солиш, самарали қарорлар қабул қилинишига эришиш жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминловчи асосий омиллардан биридир.

¹ Кудратхўжаев Ш.Т. Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истикболлари. – Т.: Шарқ, 2007. 118-119 б.

3.5. Жамоатчилик назорати орқали давлат бошқаруви қарорлари ижросини таъминлаш

Мамлакатимизда сўнгги йилларда турли соҳаларда улкан ютуқлар ва марраларга эришилмоқда. Бунда албатта, ўз вақтида тўғри қабул қилинган тараққиётнинг “*Ўзбек модели*” муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ўзимизга хос ва мос тараққиёт йўлидан собитқадамлик билан борар эканмиз, давлат ва жамиятнинг эҳтиёжларини ўз вақтида “қондириш”га қаратилган давлат бошқарув қарорларининг сифати, унинг тезкорлиги ва самарали эканлигига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. “Халқимиз манфаати, унинг эртанги тақдирига дахлдор бўлган ҳар қандай қарорни қабул қилишда етти ўлчаб, бир кесишимиз зарур”¹. Бунда сиёсий қарорларни қабул қилишдан тортиб токи уни ижро этилишигача бўлган барча жараёнларда айнан кенг жамоатчиликнинг иштирок этиши муҳим омил ҳисобланади. Бу борада мамлакатимиз биринчи Президенти И. Каримов шундай таъкидлайди: “Шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ”².

Дарҳақиқат, давлатимизнинг биринчи раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш Концепциясида ҳам “*Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари*” принципини изчил амалга ошириш ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришдаги ролини кучайтиришнинг асосий вазифалари кўрсатиб берилган. “Ҳеч шубҳасиз, депутатлар корпуси, сиёсий партиялар ва нодавлат, ноҳукумат жамоат ташкилотларининг жамиятда обрў - эътибори ортиб бориши, мавқеи мустаҳкамланиши билан улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг асосий воситасига айланади”³. Буни биргина Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

¹ Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2015. 210- б.

² Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. 17- б.

³ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 182- б.

қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузасида ҳам кўриш мумкин. Ушбу маърузада қарорларнинг асосий кўринишларидан бири бўлган қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмлари ҳар томонлама ёритиб берилган. Бу борада қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, қарорлар ва қонунларни ижрочиларга етказишни аниқ тартибга соладиган махсус қонун ҳужжати қабул қилиш ва амалга ошириш кераклиги, энг муҳими, аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан кенг хабардор этиб бориш яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Давлат бошқаруви асосини қонунлар ташкил этар экан, қонун ижодкорлиги соҳасида фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этиши зарур. Шу муносабат билан бу борадаги ишларнинг очиқлигини таъминлаш, жамоатчиликни парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятидан ҳар томонлама хабардор қилиб бориш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади¹. Дарҳақиқат, қачонки кучли жамоатчилик назорати амалга оширилсагина қабул қилинаётган қарорлар ва қонунларнинг ижроси тўлиқ таъминланади.

Айнан шу мақсадда давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида кенг демократик ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, 2014 йилда қабул қилинган *“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”*ги қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини ошириш асосий вазифалардан бири этиб белгилаб қўйилди. Мазкур қарор ва норматив-ҳужжатлардан кенг жамоатчиликни хабардор этиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўзининг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни расмий нашрлар, раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг чиқишлари ва баёнотлари, ахборот хизматларининг хабарлари, расмий веб-сайтларининг ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг материаллари орқали етказадилар². Қонуннинг асосий вазифаси сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари, биринчи ўринда, аҳоли ва кенг жамоатчиликни Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2015 йил 23 январь // www.press-service.uz/uz/news/5084/

² “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Халқ сўзи, 2014 йил 6 май, 87-сон.

маҳаллий ҳокимликлар томонидан қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотдан кенг хабардор бўлиб боришини белгилаш назарда тутилди. Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини асосий тамойиллари бўлган ахборотнинг очиқлиги ва ошкоралиги, тезкорлиги ҳамда ҳаққонийлигидан келиб чиқиб, мазкур органлар фаолияти ҳақида жамоатчиликни атрофлича хабардор қилиб бориш, ахборотни ошкор қилиш тартиби ва манбаларини аниқ кўрсатиб қўйилганлиги муҳим аҳамият касб этди. “Чунки, демократик ҳамда очиқ жамиятда давлат бошқаруви аҳолининг бевосита ва билвосита иштирокида амалга оширилади. Зеро, шундагина фуқаролар мамлакатда қандай қарор ва дастурлар қабул қилинаётганини, уларнинг қай йўсинда бажарилаётганлигини, масъул ва мансабдор шахслар ўз вазифаларини нечоғли адо этаётганлигини очиқ-ойдин билиб бориши, керак бўлса, бу жараёнларга ўз муносабатларини билдириши мумкин бўлади”¹. Шундагина жамиятнинг барча бўғинларида демократик қадриятлар шаклланади ва ривож топади.

Фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлашда эса бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Самарали давлат бошқарув қарорларини қабул қилишда жамиятнинг барча бўғини хоҳиш-истакларини ўзида ифода этиши жуда муҳим. Қарорлар қабул қилишда давлатга қарашли бўлмаган, “учинчи сектор” вакилларида иборат турли жамоатчилик маслаҳат кенгашларининг кенг иштирок этиши унинг самарали ижро этилишига замин ҳозирлайди. Чунки, улар ўз фаолияти давомида бевосита ҳудудлардаги маҳаллий муаммо ва турли ижтимоий масалалар билан тўқнаш келадилар ва айни шу муҳитнинг ичида яшайдилар. Давлат органлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кенг жалб этилиши айнан “*Ижтимоий шериклик тўғрисида*”²ги қонун²да ўз аксини топган. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш,

¹ Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма/ А. Жалилов, У. Муҳаммадиев, Қ. Жўраев ва бошқ. – Тошкент, 2015. 197- б.

² “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014. –№39, – 488-модда.

гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш мақсадларига хизмат қилади¹. Ушбу қонун давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш борасидаги ҳамкорликларини қонуний тартибга солади. Масалан, унинг биргина 23-моддасини олиб кўрайлик, унда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз уставларига мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан давлат органларининг қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Улар қарорлар қабул қилишда ушбу нодавлат тузилмалардан таклифлар тўплашни амалга оширади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат органлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар (ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқалар)нинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ташаббуслар билан чиқишда, тегишли таклифлар ва лойиҳаларни тайёрлашда иштирок этишга, уларни кўриб чиқиш учун ваколатли давлат органларига киритишга, лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказишда, уларни амалга ошириш юзасидан давлат органларига таклифлар киритишга, уларнинг рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга, унинг яқунлари бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда уларни ваколатли давлат органларига киритишга ҳақли.

Мамлакатда демократик ўзгаришларни янада ривожлантиришга ҳамда бунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштирок этишига кўмаклашиш

¹ Ижтимоий шериклик ва давлат қарорларини қабул қилишда жамоатчилик иштироки масалалари бўйича халқаро тажриба / тузувчилар: Н. Боржели [ва бошқ.]; таржимонлар: Э.М. Эрназаров, О.О. Окюлов; Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази. – Тошкент: ART FLEX, 2012. 14-15 б.

мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва унинг маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси тузилди. Мазкур парламент комиссияси аниқ ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга қаратилган иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш дастурларини ишлаб чиқади; ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларда, демократик кадриятларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлашда иштирок этиши масалаларини муҳокама қилишга жамоатчиликни жалб этади; ўз мажлисларида молиялаштирилаётган дастурлар ҳамда лойиҳалар амалга оширилишининг бориши ва натижалари тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборотини эшитади; ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасини, жамоатчилик экспертизасини ташкил этишда давлат органларига ёрдам кўрсатади¹. Шу билан бир қаторда давлат органларининг ижтимоий шериклик соҳасидаги мажбуриятлари қаторига ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишининг бориши бўйича зарур ҳолларда жамоатчилик муҳокамасини ташкил этилиши белгиланди. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қабул қилинган дастур ва ҳужжатларни амалга оширишда самарали натижага эришишга доир таклифларини кўриб чиқиши шартлиги тўғрисидаги банднинг киритилиши давлат бошқаруви соҳасида самарадор қарорлар қабул қилишда демократик тамойилларга асосланишини ўзида намоён этди.

2015 йилда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг тезкор ва сифатли ижро этилишига хизмат қиладиган янги ҳуқуқий асос яратилди. Жумладан, “*Электрон ҳукумат тўғрисида*”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни² давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро

¹ “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 15-16 моддалар. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014. –№39, –488-модда.

² “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015. –№49, –611-модда.

интизомини кучайтиришда муҳим қонуний восита бўлди. Унда электрон ҳукумат фаолиятининг асосий принциплари, ушбу соҳадаги тегишли органларнинг ваколатлари, электрон давлат хизматларининг турлари ёритилди. Жумладан, ариза берувчининг электрон давлат хизматларини олиш чоғидаги ҳуқуқларига электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органларга ёки мансабдор шахсларга ёхуд судга белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқининг берилиши¹ қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини очиқ, ошкора усулда назорат этиш имконини берди.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда қабул қилинган қарорларнинг самарадорлигини таъминлашда унинг ижросини янада қатъий тартибда қайта кўриб чиқиб, такомиллаштиришни замоннинг ўзи талаб этмоқда. “Эътироф этиш керакки, бизда парламент назорати, жамоатчилик назорати, журналист текшируви каби демократик институтлар ҳали тўлиқ шаклланиб, ҳаётимиздан чуқур жой олгани йўқ”². Шу нуқтаи назардан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмининг яратишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш фурсати етди. Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур³. Бугунги кунда ана шу йўналишда кўплаб ишлар қилинмоқда, аммо даврнинг ўзи, янги конституциявий шароитлар бу борадаги ишларни ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган ҳуқуқий қонунчилик асосида ташкил этиш ва бажаришни тақозо этмоқда. ... *“Жамоатчилик назорати*

¹ “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 23-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015. –№49, – 611-модда.

² Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 49- б.

³ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

тўғрисида”ги қонуннинг тезроқ қабул қилиниши кўп жиҳатдан ана шу вазифаларни ҳал этиш имконини беради¹.

Хулоса қилиб айтганда, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши давлат бошқарув қарорларининг ижро этилиши устидан кучли жамоатчилик назоратини амалга оширишга хизмат қилади. Қолаверса, ушбу назоратни амалга оширишни тизимли ва ҳуқуқий тарзда тартибга солиб, давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлашда, белгиланган вазифаларни ижро этилишида масъулиятни янада оширади.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан борар эканмиз, унинг асосий шартларидан бири бўлган нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш даркор. Бу ўринда уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан давлат ва жамият куриш масалаларидаги ўзаро самарали алоқаларини амалга ошириш ҳамда қабул қилинган қарорларнинг ҳудудлардаги ижросини жамоатчилик назоратига олган ҳолда фаолиятини ҳуқуқий мустаҳкамлаш муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

3.6. Самарали қарор қабул қилиш жараёни ва унинг ижросини такомиллаштириш истиқболлари

Давлатимиз биринчи раҳбари демократиянинг даражасини белгиловчи мезонлар ичида халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигини, ҳукумат бошқарув соҳасидан халқ томонидан қанчалик назорат қилинишини, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишини алоҳида ажратиб кўрсатган эди. Демократиянинг қарор топтириш жараёни ҳақида шундай деган эди: “Биз адолатли, демократик жамият қурмоқчи эканмиз, бир ҳақиқатни асло ёддан чиқармайлик, тепадан туриб, махсус фармон ёки декрет билан жамиятда адолат ва демократияни ўрнатиб бўлмайди. Бу барчанинг бирдек иштироки, биринчи навбатда, пешқадам зиёлиларимиз, турли сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари намоёндаларининг, масъул хизматчиларимиз-

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. 2015 йил 5 декабрь //www.prezident.uz/uz/news/5214/

нинг ғайрати, жасорати, ақл-заковати билан рўёбга чиқадиган мураккаб ишдир”¹.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнида бевосита ёки билвосита кенг иштирок этиши мамлакатда фуқаролик жамияти қуришнинг асосий компонентларидан биридир. Шу боис, давлатимиз раҳбари фуқароларнинг сиёсий қарорларнинг бошқарув соҳасида қабул қилишдаги иштирокига алоҳида аҳамият бермоқда. Бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар таъминланмоқда. Давлат ҳокимияти органлари, жумладан, иқтисодиёт, банк-молия соҳаси идоралари, коммунал хизмат, ички ишлар, ташқи ишлар, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ тизимининг парламент ва маҳаллий кенгашларда ҳисобот ва ахборот бериш тартиби йўлга қўйилиб, халқ назорати амалда жорий этилмоқда².

Эндиликда фуқаролар ўзларининг сиёсий ирода ва манфаатларини ифодаладиган жамоат ташкилотлари фаолияти воситасида ёки бевосита сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этишлари мумкин. Жамиятнинг сиёсий ҳаётини эркинлаштириш қўйидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни амалга оширишга замин тайёрлайди:

фуқароларнинг қарорлар қабул қилишдаги иштироки уларнинг сиёсий-ижтимоий манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади, шунингдек, ҳар бир фуқаронинг ижтимоийлашув жараёни юз беради, яъни улар жамият ва давлат ишларига жалб этилади;

қарорлар қабул қилишда фаол сиёсий иштирок этиш. Бунда оддий фуқаролар манфаатлари ва интилишларининг ҳисобга олиниши уларга эркин инсоний қадр-қиммат туйғусини бағишлайди, фуқароларда сиёсий масъуллик руҳини шакллантиради;

фуқаролар манфаатларининг турли ҳил жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар воситасида ифодаланиши натижасида олган кўникишлари уларни янада фаоллаштиради, бу билан ўзаро манфаатлар келишуви оқибатида жамиятнинг барқарор бўлишига катта ҳисса қўшилади;

сиёсий иштирок ҳар бир фуқарони ўзлигини англашга, унинг жамиятдан ўзига муносиб ўрин эгаллашига шарт-шароитлар яратади. Ўз мамлакатига эгалик ҳиссини шакллантириб, миллий ифтихор

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 244- б.

² Мирзиёев Ш. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. 2017 й. 12 июль // www.uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017

туйғуларини гавдалантиради;

давлат ҳокимияти барча ижтимоий табақалар ва гуруҳлар манфаатларининг ўз сиёсий қарорларида ифодаланишига ва уларни ҳаётда амалга ошишига эришиш жараёни уни янада мустаҳкамлайди, қарорларни бажаришга доир тадбирларини жамият ҳеч бир зўриқишсиз ва ихтиёрий равишда қабул қилади ҳамда кўллаб-қувватлайди;

жамиятдаги кўпчилик фуқаролар иродасининг ифодаланишига шарт-шароитлар яратилади, жамият ва давлат ҳокимиятининг демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатишидаги асос мустаҳкамланади.

Натижада, жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар ва табақалар манфаатларини амалда ифода этиш орқали ҳамкорлик ва бирдамлик рўй беради, шу асосда ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири ҳаётда ўз ифодасини топади.

Маълумки, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги, аввало, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ижрочиларга, ҳуқуқий нормаларнинг субъектларга, шунингдек кенг аҳоли қатламига ва тадбиркорлик тузилмаларига ўз вақтида етказишни таъминлашга боғлиқ. Амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, қонун ҳужжатларини тарқатишнинг яхлит тизими шаклланмаган, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан расмий тарқатмаларни ижрочиларга етказишнинг, тушунтириш ишларини олиб боришнинг тартиби ва муддатлари ҳамда бу соҳадаги назорат тўлиқ ўрнатилмаган эди.

Фуқароларни ҳуқуқий хабардор қилиш асосан анъанавий оммавий ахборот воситалари орқали қоғоз кўринишида амалга оширилмоқда, бу эса ҳуқуқий ахборотнинг тўлиқлиги ва эркин фойдаланилишига, унинг ўз вақтида тарқатилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунда аҳолининг ижтимоий фаол қатламларининг ахборотга бўлган эҳтиёж ва сўровлари инобатга олинмаётган эди. Бу эса ўз навбатида мамлакатда олиб борилаётган ислохотларни амалга ошириш, жамиятда қонун устуворлиги ва қонунийлик тамойиллари самарадорлигига салбий таъсир қилмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, ижрочилар ва аҳолини қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлашнинг сифатини ошириш, ушбу соҳадаги ишларни ташкил

этишга принципал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадида 2017 йил 8 февраль куни “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори¹ қабул қилинди. Унда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ижрочиларга ўз вақтида етказишни таъминлаш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш, шунингдек тегишли қонун ҳужжатлари матнidan монеликсиз фойдаланиш имконини яратиш ўз таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хилда қўлланилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муҳим вазифалари этиб белгиланди. Шунингдек, 2017 йилнинг февралидан қуйидагича тартиб ўрнатилиб, унга кўра:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари матнларида тегишли қонунлар қабул қилингандан кейин унинг ижросини ташкил этиш, ижрочиларга етказиш ва аҳоли ўртасида моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришни ташкил этишга масъул бўлган аниқ давлат органлари, шу жумладан давлат бошқаруви органлари кўрсатилиши шарт;

ҳужжат назоратни амалга ошириш юклатилган масъул давлат органи ёки ташкилоти, шунингдек мансабдор шахслар томонидан имзолангандан кейин, уни ижро этиш, ижрочиларга етказиш ҳамда моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш юзасидан чора-тадбирлар режаси тасдиқланади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланган куни ахборот-таҳлилий материаллари билан бирга (норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг концепцияси баён этилган тушунтириш хати, ўзгартириш ва қўшимчалар тушунтирилган ҳолдаги таққослаш жадвали) қоғоз ва электрон шаклда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир кунлик муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва тегишли ахборот-таҳлилий материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича барча давлат органлари ва ташкилотларига электрон шаклда етказилишини таъминлайди;

¹ “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2761-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. –№6, – 76-модда.

давлат органлари ва ташкилотлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ахборот-таҳлилий материаллари асосида, қабул қилинган қонун ҳужжатларини ижрочиларга етказиш ҳамда моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини янада оширишга, қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида 2017 йил 4 апрель куни Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш ва унинг ҳудудий комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори¹ қабул қилинди. Унга мувофиқ, ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашнинг мақоми, асосий вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва жавобгарлиги ҳамда фаолиятини ташкил этишининг бошқа масалалари белгилаб қўйилди.

Мазкур қарорлар давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, шунингдек мамлакатда қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. “Зеро, ҳар бир фуқаро қабул қилаётган қарорларимиз реал фойда бераётганини сезиши керак”².

Ўзбекистон Республикасида қарорлар қабул қилиш жараёнини такомиллаштиришда хорижнинг бу борадаги тажрибасидан оқилона фойдаланиш ҳам муҳимдир. Хорижий мамлакатлар тажрибасида қарор қабул қилиш жараёни марказига инсон манфаати қўйилган бўлиб, қарор аниқ субъектларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган бўлади. Бунда қарор қабул қилиш жараёни оқилона мақсадларга эришишнинг энг мақбул воситаларини илгари суришга хизмат қилади. Шунингдек, қарор қабул қилиш жараёни вазиятга ҳам

¹ “Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш ва унинг ҳудудий комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. –№14, – 224-модда.

² Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб ва интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 20- б.

боғлиқ бўлиб, муайян муаммонинг ўзгаришига қараб уни ҳал қилиш воситалари ҳам ўзгариб боради.

Давлат бошқаруви соҳасида қарорлар қабул қилиш ниҳоятда муҳим бўлиб миллионлаб кишиларнинг тақдирига таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради. Чунки, давлат мамлакатнинг сиёсий йўналишини белгиловчи қарорлардан тортиб, то оддий фуқароларнинг мурожаатларига жавобан бўлган қарорлар қабул қилиш билан шуғулланади. Бу эса қарорларни қабул қилувчилар зиммасига улкан масъулият юклайди. Зеро, қарор қабул қилишда сиёсий кучлар нисбатини эътиборга олиш, миллатлар ва ижтимоий қатламларнинг манфаатларини уйғунлаштириш лозимдир. Бунда қарорнинг, аввало, жамиятга хизмат қилиши, фуқароларнинг манфаатларини ўзида ифода этиши ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Бунинг учун сиёсий ва бошқарув соҳасида қарор қабул қилиш жараёнида кенг халқ оммасининг иштирок этиши самарали натижани беради. Таъкидлаш жоизки, қарор қабул қилиш жараёнида нафақат шу соҳанинг мутасаддилари, балки жамоат ташкилотлари, оммавий уюшмаларнинг вакиллари ҳам иштирок этишлари зарур. Шундагина қарор қабул қилиш жараёни профессионаллар ва жамоатчилик ўртасидаги мулоқот шаклида амалга оширилади.

Қарорни қабул қилишда давлат бошқарувининг қонунийлиги, давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий замини бор-йўқлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тараққиётини таъминлашда самарали қарор қабул қилиш давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу жараёнда ҳукумат ижтимоий-сиёсий мақсадларни қадриятлар билан ҳуқуқий жиҳатдан уйғунлаштириши ҳамда барча ресурсларни самарали хўжалик юритишга сафарбар этиши зарур. Қонун, оқилона, самарадор ва маҳсулдор қарор қабул қилишда асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Бунда ҳар бир давлат оқилона мақсад ва вазифаларни белгилашга кам воситаларни сарфлаш эвазига юқори натижага эришишга интилади.

Маълумки, ўзини ўзи бошқариш институти ҳам қарор қабул қилиш жараёнига бевосита ўз таъсирини кўрсатади. Чунки, бу "...ўзини ўзи бошқариш функцияси орқали қабул қилинган қарор давлат аралашувини камайтиришга, айрим муаммоларни ҳал қилишда давлатнинг елкасидан соқит қилинишига, бу вазифаларни

турли жамоат бирлашмалари зиммасига юкланишига олиб келиши мумкин”¹.

Қарорларни қабул қилишда хавф-хатарларнинг олдини олишга ҳам эътибор қаратиш лозим. Зеро, хавф-хатар ижтимоий жараёнларни бошқариш билан боғлиқ ҳар қандай фаолиятга хос универсал хусусият ҳисобланади. Моҳиятан, субъектларнинг қўйилган мақсадлардан четлашиши, бошқарув тизими учун зарарли оқибатлар эҳтимолининг ўсиши, жамоатчиликнинг ҳукумат мақсадлари ва режаларини тушуниб етмаслиги ҳамда қарорларнинг пухта ўйланмаганлиги хавф-хатар омили ҳисобланади.

Хавф-хатарларни олдиндан кўра билиш қарорлар қабул қилиш жараёнидаги алоҳида фаолият бўлиб, унда мақсадларни рўёбга чиқаришга таъсир кўрсатувчи хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган технологиялар қўлланилади. Қарор қабул қилишда асосан, бошқарув тизимини хавф-хатарлардан сақлашга, кутилмаган узилишлар ва салбий ҳолатларнинг ҳамда бошқарувчиларнинг субъектив ҳатоларини олдини олишга эътибор қаратилади. Бунда мақсадга эришиш жараёнининг заиф жиҳатларини топишга, анча хавфсизроқ муқобилларни танлашга, оғир аҳволга тушиб қолишнинг олдини олишга, хавф-хатар қийматини аниқлашга, зарарни зудлик билан қоплаш имкониятларни топишга ҳаракат қилинади.

Қарор қабул қилишда нафақат хавф-хатарларни инобатга олиш, балки давлат учун инқирозли вазиятларнинг вужудга келишининг олдини олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Демак, давлат нафақат вужудга келган инқирозларга жавоб бериши, балки инқирозларни олдиндан кўра билиб, бундай жараёнларга доимо шай туриши лозим. Инқирозли вазиятларга тайёргарлик кўриш давлат бошқарувининг кадрлар захирасини, техник ва ахборот захираси тизимини яратишни тақозо этади. Чунки, бу захиралар асосий бошқарув марказлари ишдан чиққан вақтда қарор қабул қилиш вазифасини ўз зиммасига олади.

Шунингдек, қуйидаги омиллар қарор қабул қилиш жараёнининг самарадорлигини камайишига олиб келади: мавжуд вазият ҳақида тўла ва ишончли ахборотнинг камлиги, қарор қабул қилувчи шахснинг қадриятини, руҳий ва бошқа субъектив хусусиятларининг устун қўйилиши, қарор қабул қилиш учун вақт ва ресурсларнинг

¹ Умарова Н., Ислombeков У. Сиёсий технологиялар: ўқув қўлланма. – Т.: Академия, 2007. 51- б.

етишмаслиги, мавжуд вазиятнинг яхши ўрганилмаганлиги, ҳолатнинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларнинг аниқланмаганлиги, ташкилий тузилмаларнинг бошқарув соҳасида қарор қабул қилишга тайёр эмаслиги, бошқарув ва марказий аппаратнинг қўйилган мақсадларга нисбатан фақатгина расмий-бюрократик муносабатда бўлиши ва ҳоказо.

Юқорида келтириб ўтилган ҳолатларга нисбатан барҳам беришда бу жараёнга бошқарилувчиларни ҳам жалб қилиш, шунингдек, бунинг эвазига бошқарув доираси иштирокчиларининг сафини янада кенгайтириб, бошқарув соҳасининг халқчиллигини ошиб бориш жуда муҳимдир. Бунда қарор қабул қилган шахслар эмас, балки фуқаролар ва кўп сонли тузилмалар мазкур қарорни амалга оширишга бажонидил киришади. Асосийси, қарорнинг амалга оширилиши учун бошқарув марказини иложи борица жойларга яқинлаштириш, бошқарув тизимини номарказлаштириш (децентрелизация) ва шу билан бирга қуйи тузилмаларнинг мустақил ҳаракат қилишларини таъминлаш зарур.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалий рўёбга чиқариш доирасида қабул қилинган 20 дан ортиқ қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 180 дан ортиқ фармонлари ва 450 дан ортиқ қарорларида назарда тутилган чоратадбирларнинг сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш ҳозирги босқичда кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади¹.

Шу билан бирга, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишини ташкил этиш ва фаолиятини баҳолашнинг амалдаги тизими олдимизга қўйилган вазифаларни самарали ҳал қилишга имкон бермаяпти. Бунга қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

биринчидан, ижро этувчи ва вакиллик ҳокимияти марказий органларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг даражаси ҳудудларда ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича уйғун фаолиятни таъминламаётганлиги;

¹ <http://uza.uz/oz/documents/ududlarning-zhadal-izhtimoiy-i-tisodiy-rivozhlanishini-tamin-09-08-2017>

иккинчидан, ижро этувчи ва вакиллик ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ҳудудларга хизмат сафарларини самарали мувофиқлаштиришнинг мавжуд эмаслиги;

учинчидан, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнини баҳолаш амалиёти жойларда ишларнинг ҳақиқий аҳволини танқидий таҳлил қилишга асосланмаган, энг асосийси, эришилган иқтисодий кўрсаткичлар аҳолининг ҳаёт сифатига қай даражада ижобий таъсир этаётганлигига қатъий баҳо берилмаётгани;

тўртинчидан, энг устувор лойиҳаларни манзилли, ўз вақтида ва мутаносиб молиялаштириш таъминланмаётгани;

бешинчидан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим дастурларини амалга ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил этиш ўрнига аксарият ҳолларда кўплаб йиғилишлар ўтказилиб, уларнинг якуни бўйича чуқур ўйланмаган қарорлар қабул қилинмоқда.

Айни шу мақсадда, 2017 йил 8 август куни ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир қабул қилинаётган ҳужжатлар ва дастурларнинг, айниқса, қуйи поғонада сўзсиз амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори¹ қабул қилинди. Унга кўра қуйидаги янги тизим жорий этилди:

Жойларда ишларни самарали ташкил этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларга бўлинган мутлақо янги тизим жорий қилинди. Унга кўра, ҳудудлар ва туманлар (шаҳарлар)ни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ишини ташкил этиш “*маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика*” тамойилига кўра амалга оширилиши белгиланди. Ҳудудларда аниқланган муаммоларни ҳар томонлама чуқур таҳлил

¹“Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. –№32, – 802-модда.

қилиш ва умумлаштириш асосида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш, туманлар (шаҳарлар) халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида ҳисобот бериш тизимини жорий этиш, қабул қилинган қарорлар ижросини доимий назорат қилиш белгилаб қўйилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашлари мажлисларида ҳар чорақда секторлар раҳбарларининг ҳисоботлари ҳар бир ҳудудга бириктирилган масъул мансабдор шахслар, депутатлар ва сенаторлар иштирокида эшитилади. Мазкур ҳисоботларни эшитиш ҳудудларни ривожлантириш жараёнига таъсир кўрсатишнинг, шунингдек, секторлар раҳбарлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари мансабдор шахслари масъулиятини оширишнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Ҳукумат, республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари даражасида қарор қабул қилишни талаб этадиган аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тегишли тартибда ҳудудларга бириктирилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг асосий вазифалари ва функциялари этиб белгиланди. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини ўрганиш ҳудудларга бириктирилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан, қоида тариқасида, бир йўла комплекс ўрганиши ўтказиш орқали амалга ошириладиган бўлди.

Шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, ишбилармон доиралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари жалб қилиш орқали ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари бажарилиши мониторингининг очиқлиги ва холислигини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини назорат ва мониторинг қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш *Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини сарҳисоб қилишнинг*

янгиланган концепциясининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Мазкур қарор давлат бошқаруви органлари ишини ташкил этишнинг, энг аввало, ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек, муҳим давлат ва ҳудудий дастурларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига имкон берувчи замонавий янги тизимнинг жорий этилишини таъминлайди. Энг асосийси, қабул қилинган қарор мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросининг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Юқорида кўриб чиққанимиздек, ҳозирда сиёсий қарор моҳияти тўғрисида турлича фикрлар билдириб келинмоқда. Сиёсий қарор бу айнан сиёсий натижаларга эришиш мақсадида сиёсий ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд ҳеч бўлмаганда амалга ошириш мумкин бўлган икки сиёсий ҳаракатлардан бирини танлашдир. Бизнингча, сиёсий қарор бу ҳокимият амал қилиши билан боғлиқ вазифалар, босқичлар, воситаларни белгиловчи жараён бўлиб, сиёсий ҳокимиятни ижтимоий жараёнларни бошқаришга айлантириш технологияси ҳисобланади. Қарорлар техник, бошқарув, сиёсий ва ҳ.к бўлиши мумкин. Сиёсий ташкилотларни бошқаришда бошқарув ва сиёсий қарорлар биринчи даражали мазмунга эга.

Умуман олганда, сиёсий қарорлар қабул қилиш корпоратив секторда, оммавий муносабатларда ва давлат бошқарувида қабул қилинадиган қарор ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. Давлат бошқаруви соҳасида қарорлар қабул қилиш ниҳоятда муҳим бўлиб, у миллионлаб кишилар тақдирига таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради. Давлат бошқарувида ҳам бошқарув, ҳам сиёсий қарорлар қабул қилинади. *Бошқарув қарори* унинг якуний босқичидаги бошқарув жараёнининг йўналтирилган ифодаланиши ҳисобланади. У сиёсий ташкилотдаги бошқариладиган объектга ўзига хос бошқарув таъсир формуласи каби кўринади ва шу тариқа унинг ҳолатидаги ўзгаришларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳаракатларни белгилайди. *Сиёсий қарор* эса бошқарув қароридан сиёсий ташкилотда нафақат мазмуни билан, балки ҳал қилинувчи муаммоларнинг кенглиги билан ҳам фарқ қилади. Сиёсий қарор сиёсий жараённинг бир қисмидир. Бу жараён эса ўз ичига нафақат сиёсий ташкилотни бошқариш жараёнини, балки ундаги сиёсий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнини, сиёсий ахборот циркуляция жараёнини ҳам қамраб олади.

Давлат бошқарувида қарорлар қабул қилишда мақсадни белгилаш турлича мантиққа бўйсундирилади, турлича сабабларга асосланади. Давлат масъулияти доирасидаги ҳар қандай соҳада қабул қилинган қарорларда турли, баъзан бир-бирига зид ёндашувлар инобатга олинади. Бу давлат ва жамият ўртасида ўзига хос мувозанатни сақлашга, қабул қилинган қарорларнинг самаралилигини оширишга, бошқариш органларининг куч-қудрати ва касбий маҳоратини намоёни этишга хизмат қилади.

Парламент давлат ҳокимиятининг вакиллик ҳамда сиёсий қарор қабул қилувчи олий ҳокимият органи сифатида мамлакатлар ҳаётида муҳим ўрин тутди. У давлат ички ва ташқи сиёсатини белгилаш ҳамда амалга оширишда ҳокимиятнинг бошқа шахобчалари ва барча давлат идоралари, ижтимоий тузилмалар ҳуқуқий мақомини қабул қилган сиёсий қарорлари орқали белгилайди.

Бугунги кунда давлат бошқарувининг қуйи бўғинларида самарадор қарорлар қабул қилинишида вилоят, туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларининг ўрни ва роли ошиб бормоқда. Халқ депутатлари Кенгашларининг қарор билан ишлаш жараёнини қарор тайёрлаш, қабул қилиш ҳамда ижросини ташкил этишни тадқиқ этиш жуда муҳимдир. Шунингдек, маҳаллий ижроия органлари томонидан бошқарув қарори қабул қилинишида асосланганлик, аниқ ифодаланганлик, реал амалга ошувчанлик, ўз муддатида бўлишлик, тежамкорлик ҳамда натижалилик каби бир қатор талабларга жавоб бериши муҳим аҳамият касб этади.

Давлат ва жамиятни қурилиши тизимини ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда айти шу соҳадаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш ва уни юқори даражага олиб чиқиш, шунингдек қабул қилинаётган қарорларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклифларни билдирамыз:

Давлат бошқаруви соҳасида сиёсий қарорлар қабул қилиш, унинг самарадорлигини оширишга доир:

Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тўлиқ юридик кучга эга бўлган ҳужжат қабул қила олиши учун депутатларнинг муайян қисми мажлисда ҳозир бўлиши ва овоз беришда иштирок этиши талаб қилинади. Қонунлар, муҳокама қилинаётган масалалар “депутатлар (ёки сенаторлар) умумий сонининг кўпчилиги овози билан” қабул қилинади. Бу ерда мана шу “кўпчилик овоз” деган иборага аниқлик киритиш лозим. Зеро, парламентаризм тажрибасида бу борада аниқ мезонлар мавжуд. Жумладан, “нисбий кўпчилик” (*қонун лойиҳасининг у ёки бу вариантга афзаллик берилишини овоз бериш орқали аниқлаш*), “оддий кўпчилик” (*овоз беришда иштирок этган депутатлар овозларининг ярмидан кўпини олиниши*), “мутлақ кўпчилик” (*депутатлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан қонун қабул қилиниши*) ва “малакали кўпчилик” (*қонунни ёқлаб берилган овозларнинг кўп сони ёхуд камида 2/3 қисми*) тушунчалари қўлланилади. Фақатгина парламентда жиддий масалаларни ҳал этиш учунгина депутатлар ва сенаторлар *малакали кўпчилигининг* овози

зарур бўлади холос. Шундан келиб чиққан ҳолда биз, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасининг 2-қисми, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасининг 2-банди ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасининг 5-қисмларига аниқлик киритиш таклифини билдирамиз;

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунининг 6-модда 1-бандидаги *“йигирма беш ёшга тўлган”* деган жумланинг ўрнига *“ўттиз ёшга тўлган”* деган жумла билан ўзгартиришни таклиф этамиз;

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддаси 3-бандида *“Масъул қўмита қонун лойиҳаси бўйича барча фракциялардан (депутатлар гуруҳларидан) фикрлар ва таклифларни тўплаб, Қонунчилик палатаси Кенгашига қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида белгиланган муддатда хулоса тақдим этади”*- деб кўрсатиб ўтилган. Мазкур масъул қўмита ўз хулосасини Қонунчилик палатаси Кенгашига *“белгиланган муддатда”* тақдим этади деб ёзилган нормага аниқ бир муддатни киритиш таклифини билдирамиз.

Маҳаллий ижроия органларида самарадор қарорлар қабул қилинишини таъминлашга доир:

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунинг 24-моддасида, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳокимнинг ва қуйи Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келмайдиган қарорларини бекор қила олиши келтирилган. Бироқ, ушбу ҳужжатларни бекор қилиш тартиби, унинг механизмлари қонунчиликда ўз аксини топмаганини қайд этмоқчимиз. Яъни, ҳоким қарорларини бекор қилиш ташаббуси ким томонидан билдирилиши, қайси тартибда бекор қилиниши, уни бекор қилиш билан боғлиқ сессияда ким раислик қилиши каби масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш долзарб аҳамият касб этмоқда;

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 17 модда 5-қисми, 25¹-моддасининг 8-қисми ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламентининг 33-моддасига *“Халқ депутатлари Кенгашларининг сессияларида ҳокимнинг тегшли ҳудудни*

ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлари эшитилаётганда халқ депутатлари Кенгашининг сессияда қатнашаётган депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз бериб, маъқулласа қарор тасдиқланган деб ҳисоблансин. Тегшли маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарининг қониқарсиз фаолияти ҳақида хулосалар тегшлилиги бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига тақдим этилади.” - деган норма киритишни лозим деб ҳисоблаймиз;

Маҳаллий вакиллик органлари депутатларининг сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларидаги иштироки, уларнинг мамлакат сиёсий-иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳаётдаги мақомини янада ошириш мақсадида, биз давлат ҳокимиятининг қўйи бўғинида вакиллик ва ижро этувчи ҳокимиятлар тизимини алоҳида-алоҳида этиб шакллантириш, унинг қонунчилик асосларини ишлаб чиқишни йўлга қўйиш тақлифини билдирамыз;

Маҳаллий кенгашлар томонидан қабул қилинган сиёсий қарорларга ҳудудий бошқарув органлари раҳбар (ҳоким)лари томонидан вето қўйиш тартибини жорий этиш лозим. Бу эса ижроия ҳокимиятининг ҳудудий бошқарувдаги роли ва аҳамиятини, таъсирчанлик кучини сақлаб қолишда ҳам ресурс вазифасини ўтайди.

Маҳаллий вакиллик органлари ва партия гуруҳларининг қарорлар қабул қилишга оид фаолиятини янада такомиллаштиришга доир:

Партия электорати манфаатларини ҳимоя қила олишини таъминлаш мақсадида сиёсий партияларнинг маҳаллий кенгашлардаги демократик блоки, унга қарши муҳолиф партия гуруҳларини шакллантириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш лозим. Ўзаро мақсадга эришиш йўллари муштарак бўлган партияларнинг гуруҳлари ягона уюшмага (блокка) бирлашади. Бунда бошқа партия гуруҳлари билан ўз манфаат ва қарашлари юзасидан баҳс-мунозара ва тортишувлар олиб бориш орқали самарали қарорлар қабул қилинишига эришилади;

Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида партия гуруҳини шакллантириш учун белгиланган миқдордаги депутатларига ҳамда туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашига бўлган сайловда энг кўп депутатлик ўринларига эга бўлган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир нечта сиёсий партияларга туман, шаҳар ҳокими номзодини

тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимига тавсия этиш ҳуқуқининг берилиши мақсадга мувофиқдир;

Маҳаллий вакиллик органларида етарли миқдорда (камида беш нафар) ўрин эгаллай олмаган сиёсий партияларнинг кам сонли депутатларининг партия гуруҳларига уюшиши ёхуд мақсадга эришиш йўллари муштарак бўлган бошқа сиёсий партия гуруҳларига бирлашиши мумкинлиги каби масалаларнинг қонуний асосларини яратиш лозим деб ҳисоблаймиз;

Маҳаллий ижроия ҳокимиятининг тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги доимий вакили лавозимини жорий этиш лозим. Ушбу вакил сессия кун тартибига киритиладиган масалаларни тайёрлаш ишларини, сессиялар оралиғида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот тайёрлаш ва депутатларни ҳабардор қилиб бориш, қабул қилинган қарорларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб боришни ташкиллаштириш ҳамда Кенгаш доимий комиссиялари, партия гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш каби бугунги кунда ўз ечимини кутаётган вазифаларни амалга ошириш билан шуғилланади. Бундай тизим маҳаллий ижроия ва вакиллик оарганларининг ўзаро мунтазам алоқаларни мустаҳкамланишига, амалий вазифаларни ҳал этилишига муҳим хизмат қилади;

Маҳаллий кенгашларнинг назорат фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида қатор бўшлиқлар мавжуд эканлигидан келиб чиқиб, “Вакиллик назорати тўғрисида”ги янги қонун ишлаб чиқишни лозим деб ҳисоблаймиз. Унда назорат олиб борувчи субъектлар (*халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгаши депутатлари, доимий комиссиялар, партия гуруҳлари*), унинг объектлари (*маҳаллий ижроия органлари раҳбарлари, унинг ўринбосарлари*), назорат шакллари (*тегишли тартибда ҳоким, молия бўлими раҳбари, солиқ бошқарма бошлиғи, прокуратура, ички ишлар бўлими бошлиқлари каби турли ташкилот ва муассаса раҳбарларининг долзарб масалалар юзасидан ҳисоботини эшитиш тартиби, муддатлари ва ҳоказо*), сўров юборувчи субъектлар (*маҳаллий кенгашда фаолият юритаётган партиянинг депутатлик гуруҳи сўрови ҳамда депутат сўровини алоҳида аниқ қилиб ёритиш ҳамда сўровни юборишнинг аниқ қонуний тартибини ишлаб чиқиш*), маҳаллий кенгаш текшируви (*тегишли ҳудуднинг энг муҳим манфаатларига дахлдор, унинг барқарор ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказувчи омилларни ўрганиш мақсадида кенгашдаги мавжуд доимий*

комиссиялар томонидан амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш) каби масалаларни ёритиш мақсадга мувофиқ.

Қарорлар қабул қилишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки ва жамоатчилик назоратини амалга оширилишини таъминлашга доир:

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Намунавий регламентига бир нечта қўшимча ва ўзгартишлар киритиш таклиф этилмоқда:

- Намунавий регламентнинг 3-моддаси, бешинчи қисми сифатида *“Халқ депутатлари Кенгашлари сессиялари, доимий комиссия мажлисларини ўтказиш санаси, вақти, жойи ва кун тартибидаги масалалар тўғрисида аҳоли олдиндан хабардор қилинади”* деган қўшимча киритиш лозим. Жамоатчилик фикри сессия муҳокамасига киритилаётган ҳар бир масала юзасидан ҳисобга олинади. Шу туфайли мазкур меъёр сессия муҳокамасига киритилаётган ҳар бир масалани тайёрлашда мажбурийлиги белгиланади;

- Регламентнинг 12-моддаси, учинчи қисми сифатида *“Сессия кун тартибидаги масалалар тўғрисидаги қарорлар лойиҳалари Кенгаш веб-саҳифасига қўйилади”* ҳамда тўртинчи қисм сифатида *“очиқ сессияларда ҳозир бўлиш хоҳиши бўлган шахсларга шароит ушбу Регламент билан таъминланади”* деган қўшимча киритиш лозим;

- Маҳаллий кенгашлар томонидан қабул қилинган қарорларни амалга ошириш механизмлари, қарорлар қабул қилиш жараёнлари: унга хос талаблар, ҳуқуқий экспертизаси, унинг қонунийлиги ва қонунга зид бўлган қарорларни бекор қилишга оид масалаларни ҳуқуқий асосда тартибга солиш;

- Маҳаллий кенгашлар фаолиятида очиқликни таъминлаш мақсадида қабул қилинган қарорларни расмий газеталар ва веб-сайтларида ёритиб боришга қаратилган нормаларни белгилаш зарур. Шунингдек, маҳаллий вакиллик органлари томонидан қабул қилинган қарорларни турли расмий интернет нашрлари (парламент, вилоят ҳокимликлари ва сиёсий партияларнинг расмий сайтлари)да алоҳида-алоҳида ёритмасдан, махсус интернет сайти (масалан, www.xdmk.uz) ташкил этиш лозим. Мазкур сайтда республикадаги барча маҳаллий кенгаш депутатларининг тегишли тартибда маълумотлари, қабул жадваллари, ўз сайловчилари билан мунтазам алоқа қилиб туриш учун махсус илова дастурлари мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳар бир сайловчига ўз депутати билан

бевосита онлайн тарзда тез ва қулай мулоқот қила олиш имкониятини беради;

Ўзбекистон Республикасида парламентнинг профессионал асосда сиёсий қарор-қонунлар ишлаб чиқишда лоббизм институтига ҳам аълоҳида эътибор беришни талаб этади. Яъни, амалиётда лоббизм институтига эҳтиёж туғиладиган бўлса, унинг фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ишлаб чиқиш лозим бўлади. Чунки лоббизмнинг қонуний асослари яратилмаса, у яширин ҳолда фаолият кўрсатиши, айрим тор гуруҳлар манфаатларига хизмат қилиши мумкин. Лоббизмнинг жамиятда мавжуд бўлиши ёки фаолият юритиши унга бўлган қонуний тартиб қоидаларнинг ишлаб чиқилишига боғлиқ. Агарки, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан нолегал лоббизмга қарши кураш олиб борилмаса, у жамиятни аста-секинлик билан емира бошлайди ҳамда ўз манфаатларига бўйсиндиради. Шунинг учун давлат ҳокимиятида сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларига таъсир этувчи турли ташқи кучлар (лоббистлар, босим гуруҳлари, манфаат гуруҳлари)нинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш, уларнинг фаолиятини тартибга солишга алоҳида аҳамият қаратиш лозимдир;

Қабул қилинаётган қарорларнинг самарадорлиги ошириш учун фақатгина давлат органлари, ташкилотлар, корхоналар иштирокида эмас, балки ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига доир қарорларнинг қабул қилиш жараёнига нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тегишли ҳудудий бўлинмалари, хусусий сектор вакиллари ҳамда бошқа фуқаролик жамиятни институтларини жалб қилган ҳолда қабул қилишнинг қонуний тартибини жорий этиш лозим. Бугунги кунга қадар маҳаллий кенгашларда тегишли масала юзасидан қарорлар қабул қилинаётганда айна шу соҳага дахлдор бўлган нодавлат, ноҳукумат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг мазкур сессияда иштирок этишининг аниқ ҳуқуқий асослари яратилмаган. Қолаверса, шундай турдаги қарорлар қабул қилишда нодавлат ташкилотларнинг иштироки ва таклифисиз бундай масалалар кўрилмаслиги, албатта уларнинг иштироки таъминланиши лозимлиги каби янги ҳуқуқий нормалар киритилиши керак.

Шундай қилиб, давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг ташкилий услублари асосан улар томонидан қонунлар, қарорлар, буйруқлар ва фармойишлар қабул қилганда кўринади. Улар қабул қилаётган қарорларнинг самарадорлиги уларни синчковлик билан

тайёрлашга ва тажрибада ишлаб чиқилган ва қонунчиликда кўрсатилган маълум талабларнинг бажарилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу сабабдан биз, қабул қилинаётган қарорларда қуйидагилар инобатга олиниши муҳим деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, халқ депутатлари кенгашининг ҳар бир қарори асосланган бўлиши лозим, яъни ишонарли ва етарли маълумотларга эга бўлиши керак;

иккинчидан, кенгаш ва ҳокимнинг қабул қиладиган ҳар бир қарори тежамкор бўлиши шарт;

учинчидан, қарор қонуний бўлиши керак, яъни у тегишли орган томонидан ваколати доирасида қабул қилинганлигини билдиради ва у ёки бу масаланинг қонун йўл қўйган воситалар билан ҳал қилинишини кўзда тутди;

тўртинчидан, кенгаш қарорлари уларнинг сессиялари ва мажлисларида етарли сондаги депутатлар қатнашганда, қарорлар овозга қўйилганда овозларни мўлжаллаган кўпчилиги билан қабул қилиниши, тўғри расмийлаштирилиши ва имзоланиши, ижрочиларга кўрсатилган муддатларда юборилиши лозим.

Мустақиллик даврида маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Уларнинг фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган ҳуқуқий база янада кенгайтирилди. Шунга қарамай, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг фаолиятида *муаммо* ва *камчиликлар* ҳам йўқ эмас. Жумладан:

1. Бугунги кунда сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг фаолиятини қониқарли аҳволда деб бўлмайди. Бу эса ўтказилаётган сессияларга депутатлар томонидан ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган масалаларнинг киритилиши ҳамда унинг ижросини амалга ошириш тўлиқ рўёбга чиқаётгани йўқ;

2. Партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари электорат манфаатларини ҳимоялашда қонунчиликда белгилаб қўйилган ҳуқуқий асослардан оқилона фойдалана олмаяптилар. Депутатларнинг ўз ваколатлари доирасида депутатлик назорати, жойларда ҳамда ҳудудий иқтисодий-ижтимоий ривожланиш дастурларининг бажарилиши юзасидан мониторинг ўтказиш ишлари ҳам сезиларли даражада эмас;

3. Айрим халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан депутатлик назоратини олиб бориш, қонун ҳужжатлари

ижросини таъминлашда мансабдор шахслар масъулиятини ошириш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш, доимий комиссиялар ишини кучайтириш ҳамда уларнинг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалаларига етарлича эътибор берилмаётир.

Бизнинг фикримизча, бу каби салбий ҳолатларга *қуйидаги омиллар сабаб* бўлиб келмоқда:

- маҳаллий вакиллик органлари депутатларининг малака ва ўқув-савияси етарли даражада эмаслиги;

- депутатларнинг ўзларига берилган қонуний ваколатларини тушуниб етмаганлиги ёхуд ундан тўла қонли фойдаланмаётганлиги;

- жойлардаги маҳаллий кенгаш депутатларининг айримлари бир вақтнинг ўзида ижроия ҳокимияти тизимида ҳам фаолият юритаётганлиги;

- шунингдек, депутатлар жойлардаги муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этиш бўйича сессияларнинг чақирилиши талаби билан чиқмаётгани, ташаббуснинг йўқлиги.

Маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳларининг роли ва масъулиятини ошириш борасидаги *тавсиялар*:

Ҳар чоракда ҳудудий партия Кенгашлари билан тегишли бўғиндаги депутатлик гуруҳларининг қўшма йиғилишларини ташкил этиш ва ушбу йиғилишларда ҳудудий партия Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари ва маҳаллий Кенгашдаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари ҳисоботини эшитиб бориш тизимини яратиш;

Маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари раҳбарини ислохотларнинг дастлабки босқичида доимий асосда ишлайдиган ҳолда Кенгаш раисининг ўринбосари этиб белгилаш лозим. Бу мавжуд тўртта сиёсий партиянинг мақсад ва вазифаларини маҳаллий кенгашларда амалга оширишда муҳим омил бўлади деб ҳисоблаймиз;

Депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш комиссиялари ва депутатлик гуруҳлари томонидан барча даражадаги партиядан сайланган депутатларни давлат Дастурларини амалга оширишда фаол иштирокини таъминлаш. Бунда қонунда кўзда тутилган депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга таъсир кўрсатиш шаклларидан фойдаланган ҳолда Комиссия раислари ва депутатлик гуруҳлари раҳбарлари бевосита ҳар бир депутатга амалга ошириши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бериши ҳамда ойда

камида бир марта ҳисоботларини эшитиб бориш тизимини йўлга қўйиш;

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва улар ҳузуридаги доимий Комиссияларнинг йиғилишларига тайёрланадиган ҳужжатларнинг сифатини ошириш. Яъни, йиғилишларда кўриладиган масалалар юзасидан саволнома тузиш, депутатлар ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳини ташкил этиш, масалани жойида чуқур ўрганиш, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимига қаратилган таклифларни ишлаб чиққан ҳолда таҳлилий маълумотномалар тайёрлаш;

Депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш комиссиялари ва гуруҳлари томонидан қабул қилинган қарорларда ҳаётий, аниқ топшириқ ва вазифаларни ҳамда унинг муддатларини белгилаш, шунингдек, белгиланган иш режага мувофиқ фаолият юритилишини таъминлаш;

Депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш комиссиялари ва депутатлик гуруҳлари томонидан ўзлари қабул қилган қарорларнинг ижросини назоратини йўлга қўйиш, яъни қарорлар мониторингини юритиш, қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан партия фаоллари масъуллигини ошириш.

Қисқа қилиб айтганда, қарор қабул қилиш жараёни уни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, ижро этиш ва бажарилишини назорат қилишдан иборат узлуксиз жараён эканлигини кўрсатади. Айнан қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш уларни ижтимоий заруратга қараб такомиллаштириб бориш мазкур жараённинг узлуксизлигини таъминлайди. Иккинчидан, қарорлар қабул қилишнинг оммавийлиги мазкур жараёнга фуқаролар, шунингдек бошқа фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилишни тақозо қилади.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишдаги иштирокини ошириш учун нима қилишимиз, диққат-эътиборимиз, имкониятларимизни нималарга қаратишимиз керак?

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, *энг аввало*, фуқаролик институтларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонун асосида яшашини таъминлашимиз зарур. *Иккинчидан*, мазкур институтлар фаоллигини замон талаблари даражасига кўтариш лозим. *Учинчидан*, сиёсий маданиятни юксалтириш керак. *Тўртинчидан*, фуқаролик институтларини ривожлантиришдан мақсад – жамият аъзоларининг

манфаатлари мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилишдан иборатдир.

Демак, фуқаролик институтларининг қарорлар қабул қилинаётган жараёндаги иштирокида кенг имкониятлар эмас, уларнинг тажрибаси асосида ҳаётий омилларни инобатга олган ҳолда қарорлар қабул қилиши кўпроқ самара беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб ва интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббусқори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан 2017 йил 12 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси // uza.uz/oz/politics

2. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг асарлари

6. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б. 16.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – Б. 63.

8. Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – Б. 26.

9. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 58.

10. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 86.

11. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т., 1996. – Б. 177.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 181.
13. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 426 б.
14. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 333.
15. Каримов И.А. Адолатли жамият сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 29.
16. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 134.
17. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаги маърузаси //Халқ сўзи, 2000 йил 24 январь.
18. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 22.
19. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 17.
20. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 181-182.
21. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – Б. 125.
22. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси //Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
23. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси //Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.
24. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 11.
25. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси// www.press-service.uz
26. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 210.

3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2015. – 76 б.

2. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2015. –№23, – 301-модда.

3. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012. –№12, – 331-модда.

4. “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. –№2, – 36-модда.

5. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001. –№1, – 18-модда.

6. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005. –№3-4, – 20-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 154–II-сонли Қарори.

8. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007. –№4, –161-модда.

9. “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПК – 24-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005. –№1, – 203 - модда.

10. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2003. –№9-10, –136-модда.

11. “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш

тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2006. – №10, – 537-модда.

12. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2003. – №9-10. –137-модда.

13. “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006. –№39, – 389-модда.

14. “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008. –№52, – 510-модда.

15. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014. –№19, – 209-модда.

16. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014. –№39, – 488-модда.

17. “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015. –№49, – 611-модда.

18. “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016. –№15, – 141-модда.

19. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. –№6, – 70-модда.

20. “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. –№6, – 76-модда.

21. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва кўшимча киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. –№14, – 213-модда.

22. “Ҳукукий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш ва унинг ҳудудий комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. –№14, – 224-модда.

23. “Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. –№30-сон, – 722-модда.

24. “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. –№32, – 802-модда.

25. “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. –№37, – 979-модда.

26. Закон Республики Молдова “О прозрачности принятия решений” № 239-XVI от 13.11.2008 г. // Мониторул Официал № 215-217/798 от 05.12.2008 г.

27. Проект закона Кыргызской Республики “О прозрачности принятия решений” // <http://209.85.229.132: www.kenesh.kg>.

4. Махсус адабиётлар

1. Акофф Р. Искусство принятия решений. – М., 1982.

2. Артемов Г. П. Политическая социология: Учебное пособие. – М.: Логос, 2002. – С. 215.

3. Венделин А. Подготовка и принятие управленческого решения. – М.: Экономика, 1977. – С. 49.

4. Гаджиев К. С. Политическая наука: Учебное пособие. – 2-е. – М.: Международные отношения, 1995. – С. 47-150.

5. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислохоти: тажриба ва муаммолар. – Т.: Ўзбекистон, 1994.

6. Евланов Л. Теория и практика принятия решений. – М., 1984.

7. Жалилов Ш.И., Хамроев И.О. Ўзбекистон Республикасининг парламент ҳуқуқи. – Т.: ЎзМУ, 2005.
8. Замонавий сиёсатшунослик: назария ва амалиёт (ўқув қўлланма). ЖИДУ тинчлик таълими ва маданиятлараро ҳамжиҳатлик маркази. – Т., 2008. – Б. 67-68.
9. Игнатов В. Основы теории государственного управления. – М.: Тесса, 2000.
10. Ижтимоий шериклик ва давлат қарорларини қабул қилишда жамоатчилик иштироки масалалари бўйича халқаро тажриба / тузувчилар: Н. Боржели ва бошқ.; таржимонлар: Э.М. Эрназаров, О.О. Окюлов; Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази. – Тошкент: ART FLEX, 2012. – Б. 14-15.
11. Истон Д. Политическая система. 1953. – С. 55.
12. Клементевич Т. Процесс принятия политических решений // Элементы теории политики. Р-Д., 1991. – С. 385-389.
13. Козырев Г.И. Политическая конфликтология: учебное пособие. – М.: Форум, 1999. – С. 432.
14. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар ва маданиятлар. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 30-38.
15. Қудратхўжаев Ш. Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истикболлари. – Т.: Шарқ, 2007. – Б. 118-119.
16. Лавриенка В. Политология. – М., 1999. – С. 192.
17. Ларичев О. Теория и методы принятия решений. – М., 2000. – С. 56.
18. Латфуллин Г., Новичков Н.В. Политическая организация: Учебное пособие. – Спб.: Питер, 2007. – С. 214-22.
19. Лобанов В. Государственное управление и общественная политика: Учебное пособие. – Спб.: Питер, 2004. – С. 144-160.
20. Малков Е., Сучков Е. Политические технологии. – М.: Русская панорама, 2006. – С. 458.
21. Марченко М. Политология. Курс лекций. Н.. Изд.3-е, перераб. и доп. – М.: Издательство Зерцало, 2000. – С. 333-340.
22. Мескон М., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. – М.: Дело, 1992. – С. 38.
23. Навоий А. Маҳбуб-ул-қулуб // Мукамал асарлар тўплами. 14-жилд. – Т., 1998. – Б.12.

24. Немов Р. С. Психология. Книга 1. Общие основы психологии. – М.: Владос, 1998. – С. 394.
25. Одиrqориев Х. Т. Икки палатали парламент шароитида қонунчилик жараёни. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2005. – Б. 33.
26. Панкетт Л., Хейли Г. Выработка и принятие управленческих решений. – М., 1984.
27. Пугачев В., Соловьев А. Введение в политология. – М.: Аспект пресс, 2000. – С. 394-404.
28. Рейльян П. Аналитическая основа принятия управленческих решений. – М.: Прогресс, 1979. – С. 116.
29. Самыгин С. И., Столяренко Д. Д. Психология управления. Ростов-на-Дону. Феникс, 1997.
30. Сиёсатнома (Сияр ул-мулук) / Низомулмулк. Масъул муҳаррир Шариф Холмурод. Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳид, Афтондил Эркинов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б. 117-118.
31. Симонов К. Политический анализ: Учебное пособие. – М.: Логос, 2002. – С. 360.
32. Смирнов Э. А. Управленческие решения. – М.: Инфра, 2001. – С. 106-108.
33. Соловёв А. Политология, политическая теория, политические технологии. – М.: Аспект Пресс, 2001. – С. 559
34. Соловьев А. Политология: Политическая теория и политические технологии: учебник для студентов вузов. – М.: Аспект Пресс, 2000. – С. 432.
35. Соловьев А. Принятие государственных решений. – М., 2006. – С. 89.
36. Спицнадель В. Теория и практика принятия оптимальных решений. – Санкт-Петербург, 2002.
37. Темур тузуклари. Форсча матндан Алихонтўра Соғуний ва Ҳабибулла Кароматов таржимаси. Изоҳлар Бўрибой Аҳмедов ва Ашраф Аҳмедов томонидан тайёрланган. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 14-16.
38. Тулаганов А. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. – Т.: ТДЮИ, 2006.
39. Туровский Р.Ф. Политическая регионалистика. – М.: Издательский дом ГУ ВШЭ, 2006. – С. 512.
40. Турунок С. Политический анализ: Курс лекций: Учеб. пособие. – М.: Дело, 2005. – С. 360.

41. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2010. – 281 б.

42. Умарова Н., Ислонбеков У. Сиёсий технологиялар: ўқув қўлланма. – Т.: Академия, 2007. – Б. 44-66.

43. Файзиев Ш. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий асослари (амалий қўлланма). – Т., 2008. – Б. 458.

44. Фозил одамлар шаҳри / Абу Наср Фаробий; 2-нашр. – Т.: Ўзбекистон миллий энсиклопедияси, 2012. – Б. 57-96.

45. Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма/ А. Жалилов, У. Муҳаммадиев, Қ. Жўраев ва бошқ. – Тошкент, 2015. – Б. 96-106.

46. Хансейкер Ф., Алессандра Э. Искусство управления людьми. – М.: Фаир-пресс, 2004. – С. 321.

47. Хейвуд Э. Политология: Учебник для студентов вузов / Пер. с англ. под ред. Г. Г. Водолазова, В.Ю. Вельского. – М.: Юнити-дана, 2005. – С. 489.

48. Хидиров С. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. (ўқув-услубий қўлланма). – Т.: ТДЮИ. 2006. – Б. 76.

49. Холов А. Х. Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг назарий концепциялари. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси, ЎЗР. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси. – Т.: Akademiya, 2013. – Б. 140-141.

50. Ҳусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимияти. – Т., 1996.

51. Ҳусанов О. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари. – Т.: Шарқ, 1996.

52. Чередниченко И. П., Тельных Н. В. Психология управления. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2004. – С. 165.

53. Шаран П. Сравнительная политология. Ч.2. – М., 1992. – С. 43-45.

54. Шарифхужаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. – Т.: Ўзбекистон, 2006.

55. Юсупова Г. Жабборов Х., Қосимова Х. Сиёсат назарияси. – Т.: ЎЗМУ, 2003.

56. Bondar A. Decyzje polityczne. Elementy teorii. – Warszawa, 1995. – P. 5.
57. Hague R., Harrop V. Comparative Government and Politics: An Intro-Auction. – London, 1987. – P. 14.
58. Jean-Luc Chabot. Introduction a la politique. Presses Universitaires de Paris, 1991. – P. 161.
59. Kindon J., Agendas W. Alternatives and Public Policies. – Michigan, 1984. – P. 83.
60. Orridge A. W. No on – decisions / Ed by A.W. Orridge. – London, 1980. – P. 32.
61. Ponton G., Gill P. Antrouction to Politics. – London, 1985. – P. 145.

5. Диссертация ва диссертация авторефератлари

1. Алимов Г. Теоретические проблемы совершенствования статуса и деятельности органов государственной власти в Республике Узбекистан: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Тошкент, 1997.
2. Бердикулов С. Ўзбекистонда кўппартиявийлик миллий моделининг фалсафий генезиси ва ривожланиш истиқболлари: Фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2016. – Б. 142.
3. Гуломова Р. Ўзбекистонда давлат бошқарув соҳасида сиёсий қарорлар қабул қилиш: тажриба ва амалиёт. Магис. акад. дар.... дисс. – Тошкент, 2011. – Б. 19-26.
4. Дадашева А. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг вужудга келиши ва ривожланиши (назария ва амалиёт): Юрид. фан. номз.... дис. автореф. – Тошкент: ЎЗМУ босмахонаси, 2008. – Б. 13-14.
5. Жалилов Ш. Реформа местных органов государственной власти в Узбекистане (1990-1994 гг): Юрид. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 1994.
6. Жўраев Б. Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришнинг ташкилий - ҳуқуқий жиҳатлари: Юрид. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 282 б.
7. Жўраев И. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий давлат органларининг аҳолини ҳуқуқий тарбия қилиш бўйича фаолияти: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1993.
8. Мусаева М. Жамиятни демократлаштиришда икки палатали парламентнинг аҳамияти: Сиёсий фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2003. – Б. 63-64.

9. Олламов Я. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият тизими (назарий-ҳуқуқий муаммолар): Юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент: ТДЮИ, 2001. – 151 б.

10. Тўрақулов М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимиятининг роли: Сиёсий фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006.

11. Хусанов О. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти асослари: ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар: Юрид. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 1995. – 278 б.

6. Даврий адабиётлар

1. XXI asr газетаси. 2009. – №50, 54.

2. Адолат газетаси. 2009. – №50, 53.

3. Аминов Ф., Жўрақулов Ф. Кенг жамоатчилик иштирокидаги чинакам халқ назорати. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобида жамоатчилик масалалари // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society, 2012. – №3. – Б. 4-6.

4. Бердиев С. XXI асрда ижтимоий-сиёсий жараёнлар (II қисм) // ЎЗМУ ёш олимлар илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: 2008.

5. Дадашева А. Мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг роли // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2010. – №4/1. – Б. 62.

6. Дегтярев А. Теория принятия политических решений в структуре социальных и управленческих дисциплин // Полис, 2002. – №2. – С. 48.

7. Инсон ва қонун газетаси, 2009. – №16.

8. Костюченко О.В. Политические сети как новая форма государственно-правового управления // Философия права, 2009. – №1. – С. 121.

9. Мақсудов Ж., Шомансурова Н. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришнинг асосий омиллари // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society, 2010. – №3. – Б. 22-26.

10. Масъулият ва дахлдорлик ҳисси // Халқ сўзи, 2011 йил 17 февраль.

11. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ролини ошириш – давр талаби // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати. 2011.
12. Маҳмудов А. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши регламентининг концепцияси // Жамият ва бошқарув, 2016. – № 4. – Б. 51.
13. Машкуров Ў., Абдурахмонов У. Туман газетасининг жамоатчи мухбири // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society, 2009. – №1. – Б. 33-35.
14. Миллий тикланиш газетаси. 2009. – №47-48, 51.
15. Михайлова О.В. Концепция “Governance”: политические сети в современном государственном управлении // Вестн. Моск. ун-та. Сер. 21. Управление (государство и общество). 2009. – №2. – С. 46.
16. Муратов С. Олий Мажлис Сенати ва сайлов қонунчилиги // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2008. – №3.
17. Муҳамедов Ў., Сайдуллаев Ш. Катта ижтимоий аҳамиятга молик қонун лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказишнинг асосий хусусиятлари // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society, 2012. – №3. – Б. 26-28.
18. Ризаев А. Общественность как активный субъект процессов принятия важнейших государственных решений. К постановке некоторых проблем // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society, 2013. – №1. – С. 64-66.
19. Рустамов Д. Қонунларнинг амал қилиш механизми // Фалсафа ва ҳуқуқ, махсус сон / 2009. – Б. 68-69.
20. Ташаббускорлик ва фидойилик // Халқ сўзи, 2011 йил 20 январь.
21. Ўзбекистон овози газетаси. 2009. – №139-140, 152-153.
22. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ этишининг ҳуқуқий асослари: давра суҳбати материаллари. – Т.: Vaktria press, 2015. – Б. 96.
23. Устинович Е. С. Государственные информационные услуги. // Государство и право. 2008. – №10. – С. 87.
24. Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society. – Тошкент, 2006. – №4. – Б. 4-5.
25. Халқ сўзи. 2010. – №2,8,16. – Б. 1-2.
26. Хотамов У. Статус депутата и механизм его отзыва: важнейшие элементы представительной системы Узбекистана // Право. 2004. – №4. – С. 34.

27. Черниловский З.М. Правовое государство исторический опыт // Советское государство и право. 1989. –№4. – Б. 54.

28. Bevir M., Rodes R.A.W., Weller P. Tradition of Governance: Interpreting the Changing Role of Public Sector // Public Administration. 2003. Vol. 81. –№1. – pp. 1-17.

29. Bruce L. Smith. Politiques publiques et participation publique : Engagement des citoyens et des collectivités dans l'élaboration des politiques publiques, Santé Canada, 2003; Elaboration, optimisation et évaluation de politiques publiques // www.orga.setec.fr/index.

30. Impliquer les citoyens : L'information, la consultation et la participation du public en prise de décision // Note de synthèse sur la gestion publique.

31. Osborn D., Gaebler T. Reinventing Government: How the Entrepreneurial Spirit Is Transforming the Public Sector. Reading (MA), 1992.

7. Статистик тўпламлар, луғатлар, аналитик маълумотлар

1. Элементы теории политики. Ростов-на-Дону.: Ростовского университета, 1991.

2. Политический словарь. В двух ч.2. – М.: РАУ, 1994.

3. Мустафоев Б. Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. – Т.: Ўзбекистон, 2006.

4. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этишнинг айрим жиҳатлари бўйича услубий тавсиялар. Амалий қўлланма. Муаллифлар: Ф.В. Ким, Б.Ф. Хасанов – Тошкент: 2012. – Б. 54-55.

5. Siegel A.B. Information, analysis, intelligence: a critical challenge for 21st century operations //www.capitol.northgrum.com.

8. Интернет манбалари

1. <http://www.press-service.uz>

2. <http://www.senat.uz>

3. <http://www.parliament.gov.uz>

4. <http://www.gov.uz>

5. <http://www.eco.uz>

6. <http://www.minjust.uz>

7. <http://www.uza.uz>

8. <http://www.lex.uz>

9. <http://www.uzbekistonovozi.uz>
10. <http://www.uzvip.uz>
11. <http://www.aim.uz>
12. <http://www.politnauka.org>
13. [http:// www.politics.ellib.org.ua](http://www.politics.ellib.org.ua)
14. <http://www.orga.setec.fr>
15. <http://www.capitol.northgrum.com>

67.4(5Ў) Давлат бошқарувида
сиёсий қарорлар қабул
қилиш: назария ва
амалиёт. Монография.
/Исабаев М.Б. – Т.:
Иқтисодиёт дунёси,
2018. – 212 б.

Исабаев М.Б.
ISBN: 978-9943-5223-1-2

УЎК: 342(575.1)
КБК: 67.4(5Ў)

МАҚСАД ИСАБАЕВ

**Давлат бошқарувида сиёсий қарорлар қабул қилиш:
назария ва амалиёт**

Монография

“Иқтисодиёт дунёси” – 2018.

Муҳаррир
Мирҳидоятова Д.М.

Мусаҳҳиҳ
Мирҳидоятова Д.М.

Лицензия АІ №319 26.01.2018 й. Теришга берилди 26.04.2018. Босишга рухсат этилди 20.06.2018. Қоғоз бичими 60x80 1/16. Times гарнитураси. Офсет босма. Офсет қоғози. Шартли босма табағи 13,7. Ҳисоб нашр варағи 13,2. Адади 100 нусха. 02- сонли буюртма.

“IMPRESS MEDIA” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди
Тошкент ш. Қушбеги кўчаси 6-уй